

АМИРСАИДХОН
УСМОНХЎЖАЕВ

ДИНИМИЗ
ФИДОЙИЛАРИ



“Аллоҳ фидойиларни суяди”. (5:13).

“Тошкент ислом университети”
нашириёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2011

86.42

У-73

Усмонхўжаев, Амирсанҷон

Динимиз фидойилари (Бобохоновлар судоласи) : [Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон. Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон. Шамсиiddинхон Бобохонов] / А. Усмонхўжаев; муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 368 б. – Б. ц.

ББК

86.42

Муҳаррир ва муқаддима муаллифи
Шайх Абдулазиз МАНСУР

Такризчилар:

Ақмал САЙДОВ, юридик фанлари доктори, профессор,
Нұймон РАҲИМЖКОНОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Маслаҳатчилар:

Сафияхон Бобохонова, Жамолиддинхон Бобохонов,
Шавкат Тўлаганов, Анвармирзо Ҳусанинов.

Китоб 1943–1989-йилларда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташкилотчилари ва раҳбарлари бўлган, беш республика муфтийлари – шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, Шамсиiddинхон Бобохоновнинг ёрқин хотираларига, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига багишланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2010 йил 12 октябрдаги 1715-раҳамли рухсатига биноан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-01-0

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
© Амирсанҷон Усмонхўжаев



Кимки бир хайрли ва савобли ишни бошлаб бериб,
жорий этилишига сабабчи бўлса, унинг савобини олиш
 билан биргага ўша ишни давом эттирганларнинг савобидан
ҳам ўз улушини олажак.

Ҳадиси шарифдан

* * *


Имон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи
фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳаққа боглашдир.

Баҳоуддин Нақшбанд

* * *

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Алишер Навоий





Бугунги кунда Ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиши ва интилиш кучайиб, унинг хайрикоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Халқимизнинг маънавиятини шакллантиришига, ҳар қайси инсоннинг Аллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиши, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўймайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас Ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиши, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириши, Ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этиши вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Ислом КАРИМОВ

МУҚАДДИМА

Ислом маърифатчилари сулоласидан XX асрда Бобохоновлар авлодидан етишиб чиқсан уч муфтийлар салкам ярим аср давомида (1943–1989) шафқатсиз даҳрийлик ва коммунистик мафкура ҳукм сурган бир мамлакатда мусулмонлар қалбида диний ҳис-туйғуларни үйготиш, исломий эътиқодни қайта тиклаш, имом-хатиб кадрларни тайёрлаш бўйича таълим-тарбия тизимини шакллантириш ишларининг бошида туришди. Муфтийларнинг ақа-заковати, узоқни кўра билиши туфайли собиқ Иттифоқнинг улкан ҳудудида Ислом дини тикланиши ва ривож топишининг истиқболли йўналиши белгиланди.



Муфтийлар фаолияти Ислом динининг тинчликсевар мөхияти ва ғояларини ҳамма жойда кенг тарғиб-ташвиқ этишга, қарор толтиришга, муқаддас исломий тамойилларни аса ҳолида хурофотдан тозалаб, қайта тиклашга, турли оқимларнинг ихтилофлари сабаб узоқ давр мобайнинда шаклланиб қолган ғоявий тарқоқликни йўқотишга, исломий эътиқод ҳақида чинакам тўғри билимларни ёйишга, жаҳолат, зўравонлик ва шафқатсизликнинг олдини олиш мақсадида одамларни ўзаро тинчлик ва муҳаббатга чакиришга қаратилди.

1945 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасасининг қайтадан тикланиши, 1971 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадининг очилиши, бу масканларда таълим-тарбиянинг ривожланиши Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний бошқармаси раислари шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, унинг ўғли шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, набираси доктор Шамсиiddинхон Бобохонов номлари билан боғлиқdir.

Собиқ совет давлати Ислом ташкилотларининг халқаро алоқалар бўлими раҳбари бўлиб 1962–1989-йилларда ишлаган муфтийлар Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсиiddинхон Бобохонов жаҳоннинг 80 мамлакатидаги диндошларимиз билан дўстона алоқаларни ўрнатишга муваффақ бўлишган.

Хозир Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари, жумладан, Россия, Ozарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги диний ташкилотларнинг раҳбарлари ўтган асрнинг 50–90-йиллари оралигида Бухородаги Мир Араб мадрасасида ёки Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида таълим-тарбия олишган.

Муфтий Бобохоновлар аҳли сунна ва жамоанинг ўрта ҳанафий йўналишини тўғри танлашгани даврлар ўтиши билан ҳам, уларнинг собиқ иттифоқдош республикалардаги издошлари эришган ютуқлар билан ҳам тасдиқланди. Уларда



ҳам мустақиллик туфайли мусулмонларнинг эмин-эркин яшашлари, ибодат қилишлари учун кенг имкониятлар очиди.

Ушбу китоб муаллифи Амирсаидхон Усмонхўжаев – Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон набираси, тарихий далиллар, ноёб хужжатлар асосида уч муфтий ҳёти ва фаодиятига оид гоҳ аянчли, гоҳ ёрқин воқеалар ҳақида ҳикоя қиласи, уларнинг шогирдлари, ҳамкаслари ва замондошларининг дил сўзларини келтиради, замоналар ва энг янги тарих асосида собиқ иттифоқдош республикалар мусулмон ҳалқлари тақдирни ҳақида сўз очади. Бу ҳалқларнинг умумий, бўлинмас тарихи бор, уларнинг маданият ва маънавият илдизлари умумий, диний таълим берган устозлари умумийдир.

Мазкур китоб нашри муфтий Бобохоновлар, уларнинг ҳамкаслари ва ҳамфирлари бошлиган хайрли ишларни давом эттираётган – Исломга хизмат қилаётган дўстааримизни илҳомлантиради, билимларини бойитади, деб умид қиласиз.

Мехрибон ва Раҳмали Аллоҳнинг ҳақ динига, ўз Ватанига хизмат қиласан XX аср Ислом қаҳрамонлари ҳёти ва тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмаслиги аниқ.

Ушбу китоб, шунингдек, исломий иlam масканларининг, гуманитар ўқув юртларининг талабалари, Исломнинг янги тарихи билан қизиқувчи эркин фикрли кишилар учун ҳам муҳим манба бўлади, иншааллоҳ.

Шайх Абдулазиз Мансур

1-БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЪТИҚОДНИНГ ЮКСАЛИШИДА РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН БАРАКОТАИ МУҲИТЛАР ЯРАТИЛИШИ

1.1. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар

Собиқ Иттифоқнинг 1991 йилда барбод бўлиши билан бирга коммунистик партия, унинг мафкураси ва даҳрийлик ҳам сувга чўккандек кўздан йўқолди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ўрнига 1992 йилда бешта – Мовароуннаҳр (кейинчалик Ўзбекистон), Тоҷикистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Туркманистон мусулмонлари диний бошқармалари ташкил этилди. Диний кадрлар тайёраш мактаби Ўзбекистон худудида қолди.


Ўтган йиллар мобайнида мустақил давлатларнинг динларга, жумладан, ислом динига муносабат борасидаги сиёсати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Ҳамдўстликка аъзо ҳар бир мамлакатда диндорларга кенг эркинлик берилади, диний китоб-журналлар кўп минг нусхаларда босиладиган бўлди, масжидлар сони кўпайди, янги диний ўқув юртлари очилади. Бу жараёнда имом-хатиблар, уларнинг ноиблари, муаззинлар, шунингдек, диний таълим муассасалари учун маҳсус тайёрланган ўқитувчи кадрлар етишмаслиги аниқ эди. Ёш мустақил давлатларда диний кадрлар тайёраш тизими noctorligi сабабли вақтинча бўшлиқ пайдо бўлди. Масжид, мадрасалар қуриш ва кадрлар тайёрлашда “ёрдам бериш истаклари”ни билдирган хорижлик “биродарлар” айни шувазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиши. Натижада динимизга ва мусулмонлар ҳаётига ҳалокатли фитна хавф солди. Ёрдам бериш баҳонаси билан четдан



келган “дўстларимиз” Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига сиёсий фитначилар, эътиқоди бузук адашган тоифалар кириб кела бошлишди. Шу муносабат билан ҳар бир республикада малакали диний кадрларни, аин хизматчиларини тайёрлаш энг долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Исломий ўқув юртларининг янги ўқув дастурлари тузилиб, тасдиқланди.

Ўзбекистондаги виждан эркинлиги ва диний ташкилотлардаги вазият хусусида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашуви чоғида Президент Ислом Каримов бундай деганлар: “Таассуфки, баъзан Ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки гаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда, Шу билан бирга, Ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар, аввало, муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса матьнавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чукур англаб олишимиз ва шундан хуроса чиқаришимиз зарур”.

2010 йил 31 августда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига багишланган тантанали маросимда Президент Ислом Каримов дедилар: – “Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўchoқларни аланга олдиришга ҳаракат қиласиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги иотинч ва таҳдикали замоннинг ўзи тақозо этмоқда”.






Мустақиллик йиллари Ўзбекистон халқи, улар қаторида мусулмонлар Юртбошимиз бошчилигида мураккаб ва таҳликали синовлардан, тўсиқ ва говлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмади, қийинчиликларга бардош бериб, оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, ўз танлаган йўлидан қайтмади, эзгу мақсадларига етиш учун қатъият ва матонат билан қадам кўйиб бормоқда.

Дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт модели асосида Ўзбекистонда ислом динини ривожланишининг шўролар даврида динимизга бўлган муносабатидан устуналиги

| | Шўролар даврида 1943–1991 й.й. | Мустақиллик йиллари 1991 йилдан кейин |
|---|--|--|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Дин ишлари бўйича Кўмита | Йўқ эди | 1992 йилда ташкил этildi |
| 2. Мусулмонларга кеиг эркинликлар берилди | “Виждан эркиналиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” собиқ Иттифоқ қонуни амалда тўлиқ ишламаган. | “Виждан эркиналиги ва диний ташкилотлар” Ўз.Р. қонуни, 1998 й. янги тахрири |
| 3. Масжидлар сони шулардан: очилган масжидлар сони | 84 40 (1948–1990-й.й.) | 2039 1955 |
| 4. Олий ислом ўкув юртлари талабалар сони | 1 16 | 1 150 |
| Ўзбекистон мусулмонлар идораси қошидаги Имом Бухорий номли Ислом институти (1971.) | | |
| 5. Ўрта маҳсус ислом билим юртлари талабалар сони шулардан: Тошкент, Бухоро, Китоб мадрасаларида аёл- қизлар сони | 1 (1945-й.) 20 Йўқ эди | 9 1150 225 |

(давоми кейинги бетда)



(давоми)

| | Шўролар даврида 1943-1991 й.й. | Мустақиллик йиллари 1991 йилдан кейин |
|---|--|--|
| 1 | 2 | 3 |
| 6. "Имом Бухорий халқаро маркази". Ҳар икки ойда 60та имом малақа оширади | Йўқ эди | 1 (2008 й. ташкил этилди) |
| 7. Ўкув юртларда "Диншунослиқ" фани киритилиши. | Йўқ эди | ислом ва гуманитар ўкув юртларда |
| 8. Миллӣ ва диний байрамлар ўтказилиши | Иш куни эди | дам олиш куни |
| 9. Жаҳон илм-фаенига ва исломнинг ривожига катта ҳисса кўшган одимларниң асарларини қайтадан чоп этилиши, номларини абадийлаштирилиши, янги мажмуналар барпо этилиши. | Пешку, Самарқанд, Тошкент | Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марғилон, Тошкент, Фарғона, Хива, Ургонч, Хартанг, Занги ота, Шаҳрисабз |
| 10. Умра ва Ҳаж сафарини адо этилиши | Йилига 4-5 киши | йилига беш минг кишидан зиёд |
| 11. Журнал чоп этилиши | Йилига 4 та сон "Совет шарқи мусулмонлари" | йилига 12 сон "Ҳидоят", ҳар сони 40минг нусхадан |
| 12. Газета чоп этилиши | Чоп этилмаган | йилига 52 сон "Ислом Нури", ҳар сони 12 минг нусхадан |
| 13. Музей ташкил этилиши | Йўқ эди | 2007 йилда "Ҳазрати Имом" мажмуасида "Куръон" музей очилди |
| 14. Обидаларни таъмирланиши, тикланиши | 5% | Республика бўйича тўлиқ таъмирланди |
| 15. Куръони карим маъноларининг ўзбек тилига таржима ва тафсири | Таъкидланган эди | етти марта кўп минг нусхада чоп этилди |

1.2. Маънавий мерос ва маданий бойликнинг қайта тикланиши

Ҳозир мустақил Ўзбекистонда ҳалқимизнинг бой маданий, маънавий-ахлоқий меросини эъзозлаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш масалаларига қанчалик катта эътибор берилётганига жаҳон жамоатчилиги гувоҳ бўлиб турибди. Хоссатан, ислом маданияти ва ҳалқимизнинг миллий қадриятлари ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аллома боболаримиз ҳаётини, бой илмий меросини ўрганиш, қадамжолари ва мақбараларини обод қилиш борасида жаҳоншумул ишлар амалга оширилди.

“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқ” – деганлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. Президентнинг ташаббуслари билан мустақиллик даврида ислом тамаддуни ёдгорликлари қайта тикланмоқда. Кўхна тарихий обидалар таъмирланди: **Тошкент шаҳрида** – Қаффол Шоший, Зайниддин Бобо ва Юнусхон мақбаралари; Бароқҳон, Абдулқосим, Шайх Хованди Тахур, Хўжа Аҳрор, Мўйи Муборак ва Кўкалдош мадрасалари; **Тошкент вилоятида** – Зангиота мемориал мажмуаси; **Самарқанд шаҳрида** – Гўри Амир, Рӯҳбод, Хўжа Дониёр ва Оқ Сарой мақбаралари; Темурийлар қабристони; Бибихоним ва Ҳазрати-Хизр масжидлари; Шердор, Тилла қори ва Улугбек мадрасалари; Ином ал-Бухорий, Шоҳи-Зинда ва Хўжа Аҳрор мемориаллари, Улугбек расадхонаси; **Бухоро шаҳрида** – Сомонийлар ва шайх Бохорзи мақбаралари; Чашма Аюб мажмуаси; Колон, Магоки-Атори, Номозгоҳ ва Болаҳовуз масжидлари; Вобкент ва Колон миноралари; Боҳоуддин Нақшбанд ва Фиждувон мемориаллари; Мир-Араб, Улугбек, Абдулазизхон, Чор-Минор, Нодира Девонбеги ва Кўкалдош мадрасалари; **Хива шаҳрида** – Арабхон ва Муҳаммад Амин-Иноқ, Муҳаммад Раҳимхан, Муҳаммад Аминхон ва Калта-Минор, Хуржум ва Оллоқулихон, Кутлуғмурод Иноқ

ва Абдуллахон мадрасалари; Сайд Алоуддин мақбараси; Оқ-Шайх-Бобо, Жума ва Оқ масжиidlари; Хива хонлари қабристони; Сайд-Бия, Полвон-Қори ва Исломхўжа мажмуалари; Шаҳрисабз шаҳрида – Амир Темур сағанаси; Кўк-Гумбаз, Ҳазрати Имом ва Малиё –Аждар масжиidlари; Дорус-Тиловат мадрасаси; Шамсиидин Кулол мақбараси; Гумбази Сайдон, Дорус – Саодат (Саодат уйи) ва Катта-Лангар мемориал мажмуалари.

1998 йили буюк олим, муҳаддис бобомиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги тантана билан кенг нишонланди. Шу санага багишааб халқаро симпозиум ўтказилди. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида Имом Бухорий мақбараси атрофида муҳташам меъморий мажмуя бунёд этилди.

Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига багишланган халқаро анжуман ҳам кенг қамровли тадбир сифатида тарихга муҳрланди.

Президентимиз Ислом Каримов: “Бизнинг асосий куч-куvvват манбайимиз миллӣ ва умуминсоний қадриятаарни, буюк аждодларимизнинг кўп асрлик маънавий меросини уйғун тарзда ўзлаштириш руҳида тарбияланган ёшлиаримиздир”, деб бежиз таъкидламади.

Ўзбекистон худудида яшаб ўтган буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом дини ва маданияти, жаҳон илми ва фани ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келганини бутун дунё жамоатчилиги, мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Ислом Конференцияси Ташкилотининг Тъълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб зълон қиласи, бухалқаро нуфузли Ислом ташкилотнинг эътирофи тасдигидир.

2010 йил 30 августда Юртбошимиз ташабbusи ва гояси асосида “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи




(баландлиги 18 метр) Бухорода қад рослади. Монумент марказида уч авлод – бахтиёр ёш оила – ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қиласиги лозим, фарзандлари келажаги ва эл-юртининг эртасини ўйламоги даркор. Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқдан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвиранганди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланганди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов монумент билан танишиб, “Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланганди бу гоялардан хуроса чиқаради. Бу гояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суюнамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қиувчи кучга айланганини кўрамиз,” – дедилар.

Мамлакатимизда миллий қадрияларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни, тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллатимизнинг бебаҳо маънавий бойликларини авлодларга етказишда исломнинг чинакам ҳазиналари – Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний,





Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Гиждувоний, Хўжа Ориф Ревгарий, Наршахий ва бошқа буюк аждодларимизнинг мустақиллик туфайли оламга қайтариб берилган меросини ўрганишнинг ўрни ва аҳамияти жуда улкандир.

1.3. “Ҳазрати Имом” маҳалласи – мусулмонларнинг диний-тарихий маркази

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган “Ҳазрати Имом” маҳалласи, бу ердаги тарихий ёдгорликлар шўролар даврида кўримсиз, бетартиб иморатлар билан ўралган, тор илонизи йўллар, берк кўчалар шаҳарсозликнинг замонавий талабларига жавоб бермас эди. Совет мафкурачилари қанақасига бўлмасин, ислом дини ёйилишига тўскенилик қилиш йўлларини қидиришарди. “Ҳазрати Имом” номи халқ ичида “Ҳастимом”га айланган бу маҳаллада меъморий ёдгорликлар ёнида турли йиллари маҳаллий маъмурлар қарори билан эски-туски буюмлар бозори, уй жиҳозлари ясаш цехлари очилган, ҳатто улкан кинотеатр курилган эди. Меъморий ёдгорликларни таъмирлап, атрофини ободоналаштиришга маҳаллий ҳокимият яхши эътибор бермас, диний бошқарма раҳбарларининг бу ишларни ташкил этиш бўйича таклиф ва ташаббуслари етарлича қўллаб-қувватланмас эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва кўрсатмаси билан 2006 йил ноябрда “Ҳазрати Имом” маҳалласини қайта қуриш ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларининг ялпи режаси белгиланди. 2007 йил 20 февралда Юртбошимизнинг “Ҳазрати Имом” (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бу хужжатда мажмуадаги тарихий ёдгорликларни асл ҳолидагидек қайта тиклаш, кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободоналаштириш ишларини бажариш, шунингдек, мажмуа инфраструктурасини намунали ҳолга келтириш асосий мақсад қилиб белгиланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон



хукумати 500 миллион сўм маблаг ажратди. Мажмуани миллий услубда кўзланган муддатларда қуриб битказиш учун энг моҳир, энг тажрибали усталар, техник ходимлар, боғбонлар жалб этилди.

Мисли кўрилмаган қисқа муддатда тарихий ёдгорликлар атрофида очилган 95 минг квадрат метр майдонда бетакрор “Ҳазрати Имом” меъморий мажмуаси барпо этилди. Бу ерда янги, бир вақтнинг ўзида 2500 киши намоз ўқий оладиган “Ҳазрати Имом” жомеъ масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қароргоҳи қурилди, “Мўйи муборак” мадрасаси биносида “Ҳазрати Усмон Мусҳафи” музей-кутубхонаси ташкил этилди, Ислом тамаддунигининг турии асрларга оид обидалари – “Бароқхон” мадрасаси, “Қафвол аш-Шоҳий” мақбараси, “Тилла Шайх” масжиди, “Намозгоҳ” масжиди жиҳдий қайта таъмирланди, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтининг янги биноси қуриб битказилди, бутун майдон ободоналаштирилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2007 йил “Ҳазрати Имом” мажмуасига икки марта ташриф буюрдилар: “Аждодларимиз қайси замонда бу иморатларни қандай тиклашган бўлса, худди ўшандай қилиб таъмирлашимиз, биттаям замонавий чизги қўшмаслигимиз керак! Бу улар хотирасига хурмат бўлади. Қолаверса, ёшларимиз, келажак авлодлар ўтган аждодларимиз санъати, маҳоратидан воқиф бўла олсин. Бу ерга узоқ-узоқлардан келадиган меҳмонлар, сайёҳлар ҳам аждодларимиз меъморлигининг ўзига хосликларини кўриш учунгина ташриф буоришади. Шуни унутмайлик!” деб уқтирилар.

Барпо әтилган “Ҳазрати Имом” меъморий мажмуада таъмирланган жами иншоотларни кўздан кечириб бўлгач Президент Ислом Каримов, – “Хўш, шундай гўзал бир мажмуани бунёд этдик, унга қанча-қанча кишиларнинг кўли тегди, пешона тери сингди. Аммо иш шу билан ниҳоясига етди, деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Энди унга қарашимиз ҳам керак. Кўз қорачигидек асраримиз ҳам зарур. Шу ҳақда



ҳам ўйламасак бўлмайди. Бунга бир зарур ҳайъат тузиб, қаровчилар тайинланглар”, дедилар.

Бугунги “Ҳазрати Имом” меъморий мажмуаси мисолида ишонч билан айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонда Ислом маданиятиning кўп асрлик гўзал анъаналари қайта тикланмоқда, бу ибратли жараён тўхтаб қолмай давом этишига имонимиз комил. Ушбу меъморий мажмуа мусулмонлар бутун Ислом оламидан зиёратига келадиган табаррук зиёратгоҳлар қаторидан муносиб ўрин олди. Жаҳоннинг минглаб шаҳарлари орасидан танлаб Тошкентга 2007 йили Ислом маданияти пойтахти мақоми берилгани бежиз эмас. Бугунги кунда бу табаррук мажмуа Ислом тамаддуни ривожида муносиб ўрин ва ҳиссаси бўлган мустақил Ватанимиз, заҳматкаш ҳалқимизнинг чинакам тимсоли бўлиб қолди.

Албатта, қадим Тошкент шарафини юксалтирадиган ярашикли жиҳатлардан бири, бу шаҳарда кўплаб буюк инсонлар, маданият ва мънавият ривожига бекиёс ҳисса қўшган алломалар туғилганидир. Ислом оламининг Абу Бакр Қаффол Шоший, Шайх Хованд Тахур, Шайх Зайниддин бобо, Хожа Аламбардор каби буюк алломалар, шунингдек, маърифатчилар сулоласининг уч авлоди вакиллари – ота, ўғиа, невара муфтийлар шаҳарнинг шу маҳалласида туғилиб, вояга етишиди.

Республикамизда йирик олимлар, дунёга таниқли дин арбобларининг туғилиши билан боғлиқ саналар умумхалқ орасида тантана билан муносиб нишонланмоқда. 2006 йили Ўрта Осиё миңтақаси мусулмонларининг биринчи муфтийи Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратнинг қизи Сафияхон Бобохонова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга мактуб билан мурожаат қилди ва республикада муқадас динимизга, меъморий ёдгорликларга муносабат соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар учун чукур тарихга эга бўлган авлод номидан миннатдорлик билдириди. Мактубда ислом маърифатчилари сулоласидан етишиб чикқан уч муфтийнинг





собиқ советлар даврида динимизни қайта тиклаш ишига қўшган ҳиссаси, уларнинг таваллуд кунлари ҳақида маълумот берилган, музей очилишига рухсат сўралган.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси имзолаб, 2006 йил 25 октябрда Эшон Бобохон қизлари Сафияхон ая номига йўллаган жавоб хатида Бобохоновлар суоласи муфтийларнинг муқаддас динимизга хизмати, Ўзбекистон равнақига ҳисса қўшишдаги фаолиятига юксак баҳо берилган. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига мазкур суолола тарихи ҳақида деворий тарғибот воситалари, муфтийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида музей учун маълумотлар тайёрлаш вазифаси топширилгани маълум қилинади.



2-БОБ. ИСЛОМНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ТАРҚАЛИШИ

2.1. Ислом тарғиботчилари

Аллоҳ таолонинг муқаддас Куръони каримни нозил қилиши, Ҳазрати Муҳаммаднинг (с. а. в.) пайғамбарликларининг бошланиши инсоният тарихида мисли кўрилмаган, миллионлаб одамларнинг дунёқарashi ва онгиди яхшилик сари буюк бурилиш ясаган, жаҳон тарихи ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатган воқеа бўлди.

Ислом дини тарихан жуда қисқа муддатларда бутун Ер юзига тарқала бошлади. Ҳижратнинг биринчи аср идаёқ, яъни милодий VII аср иккинчи ярмидаёқ Аллоҳнинг Сўзи Арабистон ярим оролидан, яъни Куръон инган тупроқлардан олис Ўрта Осиёгача етиб келди. Бизнинг бахтли отабоболаримиз бу Сўзни тинглаб, самимий қабул этишди. Самарқанд, Бухоро, Шош (Тошкент), Термиз, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Хоразм, Марв, Хўжанд, Ўзган, Исфижоб (Сайрам) ва бошқа ийрик шаҳарлари бор ушбу диёрда Ислом дини қарор топиши Саид ибн Усмон, Расулуллоҳнинг (с. а. в.) амакиваччалари – Кусам ибн Аббос ва бошқа саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) номлари билан чамбарчас боғлиқdir.

Халифа Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон бошқаруви даврида қўмондон Қутайба ибн Муслим Мовароуннахрга йўлланган, бу улкан ҳудудда Ислом дини ёйилган эди. Уни ўз ихтиёри билан қабул қилганлар солиқлардан озод этилганлар. Ҳижрий 95 (милодий 717) йили у Бухорода жомеъ масжид қурдиради. Дастлабки йиллари бу масжид мусулмонларнинг намоз ўқиш жойи бўлиши билан бирга маърифат ўчоги, Ислом даъвати маркази, мактаб-мадраса ҳам эди. Кейинги даврларда Ўрта Осиёнинг ийрик олимлари Ислом оламининг машҳур диний таълим ва маданият маркази ҳисобланган Бухорога сафар қилишни, бушаҳардаги



жомеъ масжидаар ёки кўплаб мадрасаларнинг бирида мударрис бўлишни шарафли иш, деб билишган.

Буюк имом Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс Кабир Бухорий, унинг шогирдлари Имом Бухорий ва Имом Термизий (Аллоҳ ҳаммаларини раҳматига олган бўлсин) раҳнамолигида Бухоро олимларининг ислом ахлоқи ва ақидаси теранликларини илмий-назарий жиҳатдан асослашга қўшган ҳиссалари ва Куръони каримни тафсирлашдаги илмий ишлари шундай улкан бўлдики, натижада бу шаҳар ҳақли равишда “Шарафли Бухоро” (Бухорои шариф) деган ном олди. “Ислом қуббаси” сифати билан сифатланадиган бўлди. Шарқнинг улуғ шоири Саъдий бу фикрни назмда жуда гўзал ифода қиласган:

*“Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуввати
Исломи дин аст”.*

*Маъноси: Самарқанд Ер юзининг сайқалидир, Бухоро Ислом
динининг қувватидир.*

Исломнинг тез суръатларда ёйилиши Мовароуннаҳр халқлари ҳаётини ўзгартириб юборди, уларнинг жаҳон тамаддуни ривожига ўз ҳиссаларини қўшишларига имкон яратди. Умуминсоний тараққиётнинг ажralmas қисми бўлган мусулмон маданияти ислом динига эътиқод қиласган жуда кўп халқларнинг даҳоси, саъй-ҳаракатлари билан шаклланди, ривож топди. Нисбатан жуда қисқа вақтда нафақат ислом аҳкомларига доир илмлар, балки мантиқ, грамматика, тарих, адабиёт, математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, жугрофия каби ижтимоий ва аниқ фанларнинг гуркираб ривожланиши кузатилди.

Инсоният билимлари ва маданияти тарихи зарварақларига мовароуннаҳрлик жуда кўплаб олим ва мутафаккирлар номининг олтин ҳарфлар билан ёзилишини насиб этган Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамиз:

- Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (740–803м.й.);
- Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс Кабир Бухорий (768–832м.й.);
- Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Марвазий (785–860 м.й.);



- Аҳмад ибн Ҳанбал Марвазий (786–863 м.й.);
– Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримиий-Самарқандий(803–877 й.);
– Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (774–856 м.й.);
– Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783–853м.й.);
– Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (831–901м.й.);
– Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғоний (вафоти 861м.й.);
– Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (вафоти 877м.й.);
– Абу Наср Форобий (878 м.иили тугиалган);
– Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий-Самарқандий (вафоти 955 м.й.);
– Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (вафоти 957м.й.);
– Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Қаффол Шоший (904–986 м.й.);
– Абу Райҳон Беруний (973–1048м.й.);
– Абу Али ибн Сино (980–1037м.й.);
– Абу Лайс Самарқандий (вафоти 1003 м.й.);
– Абул Аббос Мустағфирий Самарқандий (вафоти 1054 м.й.);
– Ҳожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141м.й.);
– Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1086 йили тугиалган);
– Нажмидин Абу Ҳафс ибн Умар ибн Муҳаммад Насафий (1082–1156м.й.);
– Бурҳонудин Али ибн Абу Бакр Марғиноний (1116–1196м.й.);
– Ҳожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил);
– Абдулхолиқ ибн Абдулжалил Гиждувоний (вафоти 1179м.й.);
– Юсуф ибн Муҳаммад ибн Абу Ёқуб Хоразмий Саккокий (1160–1229 м.й.);
– Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизий (вафоти 1300 м.й.);
– Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1384м.й.);
– Саъдулдин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (1319–1389м.й.);

- 
- Хожа Ахрор Валий Убайдуллоҳ Шоший (...);
 - Муҳаммад Тарагай Мирзо Улугбек (1394–1449 м.и.);
 - Алоуддин Али ибн Муҳаммад Күшчи Самарқандий (1404–1474 м.и.);
 - Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий (вафоти 701 м.и.);
 - Қозизода Румий (1360–1437 м.и.);
 - Ҳофиз Қўҳакий (1394–1444 м.и.);
 - Алмайӣ Мир Жалол ўғли мулла Фазлуллоҳ (1850–1895 м.и.);
 - Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон (1858–1957 м.и.);
 - Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон (1908–1982 м.и.).

Бу алломаларнинг барчаси Муқаддас Куръони карим ва Пайгамбаримиз (с. а. в.) сунналарининг йирик билимдонлари бўлишган, таълим-таҳсил олишни Исломнинг ана шу асосий манбаларини ўрганишдан бошлашган. Улар қолдирган илмий, адабий, маданий, маънавий-ахлоқий мерос бизнинг замонамиизда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Улар ёзган китобларнинг кўп минг нусхаларда чоп этиш, тарқатилиши, экранларга чиқарилиши, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида суратга олингаётган фильmlар ва саҳна асарлари бу фикрни тасдиқлаб турибди.

2.2. Абу Ҳанифа мазҳаби ва мактаби

Буюк имом Абу Ҳанифанинг асл исм-шарифи Нуъмон ибн Собит ал-Куфий бўлиб, ҳижрий 80, милодий 699 йилда туғилган, 767 йилда вафот этган, жуда яхши умумий ва диний билимга эга бўлган. Абу Ҳанифа унинг куняси, ислом оламида Имоми Аъзам, яъни Буюк имом, деб танилган. Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари – Абу Юсуф ва Муҳаммад аш-Шайбоний ҳанафийлик мазҳабининг асосчилари ҳисобланадилар. Бу мактаб энг мушоҳадали ва бағрикенг бўлиб, мантиқий ва оқилона фикрлаш йўлидан борган. IX–X асрларда ҳанафийликнинг асосий масканлари Хурросон ва Мовароунаҳр эди; Олтин Ўрда ва Буюк Мўгуллар ушбу мазҳабда бўлганлар; Усмонийлар салтанатида бу мазҳаб давлат миқёсида тан олинди. Абу Ҳанифа ҳаётлигидаёқ

унинг таълимоти Мовароуннаҳрда кенг тарқала бошлади. IX асрдан бошлаб Абу-Ҳанифа мактаби бутун мусулмон оламининг Евроосиё минтақасидаги тараққиётida асосий омил бўлди. Мовароуннаҳрда фикҳий асарлар IX асрдан ёзила бошланди. Сомонийлар давлати (874–999) вужудга келгач, бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида улар ҳанафия мазҳабига ҳомийлик қилдилар. Барча учун умумий қоидалар тизимини ишлаб чиқсан алломалар пайдо бўлишиди. Кейинчалик Мовароуннаҳр ҳанафийлик фикҳий мактаби мазҳабда етакчи мавқени эгаллади.

Тадқиқотчи ва сиёsatшунослик фанлари номзоди Дамир Муҳитдинов “Ҳанафийлик мазҳаби тарихи ва тараққиёт муаммолари” мақоласида (“Ислом Минораси” журнали № 3–4, 2009) шундай ёзади: “Бугунги кунда Абу Ҳанифа мазҳабининг қавмлари Ер юзи мусулмонларининг таҳминан ярмини ташкил этади. Ушбу мазҳаб Туркия, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Сурья, Болқон, Ўрта Осиё Респуббликалари ва Қозогистон, Россиянинг Волгабўйи, Урал, Сибирь, Қрим, Шимолий Кавказ ўлкалари (чеченлар, ингушлар ва Дагестоннинг бъязи ҳалқарини истисно қилганда), қисман Озарбайжон, Хитой ва Индонезияда тарқалган. Тадқиқотчилар Абу Ҳанифа устозлари қаторига Пайгамбар(с.а.в.) саҳобаларидан Муҳаммад ал-Бакр, унинг укаси Зайд ибн Али ва Жаъфар ас-Содикни кўшадилар. Абу Ҳанифа улар билан учрашиб, сұхбатлашиб турган ва улардан эшитган ҳадисларни қоғозга туширган. Қирқ ёшга етганда у Ироқнинг энг машҳур фақиҳи бўлиб этишди. Ўрта асрларда Ислом дунёсининг энг номдор илоҳиётчи олимни деб тан олинди, ҳозирги кунда мусулмонларнинг аксарияти ҳанафийлик мазҳаби қоидалари асосида ибодат қилимоқдалар.

Пайгамбар(с. а. в.)нинг сафдошларидан бири Умар ибн Ҳаттоб халифалиги даврида Ироқнинг бош қозиси бўлган Ибн Масъуд таълимоти ва умуман Куфа мактаби Абу Ҳанифага катта таъсир ўтказган. Бу мактаб ҳуқуқий муаммоларни ҳадислардан бир мунча фойдаланиб таҳдил этиш ва меъёрий қоидаларни

шарҳлаш тарафдори эди. Ўша замонлардаги мусулмон диний- илмий анъанасининг Ироқ ва Ҳижоз мактаблари деб аталган икки асосий мактаби мавжуд эди. Ҳижоз мактабида анъанавийлик қоидалари устуналик қилар, унинг намояндалари Куръон ва Суннанинг том маъноси доирасидан чиқмасликка интилар эди. Ироқ мактабида эса диний анъана оқилона идрок этилиб, шу туфайлан муаммолар ақл-идрок асосида ҳал этиларди. Чуқур билимли Абу Ҳанифа ҳар қандай масала юзасидан бемалол мунозара қила олар ва энг чигал муаммоларни ҳал этиш йўлини топа олар эди. Куфа мактаби анъаналари асосида Абу Ҳанифа фикҳ соҳасида Куръонда ҳам, Суннада ҳам тиљга олинмаган масалаларни ҳал этишда қиёс усулидан фойдаланиб, оқилона йўлдан бориш тарафдори эди. “Аниқ қиёслаш, – дер эди имом, – илм аҳдини мақсадга эриштиради. Қиёс – ҳақиқат изловчи орзу қилган ҳақиқатга олиб боради.”

Абу Ҳанифанинг фикрича, қиёс ибодат ва жиноят ҳуқуқи масалаларида чекланган тарзда қўлланилади. Ибодат масалаларида қиёсдан фойдаланганда ҳамиша ҳам диний фатвонинг сабабини аниқлаб бўлмайди. Жиноят масалаларида эса, жумбоқни кенгайтириб (таваккалита) талқин этиш хавфи туғилади. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўладики, қиёсдан расман фойдаланишга йўл қўйиш мумкин бўлса ҳам, аммо уни қўллаш зарап етказиши ёки бемаъни хуласаларга олиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда Абу Ҳанифа ҳуқуқшуносларни ақл-идрок ва адолат юзасидан иш кўришга – “яххисини афзал билиш” (истиҳсон)га чақиради. Бундай қиёслашни ўтказиш учун ҳуқуқшунос (факиҳ)дан асос қилиб олинган муайян меъёрий қоиданинг негизини аниқлаш ва шунга биноан масалани ўхшашиб муммога қиёсан ҳал этиш талаб қилинади. Чунончи, Ислом ақидаларида муқаддас рамазон ойида қилинадиган хайрия эҳсони (“садақа ал-фитр”) бирон маҳсулот тарзида бўлиши буюрилган бўлса-да, ҳамиша ҳам бундай қилиш ўрини бўлавермаслиги важидан Абу Ҳанифа Куръон ва Суннанинг



ички мазмунига асосланиб, ўша маҳсулот баробарида пул бериш мумкинлигини айтди.

Ҳар қандай фақиҳнинг шунчаки билимли бўлиши кифоя эмас, у оқилона фикрлай олиши ҳам зарур, мураккаб таҳдилий мулоҳаза юрита олмайдиган инсон фикъдек мураккаб илмда муваффақиятга эришуви амри маҳол. Масалан, Пайғамбар (с. а. в.)нинг ўзлари ва сафдошлари биринчи фақиҳ эдилар. Шу сабабли янги вазиятда ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш зарур бўлганида Абу Ҳанифа, Мухаммад аш-Шофеъий каби имом ва алломалар дунёга келдилар. Улар фикъни шундай юксак даражада ривожлантириларки, уларнинг шогирдлари шу таълимотга амал қилиб, муаммоларнинг ечимларини топиш усуларини кўллаш билангина шугуллансалар бас эди.

Абу Ҳанифа ҳуқуқий манбаларни чуқур мантикий асослаш усулини биринчи бўлиб кўллади. Бирон-бир масала ва мулоҳаза юзасидан дин пешволарининг Қуръон ва Суннага қиёс қилиб билдирган яқдил фикри ҳуқуқий манбага тенглаштирилар эди. Абу Ҳанифанинг таъбирича, фикънинг маъноси “Аллоҳга, илоҳий қонунлар ва анъаналар (Сунна)га, Илоҳий меъёrlар (яъни ҳаром қилинган ва рухсат этилган нарсалар)га ишониш, ислом олимларнинг қарашларидағи ихтилоф ва бирликни идрок этиш”дан иборат. Фикънинг ички моҳиятини у қуйидагича белгилайди: “қибла аҳллари (яъни мусулмонлар)дан ҳеч кимни гуноҳи учун динсизликда айбламанг; ҳеч кимнинг имонини инкор қилманг; яхшиликка чақиринг ва ёмонликдан қайтаринг; ҳар қандай ҳодиса Аллоҳнинг иродаси билан содир бўлишини билинг (яъни тақдир илоҳийга ишонинг); Пайғамбар (с. а. в.) сафдошларининг биронтасига шак келтирманг, Усмон билан Алийнинг можаросини (яъни ҳалифатда биринчи фуқаролар урушини келтириб чиқарган ва шиаликни пайдо қилган ихтилофларни) Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этинг”.

Исломда ижтиҳод (арабча – гайрат қилиш, интилиш) тушунчаси мавжуд. Бу тушунча остида мўътабар илоҳиётчи





алломанинг Куръон ва Суннада бевосита баён этилмаган шариат масалаларини ўрганиш ва ечишдаги фаолияти, шунингдек, мазкур тадқиқотда у фойдаланадиган қоидалар ва усуллар мажмуаси тушунилади. Мұҳаммад (с. а. в.) тириклигига у кишидан бошқа ҳеч ким ижтиҳод қилмаган. Унинг вафотидан сўнг фикқҳ соҳасида пайдо бўлган муаммолар ва чигал вазиятларни ҳал этиш учун Исломда энг юқори табақага мансуб фақиҳларгина ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар ва улар мұжтаҳидлар деб аталғандар.

Ижтиҳоднинг бош мақсади янги вужудга келган ёки илгари ҳал этилмаган фикқий масалаларни аниқлаш ва уларни Ислом манбалари асосида ҳал этиб беришдан иборат. Ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун араб тилини, Куръонни мукаммал билиш, уни изоҳлай олиш, Сунна ва унинг шарҳларини билиш, фикқхнинг асосий масалалари борасида алломаларнинг яқдиллиги (ижмо) ва келишмовчиликлари (ихтилоф) ҳолатларини идрок қила билиш, ҳуқукий ҳужжатларни талқин қилиш услубини эгаллаш, ижтиҳоднинг мақсад ва муддаоларини равшан тушуниш, хуласаларни салим баҳолаш, исломга ишонч ва эътиқод бўлмоғи зарур.

Абу Ҳанифа ислом ҳуқуқи ижтиҳодга асосланиши – масалаларнинг илохиётчи аллома томонидан ҳал этилиши тарафдори бўлган. Хулас, Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари ўша пайтгача маълум бўлмаган кўпгина янги муаммолар ва баҳсли масалаларни Куръон ва Суннани шунчаки ўқиш асосида эмас, балки диний аҳкомларни чуқур тушуниш, ислом таълимотини қўллаш билан ном чиқардилар.

Имом Абу Ҳанифанинг меросини ўрганиш ва сақлаш тўгри йўлни сақлаб қолиш шарти бўлиб, ҳозирги жамият олдида турган муаммоларни ҳал этишда хато қиласлик имконини беради.

Абу Ҳанифанинг диний- ҳуқукий мероси ҳозир ҳам мусулмонлар учун ғоят қимматлидир.



2.3.Нақшбандия тариқатининг моҳияти

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос кўйиб, уни “Баҳоуддин балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахи ҳикмати динимизнинг олийжаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.

Ислом Каримов

Ислом маърифатчилари сулоласидан XX асрда етишиб чиққан ота-ўғил-набира Бобохоновлар ўз аждодларидан тўғри тарбия олганлиги натижасида нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб уни тарғиб ва ташвиқ қиласар эдилар. Муфтий Бобохоновлар ҳаётдаги вазифаси хусусида тўғри эътиқодга эга бўлишган ва унга амал қилиб келишган. Улар ҳаётида дил, тил ва амал бирлиги мухим ўрин эгаллаганлиги сабабли гояси суннатдан йироқ бўлган, бузуқ эътиқодли бошқа оқимларни танқид қиласар эдилар. Чунки нақшбандиянинг бошқа тариқатлардан фарқи шундаки, уларда таркидунёчилик қаттиқ тарғиб қилинса, бунда дилни Аллоҳ билан bogлагan ҳолда касбу-хунар ва меҳнатни тарқ қиласаликка чақирилади. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари ҳам кимхобга нақш солувчи моҳир ҳунарманд бўлганлар. Кўп асрлар давомида шариат ва тариқат пешволарининг кўпчиликлари бирор касб ёки ҳунар орқали кун кечирганлар.

Комиляликка етиш мезонлари ҳақида фалсафа фанлари доктори Гулчехра Наврӯзова “Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби” мақоласида¹ қуйидагиларни ёзган:

¹ “Бухоро мавжлари” журнали 3 сон. 2007 йил, 32-бет.




“Милодий XI асрда яшаган Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари маърифат мактабини яратган. Ўзининг “Рутбат ул-ҳаёт” (Ҳаёт мезони) асарида инсон моҳиятини изоҳлашни тириклик тушунчаси билан бошлайди. “Тирик бу тинч-осуда кишидир. Тириклик эса тинчлар ва хотиржамликдир”, – деб ёзди Юсуф Ҳамадоний.

“Шундай кишилар борки, дунё билан тириқдир. Бойликининг ўзи кишининг қийматини белгиламайди. Юсуф Ҳамадоний охират ишлари билан таскин топадиган инсонларни улуғлаган, чунки кишининг қийматини унинг одамийлиги белгилайди. Инсоннинг одамийлиги эса молининг кўп-камлиги ёки мартабасининг юқори-пастлиги билан эмас, молу жоҳга бўлган муносабати ва бундан қандай фойдаланишига қараб аниқданади.

Юсуф Ҳамадоний таълимотининг диний ва дунёвий жиҳатдан қиммати томони шуки, бадан-танани умуман инкор этмайди. Балки, уни инсон камолоти учун мұҳим восита, улов, ҳаммол сифатида баҳолайди. “Хою ҳавасга эргашиб, нафс васвасаларига бўйсуниб, шариатга хилоф амалларни бажариши учун баданини таомлаштирган инсон ва туяга ем-хашак бериб уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиласидиган қароқчи ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қиличини қайраган кишига ўхшайди” – дейди Юсуф Ҳамадоний. Инсон камолот даражасини Юсуф Ҳамадоний Ислом, Имон, Эҳсон мақомларига ажратиб, улардан Эҳсон олий мақом деб ёзди. Ислом мақомида бадан, имон мақомида қалб, эҳсон мақомида сир ва руҳ камолга етган, Ҳаққа таслим бўлган бўлади. Инсон асосини тўрт унсурга бўлади. “Ҳаёт мезони” асарида шундай изоҳлаган: – “Бу тўрт унсур (тупрок, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир”.

Инсон камолотга етиши учун, аввало, ўз аслини, ҳаёт мазмунини англаши, нафсини бошқариши ва бутун коинот билан уйғун бўлиши лозимлигини айтади. Шунда инсон баданини ҳам, қалби ва руҳини ҳам эзгуликка томон сафарбар



эта олади. Юсуф Ҳамадоний айтган бу гоялар ва “ҳуш дар дам”, “назар дар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” ўтилари хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий тамойиллари бўлиб қолди. Бу гоялар ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида қўлланилганда ижобий самара беради. Уларга амал қилиш ҳозирда мавжуд умумбашарий муаммо-экологик ҳолатни ҳам яхшиланишига ёрдам беради.

Доктор Шамсиддинхон Бобохонов ва шайх Абдулазиз Мансурнинг ҳаммуаллифигида таълиф этилган “Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи”да (Тошкент, Мовароуннаҳр, 1993) ҳамда адабиётшунос Абдусалом Абдуқодиров “Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати”да (Хўжанд, 1997 й. Раҳим Жалил номидаги нашриёт, кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матнда қавсга олиб бетланади) бу гоялар изоҳини беришган:

“Ҳуш дар дам” – ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш, ҳар нафасдан огоҳ бўлиб, ботинан Аллоҳ билан боғланиш. Дарҳақиқат, бунда ҳар бир нафаснинг олиниши ва чиқарилиши қатъий назорат остида бўлиб, бу жараёнда солик² фақат Аллоҳни ўйлаши, ундан завқланиши лозим. Мавлоно Саъдиддин бу ҳақда шундай дейди: “Ҳуш дар дам, яъни бир нафасдан иккинчи нафасгacha ўтиш гофилик³ юзидан бўлмай, ҳузур юзидан бўлсин ва олинаётган ҳар бир нафас Ҳақ субҳонаҳудан холий ва гофил бўлмасин”. Демак ҳар нафасда Аллоҳ иштирокини сезиш, ҳис этиш керак. Шундагина уҳузур багишлайди. Агар унда гофилик юз берса, кузатилган мақсад амалга ошмайди. Нафасдан огоҳ бўлишдаги асосий мақсад эса Аллоҳни унутмаслик, яъни тўгри йўлдан тоймасликдир. Алишер Навоий бу фикрни маъқуллайди ва уни ривожлантиради.

Улуғ шоирнинг таъкидлашича, нафас олиш ва чиқаришнинг ўзи бир неъмат ва улуғ ғаниматдир. Чунки

² СОЛИК – йўлчи, мусофири, тасаввуф йўлига оғишмай амал қиласиган киши.

³ ГОФИЛИК – кўп нарсадан бехабарлик.




унинг бири ҳаёт учун озиқ бўлса, иккинчиси борлиқقا қувватдир. Шу сабабли бу икки неъматнинг ҳар бирига алоҳида шукур қилиш керак. Аммо шуниси ҳам борки, инсон жонини фидо қилиб юборганида ҳам бу икки нафас шукрини адо қилиши қийин. Ақлини ишлатган одам Аллоҳ нафасни қанчалик азиз қилганигини тушуниб етади. Жон тирик бўлиб нафас олиш имкони бор экан, уни хор этмай, шукур қилиб қадрига етиш лозим(92-бет). Куръони каримнинг “Анъом” сураси 60-ояти:

“У тунда сизларни “вафот эттирадиган” (ухлатиб руҳингизни вақтинча оладиган), кундузи қилган ишларингизни биладиган зотдир. Сўнгра белгиланган муҳдал адо этилиши учун унда (кундузи) сизларни (яна) “тирилтирур” (уйготур). Кейин Унга қайтиши (бор). Сўнгра сизларга қилган ишларингиз хабарини берур”.

“Назар бар қадам” – ҳар бир қадамни эҳтиёткорлик билан босиш, назорат қилиш. Бунда солик назарининг сочилемаслиги, дикқат ҳамиша бир нуқтада бўлишига эътибор берилади. Чунки назарнинг ҳамиша бир ўринда бўлиши фикрни Аллоҳдан бошқага чалғитмайди. Шу сабабли назар ҳамма вақт оёқ панжалари устида ёки қадам учида бўлмоги лозим.

“Назар бар қадам”нинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бунда солик ҳамиша ўз қадами мисолида ўзини назорат қилиб боради. Кераксиз нарсалар, беҳуда ишлар ҳақидаги ўйлардан ўзини сақлайди. Чунки бунда назарнинг кераксиз жойга тушмаслиги талаби ҳам борки, унинг маъноси шунга ишорадир. “Назар бар’ қадам”, даставвал, Аллоҳни ўйлашдан чалғимаслик бўлса, сониян, факт йўлида тўгри кетишини таъминлашдир. Зоро, қадамга тушган назар кўнгилдан бошланади. Кўнгилдаги губор тозаланиб, у назорат этиб турилади. Натижада ундан фақат Аллоҳ ўрин олади, факт унинг ёди билан банд бўлади. Шунда инсон хатолардан ўзини сақлайди. Агар назар пароканда бўлса, у нима қилаётганини билмай қолади. Ҳамма ишлари хато





бўлиб чиқади. Бу эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар назари жиловланмаган киши шоҳ бўлса, ҳалокатли ишлар юз беради. Алишер Навоий “назар дар қадам” маъноларидан бирини ҳар бир кишининг ўз олдидаги вазифасига масъулият сифатида ҳам талқин этади. Дарҳақиқат, киши ўз елкасидағи вазифага жиiddий муносабатда бўлмаса, ҷалғиб кетади ва ўзига ҳам, бошқаларга ҳам катта зарар етказади. Навоий шоҳ Баҳром фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатади.

Баҳром назари тўгри йўлдан ҷалғиҷач, Дијором билан бўлиб, мамлакат олдидаги вазифасини унудти. Натижада адолатсизлик бошланиб, бундан эл-юрт кўп моддий ва маънавий зарар кўрди.

“Назар дар қадам” моҳияттан инсоннинг бутун фаолиятини камраб олганлиги сабабли унга Ҳожа Баҳоуддин алоҳида диққат қиласи. Баҳоуддин бу борада ҳатто ўз муридлари олдига қаттиқ талаб қўйиб, уларнинг асосий мақсаддан ҷалғимасликларини назорат этар ва имтиҳон қилиб бораради (49-бет).

“Сафар дар ватан” – ўз ватанида, уйида ўтиrsa-да, фикран ва зикран бутун коинот ва мавжудот ҳақида тафаккур юритиши. Аввало, инсоннинг ўз табиатидан бошланади. Ўз табиати бўйлаб сафар этган инсон ўзининг яхши ва ёмон томонларини аниқлаб, ёмонликдан воз кечиб, яхшиликка интилади. Инсон ўз табиатидаги яхшилик сифатларини такомиллаштириб бориши сафар жараёнидир. Такомил кучайган сари инсон одамийлик сифатидан пок фаришта сифатига ўтиб боради. Чунки сафар дар ватан инсон табиати хулқ-атвори ва қалбининг покланишидир. Ким бу борада сафар этмаса, унинг табиатида ҳеч ўзгариш бўлмайди. Навоий талқинича, маънавий покланмаган одам нокомил ҳисобланади.

Одам сафар туфайли комиллашади ва баланд мартаба топади. Чунки сафар элига Хизр ҳамроҳлик қиласи, сафар қилмаган эса ҳеч нарсадан огоҳ бўлмайди. Ўз табиатида сафар қилиш ўз ватани ичida амалга ошиши лозим. Зоро, инсон ватанида камолга етади. Ватанини асло тарк этмаслик, гурбатнинг ранж-





машаққатларига ҳавасланмаслик керак. Агар инсон сафарга жуда қизиққанда ҳам ўз ватанида сайр этгани маъқул. “Мусоғир бўл, аммо ватан ичра бўл”, дейди Навоий. Улуғ шоирнинг талқинича, ўз табиатини поклашга интилган солик, ўз ватани тақдирини ҳам ўйлаши керак. Ватанини қўлдан келгунча обод этиш, тараққий этган, қудратли юртга айлантириш, жамиятни жаҳолат ва ёмонликдан тозалаш, яхшилик уругини сепиш, ҳаммани аҳилликда яшашга чорлаш кабилар ҳам соликнинг сафар фаолиятига айланиши зарур.(60-бет.)

“Хилват дар анжуман” – ўзи ҳалқ ичида, анжуманда бўласа ҳам хилватда ўтиргандек фикру зикри Аллоҳ билан бўлиш, Аллоҳни ҳамиша ва ҳар ерда ёд этиш, асло уни унутмасликни ифодалайди. Анжуманда, яъни жамоат ичида хилват тутиш чуқур маънога эга эди. Жамоат орасида ўтирганда улар билан бир хил ҳолат ёки машгулотда бўлиб, кўнгилда эса Аллоҳ зикри билан банд бўлиш лозим(80 бет). Куръони каримнинг “Аньом” сураси 70-оятида шундай дейилади: “Динларни ўшин ва беҳуда нарса қилиб олган ва бу дунё ҳаёти алдаб қўйғанларни қўяверинг (уларга парво қилманг)! Ҳар бир жон (Ўз) қилмиши сабабли ҳалок бўлиши, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир дўст ва оқловчи бўлмаслиги, бадалнинг ҳаммасини берса ҳам ундан олинмаслигини у (Куръон) орқали эслатинг! (Ўз) қилмишилари сабабли азобланадиганлар ана ўшалардир. Улар учун куфра бўлганлари туфайли қайнот сувдан иборат ишимлик ва аламли азоб (бордир)”.

Юсуф Ҳамадонний гоялари моҳиятидан қуидаги хulosалар келиб чиқади, комил инсон бу:

- ўз асли, моҳияти, мақомини биладиган инсон;
- эзгу ишлар билан тирик, тинч ва хотиржам инсон;
- тана ва руҳига мўътадил муносабатда бўлган инсон;
- ўз меъёрини биладиган инсон;
- коинот билан уйгун бўлган инсон;
- нафсини таниб, бошқара оладиган инсон;



— эҳсон мақомига етган инсон.


Юсуф Ҳамадонийнинг инсонга оид таълимоти моддиюнчи ва руҳпарастлардан фарқли, унинг ғоялари у томонга ҳам, бу томонга ҳам оғмайдиган ўртача, бунёдкор ғоялардир. Унинг тана ва руҳга оид ғоялари Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Накшбандларнинг “Дил Аллоҳ билан, қўл ишда бўлсин” шиори вужудга келишига ғоявий асос бўлган. Натижада бу тариқат аҳли хилватни анжуманд қилиб, ҳалол меҳнат билан тананинг қувватларини эзгулик йўлида сарфлаб, мудом Ҳақни қалбда зикр этган, тафаккур ва шукрда бўлган. Айнан бу тариқатларнинг тана ва руҳ истакларига меъёрда муносабати, “Даст ба кору дил ба Ёр”лик талаби уларнинг жаҳон миқёсида эътироф этилишига замин яратган.

Баҳоуддин Накшбанд ўз тариқатида инсон Аллоҳ йўлида камолотга эришиши учун қўйидаги мақомлардан ўтишинираво кўради:

1. **Тавба** – тариқат мақоми. Қилинган гуноҳлардан афсусланиш ва фаолиятни тўгри йўлга солиш. Куръонда алоҳида бир сурा “Тавба” деб номланади. Унда гуноҳкорларга нисбатан шундай оят бор: “Бас, энди агар тавба қиласалар ўзлари учун яхши бўлур” (“Тавба” сураси 74-оят). Бироқ бу шариат тавбаси бўлиб, у фақат гуноҳ қилган кишиларга нисбатан айтилган. Шариат тавбасида инсон ўзининг йўл қўйган гуноҳ ишларидан афсусланиб тавба қиласди. Гуноҳни тақорламасликка интилади.

Тариқат тавбаси эса шариат тавбасидан фарқ қиласди. Тариқат тавбаси суфий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Унинг турмуш тарзи ва фаолият йўналиши олдингидан фарқ қилувчи янги мазмунга эга бўлади. Бу нарса кўпинча кутилмаганда юз берган воқеа-ҳодиса туфайли амалга ошади. Гайри-табиий воқеа-ҳодиса унга шу қадар кучли таъсир этадики, натижада, у ҳамма нарсадан воз кечиб, тариқат йўлига кириб кетади.

Тариқат тавбаси гафлат уйқусидан уйгониш ва ғофилликдан ҳушёр бўлиб, Аллоҳни билиш маърифати билан шуғуланишга ўтишдир.





Воқеан Алишер Навоий дейди: “Тавба баҳтсизлик йўлнининг охирни таърихи ташланишидир. Тавба Ҳақдан нажот тилаш вақти келганидир”. Ҳақиқатдан ҳам инсон тавба қилиши билан унинг ҳаётида янги саҳифа очилади. У сидқ билан поклик сари қадам ташлайди. Нақшбандийликда тавба белгилари тўртга бўлинади:

1. Авом, яъни оддий ҳалқ тавбаси, бу – зоҳирий гуноҳлардан покланиш.
2. Солиқ тавбаси, бу – ахлоқи замима, яъни ёмон хулқлардан қайтиш.
3. Тавбаи ботиния, яъни кўнгил тавбаси, бу – қалбни поклаш.
4. Мұхіб, яъни Ҳақни севувчи тавбаси, бу – ғафлатдан уйғониш.

Тавба авом интилишда ибтидо топиб, мұхіблар фаолиятида интиҳога етади.

Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 104-ояти: “Улар Аллоҳнинг бандалари томонидан (қилинадиган) тавбани қабул этишни, садақаларни олишни ҳамда Аллоҳ Таввоб(тавбаларни қабул этувчи) ва Раҳим(раҳимли) эканини билишмаганимиди?!“


2. Вараъ (арабча – сақланиш), – тариқат мақоми. Парҳезкорлик ва тақвадорлик маъноларни билдиради. Вараъ зинасида солик, аввало ҳалол билан ҳаромни фарқладайди ва ҳаромдан парҳез қиласи. Парҳез зоҳирий жиҳатдан кўз, қулоқ, кўл, оёқ, бурунни, ботиний томондан фикр ва қалбини тўлалигича қамраб олади. Бунда энг муҳим парҳезкорлик ҳаром луқма ва ҳаром мол-мулқдан сақланишга қаратилади. Шуниси дикқатга моликки, суфийлар бошқаларнинг уларга қиласи эҳсонида озгина шубҳалансалар, бундай мухлисона саҳоватдан ҳам воз кечар эдилар. Суфийлар ҳатто ўзларининг ҳалол нарсаларидан ҳам шубҳа туйсалар ёки унинг поклигига ишонмасалар ундан ҳам воз кечар эдилар.



Вараъда қаноат гоятда мұхимдир. Навоий “аз за ман қанаъ”, яъни қаноатли азиздир ҳадисини келтириб, қиёслар билан вараъдан тұғрилик, поклик, осойишталик, тамадан эса бузуқлик ва ёвузлик вужудга келәди дейди:

Динким анга ағъоли табағдин бүлди,
Қалқон анга “аз за ман қанаъ”дин бүлди,
Андоқки салоҳ анга вараъдин бүлди,
Билгилки, фасод анга тамаъдин бүлди(11 бет).

3. Хавф – тариқат мақоми. Диң таваккулини комиллаштириш жараёнида босиб ўтилади. Хавф құрқынч, вахима маңноларини англатади. У Аллоҳдан құрқұв ва шайтондан хавфсираш тарзида соликни гоят оғир ақволга солади. Чунки шайтон тұхтовсиз рацишда унинг нағсини ҳаракатта солиб, гуноҳларга йұллайды. Солик эса умрбод у билан курашиши лозим. Бу курашда агар у енгилса, барча риёзатлари бекінде кетади. Бироқ Аллоҳ олдиғаги хавфи шайтонникидан ҳам ўтади. Бириңчидан, у ўз риёзатларининг Ҳақ даргоҳида қабул бўлмай қолишидан хавфланади. Иккинчидан, Ҳаққа етиш машаққатларининг оғирилиги уни құрқувга солади. Учинчидан, у мұхосаба йўли билан ўзининг барча хатти-ҳаракатларини назорат қила бошлагач, ўз гуноҳларини яққолроқ сеза бошлайды. Бу эса ундаги хавфни янада кучайтиради. Солик мушоҳадани кучайтириб, Аллоҳга яқинлашгани сари унинг қалбидаги хавф ҳам ортиб боради. Чунки у ўз гуноҳларини чүкүр англай бошлайды. Айниқса, солиқнинг тариқат йўлига киргунга қадар қылган гуноҳлари унга тинчлик бермайди. Гарчи у тариқат йўлига киргач, олдинги барча гунҳларидан тавба қылган бўлсада, бу унга камлик қиласади. Тариқат йўлидаги фаолиятида ҳам у Аллоҳнинг барча айттанларини мукаммал бажара олмаётгандек ўзини гуноҳкор ҳис қиласади. Бу эса, ундаги хавфни тобора кучайтиради. Натижада солик қаттиқ құрқувга тушади ва бутун вужудини хавф әгалладайди. Бу соликни Аллоҳ олдида янада паст ва ожизга айлантирса-да, лекин уни мукаммал покликка





йўналтиради. Шу сабабли у кучли хавфдан ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, зиндоңдан омонликка кўтарилади. Соликда Ҳақ ваҳми орттан сари мақсадга интилиш ҳам кучаяверади. Чунки Навоий айтганидек:

Ҳар кимки хушуъ уйини маскан қилгай,
Оlam сижинин Ҳақ анга маъман қилгай,
Ҳақ ваҳмидин улки йигламоқ фан қилгай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилгай (79 бет).

Куръони каримнинг “Моида” сураси 91-ояти: “Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди, сизлар (май ичишдан) тийилювчимисиз?”

4. Ражо – тариқат мақоми. Ражо хавф мақомидан кейинги равшанлиқдир. Ражо ва хавф кўпинча ёнма-ён кўлланади. Чунки улар муайян даражада тазод моҳиятига эга. Воқеан, хавф-қўркув, умидсизлик бўлса, ражо эса тилак, умидворлиқдир. Шунинг учун ҳам улар ёнма-ён кўлланганда, маъно моҳиятлари яққолроқ кўзга ташланади. Ражо кўнгилнинг покланиб, умидворликка тўлишидир. Чунки бунда солик қалбидан фақат Аллоҳ жой олади. Натижада кўнгилда Ҳақ иноятидан умид пайдо бўлади. Ражо устуворлашгани сари соликда унинг амалиётига ишонч кучаяди. Бу эса соликнинг интизорлигини тобора орттириб, ундаги умидворликни юқори нуқтага кўтаради. Энди солик Аллоҳ марҳаматини ҳис эта бошлайди ва умидворликка бутунлай гарқ бўлади(55-бет). Куръони каримнинг “Юнус” сураси 60-ояти: “Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийидиганларнинг қиёмат қуни ҳақидаги гумонлари нимадан иборат экан?! Албатта, Аллоҳ одамларга (нисбатан) фазл соҳибидир, лекин уларнинг аксарияти шукур қилмайдилар”.

5. Фақр – тариқат мақоми. Фақр камбағаллик, бечоралик, камтарлик маъноларини билдиради. Унга ўзакдош бўлган фақир сўзи ҳам шундай маъноларни ифодалайди. Фақр зинасида






солик дунёнинг барча неъматларидан воз кечади. Уни моддий неъматлар ҳам, маънавий неъматлар ҳам қизиқтирмайди. У ўзининг фақирлиги, яъни ҳеч нарсанинг йўқлиги, бечоралиги билан фахрланади. Фақирликнинг ўзи унинг бойлигига айланади. У зоҳиран ва ботинан ҳамма нарсадан озод бўлганига шукур қиласди. Фақирлик унинг учун ҳам ички, ҳам ташки либосга, зийнатга айланаб, унга ором бағишлади. Фақирлик тасаввуфдагина эмас, исломда ҳам қадрланади. Фақр ва фақирликнинг IX–X асрлар мобайнида кенг ёйилиши суфийлар фаолияти билан боғлиқ, уларнинг ихтиёрий яшаш тарзига айланди. Суфийлар камбагал Аллоҳнинг дўсти, дея талқин этар ва кишиларни мол-дунёга берилмасликка чорлар эдилар. Машҳур суфий Абу Бакр Калободий(990 й.) фақр ва фақир истилоҳларига шарҳ бериб шундай ёзади: “Фақр щуки, сенда ҳеч қандай мол-мулк бўлмасин, борди-ю, бўлганда ҳам ўзинг учун сарфланмасин ва фақир эса шундай кишики, у фақат Ҳақ маърифатига етишга муҳтож бўлади, холос”.

Ҳақ маърифатига олиб борувчи фақр йўли қаноат, покланиш ва боғланиш манзилларидан иборат. Қаноат фақрнинг энг муҳим манзили ҳисобланади. Чунки суфий қаноат манзилини эгалламагунча фақрга яқинлаша олмайди. Фақр йўлини танлаб, фақирлар қаторига кирмоқчи бўлган киши, дастлаб қаноатда комил бўлиши керак. Фақрнинг иккинчи манзили бўлган покланиш кўнгилга алоқадор. Бу босқичда солик қалби тозаланиши лозим. Биринчидан, инсоний нафс мағлуб этилиши керак. Чунки ўзликнинг асоси андадир. Иккинчидан эса, кўнгилдаги тама ва худбиналиқ иллатларидан қутулиш зарур. Учинчидан, солик ўз қалбини тозалashi учун ўзида дунё ва унинг ашёсига нисбатан кўнглида умуман жой бўлмаслиги, дунёга меҳр тарқ этилиши керак.

Боғланиш манзилида солик фақр маърифатини эгаллайди. Бу босқичда унинг қалби Аллоҳ маърифати билан банд бўлиши зарур. Оқибатда, у фақр зинасининг шундай погонасига





кўтариладики, бунда унинг учун борлиқнинг ҳам, йўқликнинг ҳам фарқи қолмайди. Шундан сўнг у Аллоҳ олдида эътибор топади (78-бет).

6. Сабр – тариқат мақоми. Соликнинг билиш маърифатидаги сабр–тоқати. Суфий имони икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи ярми сабр, иккинчиси шукрдир. Сабр суфийдаги энг яхши хислатдир. Суфий сабрда комил бўлиши керак. Акс ҳолда у ҳеч нарсага эриша олмайди. Зотан, сабр суфий учун орзу-умидлар калитидир. Унинг заҳматларига чидаган, мاشаққатларига оғринмай бардош бергандагина Ҳаққа етиш мумкин. Сабрнинг охири роҳат бўлса-да, лекин у ниҳоятда машаққатли зинадир. Суфий сабрнинг барча талабларига тайёр туради. Таом лаззатидан, либос зебидан, мол-дунё завқидан, нафс роҳатидан, агар шуларга имконияти бўлса ҳам ўзини жиловлай олади. Борди-ю, имконияти бўламаса, у ҳолда Аллоҳга шукр қиласди. Сабр талаблари орасида нафс алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун суфий асосий дикқатни унга қаратади. Аввало унинг икки хили – таом нафси ва ҳирсий нафсдан ўзини қатъий жиловлаши, мустаҳкам собир бўлиши керак.

Сабр зинасидаги муҳим ва машаққатли жиҳатлардан яна бири шундан иборатки, унда суфий ҳатто ўз бошига тушган барча фалокат ва жафоларга ҳам бардош қиласди. Сабр бажарилишига кўра учга бўлинади:

1. Авом сабри, бу – фақат нафс сабридир.
2. Зоҳид ва обидлар сабри, бу – охират савоби учун зарур бўлган қалб сабридир.
3. Орифлар сабри, бу – муҳаббатдан иборат бўлган рух сабридир (57-бет).

Куръони каримнинг “Худ” сураси 115-ояти: “*Сабр қилинг!
Бас, албатта, Аллоҳ эзгу иши қилювчилар мукофотини зое
қилмагай*”.

7. Шукр – тариқат мақоми. Суфий фаолиятида сабр такомиллашгач, шукр юзага келади. Шукр сабрнинг олий



нуқтаси. Шукрни эгаллаган солик ҳамма нарсани олийжаноблик билан қабул қиласди. Шукр унинг қалбига ўта саҳоватни жойлади. Натижада солик ўзининг энг сўнгги нарсасини ҳам бошқаларга беради, мухтожлар кўнглини олади ва бундан шукр қиласди. Шукр ҳеч нарса йўқлигини ҳам ўзида қамраб олади. Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ида келтирилишича, суфий Шақиқ ибн Иброҳим ал-Балхий Иброҳим Адҳамнинг яшаш тарзини сўраб қуидагича жавоб олади: “*Биз топсак шукр қиламиз, топмасак сабр қиламиз*”. Шундан сўнг Иброҳим Адҳам ҳам Шақиқ ибн Иброҳим ал-Балхийга шу саволни берганда, у шундай дейди: “*Биз топсак бошқаларга берамиз, топмасак шукр қиламиз*”. Бу жавобда шукр мақомининг хотимавий магзи ифодаланган(85-бет).

8. Таваккул – тариқат мақоми. Таваккул умид боғлаш, ишониш, эътиқод қилиш маъноларини ифодалайди. Таваккул дунё ташвишларидан ўзини бутунлай озод қилиш, эртанинг гамини емай, Аллоҳга умид боғлаш, тўла ишонч ва эътиқод билан ўзини Яратганинг ҳукмига топширишдир. Таваккул имон билан боғлиқдир. Имон эса виждон, ишонч, эътиқод устуворлигидир. Таваккул зинасида солик қалби, энг аввало, барча шубҳалардан холи бўлиши керак. Чунки у Аллоҳга суянар экан, унинг марҳаматига шубҳа қилмаслиги керак. Шундагина солик Аллоҳ раҳматига сазовор бўлади. Иккинчидан, солик ўзининг эртаси ёки келажаги нима бўлишини умуман ўйламаслиги, таваккулининг оқибатидан чўчимаслиги керак. Чунки бу ҳақда унинг ўйловчиси, вакили бўлмиш Аллоҳ қайгуради. Учинчидан, солик таваккул зинасида дуч келган барча яхшилик ва ёмонликларни Аллоҳ марҳамати сифатида шукронга билан қаршилаши даркор. Таваккул суфийни оқиз, фаолиятсиз қилиб қўймайди, балки уни поклайди. Эркин ва хотиржам қиласди. Тамаъгирилик, мутелик ва нафс бандаси бўлишдан сақлайди. Унинг қадрини баланд кўтаради. Солик сабр ва шукрда тоқат, қаноат ва шукриллоҳ билан мақсад манзилига



етса, таваккулда эса ўзини бутунлай Аллоҳга топширади ва муродга етишга ишонади.

Таваккул босқичини шу йўл билан босиб ўтгандагина “мақсадга етмак” мумкин. Аммо бунинг учун Аллоҳдан келувчи барча ҳукмларга рози бўлиш талаб этилади. Бу эса таваккулниң олий нуқтасидир(67-бет).

9. Ризо – тариқат мақоми. Ризо – розилик, бўйсуниш, мослашиш, тан бериш ва кўниш маъноларини билдиради. Ризо ҳаётда бошга нима тушса ва тақдир нимага дуч қиласа, унга рози бўлишдир. Суфийлар ҳар қандай ишни сабабчиси Аллоҳдир деб биладилар. Ризо соликнинг камолга етган босқичидир. Чунки унгача солик руҳий шакланишнинг мashaқатли довонларидан ўтади ва ўзини ҳар жиҳатдан тайёрлайди. Ризо босқичга етгач, унинг учун бу оламнинг ҳеч бир жалб этувчи қиммати қолмайди. Соликда ризо камолга етган сари унга жафоли давр синовлари кучаяди. Лекин давр синовлари уни бу колмайди. Чунки у ҳамма жафога ҳам, вафога ҳам бир хил мамнуният билан муносабатда бўлади. Нимага дуч келса уни эҳсон сифатида қабул қиласи ва рози бўлади. Солик учун унинг энг яқин кишисидан жудолик ҳам, ҳатто ўз бошига келувчи ногаҳоний ўлим ҳам худди шундай маъно касб этади.

Ризо мақомига етган солик олдида икки масала туради. Аввало, у Ҳақдан келган ҳамма нарсага бўйсунганигини, уларни мамнуният билан қабул қилинганини кўрсатиб, Аллоҳни рози этиши керак. Бу Аллоҳ ризосидир. Сўнгра, ўзи ҳам Аллоҳ марҳаматига етганини, унинг лутғу карамидан баҳраманд бўлганини ҳис қилиш ва буни дили билан тасдиқлаши аозим. Соликнинг бу даражага етиши, асосан, унинг қалбидағи ризонинг мукаммал бўлишига вобаста. Агар ундаги бўйсуниш комил бўлса, солик Аллоҳ ризосига сазовор бўлади ва ўзи ҳам орзусига етади. Бу эса солик ризоси бўлиб, уни юксакка кўтаради. Ризо мақоми инсон ожизлигини тасдиқлаш эмас, балки унинг ҳаёт қонунларига тан беришдир. Одамнинг





коинотдан устуналикка, унга ўз ҳукмини ўтказишга, табиий қонуниятлар асосида юз берувчи воқеа-ҳодисаларга ноўрин қаршилик кўрсатиб, янада оғир заараларга дуч келмаслигига ҳам чорлашдир. Мұхими, инсонни түғри, пок, беозор ва эзгулик йўлига бошлашдир. Чунки ризога етган киши албатта комил бўлади ва эзгулик, олийжаноблик ва фидойилик уругини сочиш билан ҳаётда ўз изини қолдиради. Инсониятни ёвузликтан сақлаб, ўзаро меҳр ва муҳаббатга йўналтиради. Бу йўлда унга Аллоҳ раҳнамолик қиласи ва мақсад-манзилига етказади (56-бет).

* * *

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, инсоният тамаддунни тарихида темурийларнинг ҳиссаси ва ўрнини тадқиқ этувчи Анвармирзо Ҳусаинов бундай ҳикоя қиласи: “Баҳоуддин Нақшбанд – буюк авлиё, Аллоҳнинг суюкли бандаси, жаҳон тарихи ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатган тариқат асосчиси ва йўлбошчисидир. Нақшбанд ҳазратлари ишлаб чиққан ҳакиқат сари йўл (тариқат)нинг моҳияти – ахлоқини ва эзгу амалларини мукаммаллаштириш учун бу йўлни танлаганларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан тинимсиз ва қатъият билан ҳаракат қилишларидир. Бутун борлиқни Яратувчи Аллоҳнинг борлигини (тақдирни У белгилашини, жаннатда ёки дўзахда абадий ҳаёт борлигини) ҳис этиш туйғусини Кудратли ва Раҳмли Зот азалдан инсон фитратига жойлагандир.

Шайтон васвасаларини мустаҳкам имон ва илм билан енгиб, ҳиммат ва ирода қувватини ошириб, ёмоналикнинг (зулм, ҳасад, жаҳолат каби) ҳар қандай кўринишга қарши курашда Аллоҳ таолонинг ёрдамига суюнишдир бу йўл.

Бухорога файз таратиб турган маҳобатли Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси худудида кезар эканман, ҳар гал катта қувонч туйғулари билан Ҳожа Мұхаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўйга толаман. Қисқа давр ичида, ҳали бу авлиёуллоҳ зот, тоғлас аллома, суфийларнинг улуг пиру муршиди тириклигига даёқ у асос соглан нақшбандия



тариқати Бухородан туркларнинг Кичик Осиёсигача, Мовароуннаҳдан Кавказ ва Эронгача, Афғонистондан Ҳиндистон орқали Малайзия ва Индонезиягача ёйади. Барча қитъаларда маърифатли мусулмонлар Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Дил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин” деган чақиригини шодлик ва мамнуният билан қабул қилишиди. Қачонгача қаҳрамонларнинг қутқаришини кутасан, қаҳрамонлик кўрсат ўзинг, оғатлардан қутул.

Буҳоуддин Нақшбанднинг бу чақириги бир ярим аср мўғул босқинчилари зуами остида қолган Ўрта Осиёнинг тиник осмонида момақалдироқ каби чақнаб, гумбурлади. Мўғуллар босқини аввало маҳаллий халқлар маънавиятига жуда катта зарар етказишиди. Улар кўринган китобни ёқиб юборишар, маҳобатли маданият обидаларини ер билан яксон қилишар эди. Ўтрор, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарларда минглаб масжид-мадраса, зиёратгоҳ, сув тўплаш ва сугориш қуриламалари буткул вайрон этилди. Абу Али ибн Сино, Беруний, Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний каби буюк олимларнинг, Имом Бухорий, Термизий каби муҳаддислар, Рудакий, Юсуф Болосогуний сингари шоирларнинг юз минглаб ноёб асарлари йўқ қилинди. Илмли олим кишилар ёппасига қириб ташланди. Бухоро халқи эса динни, Ватанини, масжид-мадрасаларни ҳимоя қилиб, қонхўр босқинчиларга қарши жангда ҳалок бўлишни фахр деб билди. Айнан ана шу давр чанг-тўзонлари остида мусулмонларнинг жоҳил ва бузгунчи кучларга қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлик намуналари яшириниб ётибди.

Аллоҳ ёдл эгасидир, ҳамма нарсани кўриб турувчи, ҳамма нарсани эшитиб турувчиидир. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. У динсизларга қарши фидойиларча курашган, ҳал қилювчи жангларда Ватан озодлиги учун жонини ҳам аямаган қаҳрамонлар жасоратини натижасиз қолдирмади. Қодир Аллоҳ таолонинг қудрати, марҳамати билан айни шу Бухорода Евроосиё тамаддуни қушандаси бўлиб турган



шафқатсиз босқинчилар устидан мусуамонларнинг илк галабалари қўлга киритилди.

Тамаддунлар халоскори Амир Темурнинг ҳозирги Ўрта Осиё, Қозоғистон, Россия ва Европа кенгликларида эришган буюк галабалари Аллоҳ таодонинг изни-иродаси билан Абдулхолик Фиждувоний, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий ва уларнинг шогирди Баҳоуддин Нақшбанд сингари Бухорода камолга етган юзлаб пиру муршидинг дуо-илятижолари туфайли амалга ошгани шубҳасиз.

Соҳибқирон Амир Темурнинг босқинчилар устидан қозонган юксак галабалари замирида қубравия, яссавия, нақшбандия суфийлик тариқатлари байроби остида ажралмас диний биродарликка бирлашган мусулмон маърифатчиларининг машҳақатли меҳнатлари, холис дуолари ётибди.

Яхши сўзнинг таъсири қанчалар кучли бўлишига ушбу тарихий воқеа жуда ибратли мисолдир. Тахминан 1300–1310-йиллари Хоразмга Чингизхон босқинидан юз йиича вақт ўтган, ҳақорат ва зулм остида ҳалқнинг ишонч-эътиқоди сусайган, масжиidlар ҳувиллаб қолган, ичкилик, фаҳш, очкўзлик каби иллатлар авж ола бошлаган эди. Ҳукмдорлар фуқаронинг бундай ҳолига панжа орасидан қарашарди. Бундан хабар топган етти уағ пирдан бирлари вобкентлил Махмуд Анжир Фагнавий (бу зотнинг шогирлари қаторида Баҳоуддин Нақшбанд ҳам таълим олган) ёрдамчиси Азизон Хожа Али Ромитанийни одамларни ёмон ишлардан қайтариш, масжиidlарда тоат-ибодат қилишга, шариатга бўйсунишга чақириш учун Хоразмга жўнатади. Ромитаний Хоразмга келиб, тўғри шоҳ ҳузурига киради. Шоҳ нақшбандия тариқати пиру муршидини Хоразмга келгани билан кутлайди, эҳтиром кўрсатади. Шайхнинг қандай ният билан келганини эшитгач, ҳукмдор фуқаронинг диний ҳисстуйгуларини уйғотиш жуда-жуда оғир, балки иложсиз бир иш эканини, аҳолининг исломий ишонч-эътиқодини тиклаш ҳам, Аллоҳ ўзи ёрлақамаса, энди ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигини





айтади. Шайх ҳукмдорнинг сўзларини эътиroz қилмай тинглайди. Фақат вақти келиб фуқаро яна имонга, Исломга, масжидларга қайта бошласа, унинг ишларига тўсқинлик қилинмаслиги ҳақида шоҳнинг ёзма равишдаги ваъдасини олади. Чунки шайх бу мамлакатдаги номашрӯй муассасалар – қиморхоналар, майхоналар, шароб сотиши дўконлари шоҳ ва унга яқин амалдорлар кўлида эканини яхши биларди.

Имон-эътиқоди суст, диндорларнинг халқ ҳаёти ва давлат сиёсатига таъсири кучсиз бўлган ерда, маънавий инқироз кузатилиши тарихий ҳақиқатдир. Одамларнинг яхшиликка юз буришига умид қилмаган Хоразм шоҳи шайх Азизон Ромитанийга мамлакатда Ислом асосларини мустаҳкамлашдек хайрли ишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини ўз номидан сўраб, ишончнома ёзib беради.

Комил муршид Ромитаний шошилмай ишга киришади. Дастреб шаҳар марказидан каттагина ҳовалини ижарага олади, яхши хизматкорлар, ҳалол ошпазларни ишга ёллади. Сўнгра у мардикор бозорига бориб, ақл ва тажрибасига таянган ҳолда, исломий ҳаётга қайтишга тайёр бўлган ўн кишини танлайди, уларга жуда муҳим бир хизмат борлигини тушунтиради. Аввал, мардикорларни Хивадаги ҳаммомда ювинтиради, эски, кир кийимлари ўрнига янги кийимлар беради. Шайх, уйда мардикорларга вазифасини тушунтиради. Улар чиройли ёзилган даструрхон атрофида азиз меҳмонлардек ўтириб, мезбоннинг иззат-ҳурматини ва зиёфатини қабул этиб, унинг ҳаёт мазмуни, дунё ва охират ҳақидаги ҳикоялари, насиҳатларини эшитишдан иборат эканини айтади. Ромитаний Хоразмдаги ўзининг маърифий ишларини шу тарзда бошлайди. Шайхнинг пурмаъно сұхбатларини тинглаб, иккинчи кунданоқ хоразмлик меҳмонларда ўзлари унугиб юборган диний ҳистийғулар уйғона бошлайди, қалбларида Аллоҳдан қўрқиши, Унинг раҳмат-марҳаматига умид боғлаш қайтадан тикланади. Шайх Ромитаний уларга намозда ўқиладиган кичик сураларни





эслатади. Меҳмонлар мамнуният билан мезбонга эргашиб, кундалик беш вақт намозни ўқий бошлашади. Меҳмондўстаги, қалбларида ўзлари унугтган исломий эътиқод асосларига ишонч ва муҳаббат уйготгани учун шайх Ромитанийга миннатдорлик билдиришиб, улар тез орада яна йигирма кишини – ака-укаларию қавми-қариндошларини бошлаб келишади. Шундай қилиб, диндорлар сони кундан-кунга кўпайиб боради.

Ниҳоят, Хоразм шоҳи давлат хазинасига қиморхона, майхона ва шунга ўхшаш шоҳобчалардан тушадиган фойда камайиб кетганини англаб қолади. Суриштирса, маҳаллий аҳоли бундай номаъшру ишлардан ўзларини тийиб қолгани аниқданади. Шоҳ дарҳол шайхни саройга чақиртиради ва: “Сиз менинг салтанатимда нима ишлар қиляпсиз, сиздек бир мусоғир одамга давлатнинг ички ишларига аралашишга ким рухсат берди?” деб таҳдид қиласди. Шунда Ромитаний ҳазрат чўнтагидан ноумид шоҳ ўз қўли билан ёзиб берган ёриқни чиқаради. Саройнинг обрў-эътиборли амалдорлари, Хоразм шоҳнинг севикли ўғиллари – шаҳзодалар ҳамда шайх Ромитанийга миннатдор бўлган кўплаб шогирдлари бу воқеа гувоҳи бўлишган эди.

Ўрта Осиё мусулмонларининг диний туйгуларини уйғотиш ишлари ҳам тахминан ана шундай услубда олиб борилди. 1943 йицанинг ташвишли кунларида Тошкентда шайх Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхоннинг уйида барча ўғиллари ва мусулмонларининг илк жамоати тўпланади. Улар қаторида Аллоҳнинг марҳамати билан 1941 йили Тошкент қамоқхонасидан руҳияти ва иродаси чиниқиб чиққан Зиёвуддинхон ҳам отаси ёнида бўлади. Саксон беш ёшли шайх Эшон Бобоҳон ўз уйида имомлик масъулиятини хушнудлик билан адо этади. Унинг мустаҳкам қатъияти, илҳом инган табассумли чеҳраси, чиройли муомаласи дастлаб юзларча қариндошлари ва яқинлари, кейинчалик эса қўшиллари ва атрофдаги бошқа мусулмонларга беш вақт намозни адо этиш, муҳтожларга хайр-эҳсон улашиш, шариат қонунлари асосида яшашда руҳий куч ва нурли умид баҳш этиб туради.





Эшон Бобохон ва унинг ўғилларига ишонч билдириб, қалби үйғониб сафдош бўлган мўмин-мусулмонаар маърифатчилар хонадонининг азиз меҳмонлари эди. Муфтийнинг жуфти ҳалоли Саломатхон, қизлари Сафияхон, Саидахон ва келинлари Манзирхон ва Мұхайёхонлар меҳр билан тайёрлаган таомлар меҳмондўст хонадон дастурхонига доимо файз багишлаб туради.

Янги тузилган Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг диний назоратига биринчи муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ўзи бошлаган хайрли ишга энг қимматли ашёлари – ҳовли-жойни, аждодларидан мерос қолган бебаҳо китобларини, шахсий кутубхонасидаги қўлёзма манбаларни, сўнгги маблағини ҳам бахшида этди. У танлаган йўлидан қайтишни ҳаёлига ҳам келтирмас, бу ишда катта ва аҳил оиласининг барча аъзолари уни доимо қатъий қўллаб-қувватлаб туришарди.

XIV асрда истиқомат қилган пиру муршид Хожа Азизон Ромитаний билан XIX–XX асрларда яшаган Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонни, вақтлар үтса ҳам, Аллоҳнинг ҳақ динига холис ва садоқат билан хизмат қилиш ниятини, ҳаракатларини, иш услубини ўзаро бοглаб турибди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам, Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида истиқомат қилган Хожа Аҳмад Яссавий ҳам турли йилларда хожагон тариқати асосчиси, буюк аллома, комил муршид Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдларидан бўлишган.

Баҳоуддин Нақшбанд, устози Сайд Амир Кулол (Амир Темур ҳам бу шайхнинг муриди бўлган) ва Хожа Аҳмад Яссавий ўз вақтларида мусулмоналарнинг руҳоний ҳисстийғуларини жонлантириб, исломий эътиқодни қалбларига мустаҳкам жойлаш йўлидаги ҳаракатларга етакчилик қилишган. Тарихда айрим воқеа ва ҳолатлар, орадан асрлар үтса ҳам, мана шундай такрорланиши кузатилади. Буюк аллома, пиру муршид Хожа Аҳмад Яссавий туркий тиали



халқлар орасида жуда кучли илдиз отган яссавия тариқатига асос солған эди. Хожа Аҳмад Яссавий: “Нафсингни енгигиб ушбу дунёга ҳоким бўл” чақиригини ўртага ташлади.

Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ таолонинг буюк инояти билан Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий ва уларнинг минг-минглаб шогирдлари мўғул асоратидан сўнг халқнинг Ислом динига ишончини қайтадан тиклашди, эътиқодларини мустаҳкамлашди. Маданиятли халқларнинг, саҳродаң келган мўгулларнинг шафқатсиз зулмидан қутулиш йўли, фақатгина Ислом – ҳидоят йўли эканлигини одамларга англашиди.

Куръони каримнинг “Раъд” сураси 11-оятида ўзларининг хуқини ўзгартирган, яхшилаган одамларнинг ҳолати ўзгариши (яхшиланиши) айтилади: “Унинг (инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб этувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турурлар. Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас. Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга бошқарувчи йўқдир”.

Аллоҳ таолога шукр, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий ва уларнинг минглаб издошларининг чақириги сабаб бўлиб, шафқатсиз босқинчилар солган кўрқинч туйғулари халқлар юрагидан қувиб чиқарилди, уларнинг юраги яна Аллоҳ таолога имон-эътиқод, келажакка, галабага умид-ишенч, эрк ва орномус учун кураш шавқи билан тўлиб тошди. Аллоҳ таоло буюк фотих, соҳибқирон Амир Темурни мусулмонларга ёрдамга юборди. Амир Темур мўгуллардан зулм кўрган, уларнинг таҳдиди остида қолган халқларнинг бирлашган кучига етакчилик қилиб, бир қараганда енгилмасдек туюлган, инсониятнинг душманлари бўлган Эдебей ва Тўхтамиш (Чингизхон набиралари) бошлиқ босқинчиларнинг миллион

кишилик қўшини устидан улкан галабаларни кўлга киритди. Шундай қилиб, Амир Темур ўрта асрлар Шарқ ва Гарб уйгониш даври бошланишига йўл очиб берди. Бу улут галабалар бошида яссавия, нақшбандия ва кубравия тариқатларига мансуб исми номаълум, қаҳрамонлар туришди.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг голибона юришлари ҳақида Лондон, Париж, Истанбул, Деҳли, Қоҳира, Исломобод, Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарлар музей-кутубхоналарида сақланаётган 450дан ортиқ тарихий ҳужжат гувоҳлик беради. 2008 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти ўрта аср тарихчиси Шарағиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” (Амир Темурнинг галабалари) китобини чоп эттириди. Амир Темур замондошлари ёзиб қолдирган жуда кўплаб тарихий ҳужжатлар Соҳибқирон эришган галабаларнинг сабаб ва оқибатлари бир-бирига боғлиқ эканидан далолат беради. Тарих эса XIII аср охири, XIV аср бошларида Мовароуннаҳр мусулмонлар жамоаси, олимлар ҳаракати, мамлакат ҳалқлари руҳиятидаги бирорларга қуллик, босқинчилардан қўрқув ҳисси устидан галабасини таъминлагани, Амир Темур кейинчалик бу маънавий галабани ҳарбий воситалар билан тасдиқлагани ҳақида гувоҳлик беради.

Мустақиллик шарофати билан, эндилиқда ўрта асрлар тарихини янгича, холис қарашлар билан ўрганиб, мавжуд далилларни, ҳаққонийлик билан тадқиқ этиб, тўғри хulosалар чиқариш вақти келди. Темурийлар даврида Шарқ тамаддуни Европанинг жаҳолатдан, мўгул босқинчиларидан холос бўлишида ҳал қиувлчи ўрин туттган эди. Бу ҳақиқат замонамиизда ҳам, айниқса, Хантингтон сингари бемаъни уруш жарчилари улкан оммавий ахборот воситалари ёрдамида жаҳонга “Ислом террори” хавф solaётгани, тамаддулар тўқнашуви муқаррарлиги тўғрисидаги уйдирмаларни тарқатаётган бир пайтда жуда-жуда ибратли ва аҳамиятлидир. Хантингтон ва унга ўхшаш тарих “билимдонлари” аслида соҳта олимлар ёки

жоҳил кишилардир. Улар, ёки ҳаммага маълум ҳақиқатларни, ўрта асрлар тарихи ҳужжатларини билишмайди ёки бу даврнинг тамаддуналар мулоқоти манфаатига хизмат қилувчи, глобал можароларни ҳал этишга ижобий таъсир этувчи намуналарини кўриб кўрмасликка олишади.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, Амир Темур ва мусулмон халқларнинг инсониятни мўғул босқинчиларининг бир ярим асрлик зулмидан озод этишдаги буюк хизматларини муносиб баҳолашдаadolat қарор топа бошлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маданият, фан ва таълим бўйича ташкилоти ЮНЕСКО 1996 йиanni инсоният тамаддуни тарихида энг қудратли давлатларнинг бирининг асосчиси Соҳибқирон Амир Темур йили деб зълон қилди. Бу буюк бобомиз туғилганлигининг 660 йиллигига бағишлиланган тантаналар 1996 йил апрелида Европанинг фан, маданият, маърифат маркази ҳисобланган Париж шаҳрида ўтказилди. Бу воқеани ўзбеклар ва бошқа туркӣ халқлар жаҳонга Мирзо Уаугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларни етиштирган, жаҳон тамаддуни ривожига қудратли таъсир кўрсатган XV аср Шарқ уйгониш даврида Амир Темур ва темурийларнинг алоҳида мұхим ўрин тутишининг эътирофи деб баҳолашади.


Барча мусулмонлар ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган Қасри Орифон кишлоғидаги (илгари номи “Қасри Ҳиндувон” бўлган кишлоқ нақшбандийлик маркази, илм-маърифат ўчоги сифатида кейинчалик шундай аталган). Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасида туриб, нурли бир қайғу билан ўйга толаман: тез орада кенг жаҳон бу улуғ авлиёуллоҳ зот, буюк маърифатпарвар, асрлар давомида мўғул босқинчилари зулми остида эзилган, камситилган миллионлаб мусулмонлар қалбида меҳрибон ва раҳмли Аллоҳга имон-эътиқодни жонлантирган алломанинг инсоният озодлиги учун курашга қўшган улкан ҳиссасини билиш, тан олиш керак.



Бу воқеа бизнинг авлод кўз ўнгидаги содир бўлишига ишонгим келади. Инсоният тарихини ҳаққоний ўрганиш янгича муносабатларга ишончли асос яратади. Аллоҳ таолонинг изни-иродаси билан тамаддуналараро фойдали мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш ишларининг бошида турган қатор давлатлардаги фаол мусулмонларнинг холис саъӣ-ҳаракатлари, иншааллоҳ, яхши натижада беради.

Эшон Бобохон, ўзининг нуроний отаси нақшбандия шайхи Абдулмажидхон каби, шўро-даҳрийлар давлатида зулм ва хурофот остида ишонч-эътиқоди сусайиб, ўз тарихини, аждодларини унугланган, диний-руҳоний ҳис-туйғулари худосизликнинг ҳалокатли йўлига тушиб қолган одамлар онги ва қалбига таъсир этишнинг ажойиб усусларини самарали қўллар эди. Эшон ота, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари, кейинчалик шогирдлари ва издошлари кўп минг сонли дарвишлар оломонини қандай мағлуб этишганини сафдошларига, муридларига ҳикоя қилиб берарди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида дарвишларнинг турли гуруҳлари барча шаҳар ва қишлоқларда, кўчалар, бозорлар, масжиidlар, зиёратгоҳларни тўлдириб, бекорчилардек дайдиб юришарди. Улар баъзи соҳта шайхлар раҳбарлигида меҳнаткаш аҳолини садақа сўрайвериб ҳол-жонига қўйишмасди. Танбал турмуш тарзи, шариатга риоя этмаслиги, қўполлиги билан дарвишлар ҳаммага ёмон кўриниб қолган эди. Энг *хавфли жиҳати* – дарвишлар Ислом динимиз мазмун-моҳиятини, мусулмоннинг мажбуриятларини нотўғри талқин этишиб, билимсиз, тажрибасиз ўшларни тўғри йўлдан оздиришарди. Дарвишлар кундан-кунга кўпайиб, давлат таянчларини емириш хавфи туғилади. Дарвишларга қарши қандай курашишни билмай амирлар ва ҳонларнинг боши қотган эди. *Ана шундай бир вазиятда Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд машҳур “Дил ба Ёру даст ба кор” (“Дил Аллоҳда, қўл шида бўлсин”)* чақиригини ўртага ташлайди. Бухоро мадрасалари





мударрислари, талабалари, минг-минглаб ҳунармандлар, дәққонлар, аскарлар ушбу чақириққа жавобан шаҳар ва қишлоқдар күчаларига чиқишиб, олдинига яхши сўз билан, шунда ҳам кетмаса, куч ишлатиб танбаллик, дангасаликни “касб” қилиб олганларни жамоат жойларидан ҳайдаб солишиди, фойдали меҳнат қилишга чақиришиди. Дарвишлар аввало кўнгиллилар ҳамроҳлигида масжид ва мадрасаларнинг вақф ерларида маълум муддат меҳнат тарбиясидан ва ахлоқий покланишдан сабоқлар олишиди, меҳнат кўникмалари, қобилиятларини тиклашиди, динимиз кўрсатмаларига риоя қиласидиган, намоз ўқиб, рўза тутадиган бўлишиди. Бу сабоқлардан яхши таъсирланиб, сохта шайхларнинг ташвишсиз ҳаёт ҳақидаги ёлғон ваъдаларига учиб унтиб юборишган ота-онасини, оиласини, қариндошларини эслаб қолганлари уйларига қўйиб юборилди.

Нақшбандия тариқати издошларининг сўзи билан иши бир эди. Баҳоуддин Нақшбанд шогирдларини юз берадиган ўзгаришлардан чўчимасликка, ҳақ динга, халқ ва мамлакат ҳаётига замонанинг ҳар қандай таҳдидига журъат билан муносиб жавоб беришга ўргатди.

Турли халқларга мансуб миллионлаб мусулмонларнинг онги ва қалбига бундай ижобий ва самарали таъсир ўтказилишининг асл моҳияти, энг аввало, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Аллоҳ суйған валий зот, дуолари ижобат бўладиган кароматларини инсон экани билан изоҳланади. Ривоят қилишларича, Бобои Самосий муридлари билан Бухорога ўтаётганида Қасри Ҳиндувонда тўхтаб: “Бу ерда бир эрнинг ҳидини туймоқдаман”, деб Аллоҳдан унинг камолини тилааб, дуо қиласиди. Орадан бир йилича вақт ўтиб, яна Қасри Ҳиндувонда тўхтаган Бобои Самосий ҳамроҳларига: “Ҳалиги эрнинг ҳиди димогимга уриляпти. Ҳойнаҳой, у туғилган бўлса керак”, дейди. Шунда унинг қўлига чақалоқ Баҳоуддинни тутқазишади. Бобои Самосий чақалоқни олиб, унинг






келажакда жуда улуғ ишларни амалга оширажагини башорат этади. Шогирди Саид Амир Кулолга унинг тарбияси билан шуғулланишни тайинлади. “Қасри Ҳиндувон бу боланинг шарофати билан келажакда Қасри Орифон бўлади”, дея тъкидлайди валий зотлардан Бобои Самосий.

Ўша даврларда одамлар валийларга – кароматли инсонларга жуда катта ишонч билдиришар, ҳурмат кўрсатишар эди. Авлиёning сўзига, унинг насиҳатига ҳамма бўйин эгар, унинг бирор ишга чақириғи сўзсиз бажарилар эди. Авлиёning бир сўзи учун муридлар жонини қурбон қилишга шай туришар, қаҳрамонлик кўрсатишар ёки оғир машақатларга сабр қилишар эди.

Аллоҳ суйган валий зот Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бўлган ҳалқ муҳаббати, ҳурмат-эҳтироми орадан етти аср ўтган бўлса-да, асло сусаймаган. Дунёning тури бурчакларидан Бухорони, хоссатан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини зиёрат қилиш ниятида келаётган мусулмонлар, нақшбандия тариқати издошлири сони йилдан-йилага кўпаймоқда. Кейинги ўн йилликда, айниқса, Россия, Европа мамлакатлари, Яқин Шарқ, Малайзия, Индонезиядан жуда кўп одамлар зиёратга келиб кетишиди.

Бу асрда маънавий саёҳат – табаррук жойларни, валийларнинг мақбараларини зиёрат қилиш йиллар ўтиб фақат ривож топишига умид билдирамиз. Ислом тамаддунига онд табаррук жойларни зиёрат қилиш мусудмоннинг тарихга доир билимларини бойитади, аждодларимизнинг қаҳрамонлик намуналари, авлиёларнинг пурҳикмат насиҳатлари билан таништиради. Мусулмонларнинг шаъни ва манфаатларини ҳимоя қилишда жасорат ва фидойилик кўрсатган азизларга ҳурмат кўрсатиш савобли ишдир. Донишманд авлиё зотларнинг ҳикмати сўzlари, насиҳатларини ўқиб, тафаккур қилиб, инсон қалбида руҳоний ҳис-туйғулар уйгонса, Исломга ишончи мустаҳкамланса – ахир бу қандай яхши!”





Хотира, эзгу хотира инсонни, Аллоҳнинг бошқа барча яратиқларидан юксалтирувчи омилларнинг яхшироғидир. Ота-ўғил-набира Бобохоновлар ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати пиру муршидлари, алломалари илмий, адабий меросининг катта билимдони эдилар. Муфтий Зиёвуддинхон одамларга яхши таъсир ўтказиш борасида буюк устозлар насиҳатига амал қилиб, уларнинг тажрибасини қўллаб, мураккаб, вазиятларда ҳам улкан натижаларга эришган.

Ўтган асрнинг 70-йилларида муфтий Зиёвуддинхон мусулмонлар орасида юзага келган қалтис вазиятни тинчтиш учун Тожикистоннинг тогли туманларидан бирига боради. Тожикистон қозиси Абдуллажон Калонов унга ҳамроҳ бўлади. Йўлда қози маҳаллий халқнинг ўзига хос феъл-автори ҳақида муфтийга сўзлаб беради. Манзилга етиб боришганда учрашув бошланишига оз вақт қолган эди. Тўпланган одамлар учрашувга келган туман, вилоят, республика, ҳатто Ўрта Осиё бўйича мусулмон идоралари раҳбарларига асло эътибор бермай баланд овозда бакир-чакир қилиб гаплашиб, баҳсласиб туришарди. Муфтий Зиёвуддинхон вазиятни баҳолади, сўзини тоғликларнинг соғ маҳаллий шевасида бошлади. Одамлар бирданига жим бўлиб қолишиди. Муфтий хотиржамлик билан бу ерга қандай мақсадда келишганини, вазифалари нимадан иборат эканини баён қилди. Юзага келган муаммоларни қандай ҳал этиш йўлларини тушунтириди. Маҳаллий халқ учун Тошкентдек узоқ шаҳардан келган муфтийнинг тогли тоғиклар шевасида бемалол гапириши асло кутилмаган ҳодиса бўлди. Тоғикларнинг бегубор кўнгалини муфтийнинг зукколиги, фаросати забт этган эди. Томонларнинг эътиrozлари бартараф этилиб, келишмовчилик тинч йўл билан ҳал этиди.

Мазкур ҳолатда муфтий Зиёвуддинхон Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Агар одамлар мени тушунишсин десангиз,



бухоролик билан бухороча, бағдодлик билан бағдодча тиlda гаплашинг", – деган ўгитига амал қилди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳади талабаларидан бири бухороликлар билан ўзбек ва тоҷик тилларида, бағдодликлар эса араб тилида гапиришини билгани учун муфтийдан: "Нақшбандий ҳазратларининг бу кўрсатмаси матнидан мабодо бирор сўз тушиб қолмаганми?" деб сўрайди. Муфтий Зиёвуддинхон унга жавоб беради: "Матнда хатолик йўқ. Ҳазрати Нақшбанд китобхонлар бу икки йирик шаҳар аҳолиси қандай тиlda сўзлашишини билишади деб ўйлаган. Бу ўринда гап маҳаллий тилларининг турли шевалари ҳакида кетаётганини кўпчилик билади".

З-БОБ. ШАЖАРА. ЭШОН БОБОХОН ИБН АБДУЛМАЖИДХОН

3.1. VIII–IX аср. Ҳазрати Ювошбоб билан Товусбегим

Аллоҳ таоло ердаги ўткинчи ҳаётнинг тинчликда давом этишини Ўзи яратган инсонларнинг ахлоқий сифатларига боғлаган. Қуръони каримда: “Албатта, ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар”, дейди “Набаъ” сураси 105-оят. Аллоҳнинг солиҳ бандалари қаторига юраги имон нури билан ёришган одамларни ҳам киритса бўлади.

VIII асрнинг иккинчи ярмида тобеъинлар Ҳазрати Исҳоқбоб, Мавлоно Баҳруддин Қаффол, Ҳазрати Абдужалил ота, Ҳазрати Ювошбоб (Ҳазрати Исҳоқбобнинг акаси, улар иккиси Абдураҳмон ибн Абдулқаҳдор ибн Абдулжабборнинг ўғиллари)дир, Ҳазрати Абдулмажидбоб (“Ханорлик ота” номи билан машҳур) ва Ҳасан Восил каби саркардалар Шомдан Мовароуннаҳр сари йўлга чиқишидаи. Улар Ислом тарғиботчилари ва маърифатчилари сифатида лашкарлари билан Исфижоб (ҳозирда жанубий Қозогистондаги Сайрам)га келишидаи. Араблар Мовароуннаҳрни истило қилиш жараёнида маҳаллий ҳалқлар маданияти уларникидан юқорироқ эканлигига иқрор бўлганлар. Саҳобалар, тобеъинлар ва Ислом гозийлари билан бирга келган уламолар саъгу кўшишлари натижасида, ушбу динга эътиқод қилувчилар кўпайди. Бунга қўшимча равишда Ислом дини мафкураси Ўйгониш даври бошланишига туртки бўлди. Ўйгониш даврининг биринчи босқичи IX–XII асрларни ўз ичига олади. Ана шу даврда Мовароуннаҳрда мадрасалар, масжидлар пайдо бўлди ва диний иамлар, исломий санъат марказлари вужудга келди. Дини Ислом бу ўлқада ажиб бир суратда ривожланди. Ҳазрати Абдулмажидбоб билан Ҳазрати Ювошбоб Сайрамда қолишидаи. Ҳазрати Исҳоқбоб эса Қарғали томон йўлда давом этади.



Ҳазрати Абдулмажидбоб Шомнинг адолати ҳукмдорларидан бири сифатида аҳоли ўртасида катта обрў қозонган эди. Исфижобда ҳам у ҳукмдор этиб эълон этилади. Ҳазрати Абдулмажидбоб давлат юритиш билан бирга минтақада маърифатчилик, таълим-тарбия ишларини, шунингдек, қозиликни ҳам зиммасига олади. Абдулмажидбоб 45 йил минтақада волийлик қиласди. Ёлғиз қизи Товусбегимни дўстлари орасида илм-маърифатли бўлган Ҳазрати Ювошбобга (730–830м.й.) никоҳлаб беради. Ҳаётининг сўнгги йиллари бошқарувни куёви Ҳазрати Ювошбобга топширади. Абдулмажидбобнинг вафотидан Исфижоб халқи чуқур қайғуда қолади. У дафн этилган жой ҳозир ҳам мусулмонларнинг зиёратгоҳидир.

Аллоҳ таолонинг марҳамати билан Ҳазрати Ювошбобнинг одил ва саховатли, маърифатпарвар ҳукмдор сифатида шуҳрати гарбу шарқда кенг ёйилди, халқ ижодида мадҳ этилиб, авлодлардан авлодларга ўта бошлади. Унинг жуда очиқ кўнгил, обрў-эътиборли ҳукмдор бўлганидан ҳикоя қилувчи халқ оғзаки ижоди намуналари бизгача этиб келган. Ювошбоб ҳозирги Сайрам вилоятининг Оқсув қишлоғида дағн этилган. Қишлоқ аҳли, ҳазратнинг кейинги авлодлари қабр устига мақбара тикилашди. Мусулмонлар маҳаллий жамоаси тайинлаган ҳодим шу кунларда ҳам мақбарада тозаликни сақлаб, зиёратчиларга хизмат қилиб туради.

Хижрий 150 или кўчирилган, Эшон Бобохон авлодларида сақданиб келган шажарага кўра, саккизинчи асрда Ҳазрати Ювошбоб билан Товусбегим маърифатчилар сулоласига асос солишган. Бу сулоладан йигирманчи авлод бўлиб XIX асрда Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон етишиб чиқсан.

Милодий 830 или Ювошбоб вафотидан кейин бошқарувни унинг ўғли Фахрул Ислом кўлга олади. Фахрул Ислом вафоти олдидан минтақада бошқарув ва шариат ишларини юритишни ўғли Нурул Исломга топширади. Нурул Ислом вафот этганидан






сўнг унинг ўрнини ўғли Садрул Ислом эгаллайди. Садрул Ислом ўрнини ўғли Бадрул Исломга қолдиради. Бадрул Исломнинг ўғли Шайх Исломга отасининг ишини давом эттиради, кундузлари бошқарув ишлари, маърифат тарқатиш билан шугулланса, кечаларни ибодат, Куръони каримни тиловат қилиш билан ўтказади. Унинг тўрт ўғли бор эди. Улардан бири қози Аълоул Ислом (кейинчалик Қози Байзовый номи билан танилади) отасининг ўрнини эгаллайди. У узоқ йиллар давомида минтақани бошқаради, хукмдор сифатида адолат ва олийжаноблик намуналарини кўрсатади. Унинг вафотидан сўнг ўғли Абдулмаҳид хўжа ҳокимиётта кўтарилади. У ҳам отасининг ишларини муносиб тарзда давом эттиради, минтақани шариат қонунлари асосида бошқаради ва шаҳар ҳокимлигини ўғли Низомиддинга топширади. У ҳам ўз навбатида минтақани бошқариш ишларини тўрт ўғлидан бири Муҳаммад Ислом Хожага топширади. У ҳам ҳаётининг сўнгги кунларига қадар бошқарувни аждодарига муносиб давом эттиради. Вафотидан сўнг бошқарув ўғли Ҳазрат Қози Хўжа қўлига ўтади. Унинг вафотидан сўнг ҳокимиётни Қози Шоҳ Ҳусайн бошқаради ва ўғли Муҳаммад Содикни валинаҳд, ворис этиб тайинлайди.

Мазкур сулола вакиллари ва уларнинг фаолияти ҳақида жуда кўп ибратли, қизиқарли маълумотлар бор. Аммо биз бу ўринда уларни жуда қисқа қилиб, санаб ўтиш тартибида келтириш билан чекланамиз.

Шоҳ Муҳаммад Содик минтақа бошқарувини ўғли Қози Тўлак Хўжага қолдиришни лозим кўради. Тўлак Хўжа вафот этганидан сўнг тахти Қози Шоҳ Абдулаҳбога тегди. У билими билан, бошқарувда амалга оширган ислоҳотлари билан машҳур бўлди. Унинг олти нафар ўғли бўлиб, барчаси мамлакатдаги энг илғор олимлардан эди. Улардан бири Қози Муҳаммад Ислом Хўжа узоқ йиллар маърифат тарқатиш билан шугулланди, бу ишда аждодлари каби етакчилик қилди. Унинг ўғли Эшон Айюб Хўжа ҳам ўқимишли, исп юритишда моҳир





эди. Эшон Айюб Хўжанинг тўрт ўғли бўлган: биринчиси Эшон Исомиддинхўжа, иккинчиси Эшон Зиёвуддинхўжа, учинчиси Хусомиддинхўжа ва тўртинчиси Исламзуллоххўжа. Эшон Исомиддинхўжанинг ўғли Юнусхўжа Эшонга ҳам Аллоҳ икки ўғил берди: биринчиси Имом Муҳаммад Эшон, иккинчиси Абдулмажидхон Эшон. Имом Муҳаммадхон ўғли ҳазрати Баҳодирхон домла (1848 – 1909) юксак фазилат ва билим соҳиби, “Бегларбеки” мадрасасининг бош мударриси, Эшон Бобохоннинг биринчи устози бўлганлар. Имом Муҳаммадхон ва Баҳодирхон Маҳдум вафотларидан сўнг Кафмол аш-Шоший мақбараси ҳудудида дағн этилганлар.

Абдулмажидхон Эшоннинг тўнгич ўғли Эшон Бобохон 1858 йида дунёга келади. Фарзанд олти ёшаигида онаси вафот этади. Юнусхўжа Эшон набирасини ўз қарамогига олади. Абдулмажидхон Эшоннинг иккинчи аёлидан эса уч ўтил: Сайдқосимхон, Фозилаҳмадхон, Ҳасанхон ва икки қиз Пошишон ва Робияхонлар туғилди.

3.2. Тошкент Эшонлари

Шарқшунос Н. С. Лиқошиннинг 1889 йили Тошкентда напр этилган қомусий лугатида бундай маълумотлар келтирилади:

Шайхонтаҳур даҳаси.

1. Илә маҳалласи:

– Муҳиддинхон Эшон Муҳаммад Содик Муҳаммад Аваз ҳалфа ўғли, 46 ёшда, тариқатнинг қодирияни жаҳрия йўлида, асли намангандлик, отасидан фотиҳа олган, муридлари Тошкент ва Тошкент вилоятида, Наманганда, Авалиё Отада бор. 1893 йили ҳаж қилган. Ҳаждан Афғонистон орқали отда қайтди. Уни қарши олгани Занги отага 400 нафар ерли миллат вакиллари пешвоз чиқиб бордилар.

– Кутбиiddинхон Эшон Муҳаммад Розик ўғли, 39 ёшда, тариқатнинг қодирияни жаҳрияга мансуб, Содик Муҳаммад Аваз эшондан иршод олган. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида





муридлари бор. Дехқончилик билан шугулланади, йилига 170 сўм солиқ тўлайди.

2. Мерганча маҳалласи:

– Одилхон Эшон Тўрахўжа Қозий ўғли, 50 ёшда, қодирияи жаҳрияга мансуб. Ўзининг халфа ва муридлари йўқ. Маблағсиз.

– Қурратилла халфа Муҳаммад ҳожи ўғли, 49 ёшда, асли кўқонлик, нақшбандияи хуфияга мансуб. Фотиҳани Соҳиб лақабли Муҳаммад Розикдан олган, муридлари йўқ. Йилига 5–6 сўм солиқ тўлайди.

3. Мўгул кўча маҳалласи:

– Мўмин хўжа Эшон Олим хўжа Эшон ўғли, 80 ёшда. Тариқатнинг нақшбандияи хуфияга ва жаҳрия йўналишига мансуб. Бундан 25 йил олдин кўқонлик Саидхўжа эшондан иршод олган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида муридлари бор. Эшон бадавлат одам, дехқончилик билан шугулланади, хазинага йилига 45 сўм миқдорида солиқ тўлайди. Табобат билан ҳам машғул бўлади, айниқса, бўгма билан оғриғанларни даволайди.

– Аббосхон Саид ҳожи ўғли, 28 ёшда, нақшбандияи хуфияга ва фахрияга мансуб. Отаси Саид ҳожи эшондан фотиҳа олган. Унинг ўз муридлари йўқ фақат муҳлислари бор.

4. Қиёт маҳалласи:

– Абдузоҳирхўжа Эшон Абдулазизхўжа ўғли, 88 ёшда, нақшбандияи хуфияга мансуб. Бу эшон Тошкент аҳолисининг ялпи ҳурматига сазовордир, кўпчилик унинг ибодати ва дуоларининг сеҳри таъсирига ишонади.

– Ортиқ халфа Қозоқбой ўғли, 71 ёшда. Султонияи жаҳрияга мансуб. Намангандик мулла Исҳоқ шайхдан иршод олган, муридлари 30 киши, йилига 3 сўм солиқ тўлайди.

5. Ўқчи маҳалласи:

– Мулла Алимбой халфа Болтабой ўғли, 58 ёшда, нақшбандияга мансуб, муридлари йўқ.

6. Қашқар маҳалласи:





– Ҳазрати Миён Солиҳ Эшон ҳазрати Миёнхўжа Эшон ўғли, 62 ёшда, тариқатнинг нақшбандияни хуфиясига мансуб. Ўзининг имом Раббоний авлодидан эканлиги билан машҳурдир. Бу авлод ҳалқ ичида катта ҳурматга сазовор. Ҳиндистонда яшаган имом Раббонийнинг авлодлари ўз исмларига доимо “Миён”(форсча ўрта демакдир) қўшимчасини қўшадилар. Умуман ҳамма Миёнлар эрли ҳалқ орасида катта ҳурматга эгадир, улар камтарона ҳаёт кечирадилар ва ўз обрўларини юқори тута биладилар. Деҳқончилик билан шуғулланади, йилига 200 сўм солиқ тўлайди.

7. Шайхонтахур маҳалласи:

– Сайд Мухаммад ҳожи ҳалфа Муҳаммад ўғли, 46 ёшда, қодирияни жаҳрияга мансуб. Фотиҳани намангандик Мехмонхон Тўрадан олган. Муридлари бор, катта маблағга эга эмас, йилига 20 сўмгача солиқ тўлайди.

– Усмонхўжа Яҳёхўжа ўғли, 55 ёшда, султонияни (яссавия) жаҳрияга мансуб. Муридлари 30 кишига боради. Эшон бой эмас, йилига 7 сўм миқдорида солиқ тўлайди. Келиб чиқиши Шайхонтахур авлодидан.

8. Жар кўча маҳалласи:

– Юсуфхўжа Эшон Бадалхўжа Эшон ўғли, 38 ёшда, қодирияни жаҳрияга мансуб. Фотиҳани отасидан олган, отаси эса қаршилик Абдухолик ҳожидан олган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида муридлари бор. Хазинага 10 сўмгача солиқ тўлайди.


9. Гишит масжид маҳалласи:

– Мулла Солиҳ Муҳаммад ҳалфа мулла Алий Муҳаммад ўғли, 95 ёшда, айрим кишиларнинг айтишича эшоннинг умуман муридлари йўқ.

10. Қорёғди маҳалласи:

– Мирализ ҳалфа Баротбой ўғли, 60 ёшда, тариқатнинг тўртала катта йўналишларига мансуб, асосан қодирията. Муридлари йўқ.

11. Падаркуши маҳалласи:





– Мулла Иброҳим халфа мулла Охунд халфа ўғли, 40 ёшда, сultonияи (яссавия) жаҳрияга мансуб. Тошкент ва унинг атрофида 40га яқин муридлари бор, ўзи камбағал.

12. *Девонбеги маҳалласи:*

– Мулла Али Инъо Суфий, 48 ёшда, жаҳрияга мансуб, муридлари 50 кишига яқин.

Себзор даҳаси:

1. *Қорасарой маҳалласи:*

– Шоқирхон Тўра Мўмин ўғли. Мўмин халфа қаршилик Алавҳожидан иршод олган, кейинчалик ўз ўғилларига эшонлик учун фотиҳа берган, Эски Жўва маҳаллалик Азимни хафаликка тайёрлаган. Мўмин халфа ўғиллари 55 ва 51 ёшда, улар сухравардияи – сultonияи жаҳрияга мансубдир. Ака-ука эшонлар биргаликда хазинага 50 сўмгача солиқ тўлайдилар.

2. *Эски Жўва маҳалласи:*

– Мулла Азим охунд мулла Шодмонбой ўғли, 66 ёшда, сухравардияи жаҳрияга мансуб. Зигир ёғи савдоси билан шугулланади, йилига 20 сўм солиқ тўлайди.

3. *Тахтапул маҳалласи:*

– Ортиқхўжа эшон Мирзохўжа эшон ўғли, 67 ёшда, нақшбандияи хуфияга мансуб. Тошкент шаҳрида ҳинди斯顿лик (Деҳли ва Сархин ш.) ҳазрат Соҳибзода (Миён Гуломқодир)дан иршод олган. Тариқат ишлари бўйича эшон хузурига 40–50 киши тўпланади. Илмий дарсларга эса унинг 20 чоғлик талабаси қатнашади. Эшон деҳқончилик билан шугулланади, бадавлат одам, ҳар йили хазинага 40 сўмгача солиқ тўлайди.

4. *Хўжа Тарозу-Лақон маҳалласи:*

– Мулла Мирфайзи мулла Саримсоқ ўғли, 57 ёшда, камбағал, халқ орасида бу эшонни кўпчилик танимайди.

5. *Дарвозакент маҳалласи:*

– Мулла Шоакрам халфа мулла Шояқуб ўғли, 76 ёшда, нақшбандияи хуфияга мансуб. Фотиҳани эшон Аҳмад махсумдан (Бешёғоч даҳаси) олган. Масжида имомлик





вазифасини ўтайди. Икки ўғли бор: мулла Муҳаммад Зокир ва мулла Шоаҳмад, булар ҳам фотиҳани эшон Аҳмад маҳсумдан олишган.

– Аббосхўжа Тўра Ҳамдам Тўра ўғли, 25 ёшда, жаҳрияга мансуб, камбағал.

6. Работ маҳалласи:

– Тошмуҳаммад Бадалмуҳаммад ўғли, 66 ёшда, нақшбандияни хуфияга мансуб. Фотиҳани эшон Аҳмад маҳсумдан (Бешёғоч даҳаси) олган. Работ масжидида имомлик қиласи, ҳамда шу масжид қошидаги мактабда домлалик вазифасини бажаради. Хазинага йилига 10 сўм солиқ тўлайди.

7. Охунд гузар маҳалласи:

– Мулла Жамолиддин Бекмуҳаммад ўғли, 59 ёшда, татар, жаҳрияга мансуб, муридлари йўқ, кўзи ожиз.

8. Коҳота маҳалласи:

– Раҳматилла хўжа Шоҳмаҳди ўғли, 53 ёшда, нақшбандияни хуфияга мансуб, дэҳқончилик билан шугулланади, муридлари йўқ, йилига хазинага 25 сўм солиқ тўлайди.

9. Кадибод маҳалласи:

– Мирҳамид қори мулла Саримсоқ ўғли, 42 ёшда, нақшбандияни хуфияга мансуб. Фотиҳани эшон Аҳмад маҳсумдан (Бешёғоч даҳаси) олган. Кадибод масжидида имомлик қиласи. Хазинага 15 сўм солиқ тўлайди.

10. Пушт ҳаммом маҳалласи:

– Азиз Муҳаммад Содиқ сўфи ўғли, 56 ёшда, сultonияни (яссавия) жаҳрияга мансуб. Фотиҳани мулла Нажмиiddин Чустийдан олган. Тошкент шаҳрида муридлари сони 60 кишига етган.

11. Калон шоҳид маҳалласи:

– Муҳаммадкарим Абдураҳим ўғли, 51 ёшда, тариқатнинг қодирияни жаҳрияга мансуб, Абдуваҳоб ҳалфадан иршод олган. Чопон-бозорда тўн сотиш билан шугулланади. Хазинага йилига 15 сўм солиқ тўлайди.

12. Парчабоб маҳалласи:






– Мулла Абдулмажидхон ибн Юнусхўжа эшон, 80 ёшда. Нақшбандия таринатига кирган, ўқимиши мулла ҳисобланади, деҳқончилик билан шугулланади, моддий таъминоти яхши. Унинг Тошкент шаҳридаги муридлари сони тўрт юз кишига боради. Эшон бухоролик устози (Соҳибзода номи билан танилган) Миён Гуломқодирдан фотиҳа – руҳсат олган. Эшон ҳаммаси бўлиб ўн беш ўринбосар тарбиялаган. Улардан кўпи Тошкентда яшайди: Имом Алихўжа эшон (Парчабоб маҳалласи), Сиддиқ қори (Ҳалимкўп маҳалласи), Ҳорунхўжа эшон (Работ маҳалласи), Жалилхўжа эшон. Эшон муридларининг аксарияти Тошкент вилоятидаги Занги Ота ва Қорамуртуда ва Сайрам шаҳрида яшайди. Эшон Тошкент шаҳар қозиси Муҳиддин ҳожи билан қариндош бўлган. Эшоннинг тўнгич ўғли Муҳиддин ҳожининг қизига уйланган. Мулла Абдулмажидхон шаҳарнинг энг обрўли дин арбоби ҳисобланади. У ўз сулоласининг иадизлари Исломнинг илк фотиҳ-маърифатчиларига бориб туташувини тасдиқловчи ишончли шажарага эга, бу билан фахрланади. Эшон кўчмас мулклари ҳисобидан йилига 100 сўм солиқ тўлайди. Ҳар жума куни эрталаб Парчабобдаги масжида намоз ўқиласди, унда йигирма-ўттиз киши иштирок этади. Эшон Мўйи Муборак мадрасасининг мударриси (директори) ҳисобланади.

Бешёғоч даҳаси:

1. Аррапоя маҳалласи:

– Мулла Шарофуддин маҳдум Аҳмад маҳдум ўғли, 52 ёшда, нақшбандияни хуфияга мансуб, ўз отаси Аҳмад маҳдумдан иршод олган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида муридлари бор. Мулла Шарофуддин қўйидаги ҳалфаларни тайёрлаган: Нижний Новгородда-мулла Зокирни, Тошкентда-мулла Шамсиiddинни (ўзини жияни). Отасидан қолган ҳалфалар: Бешёғоч даҳасида-Обид маҳдум, Сезор даҳасида-Тошмуҳаммад, Мирҳамид қори, Шоакрам, Кўқон шаҳрида-Тошмуҳаммад, Самарқанд вилояти Ургут қишлоғида-Курбонқул, Бухорода-





Абдураҳмон. Эшон бадавлат бўлган, ҳар йили хазинага 150 сўм солиқ тўлаган.

2. Яланг қори маҳалласи:

– Ином Зайнуддинхон Ҳодихон ўғли, 65 ёшда, наманганлик Мехмонхондан иршод олган. Ином Зайнуддинхон Ҳодихон ўғли томонидан тайёrlанган халфалар: Сайрамда-Исабек, Бешёғоч даҳаси Комолон маҳалласидан-Яҳё ҳожи, Занги – отадан Аҳмад шайх. Эшон бадавлат бўлган, йилига хазинага 100 сўм солиқ тўлаган.

3. Эски номозоғ маҳалласи:

– Нажмиддинхўжа Нуржўжа эшон ўғли, 56 ёшда, жаҳрияга мансуб, Азизлар эшон шогирди. 20га яқин муридлари бор.

4. Яланг қори маҳалласи:

– Шояъқуб Шораҳим ўғли, 51 ёшда, жаҳрияга мансуб, Азизлар эшон масжидининг халфаси.

5. Янги маҳалласи:

– Ҳошимхон Абдулқосимхон Эшон ўғли, 47 ёшда, нақшбандияи хуфияга мансуб. У элга машҳур бўлган. Тошкентда 800га яқин муриди бўлган. Қирғиз даштларида эшоннинг ихлосмандлари жуда кўп бўлган. Унинг акаси Сайд Боқиҳон Бешёғоч даҳасининг қозиси бўлган.

6. Комолон маҳалласи:

– Яҳёхўжа Абдужабборхўжа ўғли, 45 яшар, жаҳрияга мансуб, Тошкентда 20 муриди бор.


7. Лаклак маҳалласи:

– Азизлархўжа Ёқуб ҳожи ўели, 76 ёшда, қодирияи жаҳрияга мансуб. Фотиҳани Муҳиддинхоннинг отасидан олган. 20га яқин муридлари бор.

8. Чақар маҳалласи:

– Миён Фазлий Гафур, 49 ёшда, ўзи қўқонлик, нақшбандияи хуфияга мансуб. Фотиҳани отаси Фазлиддин Аҳаддан олган. Деҳқончилик билан шугулланади.

Кўкча даҳаси:





1. Чигатой маҳалласи:

– Мулла Ориф Қувондиқ суфий, 41 ёшда, қодирияни жаҳрияга мансуб. Муҳиддинхон эшондан иршод олган. Мактабда дарс ўтади, талъати хушбичим, жуда хушсурат одам, элда обрў-эътибори баланд. Йилига 9 сўм солиқ тўлайди.

2. Тўқли жаллоб маҳалласи:

– Ҳазрати Миён Фазлий Музаммил Ҳазрати Миён Калон ўғли, 56 ёшда, бухоролик, нақшбандияни хуфияга мансуб. Муҳиддинхон эшондан иршод олган. Регистондаги Пўлатбой масжидида имомлик қиласи, қироатдан ҳам дарс беради. Дехқончилик билан шугуулланади, йилига 40 сўм солиқ тўлайди.

3. Кунжак маҳалласи:

– Обидхўжа халфа Мулла Хўжажон ўғли, 63 яшар, сultonияни (яссавия) жаҳрияга мансуб. Наманганик мулла Файзи эшондан иршод олган. Эшон масжид мактабида домлалик қиласи, хазинага йилига 14 сўм солиқ тўлайди.

4. Каллахона маҳалласи:

– Мулла Боқий Мұхаммад халфа Мулла Абдужалил ўғли, 38 ёшда, Намангандар вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган, нақшбандияни жаҳрияга ва хуфияга мансуб. Қўқонлик Ҳаким халфадан иршод олган. Фақирона ҳаёт кечиради. Каллахона масжидининг ҳужрасида истиқомат қиласи. Муридлар сони 30га боради.

5. Кўкча маҳалласи:

– Мирискандар халфа Мирниёзбой ўғли, 64 ёшда, жаҳрия ва хуфияга мансуб, камбагал, муридлари йўқ.

– Домла Солиҳ охунд мулла Савранбой ўғли, 81 ёшда, нақшбандияни хуфияга мансуб, муридлари йўқ, камбагал. Иршодни қўқонлик эшон Суфий Бадалдан олган. Масжида имомлик ва масжид дарсхонасида муаллимлик қиласи.

6. Хонакоҳ маҳалласи:

– Мулла Шоабдумалик халфа мулла Раҳматуллоҳ қори ўғли, 66 яшар, нақшбандияни хуфияга мансуб. Фотиҳани





ҳазрати Миён Мазҳардан олган. Эшон йилига хазинага 20 сўмгача солиқ тўлайди.

7. Кесаккўргон маҳалласи:

- Эшон Бобо охунд Шодмонҳожи эшон ўғли, 62 ёшда, нақшбандияни жаҳрияга ва хуфияга мансуб. Иршодни Шоюсуп ҳожи эшондан олган. Камбағал. Даشتдаги қирғизлар орасида муридлари кўп. Доимо рӯзадор. Ўз муҳлис ва ихлосмандлари ёрдамида кўприклар куриш ва ариқлар қазиш билан шугулланади.

8. Лангар маҳалласи:


- Хожабой халфа Раҳимбой ўғли, 78 ёшда, сultonияи (яссавия) жаҳрияга мансуб, камбағал. Иршодни наманганлиқ эшон Мулла Файзуллодан олган. Ўзининг Лангар маҳалласида Тошхўжа қори исмли халфаси бор. Эшон хазинага йилига 2сўм 50 тийин солиқ тўлайди.

- Мулла Тожихон Эшон ҳожи Шоаҳмад маҳдум халфа ўғли, 37 ёшда, бадавлат, қодирияни жаҳрияга мансуб. Эшон Авлиё ота шаҳрида истиқомат қиласи, унинг юртга танилиши отасининг шон-шуҳрати орқалидир. Авлиё ота шаҳрида ва унинг атрофларида ҳам қирғизлар орасида Тожихоннинг муридлари кўп бўлган.

3.3. XIX–XX аср. Эшон Бобохон – ислом маърифатчиларининг зурриёти. Ҳаётий маслаги.

Биринчи ҳаж сафари

Эшон Бобохон Тошкент шаҳрининг Ҳазрати Имом (Парчабоб) маҳалласида таниқли дин арбоби Абдулмажидхон иби Юнусхон хонадонида туғилди. Унинг катта бобоси Аюб Хўжа Эшон, бобоси Юнус Хўжа Эшон, отаси ҳам ўз даврининг обрўли фақиҳлари бўлишган, “Мўйи муборак” мадрасасида узоқ йиллар мударрислик қилишган. Эшон Бобохонга диний билимларни ўргатган биринчи устоз унинг отаси Абдулмажидхон иби Юнус Хўжа Эшон бўлди. Сўнгра





у амаки-акаси таниқли олим, юксак фазилат ва билим соҳиби Баҳодирхон маҳдумдан сабоқ олади. Олти ёшидаёқ онасидан жудо бўлган Эшон Бобохонни бобоси Юнус Хўжа Эшон ибн Айюб Хўжа паноҳига олади.

Кейинчалик унинг тарбияси билан Абдулмажидхоннинг синглиси Бибисора шугулланади. Ўқимишили ва бой Бибисора бева қолиб, фарзанд кўрмаган эди. Тез орада Эшон Бобохонни фарзандликка асраб олади ва 12 ёшга тўлганида Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга жўнатади.

Таълим ишларини текшириш учун Тошкентдан Бухорога келган ҳалқ қозиси Муҳиддин Хўжа ёш Эшон Бобохонда илмга кучли иштиёқ борлигини пайқаб, уни шогирдлари сафига олади. Тошкентда Муҳиддин Хўжа тавсияси билан Эшон Бобохон “Кўкалдош” мадрасасида таҳсилни давом эттиради.

Ёш Эшон Бобохон диний илмларни чукур ўрганишга ҳаракат қилди. У тартиб-интизомли, ўзига талабчан, тиришқоқ талаба эди. Тез орада аъло натижаларга эришди. Муҳиддин Хўжа бир неча йиллар мобайнида Эшон Бобохонни кузатиб юрди. Ниҳоят, мадрасани битиргач, ёш факиҳ олимга Тўхтахон исмли қизини никоҳлаб берди. Қози Тошкент яқинидаги Ялангоч кўргонидан 120 гектар ерини ҳам қизига ҳадя қиласан эди.

Эшон Бобохон билан Тўхтахон никоҳидан уч ўгила: Муборакхон, Оқилюхон ва Сайдкамолхон туғилди. Тўртинчи фарзандига кўзи ёриётганида Тўхтахон вафот этади. Дафн маросимини ўтказиш кунлари ва ундан кейинги кунлари мушфиқ аммаси Бибисора гўдак фарзандларга қарашиб, уйхўжалик ишларини бажариш ёлгиз қолган Эшон Бобохонга қанчалар қийин бўлаётганини кўради. Шундан сўнг у шаҳарда таниқли бойлардан Сиддиқ Хўжанинг қизига совчи қўйишга қарор қиласди. Аммо Сиддиқ Хўжа Тошкентнинг бадавлат кишиларидан бирининг ўғлини куёв қилишни истар, шу боис 14 ёшли қизи Саломатхонни уч боланинг отаси катта ёшдаги Эшон Бобохонга бергиси келмайди. Саломатхоннинг





онаси Тўрахонпошша замонасининг ўқимишли аёлларидан эди. У орадаги ёш фарқига қарамай, Эшон Бобохондек илмли олим куёви бўлишини хоҳлади ва эрини ҳам бу хайрли ишга розилик беришга ундаиди. Тўрахонпошшанинг бобоси Абдусаттор Охун зиёли киши бўлиб, шахсий кутубхонаси бор эди. Тўрахонпошша бобосидан мерос олган барча китоб ва қўлёзмаларни қизининг келинлик сепига қўшади. Саломатхон шарқона донишмандликнинг энг яхши анъаналари руҳида тарбия топган эди. У Қуръони каримни тиловат қила олар, намоз ўқир, уй юмушларини яхши юритар эди.

Бибисора Ҳазрати Имом маҳалласидаги ҳовлиси, уйжойини Эшон Бобохонга хатлаб беради. Қариндошлари – Юнусхонхўжа эшоннинг фарзанд ва набиралари шу маҳаллада, уларга қўшни бўлиб яшашарди. Эшон Бобохон билан Саломатхон никоҳидан тўрт ўғил: Зайнуддинхон, Зиёвуддинхон, Бадриддинхон, Насриддинхон ва икки қиз Сафияхон билан Саидахон туғилди. Эшон Бобохоннинг марҳума аёлидан туғилган ўғиллари ҳам шу уйда, ҳаммалари бир онанинг болаларидан аҳил-иноқ улгайишли.

Эшон Бобохон ноёб истеъоддли инсон эди. У умрининг охиригача илмини тинимсиз оширишга ҳаракат қилди. У ўзидан ёш ёки ҳали билими-тажрибаси камроқ олимлардан ҳам ўзини қизиқтирган саволларга жавоб сўрашни асло ор деб билмасди. Ҳар хил майда ташвишларга ўралашиб қолмай, бор вақтини диний нашрларни ўқишига, ақида, фикҳ, тафсир, ҳадис, сарфу нахъ ва тажвидга доир мураккаб масалаларга жавоб топишга сарфларди.

Эшон Бобохон Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини пухта ўрганган, нақшбандия тариқатининг фаол издошларидан бири эди. Ушбу тариқат неча асрлардан буён Ўрта Осиёда кенг тарқалган, Шарқ ижтимоий ҳаёти ва сиёсатига ҳам катта таъсир ўтказар эди. Ўрта Осиёдан етишиб чиқсан жуда кўп улуғ аллома зотлар мазкур тариқатда бўлишган. Масалан, буок





форс шоири Абдураҳмон Жомий (1414–1492), буюк ўзбек шоири Алишер Навоий (1411–1501).

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Қуръони карим оятлари билан Пайғамбаримиз (с. а. в.) суннатларини ҳамда садобалар ва солиҳ салафларнинг ўгитларини кенг ва чуқур ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш натижасида нақшбандия тариқатига асос соглан. Унинг “Дил ба Ёру даст ба кор” – “Дил Аллоҳда, кўл ишда бўласин” шиорига кўра инсон фаолиятининг турли соҳалари: деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо, ҳамда давлат хизматининг барча-барчасида ҳалолликка, меҳнатсеварликка, ҳимматга, марҳаматга, тўлақонли ҳаёт кечиришга, ҳамжиҳатликка чақиргани боис ҳалқ орасида жуда кўпчилик нақшбандия тариқати издоши бўлди.

Эшон Бобохоннинг ҳаёт маслаги одамлар билан рўйрост, тўғридан-тўғри, фақат яхшиликка ва ўзаро ҳурматта асосланган муносабатлар ўрнатиш эди. Умри давомида у ҳамиша Пайғамбаримизнинг (с. а. в.): “Енгилаштиринг, оғир-қийин қилиб кўрсатманг, яхшиликка чақиринг, (одамларни) Исломдан бездирив қўйманг” (Имом Бухорий ривояти) мазмунли ҳадисларига риоя қилди.

1912 йили Эшон Бобохон қайнотаси Сиддиқхўжа бой ва ўғли Сайдкамолхон ҳамроҳлигида муборак ҳаж сафарига отланди. Ўн олти ёшли Сайдкамолхон анча бақувват йигит бўлиб, узоқ йўлда ёрдамчи вазифасини бажарар эди. Улар Тошкентдан поездда Одессага келишади, Одессадан кемада Истанбулга етиб олишади. Истанбулдан Маккагача эса туда йўл юришади. Бутун йўл давомида ҳар икки кеча-кундузлик масофадан сўнг бир оз тўхтаб, сув, озиқ-овқат гамлаб олишга, тяяларни алмаштиришга хосланган жойлар бор эди. Маккада ҳаж амалларини адо этишгач, Мадинагача яна ўн икки кун йўл юришди. Ҳожиларнинг Маккага бориб, ҳаж фарзини адо этиш ва Мадинада Пайғамбаримизни (с. а. в.) зиёрат қилиш учун бориш-келишларига ҳаммаси бўлиб бир юз саксон икки кун вақт кетди. Улар Маккага бориб ҳаж аҳкомларини адо этишганини тасдиқловчи асл нусха ҳужжат мавжуд.



3.4. Тасаввуф билимдонлари

1870–1875-йиллари Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олиш давомида ёш Эшон Бобохон сүфийлар тариқати етакчисининг камолотга эриштириш таълимотлари ва бажарадиган амаллари билан жуда қизиқиб қолади. Ёш Эшон Бобохон Мир Араб мадрасасида Россия мусулмонларининг бўлғуси маънавий раҳбари, етакчиси шайх Шаҳобиддин Маржоний билан бир даврда таълим олади.

Ҳозирги кунда бухоролик тарихчи олимлар Маржоний жамгармаси (Россия) ва Нижний Новгород шаҳри Ҳусайн Файзхонов номидаги институт тадқиқотчилари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазиналаридан Шаҳобиддин Маржоний ва Эшон Бобохоннинг алоқалари, мулоқотлари ҳақида маълумотларни излаб топишга киришишган. Чор империясининг Туркистонни босиб олиш йиллари (1865–1917) ҳам мазкур тадқиқот доирасига киритилган. Ҳозиргача икки мамлакат жадидчилик ҳаракати вакиллари: Аҳмад Дониш Бухорий (Бухоро амирлигининг Россия империясидаги Фавқулодда ва Мухтор эачиси) Шаҳобиддин Маржоний ва Россиянинг бошқа мусулмон арбоблари билан таниш бўлгани, таниқли маърифатпарвар Ислом олими Ҳусайн Файзхонов, кейинроқ эса Исмоил Гаспирали асарларини мутолаа қилгани ҳақида дастлабки маълумотлар аниқланди. Бу асарлар билан таниқли маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам яхши таниш бўлган.

Ўзбек ва татар халқлари маданияти, маърифатчилигининг ўзаро таъсирлари, бир-бирини қанчалик бойитганлик тарихи ҳали ўз тадқиқотчиларини кутяпти. Бундай тадқиқотлар жуда қизиқарли, бугунги кун учун фойдали бўлиши табиийdir.

Россия ва Ўзбекистон мусулмонлари мазкур даврда икки мамлакат Ислом арбоблари, маданият ва маърифат даргаларининг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳақида



янги-янги маълумотлар билан тез орада танишадилар деб умид билдирамиз.

Ёш Эшон Бобохон дунёқараши Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган йиллари таниқли олим, нақшбандия тариқати шайхларидан Домла Икромча таъсирида шаклланди. Тошкентнинг Кўкалдош мадрасасида эса унга домла Миён Молик Махсумий ва байрутлик таниқли муҳаддис Сайид Али Зоҳирий Витрий-Маданийнинг таъсири катта бўлди. У ҳам нақшбандия тариқати шайхларидан эди. Албатта, Эшон Бобохон отаси Абдулмажидхон Эшондан ҳам кўп нарса ўрганган бўлиши аниқ.

Эшон Бобохон диний илмларни дунёвий аниқ фанлар билан уйғун ҳолда, янгича услубда ўқитиш гоясини илгари сурган маърифатпарвар жадидчилик гоялари тарафдори эди. XIX аср охири XX аср бошларида меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг инояти билан буюк олимлар Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг фаолияти туфайли Тошкент шахри Ислом маърифатчилиги марказига айланди. Айни шу зотларнинг саъи-ҳаракатлари билан Тошкентда мусулмонларнинг фарзандлари учун янги услубдаги намунали мактаблар очилиди, жадидларнинг илак босма нашрлари чоп этилди.

Маърифатпарварлик гояларининг тез ривож топишига бошқа сабаблар қатори яна икки ҳолат сабаб бўлди. Биринчиси, ташқи сабаб: ўша йиллари Россиянинг Туркистон ўлкасидағи генерал-губернатор Романов бошлиқ маъмурияти маърифатчи жадидларни тузумнинг душмани деб билишмасди. Шу боисдан ҳам ҳукумат маърифатчилар фаолиятига кўп йиллар тўсқинлик қилмади. Бундан ташқари, рус маъмурлари Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ўзбек миллӣ театрларини ташкил қилиш, газета-журналлар чоп этиш, мусулмонларнинг ҳажни адо этиш учун Маккага сафарини йўлга қўйиш каби ишларни ҳам маъқуллашган. Иккинчиси, ички сабаб: Исломни





танитиш-ёйиш бўйича гоя ва амалий ишлар кенг йўлга қўйилишида ўзбек ва татар тиллари ва маданиятларининг бир-бирига яқинлиги, шунингдек, икки халқ дўстона мулоқотлари ва ҳамкорлигининг кўп асрлик бой тарихи, икки халқ вакиллари ўртасида никоҳданиш, оила қуришнинг кўпайиши ҳам катта аҳамият касб этди. Икки мамлакатнинг маърифатпарвар-жадид олимлари, шоирлари орасида яқин алоқалар, ижодий ҳамкорлик ўрнатилишида Бухородаги Мир Араб мадрасаси битирувчилари Шаҳобиддин Маржоний, Борудий, Файзхон Ҳусайнов, Ризоуддин ибн Фахриддин сингари татар-бошқира мусулмон арбобларининг ҳиссаси катта бўлди. Мусулмонларга диний ҳукмларнинг енгил ва қулай шаклда етиб боришида татар олими Аҳмад Ҳодий Мақсудийнинг “Ибодати исломия” китобининг катта ўрни бор. Қозон босмахонасида кўп минг нусхада чоп этилган бу китоб халқ орасида кенг тарқалди. У олдин татар тилида, сўнгра ўзбек тилида ҳам нашр этилди. Ўқимишли кишиларнинг кўпида бу китоб бор эди.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Эшон Бобохон Ўрта Осиё мусулмонлари қозиси этиб сайланди. У маърифатчи жадидларнинг кўзга кўринган барча намояндалари билан яхши таниш, дўст-биродар эди. Тошкентдаги “Тилла Шайх” масжиди, “Мўйи муборак” мадрасаси уларнинг севимли учрашув жойи бўлган. Хулас, меҳрибон ва раҳмали Аллоҳ Эшон Бобохонга даҳрий совет тузуми шароитида Ислом динига ишонч-эътиқодни тиклаш, мусулмонларнинг диний ҳистойгуларини уйготишга хизмат қилиш имконини берганида, маҳаллий мусулмонлар етакчиси бу улуғ вазифани удалашга тайёр эди. У Исломнинг маънавий-маърифий ўрта йўналишини тиклаш ва мустаҳкамлаш стратегиясини тўгри ва пухта ишлаб чиқди, бор билим ва тажрибасини ишга солиб, собиқ советлар мамлакатининг мусулмон жамоалари фойдасига қатъият ва маҳорат билан кўп йиллар хизмат қилди. Нақшбандия тариқати пири-устози, исломий маърифатчи – жадидчилик



амалиётчининг чуқур билим ва кенг дунёқараши бундай самарали фаолиятга мустаҳкам пойдевор бўлди.

Муфтий Бобохоновлар сулоласи асосчисининг ҳаёти ва улкан ютуқларини тадқиқ этган олимлар, Эшон Бобохон Исломнинг ўрта йўналиши ҳанафий мазҳаби олимимоми, шу билан бирга, Аллоҳ таолони танишда юқори даражага эришган нақшбандия тариқати устозидир, деган хulosада ҳамфирдиirlар.

Таниқли ўзбек илоҳиётчи олими, Бухоро Мир Араб мадрасаси мударриси мулла Абдулғафур Рассоқ Бухорийнинг “Тариқатга йўлланма” (Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2003) китобида шошлиқ пирлар санаб ўтилади. Улар ҳамма ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган, тан оладиган тасаввуф пирлари – устозларидир: Абу Салама Наср ибн Мұхаммад Шоший Сўфий Илоқий (вафоти м. 981 й.); Абу Шурайҳ Исмоил ибн Аҳмад Наккоз Шоший (вафоти м. 1078 й.); Абул Ҳасан Саид ибни Ҳотам Усбоникатий (Х аср); Мұхаммад Олим Шоший; Занги Ота; Мавлоно Тожуддин Дарғамий; Шайх Умар Богистоний Тошкандий; Шайх Хованд Таҳур (м. 1360 йил вафот этган); Хожа Довуд; Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Шоший Самарқандий (1404–1490); Хожа Абдулҳақ (XVI аср); Эшон Абдулмажидхон ибн Юнусхон (1810–1895й.); Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1858–1957 й.).

4-БОБ. ШЎРОЛАР ДАВРИДА ИСЛОМГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

4.1. Шўроларнинг динга нисбатан сиёсати

1917 йилдан кейин тўнтириш тез орада Туркистон ўлакасини ҳам қамраб олди. Тарих фанлари доктори, Москва Давлат университети профессори Дмитрий Арапов билан тарих фанлари доктори, Русия Давлат ижтимоёт университети профессори Григорий Косач “Ислам и мусульмане по материалам Восточного отдела ОГПУ. 1926 год” (ИД “Медина”, Нижний Новгород, 2007) деб номланган китобида советларнинг давлат хавфсизлиги идоралари Ислом дини ва мусулмонларга муносабатда қандай йўл туттанини очиқ-ойдин кўрсатувчи хужжатларни келтиришган.

1917 йил октябридан кейинги биринчи ўн йилда советларнинг Ислом динига нисбатан сиёсатини давлат хавфсизлик идоралари хужжатларига мурожаат қиласдан тадқиқ этишнинг иложи йўқ, чунки мазкур сиёсат юритилган соҳа бўйича жуда ҳам мұдим, ҳатто бирламчи манба-хужжатлар мана шу ташкилот архивларида мавжуд.

Тарқатиб юборилган Бутунруссия Фавқулодда комиссияси (ВЧК) вазифалари 1922 йил февралядан Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) зиммасига юкланди. 1922 йил декабрида СССР ташкил бўлганидан сўнг бу маҳкама Бирлашган давлат сиёсий бошқармасига (БДСБ, русчаси ОГПУ) айлантирилди. Бу маҳкама ҳам худди илгаригидек, большавойлар қўлида совет ҳокимиятини ички ва ташқи хуружлардан ҳимоя қилишида “пролетариат диктатурасининг қудратли қаличи” бўлишдек мұхим вазифасини бажаришда давом этаверди.

Махсус мусулмонлар йўналишида ишлаш учун 1922 йил 2 июнда ВКП(б) Марказий Қўмитасининг қарори билан БДСБнинг Шарқ бўлими (БДСБШБ) тузилади. Унинг

бўлинмаларидан бирига “Кавказ, Туркистон, Хива, Бухоро, Қиргизистон, Татаристон, Бошқирдистон ва Кримда ДСБ идоралари фаолиятининг ўзига хос аксиалинқиlob ва Шарқ жосуслигига қарши барча ишларини бирлаштириш” вазифаси топширилди.

БДСБШБ ишларида “Ислом муаммоси”га етакчи ўрин берилишининг қатор ички ва ташқи сабаблари бор эди. Большавийларниң “энг олий гояси” тарихда мисли кўрилмаган “янгича дунё”ни – “социалистик тараққиёт”ни ўртага кўйиш эди. Аммо советлар мамлакатининг барча халқлари бир-бирига жипслалиб-кўшилиб “бир бутун халқ”га айланган шароитдагина бундай гоя амалга ошарди. Советларниң “эритиш қозони”га турли миллату эл-элатлар (уларниң эрк-иҳтиёри билан ҳеч ким ҳисоблашмасди) каби мусулмонлар ҳам “кўшиб юборилиши” керак эди. “Большавой” доҳийларниң фикрича, миллатларни “бирлаштириб юбориш”ниң энг қучли йўли бошқалар қаторида исломий ўқув юртларининг ҳам ўрнига советча умумтаълим мактабини жорий этиш эди. Бу фикрни чекистлар ҳам қўллашарди.

Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Кўмитасининг 1924 йил 9 июнь Декретига мувофиқ ислом ақидаси асосларини чекланган тарзда ўқитишга вақтинча йўл қўйиб бергани билан совет идоралари ҳам, хавфсизлик идоралари ҳам мусулмонларниң фарзандлари фақат 12–14 ёшга тўлганида шариатни ўрганишлари мумкинлигини таъкидлашарди. Бунгача ўша давр биринчи босқич совет мактабида “дунёвий” таълим олган бўлиши шарти билан, албатта.

1926 йили совет мактаби икки босқичга ажратилиб, биринчисида беш йил, иккинчисида тўрт йил ўқиш кўзда тутилган. Бундай йўл сиёсий ва руҳий (психологик) нуқтаи назардан бола онги совет мактабида олдиндан “моддиюнчилик” гояси билан эмланади, яъни унга биринчи гоявий-маънавий “социалистик уруғ” жойлаштирилади деган фикрга асосланарди.



Болшавойлар туттган бундай йўл аслида сира ҳам янгилик эмас. XIX аср охири, XX аср бошлари чор Россиясида “мусулмонларни Романовлар империясининг “яхлит давлат танаси”га сингдириб киритиб юбориш лойиҳаси нафақат ишлаб чиқилган, балки ҳаётга ҳам татбиқ этилган эди. “Рус-тузем” мактаблари мана шундай лойиҳанинг меваси эди. Мусулмонларни бошқа диндаги халқлар билан қўшиб-бирлаштириб юбориш борасида чоризмнинг ҳам, советларнинг ҳам тузган режалари фақат хаёлий бўлиб, охири муқаррар мағлубиятга учрагани бизга маълум.

Аммо “большавой”ларнинг Исломга муносабатда нисбатан “ювошлиги” вақтинча қўлланган бир чора эди холос. РКП(б) нинг дастурий ҳужжатларида “диний қодик асоратлари”, жумладан, Ислом ҳам келажакда советча турмушдан сиқиб чиқарилиши, “илмий атеизм” – даҳрийлик тамоҳилларига асосланган жамият қуриш таъкидланарди. Шу боис кўп ўтмай ҳамма жойда коммунистча-даҳрийларча шафқатсиз тартиб ўрнатилди, динарни ва дин арбобларини тазиинқа олган жангари даҳрийлик ҳукм суро бошлади.

1924 йилдаёқ марказнинг буйруги билан деярли барча масжид ва мадраса ёпилди. Таниқли дин арбоблари, олимлар тухмат билан қамоққа олинди, узоқ ўлкаларга сургун қилинди. Уларнинг кўни ҳаётини, эътиқодини сақлаб қолиш мақсадида ҳижрат қилишга – хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлиши. Минглаб йиллар мобайнинда битилган ва кўз қорачигидек сақланиб-ўқиб келинган кўп жилди нодир китоблар, бебаҳо қўлёзма манъбалар ўтда ёкилди, сувга улоқтирилди, ерга кўмиб ташланди. Халқ орасида юрган гап-сўзларга кўра, Ўратепадаги гишт заводини бир ой давомида диний китобларни ёқиб ишлатишган экан. Куръони каримни ўқиши ё ўрганишгина эмас, балки уйда сақлаш ҳам оғир жиноят ҳисобланарди. Оммавий қатагон, сургунлар, қирғинлар бошланганида даҳрийлар зулми ўзининг энг баланд чўққисига чиқди. Даҳрийларча сиёsat





мамлакатни нафақат иқтисодий, балки тубсиз маънавий жарлик ёқасига келтириди. Халқнинг ахлоқий-руҳий ҳолатиnochор, журъати синдирилди. Одамлар ҳатто ўз уйларида ҳам намоз ўқишга, диний китобларни ўқишига кўрқишишарди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Эшон Бобохон ҳанафий олим ўлароқ фаолиятида мўътадилликни сақлаб, янгича шароитлар билан ҳисоблашиш, қисман мослашиб бўлса ҳам, халқни ношаръий ишлардан қайтариб туриш зарур деб ҳисобловчи муфтийларга ҳамфир бўлди. Шунга қарамай, “Тилла Шайх” масжиди имом-хатиби, “Мўйи муборак” мадрасаси мударриси Эшон Бобохон ва унинг оила аъзоларини ҳукмон “болшавой”лар партияси кучли таъқиб ва таҳдид остига олади.

1928 йил 9 июлда Иосиф Сталин “Социализм сари олға юришда синфий курашнинг кескинлашуви ҳақида”ги шиорни илгари сурди. Ўша иилиёқ Эшон Бобохоннинг бир пайтлар қайнотаси Муҳиддинхўжа ҳадя қиласан Яланғочдаги ерлари, мол-мulkи мусодара қилинди. Унинг ўзи ўғиллари билан даҳрийлар таъқибидан яширинишга мажбур бўлишди; фарзандларини мактабдан ҳайдашди. Эшон отанинг 13 кишидан иборат оиласини “Ҳазрати Ином” маҳалласидаги ҳовлисидан 1928 йил декабрь ойида каҳратон қиши вақти бўлишига қарамай маҳаллий ҳукумат вакиллари мажбуран милициялар иштироқида кўчирганлар, ўзига эса беш минг сўм солиқ солганилар, тўламасангиз Тошкентдан чиқариб юборамиз деб жуда азоб берганлар.

Пировардида, Эшон Бобохон оиласи билан Қорасаройдаги, унга онасидан мерос қолган “Қўргонча” деб аталмиш дала ҳовлисига кўчиб ўтишга мажбур бўлади. Бу ерда куз-қиши мавсумида яшаш учун шароит йўқдигидан маҳаллий арzon ашёлардан фойдаланиб, пахса уй куришади, жуда оғир шароитда яшаб туришади. Тошкентдан чиқариб юбормасинлар деб Эшон ота хонадондаги қизлари учун ҳозирлаган бир неча гиламлар ва молларни сотиб, ўша иили солиқнинг 1200 сўмини тўлганлар.





1929–1930-йилларда Эшон отани милиция ва қидирув ташкилотлар вакиллари олиб кетиб кечгача ушлаб туриб, кеч тунда қўйиб юборар эдилар.

ХХ асрнинг 40-йилларида большавойлар томонидан “Дин афюн” деган шиор ташланиб масжид ва мадрасалар вайрон қилиниб имом ва эшонлар ҳибсга олинди. Ўша даврда кўзга кўринган диний уламолардан Имом Ҳасанхон Абдулмажидов, Ҳожиакбархон Муҳитдинов, Усмон Содиков, Умар Икромов, Мулла Али Шермуҳамедов, Исроил Иноятов, Фузайл маҳсум Шамсицдинов, Абдулла қори Йўлдошев, Тилла тўра Қосимтўраев, Насруллахон Ҳошимов, Шорасул қори Қорабоев, Нишон қори Раҳматуллаевлар Тошкент турмасига ташланди, кўплари зах ертўаларда ҳалоқ бўлдилар.

1937 йили Эшон Бобохон билан ўғли Зайниддинхон аиндан сабоқ беришда айбланиб қамоққа олинади. Шахсий кутубхонасидағи қимматбаҳо китобларни, арабча кўлёзма асарларни иккита юк машинага ортиб олиб кетишиди. Булар унга Саломатхон ва унинг ота-онаси ҳадя қилган китоблар эди.

Эшон Бобохоннинг қизи Сафияхон Бобохонова хотираларидан: “Отами қамоққа олишган куни келган ГПУчилар уйдаги ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлашиди. Арабча ҳарфда кўчирилган ҳамма китобу кўлёзмаларни битта қўймай олиб кетишиди. Ҳалигача эслайман, иккита юк машинаси кузови китоблар, кўлёзмалар билан лиқ тўлган, фақат бир киши ўтиргулик жойгина бўш қолган эди. Отам озгин одам бўлса-да, ўша бўш жойга қийналиб, зўрга ўтирди. Зўравонлар ўзлари кабинага ўтиришиди. Ўша пайт ҳаммамиз йигладик. Аммо отам ўзини хотиржам тутар, ҳамма нарса Аллоҳнинг изнида, тез орада Унинг амри билан адолат галаба қиласи, деб бизни юпатмоқчи бўларди. Акам Зайниддин қори Сибирга сургун қилинган, биз қариндошлари анча вақтдан буён ундан ҳеч бир хат-хабар олмаган эдик. Ўша йиллари Саломатхон аямнинг амаки акалари Садриддин тўра Азизов Тошкент вилояти Бекобод тумани





соглиқни сақлаш бўлимиға раҳбарлик қиласади. Садридин тўра билан маҳаллий шифохона бош врачи Анвархон Саидаҳмедов оиламизга бўлаётган таҳдидлардан хабар топишиб, ўзлари хавфда қолишса ҳам, акам Зиёвуддинхонни бир неча муддат ўша қишлоқларда даҳрийлар таъкибидан яшириниб юришига ёрдам беришади. Улар акамни бошқа исм-шариф билан шифохона боғбонлигига расмийлаштиришади.

1938 йили олис Бурятиядан Зайниддинхон акам вафот этгани ҳақида совуқ хабар келди. Унинг икки ўғли – 9 ёшли Ҳусниддинхон ва 4 ёшли Нуриддинхон Саломатхон аямнинг қарамогида қолишли.

Отамни қамоққа олишганидан сўнг, оилани боқиши акам Бадриддинхон билан укам Насриддинхон зиммасига тушди. Аммо улар ишсиз, уларни дин хизматчисининг боласи деб ҳеч қаерга ишга ҳам олишмасди. Фақат бир йўли бор эди – шарифларини ўзгартириб, қайси оиладан чиққанини ҳам яшириши керак. Шу боис акаларим исми-шарифларини Бобохонов ўрнига “Бобоев” деб ўзгартиришди. Фақат акам Бадриддинхон заводга ишга жойлашди. Аммо кўп ўтмай уни ҳарбий хизматга чақиришди.

Қамалган кунидан б ой ўтгач отам қамоқдан чиқди, бу пайтда у 80 ёшга тўлган эди. Орадан уч йил ўтиб, 1941 йил февралида отамни иккинчи марта қамоққа олиши. Унинг ортидан яшириниб юрган Зиёвуддин қори акамни ҳам тутишиб ва диндан сабоқ беришда айблаб, қамоққа ташлашди. Улар қаттиқ қамоқ азобини тортилар.

Үйда катталар ўрнида, онамдан ташқари, мен билан кенжажа укам Насриддинхон қолдик. Биз қамоқдаги отам билан акам Зиёвуддинхонга егулик олиб борарадик. Камоқхона Олой бозори яқинида, ҳозирги тикувчилк фабрикаси ўрнида эди. Учрашувимиз учун полковник Мусиндан рухсат олардик.

Навбатдаги сўроқ чоғида отам бошқа китоблар қатори мусодара қилинган, Куръони каримга ёзилган “Жалолайн тафсири”ни қайтиб олишга Мусиндан рухсат сўрайди. Мусин





диндор оиласа алоқадор бўлгани учун диний китоблар ҳақида оз бўлса ҳам тушунчаси бор эди. Лекин Мусин отамга: “Сен қария, бу китобни ўқиб берсан, тезда қамоқдан чиқариб юборишади, деб ўйлайсанми?” дейди. Отам унга жавобан: “Ҳамма нарса Аллоҳнинг иродасида, Аллоҳ нимани хоҳласа, албатта у бўлади”, дейдилар...

Эшон Бобохон анча кексайиб қолган бўлса-да, қамоқхона қийинчиликларига чидам билан сабр қиласи. Бундай ҳолатда унинг хатти-ҳаракати Қуръони каримнинг: “Қатъият соҳиби бўлган пайгамбарлар (машаққатларга) сабр қилишганидек, сабрли бўлиб...” мазмунидаги оятига асосланган эди.

Професорлар Д.Арапов билан И.Косач юқорида эслаб ўтилган китобида бундай деб ёзишади: “Давлат ҳавфсизлиги ходимлари тузган “мусулмонлар иши”га тегишли ҳужжатлар таҳдили шуни кўрсатадики, сўроқقا тутувчилар, ҳужжатларни ёзив борувчилар Ислом дини ва унинг ҳақиқатлари ҳақида ўзбилармонлик билан субъектив фикрлашди. Бу ҳужжатларда (умуман, совет даврининг Исломга доир матнларида) Европада урф бўлган “мусулмон – фанатик” қабилида фикрлаш, динни ҳақоратловчи сўзлар, Ислом оламининг ўтмиши ва бугунги ҳаётини бузиб талқин этиш яққол кўзга ташланади. Бунинг устига, бундай матнларни ёзган кишиларнинг Ислом ҳодисаларини билиши гоҳо яхшиликни кутишга ҳам умид қолдиради”.

Навбатдаги сўроқпайтида “жиноят содир этгани” ҳақида ҳеч бир далил тополмаган терговчи: “Сен мана шу турмада чирийсан!” деб Зиёвуддин қорига газаб ва нафрат билан бақиради: Зиёвуддин қори эса унга: “Бу оламда ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Мен Буюклик ва Қудрат эгаси Аллоҳ менга битган тақдир ҳукмига бўйсунаман”, деб жавоб беради.

Зиёвуддин қори суюкли отасининг улуғ орзусини давом эттириш – Ислом шариатини қайта тиклаш ишига муносиб хизмат қилишдек вазифасини эрта англаб етган





эди. Унинг шафқатсиз таъқиблар, таҳдидлар, ҳаётидаги қийинчиликлар, ёшлик йиллари узоқ давом этган ишсизлик ва у билан борлиқ камбагалликка сабр қилиши, албатта, шундай олий нияти билан изоҳланади.

Зиёвуддинхон таржимаи ҳолининг келгуси авлодлар учун аҳамиятли бўлишини англаб, СССР (НКВД) ИИХК, ЎзССР ИИХКнинг биринчи маҳсус бўлимидан 1941 йил 18 ноябрда берилган 36291 рақамли маълумотноманинг асл нусхасини сақлаб келган. Маълумотномада бундай деб ёзилган: “Берилди Эшонбобохоновга (унинг ўзи Бобохонов Зиёвуддин қори) шу ҳақдаки, у 1941 йил 20 февралидан 1941 йил 18 октябригача ЎзССР ИИХК қамоқхонасида ҳибса ушлаб турилди ва жиноий таъқиб этиш тўхтатилгани учун озодликка чиқарилди. Имзо. ЎзССР ИИХК Биринчи Махсус бўлими бошлиғи Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Капустин”.

Зиёвуддин қори бу ҳужжатни ғоят аҳамиятли ҳужжат сифатида сақлаб келган. Бу ҳужжат унинг келгуси авлодларга жуда муҳим хабарни етказувчи мактуби эди: бу расмий маълумотномада ҳукумат ўз фуқароларига қандай ноҳақ зулм ўтказганини ўзи тасдиқлаб қўйган! Бундай зулм маълумотноманинг “жиноий таъқиб этиш тўхтатилгани учун озодликка чиқарилди” деган тўмтоқ жумласида тан олинган. Жиноят процессуал кодексига асосланиш йўқ – қандай модда билан жазога тортилди, қандай моддага кўра озод этилди – маълум эмас. Бу ҳужжат совет тузуми ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ҳеч бир асоссиз хоҳлаган кишисини хоҳдаган вақтда жиноий жавобгарликка тортаверганини исботлаб турибди.

Сафияхоним Бобохонова хотираларидан: “1941 йил октябрь ойида отам билан Зиёвуддинхон акамни “жиноий таъқиб этиш тўхтатилгани учун озодликка чиқарилди” деган ёзув билан қамоқдан озод қилишди. Бу хабар қариндошлар, кўши nilар ва барча яқинларимизни жуда-жуда қувонтириди”.

4.2. Тошкентда Ўрта Осиё мусулмонлари диний марказини тузиш ҳаракати бошланиши. “Ҳазрати Имом – Хурматли улуғ Имом даҳаси”

Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан паллада Иосиф Сталин барча динлар вакилларининг диний ҳаётларини қисман тиклашига, 1942 йил охирида эса Россиянинг турли шаҳарларида диний марказлар очилишига рухсат берди. Бутун Ўрта Осиё минтақаси бўйлаб Россияда мусулмонлар диний бошқармаси иш бошлагани, масжидлар очилгани ҳақида хушхабар тарқалди. Советлар мамлакатида диндорларни ёппасига қувгин қилиш сиёсати бир оз юмшагандек бўлди.

Эшон Бобохон исломнинг илк даврларида Пайғамбаримиз Мұхаммад (с. а. в.) саҳобаларидан бирига: “Аллоҳга қасам, бу дин мұкаммаллікка әршишадиган күн яқиндир. Ўша куни юракларда Аллоҳдан құрқишидан бошқа құрқинч қолмайды”, деганларини ҳадис, тарих китобларидан яхши биларди. Мұхаммад пайғамбаримизнинг (с. а. в.) бундай күтариликки ишончлари Эшон Бобохонни илҳомлантиради. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларини бирлаштирувчи диний марказ ташкил этиш ғоясини Эшон Бобохон анчадан буён дилга тутиб келарди. Чунки Русия мусулмонларининг ягона диний бошқармаси, Ўрта Осиё у ёқда турсин, бошқа минтақалар, масалан, жуда кўп мусулмон халқлар яшайдиган Кавказортидан ҳам минглаб чақирим узоқда – Уфа шаҳрида жойлашган эди. Дин ходимлари жуда қаттиқ сиқувга олинган йиллар, келажакка умид билан бокувчи нақшбандия пир-устозларидан бири Эшон Бобохон, фарзандларимдан кимдир ҳаётини тўлигича дин хизматига багишловчи бўлади, деб ишонар, умид қиласи эди.

Мехрибон ва Раҳмали Аллоҳнинг марҳамати билан Бобохоновлар сулоласига катта тарихий имконият берилди. Фашистлар Германиясига қарши қаттиқ уруш йиллари Шайх Эшон Бобохон ва ўғли Зиёвуддин қори зиммасига мамлакатда исломий ҳаётни тиклаш вазифаси юкланди. Улар собиқ Совет Иттифоқида мусулмонларининг диний ҳис-туйғуларини



уйготиш, Ислом динига ишонч-эътиқодни қайта тиклаш ҳаракатига етакчилик қилишди. Айни мана шу ҳаракат муфтий Бобохоновлар, уларнинг сафдошлари, кейинчалик ҳамкаслари бўлган тўрт юздан зиёд шогирдларининг асосий ишига, ҳаётлари мазмунига айланди.

Уша йилларнинг мураккаб сиёсий шароитида муфтий Бобохоновларнинг донолик ва журъат билан юритган фаолияти минтақада Ислом чироги каби нур таратди. Уларнинг ҳаётий бош вазифалари минтақада Исломни сақлаб қолиш, советлар мамлакатининг Ўрта Осиё ва Қозогистондек улкан ҳудудида исломий аҳкомларни ёйишдан иборат эди. Минтақадаги майда, имкониятлари жуда тор мусулмон жамоаларининг тарқоқлигини, улар ўртасида алоқалар узилиб қолганини ҳисобга олиб, Эшон Бобохон билан Зиёвуддин қори 1942-1943-йилларда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларини бирлаштириш жараёнини тезлathiшнинг бош ташаббускорларидан бўлиб майдонга чиқишиди.

Оденига Эшон Бобохон ва бир гурӯҳ уламолар Фаргона водийси деҳқонларидан етишиб чиққан, уша йиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси бўлган Йўлдош Охунбобоев қабулига боришиди. Шайх Эшон Бобохон ҳукумат раҳбарига ўтган йилларда жумҳуриятимизни кўзга кўринган дин аҳлари бадарға қилиниб юборилгани, ҳозирги оғир кунларда мамлакат таҳлика остида турган бир пайтда ўликларга жаноза ўқийдиган кишининг топилмаслиги, майитларга қуръон ўқиш таъқиқланганлиги, жумҳуриятда ва шу жумладан Тошкентдек азим шаҳарда бирорта ошкора масжид йўқлигини тушунириб Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларини бирлаштирадиган диний ташкилот очилиши заруралиги тўғрисида таклиф киритдилар. Чунки шу даврда Россиянинг Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармаси (ДУМЕС) тузилиб фаолият бошлаган эди. Мусулмонлар диний бошқармаси барҳаёт аҳли-ілмларни топиб Куръони каримни ва Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)



ҳадисларини ўз шаҳарларида тарғибот қилишларини, масжид ва мадрасаларни очиб талабалар тайёрлашни, Аллоҳ фарзини адо этиб, масжидларда давлатимиз галабасини ва фаровоналигини дуо қилиб туришни ташкил этишини асословчи фикр-мулоҳазаларини сўзлаб берди. Мөхмонарни мамнуният билан қаршилаган Йўлдош Охунбобоев: “Мен Москвадаги раҳбарлар билан маслаҳатлашиб, сизни хабардор қиласман”, – деб иззат-икром ила кузатиб қўйганлар.

1943 йил 12 июнида уламолар: Абдураззоқ Эшон Мұҳаммад Алимов, Акрамхон Тозихонов ва Мулла Содиқ Исломов Эшон Бобохон бошчилигида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусуамонлари диний марказини тузиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми раиси номига мактуб жўнатишади.

СССР Олий Совети Президиуми 1943 йил 31 июлда 55-сонли қарори билан ҳукумат томонидан диндорларга виждан эркинлiği берилиши ва уларга диний ташкилотлар тузишга ижозат бўлганлиги ҳақида қарорини эълон қилди.


Сафияхон Бобохонова хотираларидан: “1943 йилнинг ёзида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Абдужаббор Абдураҳмонов отамни қабулига таклиф этиб, бундай дейди: “Эшон ота, Москвадан диний идора ва масжидларни очишга рухсат олинди. Уруш бошланганидан бўён биз кўчирилган кўплаб завод-фабрикаларни, милёнлаб қочоқдарни қабул қилганимизни яхши биласиз. Шу сабабли айни пайтда ҳукумат Диний бошқармани жойлаш учун бино ажратиб беролмайди. Мазкур масалани қандай ҳал этиш ўзингизга ҳавола қилинади...” Бир оз ўлланиб тургач, отам унга Диний бошқармани ўзининг “Ҳазрати Йомом” маҳалласидаги 1928 йили мусодара этилган ҳовлисига жойлаштириш мумкинлигини айтади. Республика ҳукумати уч кун ичида Ҳамза кўчаси 14-берк кўча 59-ийни илгариги эгаларига қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қиласди. Республика ҳукумати раҳбари билан учрашувдан отам қайфияти кўтарилиб, хурсанд ҳолда қайтиб келдилар”.



Эшон Бобохоннинг диний бошқармани жойлаштириш учун “Ҳазрати Имом” маҳалласини танлагани бежиз эмасди. Чунки бу маҳалла “ҳурмати улуғ Имом – Абу Бакр Қаффол Шоший қўним топган даҳа, Тошкентнинг энг қадимий табаррук масканларидан бири эди. Бутун Ислом оламида таниқли олим, йирик фақих, муҳаддис Имом Абу Бакр ибн Али Исмоил Қаффол Шоший араб диёrlарига қилган узоқ муддатли саёҳатларидан сўнг милодий X аср ўрталарида Шошга қайтиб келади ва мана шу маҳаллада яшайди. Араб мамлакатларида бўлган йиллари у билимларини оширишга тинимсиз ҳаракат қилди, улуғ алломалар билан учрашди, сұхбатлашди. Ўзи ҳам йирик шаҳарлардаги мадрасаларда турли фанлардан дарс берди. Мовароунинаҳрда диний билимларнинг ёйилишида, араб тилининг ўрганилишида, мусулмон ҳуқуқшуносалиги – фикҳ илми ривожланишида Абу Бакр Қаффол Шошийнинг улкан ҳиссаси бор. Имом Қаффол Шоший турли фанларга оид кўп қимматли асарлар ёзган. Масалан, унинг “Жавомиул фазоил”, “Маҳосинут табиа”, “Илмул жадал” (Диалектика) ва бошқа қатор асарлари илм аҳли орасида машҳур бўлган. Улардан кўпি ҳозир жаҳоннинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланади.

Оlamни кезган аллома охири Шошга қайтиб, шу ерда вафот этади. Миннатдор ватандошлари унинг хотирасини эъзозлаб, олим дағн этилган қабристон атрофларини “Ҳазрати Имом” деб атайди. Қабри устига бир даҳма, кейинчалик эса муҳташам мақбара қурилади.

Тарихда Абу Бакр Қаффол Шоший мақбарамси атрофидағи маҳаллаларда кўплаб алломалар яшаб, истиқомат қилиб ўтишган. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд издошларидан бири Низомиддин Хомуш, унинг шогирдларидан Хожа Аҳрор Валий, Мавлоно Ҳофиз Тошкандий ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Улардан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бутун Ислом оламида машҳур. Бу зот асли Тошкентда туғилган, Самарқанд ва





Бухорода илм ҳосил қилган, яшаган, ишлаган. Абу Бакр Қаффол Шоший ҳазратларига яқин бўлиш истаги у зот кўнглини ҳамиша Шош сари чорлаб туради.

“Ҳазрати Имом” маҳалласи ҳамиша Қуръони карим ҳофизлари, муфассир, муҳаддис, фақиҳ олимлари билан машхур бўлган. Қадимда бу табаррук жойлар тураи мамлакатлардан келган олимлар, муллалар, илм аҳли тўплангани боис “Маҳватои муллаён” деб ҳам номланган. Илм олиш, тажриба ўрганиш, Қуръони каримнинг чуқур, кенг қамровли маъноларини чақиш, Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с. а. в.) суннатлари цикматини тўғри англашдек олий ва эзгу ният билан бу табаррук жойларга дунёниг турли бурчакларидан талабалар, устозлар, адабиёт, санъат намояндалари тинмай оқиб келар эди. Кўп асрли исломий анъаналар руҳи бу ерда ҳозир ҳам барқ уриб туради.

Муфтий Эшон Бобохоннинг аждодлари – бобоси Юнусхонхўжа эшон, отаси Абдулмажидхон эшон ва бошқа қариндошлари ҳам шу маҳаллада истиқомат қилишган. Ўз даврида аждодлари қанчалик йирик олимлар бўлишган бўлса, кейинчалик авлодлар ҳам таниқли дин арбоблари, замонасининг обрўли фақиҳлари бўлиб етишиди. Бу ҳақиқатни сулоланинг ҳижрий 150 йили қози Юсуфхўжа Али ибн Насриддин тўққизта муҳр босиб тасдиқлаган шажараси исботлаб турибди. Шажарада номлари битилган ота-боболарнинг барчаси Ислом уламолари, маърифатпарварлари бўлишган. “Мўйи муборак” мадрасада аввал Юнусхўжа эшон, кейин Абдулмажидхон эшон мадрасага мудир этиб тайинлангани ва бу авлод шу ерда мударрислик қила бошлишганӣ манбаларда қайд этилади.

Эшонларнинг баракотли хонадонини “Ҳазрати Имом” маҳалласидаги бошқа кўплаб шундай хонадонлар қатори барча тошкентликлар, айниқса, илм аҳли яхши билишар, хурмат қилишар эди. Бу хонадон эшиклари илм талаб қилиб келганларга ҳамиша очиқ бўлган. Урфга кўра меҳмонни уйга таклиф этишиб, бир пиёла чой ва таом беришиб, шундан сўнгтина кимлигини,





нимада мақсадда келганини сўрашган. Меҳмон кимлигидан қатъи назар, уни уйда бор нарсалар билан сийлаш, кўнгалини олиш эскидан мусулмон фазилатлардан саналади. Эшон Бобохон хонадонида бу одатга ҳамиша катта эътибор берилган.

Даладаги деҳқончилик ишлари бир ёқди бўягач, маҳалла аҳлидан илмга қизиқсан, сұҳбат ёки китоб ўқишини истаган ёки бирор маслаҳат, ёрдамга муҳтож одамлар хонадонга кираверишдаги меҳмонхонада йигилишарди. Улар ёз бўйин далаларда машақватли меҳнатдан сўнг бўш вақтларини шундай хайрли, савобли ишлар билан ўтказишарди. Меҳмондўст хонадон эгалари эса мурувватлари билан фақат Аллоҳнинг розилигини исташарди, холос.

Шайх Эшон Бобохон ҳаётда Пайғамбаримиз (с. а. в.) суннатлари билан событ “одамларга яхши муносабатда бўлиш” қоидаларига оғишимай амал қиласди. Касалларни бориб кўриш, кўнглини кўтариш, ўтганларнинг жанозасида қатнашиш, шодиёналарда иштирок этиш, катталарга эҳтиром кўрсатиш, кичикларни авайлаш, камбагалларга кўмаклашиш, ҳадялар бериш, кечиримли бўлиш каби савобли ишларни канда қилас, бундай гўзал ахлоқ борасида фарзандлари, яқинларига намуна бўлар эди. Эшон Бобохон диндорларга шахсий ибрати билан чинакам мусулмон қандай бўлиши зарурлигини кўрсатиб яшаган.

4.3. Москвага сафар. Сталин билан учрашув.

Сафияхон Бобохонова хотираларидан:

“Диний бошқарма очишга марказнинг рухсати олинганидан сўнг кўп ўтмай, отам билан Зиёвуддинхон акам Москва сафарига ҳозирлик кўра бошлишди. Ўша пайтлар Москвадек узоқ шаҳарга бориш осон эмасди. Учоқдар ҳали йўқ, автоулов йўллари бузилиб кетган, темирйўл билангина бориш мумкин эди. Ўшанда ҳам бир томонга боришнинг ўзига олти кечакундуз вақт кетарди.






Москвага боришгач, Сталин фақат отамни қабул қилибди. Қайтиб келишганидан сўнг отам Сталин билан унинг иш кабинетида таржимон ёрдамида сұхбатлашганини айтиб бердилар: “У ҳурмат билдириб, яхши ниятли кишидек, мусулмонларнинг кайфияти, қандай ҳаёт кечиришаётгани ҳақида сўради. Мусулмонлар қурултойини чақириш, диний бошқармани ташкил этиш ва мусулмонларни фронтга ёрдам беришга, босқинчиларга қарши қатъият билан курашишга чақиришни таклиф этди”, дедилар. Отамни Кремлда чой ва узум билан меҳмон қилишган. У киши “халқлар отаси”нинг иш кабинети жуда камтарин жиҳозланганини айтардилар”.

4.4. Туркистон мусулмонларининг биринчи қурултойи

Тошкентда Эшон Бобохон таклифи билан қурултойга тайёргарлик кўриш қўмитаси тузилди. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг таниқди уламолари қўмита аъзолари бўлишиди. Тайёргарлик қўмитаси ишида қатнашишлари учун ташкилотчиликда тажрибали бўлган Россиянинг Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармаси раиси шайх Абдураҳмон Расулий, Москва жомеъ масжиди имом-хатиби Халил ар-Раҳмон Насридинов, Қозон жомеъ масжиди имом-хатиби Шайх Қиёмидин Қадрийлар Тошкентта таклиф қилинди.

Тайёргарлик қўмита аъзолари 1943 йил август-сентябрь ойлари давомида Ўрта Осиё мintaқasi мусулмонларининг тузилажак диний бошқармасининг мақсад-вазифаларини тушунтириш, шунингдек, биринчи қурултойга вакиллар сайлаш учун беш республиканинг вилоят, шаҳар ва қишлоқларида хизмат сафарида бўлишади. Қозогистон ва Туркистонга Зиёвуддинхон қори, Тожикистон ва Қирғизистонга Мулла Содик домла, Тўқмоқ, Ўш ва Хўжандга Абдураззоқ Эшон юборилади. Мintaқa мусулмонлари қўмита аъзоларининг тушунтиришларига эҳтиёткорлик билан қулоқ солишарди.





Чунки уларнинг кўпи ўзлари ёки қариндошлари даҳрийлар зўравонлигини таналарида синаб кўришган, коммунистларча мафкуранинг мусулмонларга нисбатан шафқатсизлигини яхши билишар эди. Тайёргарлик қўмитаси аъзолари минтақа мусулмонлари билан ўтказилган ишончли ва самимий суҳбатлар натижасида биринчи қурултойга 160 нафар вакил сайланади.

Мусулмон уламоларининг биринчи қурултойи 1943 йил 15-20 октябрь кунлари Тошкентда, Эшон Бобохоннинг уйида (Қорасарой кўчаси Бежинский тор кўча, 17) бўлиб ўтди. Вакилларни дарвоза олдида Эшон Бобохон бошлиқ тайёргарлик қўмитаси аъзолари кўзларида севинч ёшлари билан кутиб олишди. Меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун Эшон Бобохоннинг фарзандлари, келинлари, қариндошлари ва қўшнилари, шунингдек, Тошкентда машхур Азиз ошпаз, унинг ёрдамчиси Файзи ва бошқалар сафарбар қилинган эди. Олти кун давомида улар вакил меҳмонлар учун нон ёпишди, сомса пиширишди, тушлик ва кечки овқатга турли тансиқ таомларни тайёrlашди, кўк ва қора чой дамлаб бериб туришди.

4.5. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати ташкил этилиши. Фронтга ёрдам уюштириш

1943 йилнинг 20 октябрида Биринчи Қурултой “Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати”ни ташкил этиш тўгрисида қарор қабул қилди. Диний назоратнинг раиси этиб бир овоздан 85 ёшли Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайланиб, у беш республиканинг муфтийи бўлди. Бутабаррук зотни Ўрта Осиё ва Қозогистон регионида тузилган Ислом Марказининг раисидек ўта масъулияти вазифага ва ислом шариатида энг олий мартаба ҳисобланмиш муфтийлик лавозимига кўпчилик уламолар томонидан тавсия қилинишининг ўзиёқ Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг обрў-эътибори баландлиги у зотнинг шахсиятларига берилган юксак баҳодир. Дарҳақиқат, у зот нафақат олим, обид, фозил ва ихлос-эътиқодли бўлибгина





қолмай, балки зоҳирий исломий билимларни чуқур згаллаган ва шу билан бирга ботиний илмлардан хабардор бўлган мўътабар инсон эдилар.

Шайх Муродхўжа Салоҳий Диний назорат раисининг ўринбосари, Зиёвуддин қори Бобохонов масъул котиб этиб сайданди. Ҳар бир республикада Диний назорат вакилларини тузиш, уларга қозилар раҳбарлик қилиши ҳақида ҳам қарор қабул қилинди. Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон – Ўзбекистоннинг, Абдул Раффор Шамсииддин – Қозогистоннинг, Солиҳ Бобокалон - Тожикистоннинг, Олимхон Тўра Шокир – Қирғизистоннинг, Анна Эшон эса Туркманистоннинг қозилари этиб сайданишиди. Бошқарув аъзолари ва республикадаги вакиллар минтақа мусулмонларининг янги тузилган ташкилоти “намунали ядроси”ни ташкил этди. Минтақада Ислом динига ишонч-эътиқодни тикаш ишининг муваффақияти муфтийдан тортиб масжид имомигача барча-барчанинг шариат ҳукмларини тўгри бажариши, Пайгамбаримиз (с. а. в.) суннатларига амал қилиш, одамларни фақат Ягона Аллоҳ таолога ишонч-ибодатда бўлишга, Аллоҳнинг азоби қаттиқ бўлишини англашга йўналтира олиш лаёқатига боғлиқ эди.

Диний назорат фаолиятида муқаддас Куръони карим ва Мұхаммад Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) суннатлари бошқарув асоси қилиб олинди. Диний назорат Низомида бошқарувнинг Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари олий органи сифатида ҳуқук ва мажбуриятлари тасдиқланди, марказ ва жойлардаги бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб қўйилди. Шунингдек, низомда қўйидаги вазифалар ҳам қўрсатилди:

– Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Гуркманистонда жойлашган расмий диний бирлашмалар эрқали диний ишлар ва маросимларни бошқариб бориш;


– диндорлар орасида Ислом асосларини тушунтириш ишларини йўлга қўйиш;




- диний маросимларга доир айрим мураккаб, ихтилофли масалаларни имом-хатиблар орқали ҳал этиш, диндорларга бундай масалаларга тегиши кўрсатмаларни тушунириш;
- диндорларни тўгрилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва қонунларга хурмат руҳида тарбиялаш;
- дин хизматчилари ва диндорлар орасида заарали урф-одатларга қарши курашиш;
- юқорида саналган масалаларга доир фатволар чиқариш;
- диний адабиётлар нашр этиш;
- чет эллардаги мусулмон ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш, хорижлик мусулмон-биродарларни бешта республика мусулмонларининг диний ва дунёвий ҳёти билан танишириб бориш.

Биринчи қурултойга тайёргарлик ва уни ўтказишнинг барча харажатлари Эшон Бобохон, тайёргарлик қўмитаси аъзолари, айрим саховатли мусулмонлар ҳисобидан қопланди. Шунингдек, Эшон Бобохон ва қариндошлар ёрдами билан 1943 йили мусодара қилинганидан 15 йилдан сўнг қайтариб берилган ҳовли (бинолари ўрни билан 1700 кв.метр) таъмир қилинди. Бу ҳовлини Эшон Бобохон холис ният билан янги тузилган диний назорат ихтиёрига берди.

Расулulloҳ (с. а. в.) ва саҳобалар наздида бойлик ва факирлик қандай экани ушбу ҳадиси шарифдан маълум: “Кимнинг уйжойи тайин, тани соғ, бир кунга етарли озиги бўлса, бутун оламни унинг ихтиёрида деб айтиш мумкин”. Расулulloҳ (с. а. в.) саҳобаларини ва бутун инсониятни мана шундай бир улуғ қаноатга тарғиб этардилар. Шайх Эшон Бобохон ҳам ҳаётда бу кўрсатмага қатъий амал қилди. Ўз оиласида саккиз киши, Зиёвуддин қори оиласидан олти жон, марҳум Зайниддинхоннинг икки ўғли, шунингдек, фронтта кетган Бадриддинхоннинг хотини – ҳаммалари Қорасаройдаги гувала деворли чогроқцина уйда яшашса-да, “Ҳазрати Имом” маҳалласидаги ҳовлисини диний назоратга берганида Эшон






Бобохон Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) ана шу насиҳатларига кўра иш тутган эди.

1943 йил октябрь ойида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати Эшон Бобохоннинг “Ҳазрати Имом”даги уйида иш бошлади. Асрлар давомида аждодлар томонидан тўпланганд, шунингдек, Саломатхоннинг онаси ҳадя қилган, даҳрийлар хуружидан яшириб сақланган минг нусхадан ортиқ ноёб китоб ва қўлёзма манба ҳисобига очилган Диний назорат кутубхонаси ҳам шу уйга жойлаштирилди.

* * *

Урушнинг ҳал қилувчи, оғир йиллари Ўрта Осиё ва Қозогистон диний назорати ташкил этилиши боис минтақа мусулмон халқарининг сафарбарлик руҳи анча кўтарилиди. Уруш йиллари Шайх Эшон Бобохон Ўрта Осиё мусулмонларини уюшган ҳолда фронт учун керакли ашёлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўплашга чақириди. Диний назорат муфтияти имом-хатиблар орқали жойларда олиб борган тушунтириш ишлари минтақа мусулмонларининг фашизм қандай ашаддий хавф, улкан оғат эканини янада чуқурроқ англашларига олиб келди. Дунёнинг бошқа эркесвар халқлари билан бир сафда мусулмонлар ҳам қўрқув нима билмай “қўнғир вабо”га қарши ҳаёт-мамот жангига кўтарилиди. Ватанин ҳимоя қилишдек буюк бурч туйғуси уларни урушнинг барча жабҳаларида қаҳрамонларча курашга илҳомлантиради. Улар фронт орқасида ҳам катта жасорат кўрсатиб меҳнат қилишиб.


Мусулмонлар Ватангага садоқат, уни босқинчилардан ҳимоя қилиш Аллоҳ амри, Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) буйруқлари эканини яхши билишарди. “Енгил ва оғир ҳолатда (ҳам ёвга қарши) қўзгалингиз ва Аллоҳ йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қилингиз! Агар билсангиз, ана шу (иш)ингиз сизлар учун яхшидир” (“Тавба” сураси 41-оят). Улар фашизмга қарши урушга отланиб, ор-номуслари, имон-эътиқодларини ҳимоя





қилишаётган эди. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати барча мусулмонларга Мурожаат қабул қилди. Унда, жумладан, бундай дейилди: “*Азиз ўгилларимиз, ога-иниларимиз! Биз Ислом уламолари ва Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозогистон мусулмонлари вакиллари сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Фашист босқинчиларига қарши барча халқлар билан елкама-елка турив ёвқур шерлардек курашингиз, манфур фашистлар бошига шундай қирғин солингки, ер юзида улардан ном-нишон қолмасин! Ватанимизнинг ҳар қарич ерини ҳимоя қилинг, сафларингизни темир интизом билан мустаҳкам қилинг. Биз барча мусулмонларни Аллоҳ таолога дуо қилиб, Унинг аскарларимизга мадад беришини, душман устидан тезроқ галабани насиб этишини сўрашга чақирамиз*”.

Урушнинг суронли йиллари муфтий Эшон Бобохон ва ўғли Зиёвуддинхон муфтият фаолиятини аниқ мақсад билан фронтга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтиришди. Ҳақиқатдан ҳам муфтий жаноблари ўта юртпарвар ва элпарвар инсон эдилар. У зот иш фаолиятларини биринчи куниданоқ дикқат-эътиборларини ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш учун фронтда жон олиб, жон берәётган жангчиларга моддий ва маънавий мадад беришга қаратдилар ва уйма-уй, шаҳарма-شاҳар, ўлакама-ўлака, жумхуриятма-жумхурият кезиб, кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар ва мусулмонларни фронтга ёрдам беришга даъват этдилар ва таъсирчан панд-насиҳатлари билан одамлар қалбида ватанпарварлик ҳиссиётини уйғота олдилар. Улар аскарларга кийим-кечак, қурол-ярог ишлаб чиқариш учун маблағ тўплаш ишларини ташкил этишди. Фронтдаги жангчилар, урушда ҳалок бўлганлар ва дараксиз кетган жангчиларнинг оиласларига моддий ва маънавий кўмак беришни йўлга қўйишиди. Минтақа мусулмонлари ҳарбий техника сотиб олишга пул маблағлари, аскарлар учун ўnlаб тонна озиқ-овқат,





кўп минг бош чорва ҳайвонлари тўплашди ва маҳсус поездларда мунтазам равища фронтга жўнатиб туриши.

4.6. Бухоро – Ислом динининг қувватидир. Ўрта Осиё, Россия ва Кавказ мусулмонлари пешволарининг ахил-иноқ ва ҳамкор бўлишларининг буюк аҳамияти


Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаши одамларидир.

Ислом Каримов

Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило этилиши 704–715-йилларни ўз ичига олади. Хурросон ҳокими Кутайба ибн Муслим ўз қўшини билан Мовароуннахрни эгаллайди ва Ислом динини тарқатади. Бу давргача Мовароуннахрда зардўштийлик, буддавийлик, христианликнинг насроний мазҳаби ва баъзи ибтидоий динлар қолдиқлари бор эди. Уларнинг ибодатхоналари вайрон этилади, ўрнига мадраса ва масжиidlар қурилади.

Маълумки, 888–999-йилларда Мовароуннахрда Исмоил Сомоний ва унинг суоласи ҳукмронлик қилган. Сомоний шоҳлар Ислом динини давлат сиёсати даражасига кўтардилар. Араб тили давлат ва фан тилига айланди. Сомонийлар давлати пойтахти – Бухоро шаҳри Ислом дини марказларидан бири бўлиб қолди. Бухоронинг чинакам гўзаллиги ва жозибаси неча асрлардан буён қанча қирғинбарот уруш ва зилзиладан омон чиқиб келган шаҳарнинг тарихий марказида яққол кўзга ташланади. ЮНЕСКО қарори билан Бухоро шаҳри “очиқ осмон остидаги музей” деб эълон қилинган.

Дунёдаги энг гўзал диний-маънавий марказлардан бири “Пойи Калон” ҳам маҳобатли, юксак Калон минора бетакор меъморий ёдгорликдир. Бухороликлар муболага билан минорани тоқقا, атрофидаги иморатларни эса унинг “пойи”, яъни “тоғ этаги”га ўхшатишган.






“Пойи Калон” мажмуаси бир неча обидалардан иборат. Улардан бири Бухоронинг энг катта жомеъ масжиди – “Масжиди Калон” дир. Бу масжид бағрига ўн минг нафаргача намозхонни сиддиради. Жомеъ масжид қаршисида XV аср Ислом тамаддуининг гўзал ёдгорлиги Мир Араб мадрасаси жойлашган. Шаҳар кутубхонаси ҳам шу ерда. Ушбу иморат милодий 1196 йили қурилган. Майдоннинг ўртасида юксак минора кўкка бўй чўзиб турибди. Мадраса ва Масжиди Калон Бухоро тарихида энг яхши амирлардан бири бўлмиш Абдуллахон (шайбонийхонлар сулоласи) бошқаруви даврида қурилган.

Машхур Мир Араб мадрасаси нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Ислом оламида энг қадимий таълим масканидир. Мадраса биноси милодий 1503 йили қурилган ва унга арабистонлик шайх Саид Абдуллоҳ Яманийга ҳурматан “Мир Араб” номи берилган. Бу шайх бухоролик буюк суфий Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандия тариқатининг садоқатли издошлиридан бири эди.

Яман ҳукмдорлари сулоласидан бўлган Саид Абдуллоҳ Яманий навқирон ёшлик йилларидаёқ Бухоуддин Нақшбанд таълимотига шу қадар кучли бериладики, 22 ёшида сиёсий ҳаётдан узилиб, маънавий устози ватани Мовароуннаҳр сари йўл олади. Кўп йиллик сафар-саёҳатдан сўнг Саид Абдуллоҳ Яманий ниҳоят Бухорога етиб келади. Бу даврда Бухоро иирик диний марказ сифатида шуҳрат қозонган эди. Яманий Бухорода қўним топди. Тез орада нақшбандия тариқати давомчиларидан шайх Хожа Аҳрор Валий билан танишади. Хожа Аҳрор Валий (раҳматуллоҳи алайҳ) вафот этганидан сўнг ўғли Мұҳаммад Бокир Саид Абдуллоҳ Яманийни Бухоро хони Абдуллахон билан таништиради. Орадан йиллар ўтиб, Саид Абдуллоҳ Яманий Бухоронинг энг обрўли олимларидан бирига айланди. Унинг доно маслаҳатлари ва кўрсатмаларига амал қилиб, Абдуллахон кўшини ҳарбий юришларда катта ғалабаларни қўлга киритади.





Бу хизматлари учун Абдуллахон ўзининг устози ва дўсти бўлиб қолган Саид Абдуллоҳ Яманийга саҳоват кўрсатади. Натижада Мир Араб мадрасаси қурилиши муваффакият билан якунланади. Шакли ҳам, моҳияти ҳам гўзал ушбу меъморий ёдгорликда талабалар ўкиши ва яшами учун катта қулайликлар мавжуд.

Улкан мажмуанинг ҳамма қисм ва бурчакларининг бир-бирига мос ва уйғунлиги меъморларнинг юксак ақл-фаросати, маҳоратидан дарак беради. Ҳар бир ҳужра, йўлак ва айвонда одам товуши жаранглаб, ёқимли эшитилади. Бу фазилат очик майдон – мадраса ҳовлисида янада кучлироқ сезилади. Мадраса талабалари тонг саҳардан ярим тунгача завқ ва илҳом билан Куръони карим сураларини тиловат қилишади. Улкан иморатнинг ҳар бир қаричи кишида ўзгacha кайфият уйғотишини алоҳида таъкидлаш зарур. Мана шу нилий гумбазлар остида катта-кичик ҳужраларда 500 йилдан бўён минглаб талаба муқаддас Куръони каримни ўрганиши, бошдан охир ёд олиб, кўзларида севинч ёшлари билан тиловат қилиши, уламоларнинг талабчан ҳайъати олдида бу ишларидан имтиҳонлар топширишини ўйласангиз, қалбингиз ҳайратларга кўмилади.

Шайх Саид Абдуллоҳ Яманий вафоти олдидан мадраса худудига дағн этишларини васият қиласди. Бухоро амири ўз устози ва маслаҳатчисининг бу сўнгги илтимосини ҳам қондиради. Амирнинг фармони билан мадрасага “Мир Араб” (Арабнинг мулки) номи берилади.

Орадан йиллар ўтиб, амир ҳам вафоти яқинлашгач, устозининг оёқ тарафига дағн этишларини васият қиласди. Унинг ҳам илтимосини ўрнига келтиришади. Мадрасага кираверишда одмигина бир хона бўлиб, унда шайх Абдуллоҳ Яманий билан амир Абдуллахон қабрлари бор.

Нақлар, ҳикоятлар ва тарихий воқеаларнинг бир-бiri билан уйқашиб кетиши, бири иккинчисига уланиб, бу қадимий шаҳарда инсоннинг тарихий хотираси, инсоннинг диний ҳистойгуларига кучли таъсир этувчи бетакрор мұхитни пайдо





қиласи. Бундай мұхитда кишининг ақли ўткirlашида, қалби яйрайди, мұқаддас Қуръони карим оятлари, Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) ҳадиси шарифлари, авлиёлар ўғити ва пири устозлар насиҳатини қабул қилиш осоналашида.

Мир Араб мадрасаси фаолиятини бошлаганидан бүён нафақат Ўрта Осиё, балки дүнёning қатор мусулмон мамлакатлари диний-маънавий ҳаётига сезиларли таъсир күргазган буюк арбоблар бу илм даргоҳида таълим-тарбия олишди. Уфанинг биринчи муфтийи (император Екатерина II 1788 йили тайинланган) Мұхаммаджон Ҳусайн, 1917 йили Бутунруссия мусулмонлари I курултойида сайланган Русия мусуамонларининг биринчи муфтийи Алимжон Барузий Бухорода таълим олган.

XIX асрда яшаган йирик олим, нақшбандийлик тар mogi бўлмиш жўйбория судукининг атоқли вакили Қози Асқар, улуғ муфассир, мұхаддис, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назоратининг бўлгуси асосчиси Эшон Бобохонни 1870 йили шогирдликка олган Миён Malik (XIX аср охирлари) ҳам шу мадрасада таҳсил олиб, кейинчалик мударрислик қилган. Мир Араб мадрасасида таҳсил олишни Ислом оламининг узоқ узоқ ўлкалари мусулмонлари ҳам орзу қилишарди. Хуласа, бу илм масканининг шуҳрати оламда кенг ёйилган эди.

1943–1945-йилари Россия, Кавказорти, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари муфтияtlари ўз минтақаларида масжид ва мадрасалар очишга киришди. Вилоятларда, йирик шаҳарларда биттадан масжид очишга рухсат берилган эди. Аммо бу ишларни юритадиган имом-хатиблар йўқ эди. Динимизга хизмат қилувчи малакали мутахассис имомларни, уламоларни тайёрлаш, шафқатсиз даҳрийлик ҳукм сурган қатағонлар даврида курбон бўлган ёки қувгин қилинган диндор мутахассислар ўринини тўлдириш, диний китоблар, газета-журналлар нашр этиш жуда мухим вазифа эди.

Ота-ўғил Бобохоновлар бир нарсани яхши билишарди: Ислом дини мусулмонлардан ҳам диний, ҳам дунёвий





иамларни чуқур ўрганишни талаб этади. Буларсиз ҳаёт мазмунини тушуниш, жамиятда, табиатда юз берётган мураккаб вазиятларда ўзини ўнглаб олиш қийин бўлади. Муҳаммад пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳадиси шарифларида мусулмонларни иам олишга, билим-тажрибаларини муттасил бойитиб боришга, Аллоҳ таоло инсон зиммасига юклаган юксак вазифага муносиб бўлишга чақирғанлар.

Россия, Кавказорти ва Ўрта Осиё минтақалари диний бошқармалари раҳбарлари учрашувида имом-хатиблар тайёрлаш масаласи муҳокама этилаётганида Эшон Бобохон Мир Араб мадрасаси тарихини сўзлаб берди ва ҳамкасларига ёш имом-хатибларни тайёрлаш ишини Бухоро шаҳрида ташкила этиш таклифи билан чиқди ва буни асослади. Собиқ Совет Иттифоқи барча минтақалари муфтийлари донишманд ҳамкасларининг бу таклифини бир овоздан маъқуллашди. Сўнгра учрашув қарори совет ҳукуматига етказилди.

1945 йили муфтийнинг ҳукумат идоралари билан олиб борган узоқ ва мураккаб музокараларидан сўнг йилига 20 нафардан кўп талаба қабул этмаслик шарти билан Бухородаги Мир Араб мадрасасининг очилишига рухсат берилди. Эшон Бобохон ўзлари яхши таниган, араб, форс, рус тиллари ҳамда диний ва дунёвий иамларни яхши билган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида таржимон бўлиб ишлаб турган Ҳожиакбархон Муҳитдиновни 1945 йил 29 август куни мадрасага директор этиб тайинлайдилар. Шахсан ўзлари у кишини олиб бориб мадраса ходимларига таништириб келдилар. Биринчи топшириқлари – мадраса ўқув дастурини тайёрлаш эди. Янги директор ҳамда унинг ўқув ишлари бўйича ёрдамчиси Гуломжон Изомий биргаликда бу вазифани шараф билан бажаришади. Ўша даврда ўқув режаси Москвада Диний ишлар бўйича Иттифоқ Кенгашида тасдиқланарди. У ердагилар эса, нима қилиб бўлса ҳам диний фанлардан дарс соатларини





камайтиришга интилишарди. Зиёвуддинхон қори бу фанларни ўқитиш заруратини асослаб берар, уларни ўқув дастури ва режасидан ўчиритирмасликка ҳаракат қилар эди.

Совет даврида фақат Ўрта Осиё республикалари эмас, балки Волгабўйи, Кавказортидан талабалар Бухорога ўқишига келишди. Аварлар, озарбайжонлар, қозоқлар, қирғизлар, тоҷиклар, татарлар, туркманлар, ўзбеклар, чеченлар бир оила фарзандларида аҳил-иноқ таълим олишди, бирга яшашди. Тиллар ва шеваларнинг ҳар хиллигига қарамай, исломий илмларни ўрганишда уларнинг ҳеч бири айтарли қийналмаган. Гап шундаки, тингловчилар мадрасага араб тили ва исломий илм асослари бўйича дастлабки билимларни олиб, тайёргарлик кўриб келишарди. Бундан ташқари, талабаларнинг муқаддас Куръони карим оятларига ва Пайғамбаримиз (с. а. в.) суннатларига меҳр-муҳаббатлари юксак, бир-бирларига ёрдамлашишга интилишлари жуда кучли бўлганидан тил борасидаги тўсиқдарни тез ошиб ўтишарди.

Талабалар мадрасада қироат, тафсир, ҳадис, фикҳ, Ислом тарихи каби анъанавий фанлардан сабоқ олишади. Араб тили, шунингдек, тажвид қондаларини ўргатишга катта аҳамият берилади. Талабалар орасида мунтазам ўтказиладиган қорилар мусобақаси уларнинг Куръони карим оятларини тиловат қилиш маҳоратлари юксалишига сабаб бўлади.

Мадраса ўқув дастурида, шунингдек, география, тарих, ўзбек тили каби фанларга, замонавий фан ва техника ютуқларини ўрганишга ҳам катта ўрин берилган. Бу ҳол, албатта, тушунарли. XX аср техникавий ривожланиш асли. Одамларнинг кўпі ўқимишли, дунё кўрган. Дин хизматчиси ҳам шунга мос, муносиб равища зиёли, ҳар томонлама кенг фикрли мутахассис, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий билимларни ҳам яхшигина ўзлаштирган бўлиши керак.

Шайх Зиёвуддинхон ташаббуси билан Диний назорат масжидларининг ёш имом-хатиб кадрларга ортаётган




эҳтиёжини ҳисобга олиб, соғ назарий фанлар қаторида амалий машгулотлар (масалан, талабаларнинг жума хутбаларини ўқиб беришлари, никоҳ, жаноза ўқиш) ҳам ўқув дастурига киритилди. Бу тадбир ёш имомларнинг мадрасани битиришлари биланоқ исломий ҳаёт талабларига тўла тайёр, мустақил мутахассис бўлишларида катта фойда берди.


Юқори босқич талабалари мадраса қошидаги масжида ибодатни мустақил бошқариб боришар, намозда имомликка ўтишар, жума кунлари мавъиза қилишар эди. Мадраса талабалари мавъиза қилишганида масжидга йигилганлар қўшалоқ қувончни ҳис этишарди, чунки улар ёш имомлар сиймосида динимизнинг ўша кунлардаги ҳолатини кўришар, айни ҳолдан унинг келажагига ишончлари мустаҳкамланар эди.

Исломий илмларнинг ёйилишида Мир Араб мадрасасининг улкан маърифий аҳамияти бор. Мадраса битирувчилари Ислом таълимотини кенг ҳалқ оммасига етказишиади. Исломий билимларни яхши эгаллаш билан бирга уларни чиройли тарзда баён қилиб бериш, соддагина, тушунарли қилиб одамлар онги ва қалбига етказиш мадраса битирувчиларининг ютуғини таъминловчи омилларданadir.

Мадраса талабалари таълим-тарбия жараёнида ҳалқ дарди ва манфаатларини ўйлаб яшайдиган чинакам мусулмон арбоблари, иқтисодиёт ва маданият ривожига ижобий таъсир кўрсатувчи, исломий билимлар ва замонавий фан-техника ютуқларининг толмас тарғиботчилари бўлиб шакланишиади. Бундай фазилатлар мадраса битирувчиларининг обрў-эътиборини юксалтиради. Мир Араб мадрасаси битирувчиларининг кўпчилиги дин арбоблари, мусулмонларнинг етакчилари бўлишгани бежиз эмас. Улар бугун ҳам турли мамлакатлар ва минтақаларда жомеъ масжидларига ва диний бошқармаларига раҳбарлик қилишяпти.


Домла Гуломжон Изомий Бухорода таниқли олим, нақшбандия тариқати маънавий устозларидан бири эди.






Шайх Эшон Бобохон Мир Араб мадрасасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни домла Изомийга топширади. Домла Изомий 1945–1956-йиллари мадраса директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. Бу олийжаноб инсон иштирокида ишлаб чиқилган ўқув дастури ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган ва амалда қўлланилади. Домла Изомий тажрибали манбашунос олим, Ибн Сино номидаги кутубхона Шарқ қўлёзмалари жамғармаси асосчиси эди. Донишманд ва зиёли, маърифатпарвар олим Домла Изомий мазкур кутубхонанинг илмий ходими бўлиб узоқ йиллар тер тўкиб ҳалол меҳнат қилди. Шу билан бирга, у умрининг охиригача Мир Араб мадрасасида таълим-тарбия ишлари билан машгул бўлди. Халқ орасида “Изомий домла” номи билан таниланган бу ҳурматли, олийжаноб инсоннинг Шайх Эшон Бобохон билан муносабатлари жуда яхши эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида Гуломжон Изомий “Тариқатнинг буюк арбоби” сарлавҳаси билан бир қўлёзма матн ёзган. Ушбу матнни унинг оиласи сақлаб келган, у ҳеч қаерда эълон қилинмаган. Бухоро Мир Араб мадрасаси мударриси Абдуғафур Рассоқ Бухорий ушбу қўлёzmани китобхонлар эътиборига ҳавола этди: “1943 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диния назорати ташкил этилгач, Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бир овоздан унинг раиси этиб сайданди. Бу обрўли уламога бешта республикага муфтийлик унвони берилди. Раиснинг ўринбосари этиб Шайх Муродхўжа Солиҳий, масъул котиб этиб Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон сайданишиди.

Шайх Эшон Бобохон ҳазратлари Муродхон Эшон, Ҳожи Акбархон, Нодирхон маҳдум, Олимхон тўра Шокирхон тўра ўғли, Мунирхон маҳдум, Исмоил маҳдум, Сулаймон қори, Нўъмонхон домла, Ҳабибуллоҳ қори, Шаҳобиддин қори, Абдурашид қози домла, Абдураззоқ домла, Муҳаммад Солиҳ домла каби таниқди устозлар билан ҳамкорликда Диний назорат фаолиятида жуда улкан хайрли ишларни амалга оширди. У ёш






шогирдларга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлар, уларни Ислом динимиз таълимоти асосида тарбиялаш ва ўқитишини ўзининг муқаддас бурчи деб билар эди.

Мадрасада таълим олган машҳур шахслардан бири XIX асрда яшаган таниқли дин арбоби Қози Асқардир. Бу азиз инсон нақшбандия тариқати жўйбория сулукининг етакчиларидан бири эди. Муфтий Эшон Бобохоннинг устози ва ўқитувчиси Миён Бузрук ҳам шу мадрасада таҳсил олган ва кейинчалик кўп йиллар шу билим юртида мударрислик қилган. Шайх Эшон Бобохоннинг Эшон Яҳёхон (Эшон Ўроқ, 1948 йил вафот этган), Эшон Нақшбандхон (1958 йил вафот этган), Абдулҳай маҳдум, Эшон Сулаймонхўжа Орифий (1884–1979), Зикриё маҳдум, Абдулҳаким қори (1984 йил вафот этган), Абдураҳим қори (1888–1962) ва бошқа қатор бухоролик ҳамфирлари мадрасада мударрислик қила бошлилди. Уларнинг бари бухороликлар орасида таниқли дин арбоблари эди.

Бир куни Эшон Бобохон мендан “Мирзо, сиз кимда ўқигансиз?” деб сўраб қолдилар. Мен Юсуф домла (1916 йил вафот этган), Асвад маҳдум, Домла Икромча, Домла Абдуразоқча (1918 йил вафот этган), Қутбидин домладан (1921 йил вафот этган) таълим олганини айтдим. Шунда Эшон Бобохон суюниб, кўзларига ёш олиб, бундай деди: “Эҳ, биз иккимиз сабоқдан сабоқдош эканмиз-ку... Мен ҳам Бухоронинг Эрназар мадрасасида сиз ҳозир номларини эслаган мударрислар, азиз устозлар қўлида ўқиганман. Аллоҳ уларни раҳматига олсин! Битта фарқимиз шуки, мен уларнинг илк шогирдларидан бўлсам, сиз охириги шогирдларидан бири экансиз”.

Эшон Бобохон ҳазратлари ҳар гал Бухорога келганида бу машҳур олимлар билан учрашар, мадраса ҳужраларидан бирида илмий-маърифий сұхбатлар қуради. Бундай сұхбатларда Эшон Бобохон Бухорода ўқитган устозлари, нақшбандия шайхлари ҳақида кўп гапириб берарди. Ислом динимизни ўрта, мўътадил бир услубда тарғиб этишда, сунний





тасаввуфни ёйиш, маърифий адабиётни ривожлантиришда у эсланган олимларнинг алоҳида ўрни бор. Шариат илмлари билимдонлари, тариқат билимларининг шарҳловчилари бўлишган бу маърифагчи олимларнинг нурли ва шариф исмлари жуда кўп тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган.

Эшон Султонхон (Эшон Нақшбандхоннинг отаси, 1918 йили вафот этган), Эшон Қамариiddин (1923 йил вафот этган), Эшон Ибодуллахон (1925 йил вафот этган), Эшон Ҳабибуллоҳ Аҳсавий (1950 йил вафот этган) Эшон Бобохон ҳазратларининг нақшбандия тариқати бўйича маънавий устозлари бўлишган. Қачон улар ҳақида сўз очилса, Эшон Бобохон ҳурмат-эҳтиром билан эсга олар, ҳақларига дуо қиласр эди. У устозлари олдида ўзини қарздор ҳисоблар ва кўпинча: “Менинг шундай мартабага эришувимда, энг аввало, азиз устозларимнинг тарбияси, кўрсатмалари, насиҳатлари, суфийлик таълимотининг моҳияти ҳақида ўргатган билимлари ҳал қилувчи омиа бўлган”, деб таъкидлар эди.

Эшон Бобохон Бухорога ҳар галги сафарини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошларди. Бу ердаги масжида у кўп намоз ўқир, дуо қиласр, нақшбандия тариқатига бардавомлик ва ривож беришини Аллоҳ таолодан сўраб, илтижо қиласр эди.

Хозиргача эсимда, 1945 йили Мир Араб мадрасаси фаолияти тикланишидан олдин, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Бухорога келиб, барча мадрасаларни айланиб чиқди. Мир Араб мадрасасини кўздан кечирганидан сўнг менга: “Бухоронинг барча мадрасаларида бўлдим, аммо Мир Арабга кирганимда вужудими қандайдир титроқ куршаб олди, қалбимда бир илоҳий нур, ёргулликни ҳис этдим. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Ахир бу ерга нақшбандия тариқатининг буюк вакили Саид Абдуллоҳ Яманий ҳазратлари туфайли илоҳий файз ёғилиб туриши шубҳасиз”.

Тошкентга қайтиб, отаси Эшон Бобохонга диний таълим-тарбияни айнан Бухородаги Мир Араб мадрасасида бошлаш





зарурлигини айтади. Муфтий бу таклифни ҳеч иккиланмай, хурсандчилик билан маъқуллайди. Шундай қилиб, неча асрлардан бўён илм нурини ёйиб-таратиб келган машҳур мадраса гўё иккинчи умрини бошлагандек бўлди – бу ерда таълим-тарбия жараёни қайта тикланди.

Эшон Бобохон ҳазратлари ва унинг ўғли Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон мадрасаси талабаларига жуда хайриҳоҳ, гамхўр ва самимий муносабатда бўлишарди. Талабаларнинг таълим олишлари учун қулай шароитлар яратиш йўлида барча имкониятларни ишга солишарди.

Сўзим ниҳоясида Эшон Бобохон ҳазратлари тариқатнинг буюк арбоби бўлгандарини айтмоқчиман. Нақшбандия таълимоти ривожида, Ўрта Осиё ҳалқлари тўғри йўлни қайта танлаб олишларида у зотнинг бебаҳо хиссаси бор. Бундай буюк инсонлар ҳаёти ёшлиар учун ибрат мактабидир. Зеро, азиз инсонлар, улуғ салафлар ҳақида сўз борганида раҳмат нури ёгилади. Аллоҳ таоло бундай азиз зотлар туғайли бизни ҳам илоҳий файз билан сийласин, бизни ҳам муқаддас Куръони карим таълимотларига, Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) сунналарига амал қилувчи солиқ бандаларидан қиссин. Омин”.

Турли республикалар муфтийлари аҳил-иноқлигининг аҳамияти ҳақида Россия муфтийлар кенгаши раиси маслаҳатчиси, Аллоҳ йўлида кўп хайрли ишлар қиласан Анвармирзо Ҳусаинов қатъият билан бундай ёзади: “Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати тузилган илк кунлардан бошлаб, ота-ўғил Бобохоновлар Россиянинг Европа ва Сибирь қисми мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх Абдураҳмон Расулий, Москва жомеъ масжиди имом-хатиби Шайх Халил ар-Рахмон Насридинов, Қозон жомеъ масжиди имом-хатиби Шайх Қиёмидин Қодирий билан, шунингдек, Кавказорти ва Кавказнинг таниқли уламолари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйишиди. Уларни қийнаётган асосий масала диний назоратнинг имом-хатибларни ўқитиш ва тарбиялаш тизимини барпо этиш эди.





Эшон Бобохон ва ўғли Зиёвуддинхон қори ўзлари ишлаб чиққан мусулмонларнинг диний ҳис-туйгуларини уйготиш ва Ислом динига ишонч-эътиқодни тиклаш истиқбол иш режаси (стратегияси)га асосланиб, бўлгуси имом-хатибларни Бухородаги XV асрдан бўён машхур Мир Араб мадрасасида тайёрлашни таклиф этишди. Эшон Бобохон фикрини бир қатор қулайликлар борлиги билан асослади. Чунки бу ерда талабаларнинг ўқиши ва яшашлари учун яхши шароит, турли халқдарга мансуб мусулмонларни ўқитиш бўйича кўп асрлик тажриба бор. Энг муҳими, таълим-тарбияни бошлаш учун Бухорода домла-мударрислар ҳам етарли. Бу омилларнинг барчаси таълим-тарбиянинг моддий-интеллектуал асосини яратишда жуда муҳимдир. Аллоҳ таолонинг марҳамати билан Бухорои Шарифда ўша оғир йиллари ҳам миллий қадрияtlар, баъзи диний маросимлар, исломий муҳит сақданиб қолган эди. Бухорода ҳамма нарса, чор атрофдаги маънавий-руҳий манзара ҳам диний туйгуларнинг қайта жонланиши учун қўшимча туртки эди. Бу ҳолат қатъиятai имом-хатибларни, чинакам дин хизматчиларини тайёрлашда жуда аскотарди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати ота-ўғил асосчиларининг ташкилий ишларда энг тўғри йўлни танлашлари, уларнинг Уфа, Москва ҳамда Қозон шаҳарларидағи ҳамкаслар билан ишchan ва самимий ҳамкорлик қилишлари таҳсинга лойиқ. Бу тажрибани ўрганиш собиқ Иттифоқда Исломнинг энг янги тарихини ҳаққоний ёритишда, мавзунинг ижобий ва салбий қаҳрамонларига тўғри баҳо беришда тарихчилар ва диншунослар учун аҳамияти катта.

Тасаввур қилинг, ўшандა Россия ёки Кавказ муфтийлари ва уламолари Эшон Бобохоннинг ташаббусини кўллаб-куvvatлашмаса, нима бўларди? Ёки исломнинг бўлгуси хизматчиларини қаерда ўқитиш мумкинлиги тўғрисида баҳсга киришганларида, бу баҳс бир неча, ҳатто ўн йилгача чўзилганда, совет тузуми шароитида Исломга ишонч-





эътиқодни тиклашдек хайрли иш ҳеч бир натижасиз тўхтаб қолар эди. Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, Шайх Эшон Бобохон ва Зиёвуддинхон қори ташаббусини қурутой иштирокчилари тўла ва қатъий қўллаб-қуватлашди. Бу аҳилликнинг меваси ҳаммага яхши маълум.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сайфиддин Боҳарзий каби буюк муҳадислар, авлиё зотаар ватанида мустабид совет тузуми йиллари, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида барча собиқ иттифоқдош республикалардан келган 400 нафардан ортиқ ёш ўрта ва олий диний таълим-тарбия олишди. Кейинчалик уларнинг аксарияти ўз юргларида диний башқармаларга, Ислом университетлари, институтлари, мадрасаларга, газета ва журнallар таҳририятларига, нашриётларга раҳбарлик қилишди. 1992 йилдан бўён эса улар Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида тобора кўпайиб, самарали фаолият олиб бораётган турли исломий ташкилотларни матонат ва моҳирлик билан бошқариб келишяпти. Тошкент ва Бухорода таълим олган мутахассислар бугун ҳам МДҲ мамлакатлари мусулмонларининг тажрибали етакчилари сифатида замон билан ҳамқадам яшаб, меҳнат қилишмоқда. Улар динга, мусулмонлар жамоасига хизмат қилиш бурчини ёруғ юз билан аъло даражада бажаришяпти. Албатта, бу ҳол коммунистча бошқарувнинг оғир шароитида – 1945 йили Россия, Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон муфтийларининг ҳамкорликда улуг мақсад йўлида қатъият ва донолик билан қабул қилишган қарорнинг ижобий натижасидир. Исломниң XX асрдаги садоқатли хизматчилари ота-ўгил Бобохоновларнинг бундай оқилона йўл тутишлари, ибратли саъй-ҳаракатлари туфайли гўё енгилмас бўлиб кўринган қийинчалик ва тўсиқлар ортда қолди.

Нижегород вилояти (Россия) мусулмонлари диний бошқармаси раиси, 1983 йили Мир Араб мадрасасини битирган Умар ҳазрат Идрисов ўзининг “Бухоро ҳақида хоти-






ралар. 20 йил имоматчилик” номли китобида коммунистларнинг даҳрийлик ҳукм сурган йиллари мамлакатдаги масжидлар учун малакали имом-хатиблар тайёrlашда Мир Араб мадрасасининг туттган ўрни, улкан аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдирган.

Мир Араб мадрасаси, Йомом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳади битирувчиси ана шундай ёруғ хотиралар билан олий исломий таълим олишганининг 20 йиллиги муносабати билан 2007 йиининг апрель-май ойида Ўзбекистонга ташриф буюрди. Шогирдлари, ўринбосари, таниқли бир олим ҳамда маданиятшунос журналист унга ҳамсафар бўлишди. Умар ҳазрат бу ташрифини ўзи таълим олган табаррук жойларга зиёрат деб атади. У Бухорои Шарифда Мир Араб мадрасаси мударрислари ва талабалар учун хайрия кечасини ўtkazdi. Кечада сўз олиб, Умар ҳазрат, жумладан, бундай деди: “Россиянинг йирик вилоятида имом бўлиб ишлаган йилларим мен ўзбек заминида таълим олган баҳти йилларимни доимо эслаб-хотирлаб юрдим. Менинг мадраса талабаларига китоблар ҳадя этиш, хайрия тадбири ўtkaziш ниятим бор эди. Мана шу ерда, Бухоронинг табаррук замини, ҳар гал улкан ҳаяжон ва эҳтиром билан осто-насини ҳатлаб ўтганим Мир Арабда, дунёдаги энг қадими мадрасалардан бирида мен шариат ва тариқат қоидаларига тўла амал қилувчи чинакам мусулмон бўлиб камол топдим. Бу ҳудудда инсоннинг тарихий хотирасига, руҳиятига жуда кучли ижобий таъсир қилувчи ахлоқий-маънавий мұхит ҳукм суради. Бу мұхит диний ҳис-туйгулар уйгонишида, ишонч-эътиқоднинг мустаҳкамланишида катта ёрдам беради”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов (талабалик йиллари Умар ҳазратнинг Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам курсдоши бўлган) билан судбатда Умар ҳазрат якин келгусида кўп асрлик анъанани тиклаш – Бухородаги Мир Араб мадрасасида россиялик мусулмонларнинг исломий таълим-тарбия олишларини яна йўлга қўйиш гоясини мұҳокамага



ташлади. У мадрасада рус тилида таълим бериладиган маҳсус факультет очишни таклиф этди. Ўзбекистон муфтийи умумий ҳолда ҳамкасбининг бу таклифини маъқуллади. Аллоҳнинг марҳамати билан, ҳар икки томоннинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли бу хайрли иш ижобий ҳал бўлади, исломий таълим соҳасида Ўзбекистон ва Россия мусулмонларининг тарихий ўзаро фойдали, бир-бирини бойитувчи алоқалари сақданиши ва мустаҳкамланишига хизмат қиласи деб умид билдирамиз.

4.7. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси ҳалқаро алоқаларининг бошланиши

Ислом дини сиқувга олингани, мусулмонлар, динимиз хизматчилари қирғин қилингани учун Саудия Арабистони Қироллиги даҳрий совет давлати билан дипломатик алоқаларни тұхтатиб қўйган эди. Ўрта Осиё мусулмонлари етакчиси, муфтий Эшон Бобохоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1945 йили Макка ва Мадина шаҳарларига ватандош мусулмонларнинг муборак ҳаж ибодатига боришилари қайта йўлга қўйилди. Ўша йили турли иттифоқдош республикалардан бўлган жами ийигирма икки нафар ҳожилар муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигида ҳаж сафарга жўнашди. Улар орасида ёш Зиёвуддинхон қори ҳам бор эди. Ҳаж исломнинг беш руқнидан биридир.

“Унда аниқ аломатлар – “Мақоми Иброҳим” бордир. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур. Йўлга қодир одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир” (“Оли Имрон” сураси 97-оят).

Қодир бўлган мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарз. Ҳаж арконлари ҳар йили бир жойда, бир вақтда – ҳижрий зулҳижжа ойининг 9–13-кунлари адо этилади. Шу сабабли ҳаж дунё мусулмонлари ҳар йили мунтазам учрашиб туришлари учун катта имкониятдир. Ҳажни мусулмонларнинг




йиллик бутунжаҳон қурутойи деса ҳам бўлади. Ҳаж кунлари мусулмонлар ўртасида алоқалар ўрнатилади, мустаҳкамланади. Дунёнинг тури мина тақаларидан келиб муқаддас Маккада тўпланган мусулмонлар Аллоҳ таоло фарз қиласан бу улуг ибодат арконларини бажаришади, Аллоҳдан бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликлар ато этишини сўраб дуо-иљижолар килишади. Ҳаж арконларини адо этиш мусулмоннинг ҳаётида улкан воқеадир. Чунки Аллоҳ таоло чин ихлос билан ҳаж қиласан мусулмоннинг гуноҳларини кечиради, у онада қайта тугилгандек бўлиб, қалби ҳар хил ғуборлардан покланади. Шу боис дунёнинг энг олис бурчакларидан ҳам юз минглаб мусулмон Исломнинг ибодат маркази бўлган Каъбатуллоҳ сари ошиқадилар: “Ҳаммангиз Аллоҳнинг арқони (*Куръони*) ни маҳкам тутинг ва фирмаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъмати туфайли биродарларга айландингиз. Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ ийлни топгайсизлар, деб Аллоҳ ўз ояларини сизларга шундай баён қиласди” (“Оли Имрон” сураси 103-оят)

1945 йили илк бор муборак ҳаж сафарида Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонга Уфадан шайх Абдураҳмон Расулий, Қозондан имом Маржоний масжидининг имом-хатиби Қиёмииддин Қодирий, Намангандан масжидининг имом-хатиби Исмоил маҳдум Сотти Охунд, Қорақалпогистондан имом-хатиб Мулла Янгибий Абдулхайр ўғли, Хўжанд масжидини имом-хатиби Абдулмажид қози Юсуф ҳожи ўғли, Қозогистондан Абдулборий Абдуссобир ўғли ва Муҳаммад Али Муин ўғли ҳамда Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳамроҳ бўлишди.

Бу сафарда ҳожиларимиз чет эллик мусулмон биродарлари билан учрашишни, дўстлашишни кўзлашган эди. Муқаддас шаҳарларга етиб олгунларича ҳожиларимизни ҳамма жойда






самимий эътибор ва гамхўрик билан кутиб олишди, яхши тилаклар билан кузатиб қолиши.

Ҳожиларимизнинг у муборак заминда Олий Жаноблари Қирол Абдул Азиз ибн Сауд билан учрашишлари уларга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг ёрқин намойиши бўлди. Учрашув чоги қирол муфтий Эшон Бобохонга ўша йилдан эътиборан советлар юртидан келувчи ҳожиларга Саудия Арабистони дарвозалари очиқ бўлишини билдириди.

Ўша йилги ҳаж сафари ва Саудия Арабистони қироли билан бўлган учрашув ҳаммада катта таассурот қолдирди. Бу учрашув араб ва бошқа мусулмон мамлакатларидаги диндошлишимиз билан дўстона алоқаларининг дебочаси бўлди.

Муфтий Эшон Бобохон Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари уламоларининг навбатдаги мажлисида муборак ҳаж сафари якунлари ҳақида ҳисобот берди, таассуротларини сўзлади. Мажлисда дунёнинг барча мамлакатлари, биринчи навбатда, араб давлатлари мусулмонлари билан яхши ҳамкорлик муносабатларини кенг йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу орада турли мусулмон мамлакатларининг диний, жамоат ва давлат арбоблари билан тўғридан-тўғри шахсий дўстлик алоқалари ўрнатиш санарагали йўл экани йиллар оша тасдигини топди. Бундай хайрли мақсадга эришишда ёш Зиёвуддинхон алоҳида фаоллик кўрсатди.

Сафияхоним Бобохонова хотираларидан: “Уруш тугаган иили биринчи ҳожиларнинг Ватанга қайтишларини уларнинг қавм-қариндошлари ҳам, минтақанинг кўп минг сонли мусулмонлари ҳам интиқдик ва катта ҳаяжон билан кутишарди. Улар қайтиб келган кун байрам бўлиб кетди. Таассуротларини гапириб берарканлар, отам: “Шундай кекса ёшимда менга ҳаж арконларини адо этишимда куч-қувват берган Аллоҳга беҳисоб шукр (ўшандада отам 88 ёшда эдилар). У ерда жуда кўп яхши ўзгаришлар бўлиди. Биз 1912 иили Маккадан Мадинага бориш учун тужда 12 кечакундуз йўл босган эдик. Бу сафар эса





автоулов билан б соатда етиб олдик. Олий Жаноблари Қирол Абдул Азиз ибн Сауд бизни самимият, мамнуният билан қабул қылди. Башқа мамлакатдан келган диндошларимиз билан ҳам янги, дўстона алоқалар ўрнатдик. Худо хоҳласа, энди диний назоратнинг чет эл мусулмонлари билан ҳалқаро муносабатлари юришиб кетади”, дедилар.

Эсимда бор, 1946 йили отам Буюк Британиядан давлат ва дин арбоби, жаҳон тинчлик мукофоти лауреати, Кантеберий черкови руҳонийи Ҳюллет Жонсон билан маҳсус котиби Оксфорд дориафунунининг мударриси А.Доби жанобларини қабул қилган эди. Улар минтақа мусулмонлари ҳаёти билан қизиқишган, бизлар билан ҳам учрашишган эди. Шундан кейинги йилларда отам Ироқ давлат ва жамоат арбоби Мұхаммад Ал-Ашмарни, Ҳиндистон давлат арбоби, Парламент аъзоси Сайфуддин Китчлуни, Ҳиндистон Бош вазири Жавоҳарлал Неруни, Индонезия Президенти доктор Сукарнони, Бирма давлат Бош вазири У Нуни, сиёсий арбоб Индира Гандини, Албания, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Эрон, Туркия каби мамлакатларнинг дин ва давлат арбобларини ўз қароргоҳларида қабул қилганлар. Отам меҳмонларни уйимизда қабул қиласар, биз уларни кутиб олиш, меҳмон қилиш ишларида ёрдам берар эдик”.

1955 йилнинг октябрида австриялик бир гурӯҳ журналистлар диний назоратда бўлишди. Шайх Зиёвуддин қори билан учрашишди. Чет эллик журналистлар ўзларини қизиқтирган ҳамма саволларига Зиёвуддин қоридан батафсил, асосли жавоблар олишди.

1955 йилнинг нояброда норвегиялик ўқитувчилар гурӯҳи “Тилла Шайх” масжидини томоша қилганидан сўнг муфтий Эшон Бобохоннинг ҳовалисига келди. Бу ерда улар учун тўкин дастурхон тузалган, зиёфат ҳозирланган эди. Дастурхон устида самимий сұхбат бошланиб кетди. Сұхбат сўнггида Норвегия руҳонийлари раҳбарларидан бири, илохиётчи



Георг Гард бундай деди: “Бизнинг Норвегияда ҳар бир илохиётчи ўз динидан ташқари яна бир бошқа динни ҳам ўрганиши керак. Мана, мен ўз динимдан ташқари Исломни ҳам яхшигина ўргандим. Бугун мен бу уйда мусулмонларнинг обрўли, машхур кишилари – олимлари билан учрашганимдан жуда баҳтиёрман. Бундай самимий қабул ва зиёфат учун сизлардан жуда мамнун ва миннатдорман. Бизнинг Норвегия мактабларида дунёвий фанлардан ташқари, диний таълимотга доир фанлар, жумладан Ислом дини ҳам ўргатилади. Ватанимга қайтгач, сизлар билан учрашганимиз, сұхбатларимиз ҳақида албатта халқимга сўзлаб бераман. Буни мен ўз зиммамга тушган шарафли иш деб биламан. Бошқа динлар вакилларидан кўра сизлар тинчлик учун кўпроқ хизмат қиласингиз. Буни тан олишимиз керак. Бутун ер юзида тинчлик ҳимояси учун олиб бораётган ишларингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман, ютуқдарингиз билан табриклайман”.

4.8. Бароқхон мадрасаси – минтаقا мусулмонлари маркази. Тилла Шайх ва унинг зурриёти ҳақида.

Бир масжид тарихидан.

Бароқхон мадрасаси “Ҳазрати Имом” мажмуаси таркибиға кирувчи муҳташам тарихий ёдгорликдир. Бу мадраса Тошкент ҳокими Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон) шарафига шундай деб аталади. У 1551–1556-йиллари Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган. Мадрасани ҳам ўша йиллари қурдирган. Бароқхоннинг ўзи шайбонийлар сулоласидан бўлиб, Абулхайрхоннинг невараси, Суюнчхўҷанинг кичик ўғлидир.

Мадраса XV–XVI асрларда қурилган бир неча иморатлардан иборат мажмуадир. Мадраса босқичма - босқич 1502–1770-йиллар оралиғида қуриб битказилган.

Советлар даврида мадрасанинг бир қисми керосин сотиладиган дўкон қилинган, ҳужралари кўрлар жамиятининг ётоқхонаси бўлган эди. Бу ҳужраларда кўзи ожизларнинг




йигирмата оиласи яшар ва Тилла Шайх масжида жойлашган арқон эшиш цехида ишлар эди.

1954 йили Шайх Эшон Бобохон XVI асрга оид меъморий ёдгорлик ҳисобланган Бароқхон мадрасасини ва Тилла Шайх масжидини диний назорат ихтиёрига беришини сўраб Ўзбекистон ҳукуматига мурожаат қилди. Ҳукумат диний назоратга кўзи ожизларнинг оиласари учун уй қуриб бериш шартини қўйди. Савоб ишни кечиктирмаслик учун муфтий Эшон Бобохон қизи Сафияхонга ажратилган ерда (Қорасарой кўчаси, Бежинский тор кўчаси) унинг розилигини олиб, кўзи ожизларнинг оиласари учун ўз маблагига янги иморат қурдириди ва уларнинг кўчишларига ёрдам уюштириди.

Шайх Зиёвуддинхон мадрасани тиклаш-таъмирлаш ишларига раҳбарлик қилди. Уста Ширин Муродов бошчилигида 1955–1963-йиллари мадраса биносини ялпи таъмирлаш ишлари давом этди.

1954 йилдан то 1992 йилгача, яъни Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси Бароқхон мадрасасида фаолият юритди, 1992 йилдан 2006 йилгача Бароқхон мадрасаси аввал Мовароунинаҳр, кейинчалик Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қароргоҳи бўлди. Мадраса қаршисида жойлашган Тилла Шайх жомеъ масжиди шўролар даврида энг катта масжид ҳисобланарди, уни хастимомлик Насим уста бошчилигида таъмирланди.

Замонасининг обрўли кишиларидан Тилла Шайх “Ҳазрати Имом” маҳалласида уламолар ва дин хизматчиларига қўшни бўлиб яшар эди. У сахий ва олийжаноб инсон эди. Тилла Шайх узоқ йиллардан буён Гулжа (Шарқий Туркистон) савдогарлари билан кенг савдо қиласи бўлди. Гулжада қашқарлар, уйғурлар, дунгандар билан ёнма-ён, аҳил-иноқ бўлиб анчамунча ўзбеклар ҳам яшарди. Тилла Шайхнинг минг бош қўйдан ҳам кўп отари Тяньшань тоғ этакларида ўтлаб юраги, йилдан-йилга кўпаяр эди. Тилла Шайх одиллиги, бойлиги билан ажралиб турган, ҳамиша турли фанларни, фойдали илмларни



эгаллашга интилаган. Куръони каримни кўп ўқир, ҳаётда Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) суннатларига амал қилишга интилар эди. Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) “Ким Аллоҳ розилиги учун бир масжид қурса, Аллоҳ жаннатда унга бир қаср бино қиласди” мазмунли ҳадиси шарифларига амал қилиб, 1890–1902-йиллар орасида “Ҳазрати Имом” маҳалласида икки меҳробли катта масжид қурдиради. Кейинчалик атрофдаги маҳаллаларда яна учта масжид қурдирган.

Тилла Шайх ўқимишли, оқида инсон бўлиб, Пайгамбар (с. а. в.) Мадинаға ҳижрат қилиб келганларида энг биринчи: “Эй одамлар, тинч-тотувликни ёйинг, бошқаларни икром қилинг, қариндошлиликни мустаҳкамланг, кечалари бошқалар ухлаётганида ибодат қилинг, шод-ҳуррамлик билан жаннатга кирасиз”, деб марҳамат қилганларини динимиз тарихидан яхши биларди. Бошқаларга ёрдам қилишга шошиладиган ҳақиқий мусулмон сифатида ҳар ҳафта пайшанба куни маҳалласида таом тайёрлатиб, камбагал, бева-бечораларга тарқатар эди. Ҳар йили куз мавсумида жуда кўп думба ёгини эритиб, муҳтоҷ оиласарга эҳсон қиласди. Оммавий “қулоқ қилиш” йиллари Тилла Шайхнинг тўнгич ўғли Фулом Шайх даҳрийлар хуружидан сақланиш учун 1928 йили Фулжага, отасининг савдо ҳамкорлари юртига ҳижрат қиласди. Унинг нияти уй-жой олиб, иш бошлаб, кейин оила аъзолари, оғаниниларини ҳам оталари билан Фулжага олиб кетиш эди. У Муборакхон ва Асалхон исмли икки қизини укалари Нўъмон Шайх ва Низом Шайх қўлида қолдиради. Тошкентда қолган хефзлари Фулом Шайхдан хабар кутиб яшар экан, бу пайтда советлар мамлакатининг чегаралари ҳеч бир тирқиш қолдирилмай жуда маҳкам беркитилади. Тугишган ака-укаларга қайтиб учрашиш насиб этмайди. Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида Хитойдан Фулом Шайхнинг фарзандлари, неваралари Тошкентта келишди. Шундай қилиб, Тилла Шайх сулоласининг давомчилари яна она ватанда учрашишди.



Саховатли Тилла Шайх масжидлар қургани учун орадан йиллар ўтиб – жангари даҳрийлик хуружи авж олган йиллари унинг невараларидан бири Эҳсон Низомов жавоб беришига тўғри келди. У шафқатсиз коммунистча мафкура “ўқ”ларига нишон бўлди. Олий мълумотли, ҳаракатчан мутахассис, уруш қатнашчиси, захирадаги капитан Эҳсон Низомов ўша йиллари Ўзбекистон маҳаллий саноат вазир ўринбосари бўлиб ишларди. Партия ташкилоти органларига ҳасадчи одамлардан “юмaloқ ҳат” тушади. Унда Эҳсон Низомовнинг бобоси Тилла Шайх йирик дин арбоби бўлгани, масжид қурдиргани ёзиаган эди. Низомовга партияча тергов иши очилади. Унга партия аъзолигига киришда қариндошлари диндор бўлганини партия органларидан яширганиликда айб қўйишиди. Иши Тошкент партия комитети бюроси йигилишида кўриб чиқилди. Бюро аъзолари Низомовдан: “Бобонгиз диндор, дин хизматчиси бўлгани, масжид қурдиргани ростми?” – деб сўрашади. Низомов: “Мен бобомнинг бой, диндор бўлганини эшитган эдим, аммо дин хизматчиси бўлмаган. Тўғри, бобом бир эмас, тўртта масжид қурдирган. Бобом 1913 йили вафот этган бўлса, мен 1917 йили туғилган бўлсан, бобомни тирик кўрмаган бўлсан, қандай қилиб мен унинг ишлари учун жавоб беришим керак?” дейди. Низомовнинг бу жавоби бюро аъзоларини қониқтиrmайди. Жомеъ пештоқига араб ҳарфларида Тилла Шайхнинг исми ёзиб қўйилгани далил қилинади-да, бюро мажлиси уни партия аъзолигидан ўчириш, лавозимидан озод этиш масаласини ўртага қўяди. Бу қарор билимли, келажаги порлоқ ёш мутахассисга чақмоқ ургандек таъсир қиласди. Худосиз коммунистлар масаланинг моҳиятига чуқурроқ аҳамият ҳам бермай, уруш қатнашчиси, Кримда партизанлар гурухи командири бўлган, ҳарбий мукофотлар эгаси, Ватанга бегараз хизмат қилган Эҳсон Низомов тақдирини ана шундай ноҳақ йўл билан бир неча дақиқада ҳал этишди.





Аммо Низомов қатъий иродаси, сабр-матонати, қалб оғриқдарини Аллоҳнинг зикри билан енгиш қобилиятига эга, тартибли, руҳияти кўтаринки инсон бўлгани учун чукур асабий ларзалардан сақданиб қолди. Уни янги қурилаётган Тошкент чинни заводига бош мұхандис этиб жўнатиши. Орадан икки йил ўтиб, мамлакатда сиёсий вазият бир оз ўзгариши муносабати билан айбисиз, ноҳақ жазоланган кишиларга нисбатанadolat қарор топди. Шу орада Ўрта Осиё ва Қозогистондаги чўл ҳудудларини ялпи ўзлаштириш ҳаракати бошланиб, Эҳсон Низомовнинг иш тажрибасига эҳтиёж туғилди. У ўттиз йил давомида, умрининг охиригача ҳозирги Сирдарё ва Жizzах вилоятларида чўлкувар бўлиб ҳалол меҳнат қилди, 1966 йилги зилзиладан сўнг эса, 1968 йилда “Главташкентстрой”га келиб, янги Тошкент қурувчиларининг олдинги сафида гайрат-шижоат билан ишлади. Республика Давлат план қўмитасида Ўзбекистонда саноат ва қурилиш тараққиётининг истиқбол режаларини ишлаб чиқишида қатнашди. Жумладан, Тошкент метроси қурилишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. “Средазирсовхозстрой” бирлашмаси тизимида ишлаб, минтақанинг янги ўзлаштирилган туманларида кўплаб совхозларни ташкил этди.

Самарали меҳнатлари учун Эҳсон Низомов хукуматнинг орден ва медаллари билан мукофотланди, унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони берилди. Эҳсон Низомов билан бирга ишлаган, маҳалладош, сухбатдош бўлган барча одамлар уни ҳамиша миннатдорлик билан эслашади, унинг ўқймишли, меҳнатсевар, талабчан раҳбар, ажойиб ташкилотчи, ғамхўр, эътиборли дўст, хушмуомала, ҳазилкаш инсон бўлганини таъкидлашади. Бугун Янгиер ва Тошкент шаҳарларида иккита кўча унинг номи билан аталади.

Тилла Шайх бобо Эшон Бобохон ибн Абдулмаджидхонни, унинг шарафли сулоласини яхши билган. Катта олим бўлгани учун ҳурмат қилар, ҳамиша яхши муносабатда





бўлар эди. Эшон Бобохон ҳам Тилла Шайх бобони эъзозлар, савобли ишлари, одамийлиги учун қаттиқ ҳурмат кўрсатар эди. Кейинчалик ҳам ҳар гал жума намозини адо этганидан сўнг Эшон Бобохон албатта Тилла Шайх бобонинг уйига кириб, унинг оила аъзолари, фарзанд ва набиралари даврасида Қуръон ўқиб, савобини марҳум Тилла Шайхнинг руҳига багишлар, ҳаққига хайрли дуолар қиласиди. Тилла Шайхнинг ўғиалари Нўъмон Шайх билан Низом Шайх ёшлиқданоқ Зиёвуддинхон қори билан дўстлашишган эди. Кейинчалик Тилла Шайх невараси Эҳсон Низомов билан Сафияхоним Бобохонова фарзандлари никоҳданиб, оила қуришлари бу таниқли кишилар хонадонларининг қариндошлиқ муносабатларини яна ҳам мустаҳкамлади.

XIX аср охирида қурилган “Тилла Шайх” жомеъ масжиди ҳозир ҳам мусулмонларга хизмат қиляпти. 2006–2007-йилларда масжид таъмирланди. Унинг таъмирланишида Республика ҳукумати ва фуқаролари қаторида Нўъмон Шайх набираси Абдулла Шайх ҳам баҳоли құдрат ўз ҳиссасини қўшди.

* * *

Ёқубжонҳожи ота Тошкент шаҳрининг энг нуфузли, бой ва сахий, камбағалпарвар ва тараққийпарвар кишилардан бўлганлар. У киши шаҳарда 10 та масжид, 4 та кўприк ва карвонсаройлар қурганлар. Ўзи истиқомат қилган Беш оғайни(буғунги кунда Бодомзор) маҳалласида 1913 йилда масжид ва болаҳонада мадраса қурган. 1930 йилда даҳрийлар даврида масжид ва мадраса ёпиланган. Масжид биноси Тошкент турмаси ихтиёрига бериланган. Бино турма қоровуллари ётоказасига мослаштириланган. 1944 йилда масжид қайтадан диндорларга қайтарилади. 1957 йилда шу маҳаллада истиқомат этувчи Шоносирхўжа Шоюнус ўтаси масжид мутаваллиси этиб тайинланади. У даврда масжиднинг барча диний, дунёвий, хўжалик ишларини мутавалли бажаради, ҳаттоқи имомни ишга қабул этиш ҳам шартнома асосида ҳал этиларди. Шоносирхўжа





масжид ишини яхши йўлага қўйгани учун жамоа йилдан йилга кўпайиб борди. Қайта қуриш даврида масжидни бузиш тўғрисида Тошкент шаҳар коммунистлар партия ташкилоти қарор қабул қиласди. Масжидни маҳалла худудидан чиқариш мақсадида унинг атрофига кўп қаватли уй-жой иморатлари қурилади. Бодомзор маҳалла жамоасининг астойдил ҳаракати туфайли масжид бузилишдан сақланиб қолади. Мустакиллик шарофати билан масжид 1997 йилда қайтадан таъмирланди ва кенгайтирилди унга Мирза Юсуф номи берилди.

4.9. Саксон йил дин хизматида

ХХ асрнинг биринчи ярмида Шайх Эшон Бобохон Тилла Шайх масжидида имом-хатиб бўлиб ишлади. Айни чоқда “Мўйи Муборак” мадрасасида мударрис ҳам эди. Имоматчиликнинг шарафи жуда юксак. Шунга яраша масъулияти ҳам оғир. Имом событқадам, қатъиятли, шаънига доғ туширмаган одам бўлиши керак. Ўқимишли, илмли мутахассис сифатида кўп сонли диндорлар орасида Куръони карим оятларининг маъноларини шарҳлаб, изоҳлаб, тафсир қилиб беради. Заррача хато қиласа, одамлар Куръони карим маъноларини тескари тушуниб қолишлиари мумкин. Эшон Бобохон зиммасидаги бу оғир вазифани шараф билан бажаради. Бу пайтлар у Ислом динимизнинг содиқ ва ишончли тарғиботчиси, кўпчиликка устоз ва етакчи сифатида танилган эди. Илм олиш иштиёқидаги одамлар доимо унинг атрофида тўпланишар, у эса билимларини, орттирган ҳаётий тажрибаларини талабаларга улашиб чарчамас эди.

1943 йил охириларидан эътиборан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати раиси, муфтий Шайх Эшон Бобохон энг муҳим диний масалаларни муҳокама қилиш учун Ўрта Осиёning турли бурчакларидан таниқли уламоларни мунтазам Тошкентга таклиф эта бошлиди. Кексайиб қолганига қарамай, ўзи ҳам мамлакат бўйлаб кўп сафар қиласди. Айниқса, қадимдан машҳур





уламолари – муфассирлари, муҳаддислари, фақиҳлари, исломий илмнинг бошқа соҳалари бўйича етук олимлари билан шуҳрати ёйилган Фарғона водийси вилоятларига автоуловда узоқ муддатли сафарларга чиқди. Бу сафарлар чори у ўзининг илмини, руҳий-маънавий оламини бойитди, қомусий ақл-тафаккури, бегараз хайрҳоҳлиги, ноёб олийжаноблик хислатлари учун уни ҳурмат қиласиди, самимий яхши кўрадиган одамлар билан учрашиди, улардан меҳрини аямади, бой тажрибаларини сўзлаб, ўгитларини улашиб чарчамади. Минтақадаги бошқа республикаларга ҳам сафар қиласи. Ислом гояларига бегараз хизмат қилиш йўлидаги шахсий ўrnаги билан мусулмонларнинг юрагида динимизга нисбатан муҳаббат уйғотар, имонларини жонлантириб юборар эди.

Муфтий Эшон Бобохон Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати низомига амал қилиб, Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши аъзоси, Тинчликни ҳимоя қилиш ўзбек кўмитаси аъзоси сифатида чет мамлакатларнинг исломий ва бошқа жамоат ташкилотлари билан дўстона алоқалар ўрнатилишига асос солди. Албания, Бирма, Буюк Британия, Ҳиндистон, Индонезия, Норвегия, Туркия ва бошқа мамлакатлардан келган юксак мартабали меҳмонлар диний назорати фаолияти билан танишишар эди.

Шайх Эшон Бобохон Пайгамбаримизнинг (с. а. в.): “Кўли ва тили билан мусулмонларга ҳеч бир озор етказмайдиган мўмин чинакам мусулмондир” (Имом Бухорий) мазмунли ҳадисларини тақорорлаб чарчамас эди. Аллоҳ йўлида камолотга етмоқ учун ҳар бир мусулмон ўз-ўзи билан уч хил маънавий жиҳод ўтказишига даъват этардилар, яъни “қалб жиҳоди” – ўзини ёмон одатлари билан курашиш, “тил жиҳоди” – мақтовга сазовор ишларни маъқул топиш ва номаъқул ишларга танбех бериш, “кўл жиҳоди” – ахлоқ қоидаларини бузувчи хиёнаткорларга нисбатан чора кўриш.





Муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон 1957 иили Куръони каримни нашрга тайёрлаш ташаббускори бўлди. Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун ҳамда табаррук 95 ёшга тўлиши муносабати билан мамлакат ҳукумати муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонни совет ордени билан тақдирлади.

Мустаҳкам имон-эътиқоди, кучли ироди ва руҳий қуввати туфайли Эшон Бобохон ўн тўрт йил ичида даҳрийларнинг хуружларига нафақат қарши турди, балки диний назорат тузилмаларини мустаҳкамлашга, минтақада мусулмонлар адади ортишига, исломий маданият бирмунча юксалишига эришди. Аллоҳнинг ҳақ динига холис хизмат қилишга ўзини буткул багишлаган, дунё лаззатларидан юз ўгириган, юксак маънавий фазилатлари билан олий даражаларга кўтарилган, собиқ иттифоқдош республикаларда Ислом динига садоқатли уламоларнинг бир неча авлодини тарбиялаган бу инсон ҳаёти ва фаолияти сулола давомчилари ва ўсиб келаётган ёш авлодга ҳамда исломий илм талабаларига ёрқин ибрат намунасиdir.

Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон мамлакат мусулмонларининг диний ҳис-туйгуларини уйготиши, Ислом динига ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш ҳаракатининг бегараз ташкилотчиси, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати асосчиси, раиси ва беш республиканинг биринчи муфтийи сифатида кўп миллатли мусулмон халқлари хотирасида муҳрланиб қолди. Аллоҳ таоло уни раҳматига олсин! Муфтий ҳаётининг сўнгги кунларигача ўз ўрнида бўлди ва 1957 йил 5 июнь куни 99 ёшида вафот этдилар.

Муфтий Эшон Бобохон вафоти ҳақидаги хабар СССР Олий Совети Президиумининг “Известия” газетасида босилди. Шу боис нафақат собиқ иттифоқдош республикалар, балки бутун Ислом олами тезда шайхнинг вафотидан хабар топди. Барча араб мамлакатларидан, Индонезия, Малайзия, Бангладеш, Покистон, Афғонистон,



Хитойнинг Қашқар вилоятидан, Патриарх Алексийдан, Собиқ Иттифоқдаги Диний ташкилотларнинг Ҳайъатидан таъзия телеграммалар ва мактублар олинди. Ҳиндистондан келган таъзияда 20 миллионлик Ҳиндистон мусулмонлари муфтий руҳларига гойибий жаноза ўқиганлари билдирилган. Олим ва шоирлардан марсиялар олинган. Тошкентнинг “Ҳазрати Имом” даҳасидаги майдонда, 14-берк кўчада турли шаҳар ва вилоятлардан жанозага келган минг-минглаб одам тўпланди. Ўша куни кеч тушганидан то эртасигача дағи маросими ўтказилгунига қадар улар ўзларининг севикли маънавий устозларини сўнгги ўйла кузатиш учун тарқалмай, кутиб туришди.

Ўзбекистон ҳукумати қарори билан Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон Имом Абу Бакр Мұҳаммад ибн Али Исмоил Қаффол Шоший мақбараси ёнбошига дағи этилди. Тошкент шаҳрининг битта жомеъ масжидига ҳамда “Бўстон” маҳалласидаги кўчалардан бирига Эшон Бобохон номи берилган.

4.10. Диний ишлар бўйича Иттифоқ Кенгashi

1979–1990-йилларда Диний ишлар бўйича Иттифоқ Кенгашининг Ўзбекистон ҳукумати хузуридаги Бош вакили, тарих фанлари номзоди Ўзбекхон Рустамов хотирасидан:

– 1944 йилда собиқ СССР ҳукумати қошида Диний ишлар бўйича Кенгаш ташкил этилди. Унинг зиммасига давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда ўша даврда жорий “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида”ги Қонун ижросини амалга ошириш вазифаси юклатилен эди. Иттифоқ ҳукумати томонидан Кенгашга катта ваколатлар берилган эди. У ўз фаолиятини барча иттифоқдош республикалар, шунингдек ўлка, вилоят ва пойтахт шаҳарлари ижроия қўмиталари қошида ташкил



этилган, Кенгаш олдида бевосита масъул ва жавобгар вакиаликлар орқали амалга оширади.

Виждан эркиналиги деганда, аввалимбор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1948 йилда қабул қиласан “Инсон ҳуқуқлари умумжағон декларацияси” тушунилади. Унда виждан эркиналиги ҳуқуқи инсоннинг энг нуфузли ҳуқуқларидан бири эканлиги қонунлаштирилган. Шунга кўра, виждан эркиналиги деганда, фуқароларнинг динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги, барча динларнинг қонун олдида тенглиги, динга эътиқод қилиш ёки қиласликка нисбатан ҳеч қандай мажбуриятнинг йўқлиги англашилади. Виждан эркиналиги кафолатларидан асосийлари: дин ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги; аҳоли учун барча маориф ва маданият эшикларининг очиқлиги; мактабларнинг диндан ажратилганлиги; диндорлар учун уларнинг диний эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришлигиdir.

Маълумки, аҳолисининг 80 фонзга яқинини мусулмонлар ташкил этган Ўзбекистонда ислом дини биринчи даражали аҳамият касб этиб, асрлар давомида мусулмонларнинг муқаддас эътиқоди ва одоб-ахлоқ қондаси бўлиб келган. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонда истиқомат қиалувчи мусуамон аҳолининг диний эҳтиёжи маҳаллий диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни зарур қўлланма ва қўргазмалар билан таъминлаш, ягона марказ атрофида жипслаштириш мақсадида ўз вақтида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил топган эди (у халқ орасида “диний назорат”, “диний идора” деб ҳам юритилади). Ўша кезларда республика худудида тўртта диний марказ, Имом ал-Бухорий номли Тошкент Ислом институти, Бухоро “Мир Араб” мадрасаси мавжуд эди. “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали фаолият юргизарди. Диний марказлар ичидаги нуфузлиси – Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг диний бошқармаси эди.






Бироқ ўша давр Конституциянинг бу моддасига ҳамма вакт ҳам риоя этилавермас эди, аксинча, унинг талаблари дахрийлар томонидан қўпол равишда бузилиш ҳоллари рўй берарди: диний ташкилотлар, биринчи галда, масжидлар фаолияти устидан назорат ўрнатилиб, диний маросимларда қатнашганлиги учун мусулмонларга нисбатан жазо чоралари қўлланилар эди. Бу эса ўз навбатида, иккисизламачиликни вужудга келтирад эди, яъни бир томондан виждан эркинилиги эълон қилиниб, иккичи томондан эса амалда виждан эркинилиги таъминланмаганлигидан далолат эди. Бундай сиёсатнинг оқибатида Ўзбекистон халқига хос меҳр-оқибат, имон туйгуларини, минг йилликлар давомида таркиб топган муқаддас урф-одатларни авлоддан авлодга ўтишида узилишлар содир этиаганди. Уларнинг барчаси замирада ўша даврга хос коммунистик мафкуранинг, хусусан атеизм гояларининг ҳукмронлиги ётарди. Мафкура атеизм гоялари руҳида сугорилган ўша 70–80-йилларда, айниқса Раъно Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича секретари лавозимида ишлаган йилларда, диний урф-одатларга қарши кураш авжига чиқсан эди, кўхна тарихимизга ва миллӣ қадрияларимизга тошлар отилганди. Диний байрамлар нишонланмас, давлат идораларида хизмат қилувчи эътиқодли кишиларга, айниқса, улар фирмә аъзоси бўлса, маъмурий жазо чоралари кўрилар эди (вазифадан озод этиш, фирмә аъзолигидан ўчириш). Советлар давлатида дахрийлар ҳукм сурган шундай мураккаб ва қалтис шароитда ҳам муфтийлар Эшон Бобохон, Зиёвуддинхон ва Шамсиiddинхонлар ўз умрини эътиқодга бахшида этишган, динимизнинг фидойилари бўлишган”.

* * *

– “Мен иш бошлиган XX асрнинг 70-йиларида САДУМ бой тажрибага эга, минақалараро катта ҳурматга сазовор мустақил марказий ташкилот эди. Унинг зиммасидаги





асосий вазифалари: минтақаларда мавжуд маҳаллий диний ташкилотлар-қозиётлар фаолиятини уйгунаштириш; уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш; уларни зарур диний адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлаш; диний кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш; чет эл мусулмон диний марказлари билан алоқа ўрнатиш; диний ва дунёвий масалалар юзасидан минтақалараро ва ҳалқаро анжуманларни ташкил этиш; диний адабиётлар чоп этиш; диний олийгоҳ ва ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва улар устидан назорат ўрнатиш; муқаддас ҳаж сафарларини уюштириш каби масалалардан иборат эди.

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида нафақат Ўрта Осиё ва Қозогистон, балки Кавказорти мусулмон республикалари, Россия вилоятлари учун ҳам олий маълумотли мутахассислар, бўлгуси масжиդ имомлари тайёрланарди.

“Совет Шарқи мусулмонлари” журнали ўзбек, араб, форс, дари, инглиз ва француз тилларида йилига тўрт марта чоп этиларди. Унинг саҳифаларида минтақа мусулмонлар ҳаётининг турли жабҳалари мунтазам ёритиб бориларди. Журнал нафақат Ўрта Осиё республикалари, балки хорижий мамлакатлар ўқувчилари орасида ҳам катта обрў қозонган эди. Журнал ўз ўқувчиларини Диний Бошқарманинг серқирра фаолияти, масжидларнинг фаоллиги, ислом оламида юз берәётган энг муҳим воқеаларнинг тафсилотлари билан мунтазам танишириб борарди. Журнал дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида тарқатилар ва ўқилар эди.

Ўша кезларда Диний Бошқармага муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бошчилик қиласарди. Мен ул муҳтарам зот билан илгарироқдан яхши таниш эдим. Танишлагимиз замирида у зотнинг нафақат олий мартабали диний раҳбар, балки мусулмон оламида маълум ва машҳур жамоат арбоби эканликлари ётарди. Дарҳақиқат, Зиёвуддинхон ҳазратлари Диний Бошқармадаги асосий сермазмун фаолияtlари билан



бир қаторда республика тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон қўмитаси, чет мамлакатлар билан дўстаик ва маданий алоқалар Ўзбекистон Жамияти ва бошқа қатор жамоат ташкилотларининг ҳайъат аъзоси эдилар ва шу боис тез-тез хорижий мамлакатларга сафар қиласар, дунёда тинчликни сақлаш, ҳалқлар ўртасида биродарлик ва дўстаик ришталарини мустаҳкамлаш, ёвуз кучларни бартараф этишдек вазифаларни бажарилишига катта ҳисса қўшар эди. Муфтий Зиёвуддинхон республикамиз номидан Жаҳон тинчлик Кенгashi, Тинчликни ҳимоя қилиш Иттифоқ қўмитаси, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет қўмитаси ҳайъатларига аъзо этиб сайланган ҳам эди.

Муфтий Зиёвуддинхон иби Эшон Бобохон ислом аунёсида эътибор ва юксак обрў эгаси бўлиб дунё мусулмон давлатлари ва ҳалқлари, айниқса, биринчи навбатда, юртимиз мусулмонларининг хориждаги ҳамфирлари ўртасида дўстаик ришталарини мустаҳкамлашдаги хизматлари салмоқлидир. У кишининг серкирра ва унумли меҳнатлари нафақат юртимиз, балки кўпгина хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан муносиб тақдирланган. Ул зотнинг овозлари тинчлик ва адолат учун жўшқин курашчининг овози сифатида Ер шарининг кўплаб минтақаларида – Москва ва Қоҳира, Макка ва Токио, Уммон ва Бандунг, Стокгольм ва Дехлида ўтказилган турли ҳалқаро анжуманлар ва учрашувлар минбарларидан баралла янграп эди. Миллатлараро диний алоқаларни ривожлантириш, динлараро муносабатларни кенгайтириш, жаҳонда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш каби ҳаракатларининг фаол иштирокчиси ва айрим ҳолларда ташаббускори ҳам бўлганлар. Зиёвуддинхон ҳазрат раҳбарлик қилган Диний Бошқарма нафақат собиқ Иттифоқда, балки ҳалқаро миқёсда ҳам катта обрў ва эътиборга сазовор эди. Шу сабабдан бўлса керак, Вакилларимиз зиммасига Диний Бошқармага унинг мусулмон



олами диний ташкилотлари билан ўрнатган биродарлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақалар ва халқаро диний анжуманларни чақириш ва ўтказишда қонун доирасида кўмаклашиш вазифалари юклатилган эди. Вакиллигимизнинг бевосита иштирокида ана шундай анжуманлардан бир нечтаси бўлиб ўтган эди. Жумладан, 1980 йилнинг сентябрида Диний бошқарма ташаббуси билан республика ҳукумати қарори асосида Тошкентда “ХV ҳижрий аср-халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик асри бўласин” шиори остида катта халқаро конференция чақирилган. Бу конференция мусулмон оламида шонли воқеа – XV ҳижрий-асрнинг кириб келишига багишилаб ўтказилган қатор тантаналарнинг гултожи бўлган эди. У нафақат минтақавий, балки бутун дунё мусулмонларининг халқаро аҳамият касб этган анжуманига айланиб кетган эди. Конференция ишида собиқ Иттифоқдаги тўртта диний бошқарма раҳбарлари, улар бошчилигида минтақа жомеъ масжиидарининг имом хатиблари, шунингдек, Афғонистон, Австрия, Бенин, Болгария, Гана, ГДР, Иордания, Кипр, Кувайт, Ливан, Ливия, Маврикия, Мали, Монголия, Яман, Фаластин, Сенегал, Сурія, Судан, Танзания, Того, Туркия, Уганда, Фінляндия, Шри Ланка, Эфиопия ва Япония мамлакатларининг таниқли давлат, жамоат ва дин арбоблари фаол иштирок этишган эди.

Конференцияда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон асосий маъруза билан чиққан эдилар. Маъруза замирида эзгулик, тинчлик ва кечиримлик ётиши, унинг ўзаги эса “салом”, яъни “тинчлик” сўзидан келиб чиққанлиги, тинчлик – бу озодлик, ҳақиқат ва адолат эканлиги, шунинг учун ер юзида тинчликни сақлаш учун барча дин арбоблари баробар ҳаракат қилишлари лозим эканлиги батафсил изоҳдаб берилган эди...

1982 йили Москва шаҳрида “Дин арбоблари муқаддас неъмат – ҳаётни ядро ҳалокатидан қутқариш йўлида” мавзуида халқаро конференция ташкил этилди. Унинг ишида дунёнинг





90 мамлакатидан келган турли динларга мансуб 580 га яқин уламолар иштирок этишди. Анжуман ишида қатнашган ўлкамиз мусулмонларини муфтий Зиёвуддинхон бошқарған здилар. Термоядро уруши хавфига қарши кураш йўлида мұхим тадбир бўлган ана шу бутунъаҳон конференциясида муфтий Зиёвуддинхон сўнгги бор иштирок этгандилар.

Ўша йили муфтий оғир касалга чалиниб, ҳар иккала кўзларининг нури хирадашиб қолган зди. Ана шундай бир вазиятда у зот истеъфога чиқиш тўғрисида марказий Кенгашга, айни вақтда республика ҳукуматига ариза билан мурожаат қиалган здилар. Ариза инобатга олингач, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари уламоларининг Кенгашини чақиришга киришилган зди. Эсимда, Кенгашдан один бўлиб ўтган қозилар маслаҳатида мажлис аҳдига мурожаат қилиб, истеъфоларини қабул қилишни илтимос қилгандилар. Тез орада, яъни 1982 йилнинг октяброда қуруатой чақирилиб, унда қозилар Кенгашининг тавсиясига кўра, Шамсиддинхон ибн Зиёвуддинхон бир овоздан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасига раис, айни вақтда муфтий этиб сайланган зди. Орадан кўп ўтмай муфтий Зиёвуддинхон бандаликни бажо келтирган здилар (Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин).

Шамсиддинхон оталари каби ўқимишли, бир неча хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган, филология фанлари номзоди, арабшунос олим зди. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасига етти йил раҳбарлик қилди. Ота ўгитларини бажарган ҳолда Диний Бошқарма фаолиятини янада фаоллаштириш, Бошқарма билан давлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни қонун доирасида ривожлантириш, диний адабиётларни чоп эттириш, “Совет Шарқи мусулмонлари” журналининг мазмун-моҳиятини теранлаштириш, мусулмон билим марказлари фаолиятини янада жонлантириш, Ўрта





Осиё республикалари мусулмон ташкилотларининг чет эл мусулмонлари билан алоқаларини кенгайтириш каби масалаларда фаоллик кўрсатади. Бобохоновлар сулоласи билан боғлиқ тарихий маълумотларни жамлаб, улар асосида илмий асар яратади ва уни ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқаради. Бундан ташқари, бир неча илмий асарлар, жумладан, “Ислом оламининг машҳур уламолари”, “Нақшбандия” таълимотига оид қўлёзма асарлар”, “Мусулмончилик асослари”, “Сўнмас зиё”, “Буюк муҳаддислар тинчлик ва биродарлик ҳақида”, “Имом Исмоил ал-Бухорий-юксак ахлоқ дурдонаси” каби асарларнинг ҳаммуаллифи ва муаллифи бўлади.

Муфтий Шамсиддинхон минтаقا миқёсида диний ишлар билан бир қаторда, дунёвий-маърифий ҳамда сиёсий ишларда ҳам фаол иштирок этади. У қатор бутунжаҳон, ҳалқаро ва республика ташкилотларининг ҳайъат аъзоси эди. Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши, Бутунжаҳон масжиidlар бўйича Кенгаш, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик Комитети, Совет ва Ўзбекистон Тинчлик Фонди шулар жумласидан эди. Бундан ташқари, Шамсиддинхон муҳим ҳалқаро конференциялар ташкилий қўмита аъзоси ва иштирокчиси бўлди. Кўпгина Европа, Осиё ва Қозогистонда истиқомат қилувчи мусулмонларнинг ҳаёти, мусулмон ташкилотларининг сермазмун фаолиятини таранинум этган эди.

1987 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг диний бошқарма раиси муфтий Шамсиддинхон Бобохонов Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги диний алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган хизматлари учун Афғонистон давлатининг мукофотига сазовор бўлди. Шу мукофотни муфтий Шамсиддинхон Бобохоновга топшириш муносабати билан Афғонистон ҳукуматининг таклифига биноан Афғонистонга иккинчи марта боришимга



тўғри келди. Ўзбекистон ҳукумати номидан мен маҳсус делегацияга раҳбар этиб тайинланган эдим.

Делегациямиз Афғонистон ислом ва вақф масалалари бўйича вазирлик томонидан илиқ кутиб олинган. Олдиндан тайёрлаб қўйилган программага кўра, сафаримизнинг иккичи куни вазирликнинг мажлислар залида орден топширишга бағишлиланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳукумат идорасидан вакиллар, вазирликнинг масъул ходимлари, уламолар, масжид имомлари, радио, телевидение ва газеталарнинг мухбирлари иштирок этган эди. Вазир Абдул Вали Ҳужожат мажлиси очаркан, анжуман иштирокчиларига муфтий Шамсиiddинхон Бобохоновнинг таржимаи ҳоли, унинг Ўрта Осиё республикаларида ислом динини ривожи йўлида қилаётган хизматлари, Афғонистон ва Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ўртасида диний алоқаларни мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шунинг билан бирга муфтий Шамсиiddинхоннинг тинчликпарвар кучларнинг ҳалқаро ҳаракати ҳамда Осиё ва Африка ҳалқлари бирдамлиги ташкилоти фаолиятига қўшаётган ҳиссаси ўта салмоқли эканлигига, буларнинг натижаси ўлароқ, бир қатор хорижий, хусусан, араб давлатларнинг юқори даражали орден ва медаллари билан тақдирланганига анжуман қатнашчиларининг қиққат-эътиборини қаратган эди.

Афғонистон ҳукумати ҳам Шамсиiddинхоннинг ислом динини ривожлантириш, ҳалқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш, ислом осори-атиқаларини авайлаб-асраш масалалари юзасидан турли ҳалқаро анжуманларни ташкил этиш борасидаги хизматларини муносиб тақдирлаб, уни давлат ордени билан мукофотлаш ҳақида маҳсус қарор қабул қиласанлигини маълум қилиб, ҳукумат номидан анашу олий мукофотни йиғилаганларнинг қизгин олқиши остида Шамсиiddинхонга топширди.



Сўзга чиқсан анжуман қатнашчилари Шамсиддинхонни қизғин табриклашди ва унинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилашди. Ўз навбатида, Шамсиддинхон Афғонистон ҳукуматига миннатдорлик билдириди, афон халқига тинчлик, хотиржамлик ва фаровон ҳаёт тилади.

Расмиятчилик тугагач, бир неча кун Афғонистон ҳукуматининг меҳмони бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб, Афғонистон ислом ва вакф масалалари бўйича вазирликнинг фаолияти билан яқиндан танишдик, вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлари билан учрашиб, уларга Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг сўнгги йилларда амалга оширган ишлари, эришилаган натижалар ва мавжуд айрим камчиликлар ҳақида гапириб бердик. Шу тариқа сафаримизни якунлаб, ватанга қайтдик.





5-БОБ. ШАЙХ ЗИЁВУДДИНХОН ИБН ЭШОН БОБОХОН

5.1. Чуқур билимлар ҳаётда мустаҳкам таянчдир

Меҳрибон ва Раҳмали Аллоҳ таолонинг инояти билан тақвадор хонадонда 1908 йили яна бир ўғил фарзанд туғиљди. Унга “Зиёвуддин” деб исм кўйишиди. Шайх Эшон Бобохоннинг эзгу ниятларини юзага чиқариш, бошлаб қўйган хайрли ишларини давом эттириш унинг тақдирига битиаган экан, десак муболага бўлмайди. У болалигиданоқ отаси берган Куръон сабоқларида қатнашар, талабаларга эргашиб, ёд олган оятларини тақрор-тақрор ўқир эди. Унинг юрагида Ислом динимизга ва Муқаддас Куръони қаримга катта муҳаббат жуда эрта уйғонди ва бу муҳаббат солиҳа онаси Саломатхон ая (Аллоҳ Ўз раҳматига олсин) тарбияси билан сайқалланиб, камолига ета борди.

Ёш Зиёвуддинхон “Тилла Шайх” масжиди имом-хатиби Ҳаким қори қўлида тажвид қоидаларидан ўрганиб, ўн икки ёшида Куръони қаримни тўлиқ ёд олди. Энди Куръони қарим илмини олишда жуда масъулиятли янги босқичга – тафсир ва ҳадисларни мунтазам ўрганишга ўтиш даври келган эди.

1920 йили ўн икки ёшли Зиёвуддинхон Тошкентдаги Кўкаaldoш мадрасасига ўқишига киради. Мадраса мударрислари Жамолхўжа домладан ҳадис илмини, Хатиб Табризийнинг “Мишкотул масобиҳ” китоби ва “Жалолайн” тафсирини Ҳасан ҳазратдан ўргана бошлайди. Шомдан (Сурия) машҳур уламо Ўрта Осиёда “Шомий домла” номи билан танилган шайх Муҳаммад ибн Саид ибн Абдул Воҳид ал-Асалий Шомий Тараблусий Тошкентга келган эди. Ундан Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби бўйича дарс олади. Бир вақтнинг ўзида Бароқхон мадрасасининг таниқли устозларидан Алоуддин маҳдум қўлида ҳам таҳсил олади. Ўша йиллари Шомий домла етакчилигига Ўрта Осиёда Имом Бухорийнинг илмий мероси, хоссатан,




алломанинг энг мўътабар “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (Ишончли ҳадислар тўплами) китобини чуқур ўрганиш анъанаси тиклана бошланди. Кўнгли Имом Бухорийга, унинг бебаҳо китобларига чексиз муҳаббат билан тўлган Шомий домла ўзидағи билимларни, ҳис-туйгуларини атрофидағи кўплаб талабаларга, шогирдларига тўла-тўкис етказиб бера оларди. Устоз Шомий домла ёш Зиёвуддинхоннинг ҳадис илмини чуқур ўрганишга бўлган интилиши ва тиришқоқлигини алоҳида қайд этарди. Отаси Эшон Бобохон ва бошқа устозлардан дастлабки тайёргарликни олган Зиёвуддинхон буюк аллома Имом Бухорий тўплаган ҳадисларнинг чуқур маъноларини бошқалардан кўра яхши англар, тез ўзластириб олар эди. Имом Бухорий китоблари таҳсилида Зиёвуддинхон алоҳида тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлигини кўрсатди. Шу туфайли ўқишда ёшига нисбатан ҳайратланарли даражада яхши натижаларга эришди.

Ўзбекистоннинг обрўли мударрисларидан бири, таниқли олим ва машҳур хаттот Шоенслом Охунд ибн Шоҳмуҳаммад домланинг ўғли Шоҳикром қори бундай хотирлайди: “Зиёвуддинхоннинг отаси Эшон Бобохон Шомий домла билан қадрдон эди, унинг уйига борар, гоҳо уни ўзиникига таклиф этарди. Кўпинча илмий баҳс-мунозарага айланиб кетадиган сұхбатларида одатда олимларнинг яқинлари, дўстлари, ҳамфирлари ҳам иштирок этишарди. Ана шундай учрашувлардан бирига Зиёвуддинхон ҳам қатнашади. Одатга кўра, бир пиёла чой устида йигилган уламоларнинг қизгин, жонли сұхбати бошланади. Кутимаганда Шомий домла Зиёвуддинхонни олдига чақириб, секингина буюради: “Саҳиҳул Бухорий”ни олиб келинг, бизга уни ўқиб, шарҳлаб берасиз”, деб қолади. Ёш Зиёвуддинхон бир оз тортиниб, отасига қарайди. Ҳа, вазият сал қалтис эди. Обрў-эътиборли, машҳур олимлар сұхбатида шунчаки тингловчи бўлиб иштирок этишнинг ўзи ҳали ёш талаба



учун жуда ҳаяжонли воқеа, ҳолбуки, ҳозир кимсан Шомий домланинг ўзи ундан Имом Бухорий китобини ўқиши, шарҳлаб беришни сўраб турибди! Даврадагилар қизиқиш билан бирданига ота-ўғилга қарашибди. Аммо Шайх Эшон Бобохон хотиржам ҳолда ўғлига қараб “Устозингнинг айтганини қил”, деди. Зиёвуддинхон китобни келтириб, ўқий бошлади. Дастреб пайдо бўлган тортиниш, ноқулайликдан энди асар ҳам қолмаган, ҳаммалари мижжа қоқмай, диққат билан ёш олимга қулоқ осишган эди. Зиёвуддинхон китобни чиройли ўқиб, ўқиганларини чуқур ва асосли шарҳлаб бериб, сұхбат қатнашчиларини ҳайратда қолдирди. У сўзини тугатганида биринчи бўлиб Эшон Бобохон ўрнидан турди, Шомий домланинг ёнига келди, у киши ҳам дўсти сари талпинганди... “Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!” – деди овози титраб Эшон Бобохон. – Бугун мен учун жуда баҳтли кундир. Шомий домла, сиз ўғлимни ҳақиқий фақиҳ қилиб тарбиялабсиз! Аллоҳ сизни ажр-мукофоти билан сийласин, раҳмат-марҳамати билан қувватласин!” Икки дўст маҳкам қучоқлашиб, бир-бирини қутлашибди. Бу ҳолдан даврада ҳозир бўлган барчанинг кўзларида қайноқ севинч ёшлари қалқиди.

Зиёвуддинхон Шомий домлани бутун умр ўзининг энг катта устози деб билди, унга алоҳида меҳр, ҳурмат-эҳтиром кўрсатди ва миннатдорлик изҳор қилди. Ислом динимизнинг Шомий домладек беназир, садоқати, ноёб хизматчиси, диний манбаларни, илмий асарларни жуда яхши билиши, шунингдек, ажойиб ўқитувчилик-тарбиячилик қобилияти туфайли Зиёвуддинхоннинг бетакрор истеъоди юзага чиқди. Бу донишманда, узоқни кўра олган устоз ўз шогирдининг юксак мақоми ва қиласжак буюк хизматларини олдиңдан бехато ва аниқ пайқаб етгандек эди. Имтиҳондан ўтгани ҳақида устози Шомий домла қўли билан ёзиб берган гувоҳномани Зиёвуддинхон узоқ ва кўп қиррали ҳаётида олган барча гувоҳномалар, дипломлардан қимматлироқ кўрар, қадрлар эди.



Шомий домланинг уйидаги ўша унутилмас илк учрашувларидан буён орадан бор-йўти бир неча йил ўтар-ўтмай кўп уламою шайхлар Муқаддас Куръони карим маъноларини билиши, ояти карималарни тафсир қилиб, изоҳлаб бера олиши туфайли ёш Зиёвуддин қори номини эҳтиром билан тиага оладиган бўлишди. Аммо бу ютуқлар унинг хаёлини чалгитиб, бошини айлантириб қўймади. У ўзининг олий мақсадларидан бири – Ўрта Осиё ва Қозогистонда Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) муборак ҳадислари ўрганилишини тиклаш йўлида тинмай билимларини такомиллаштириб борди. Жуда кўп китоб ўқир, ўзини қизиқтирган масалалар юзасидан турли даражадаги олиму ҳар хил одамлар билан маслаҳатлашишни ўзига уят деб билмасди. Расууллоҳнинг (с. а. в.) муборак ҳадислари маъноларини ҳамма ерда, барчага тарғиб-ташвиқ қилди. Тиниб-тинчимаган тиришқоқ олимнинг Худо берган тадқиқотчилик-ташкилотчилик қобилияtlари билан уйгун меҳнатлари натижасиз қолмасди, албатта.

Ёш олим Зиёвуддинхоннинг фикр-мулоҳазалари тобора салмоқли ва аҳамияти бўлиб бораради. Унинг атрофига тенгдош ҳамкаслари уюша бошлишди ва у ёш олимларнинг ўтиришларини қилиб туриш таклифини илгари сурди. Дастреб ҳар ойда икки марта, кейинчалик ҳафтада бир марта Зиёвуддинхоннинг уйида тўпланадиган бўлишди. Бу ўтиришларда Пайгамбаримиз (с. а. в.) ҳадисларининг шарҳи муҳокама ва мунозарага бош мавзу бўлар эди. Шу боис зукко одамлардан бири уларни “Аҳли ҳадис” деб атадики, бу ҳол айни ҳақиқат эди.

Тез орада бу мажлисларда нафақат ёш, бошловчи уламолар, балки Абдулғафур махсум, Ёқубжон махсум, Гани қори, Мулла Усмон каби обрўли, таниқли олимлар ҳам қатнашадиган бўлишди. “Аҳли ҳадис” мажлислари Зиёвуддин қори хонадонида қандай жонли ва қизгин ўтишини иштирок этганлар кўп хотирлашади. Чиндан ҳам бу мажлислар Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) ҳадисларини ўрганишга қизиқиш



анъаналарини тиклашда жуда мухим аҳамият касб этган. Бу хайрли сұхбатлар, илмий мунозараларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси табаррук сулоланинг янги авлоди вакили ёш Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон эди. Куръони каримни тўла ёд олгани Зиёвуддинхоннинг тафсир илмини муваффақият билан эгаллашида қўл келди. Кейинчалик олимнинг бу фазилати унинг нафақат минтаقا, балки бутун Ислом олами уламолари орасида ҳам шуҳрат қозонишини таъминлади.

Шоший дома Тараблусий, Жамол ҳожи дома, Ҳасан ҳазрат каби устозларидан мустақида илм йўлига оқ фотиҳа олиб, Зиёвуддин қори бир неча йил Тошкентнинг қатор жомеъ масжидларида имом-хатиб бўлиб хизмат қилди. Ушбу йиллари унинг учун улкан амалий ишлар, шу билан бирга, мусулмон илм-фани назарий масалалари юзасидан чуқур ўй-мулоҳазалар, илмий-ижодий изланишлар даври бўлди. Айни ўша йиллари ёш Зиёвуддинхон қорининг диний аунёқараши тўла-тўқис шаклланди. Бу мукаммаллик унинг кейинги диний ва ижтимоий фаолиятига мустаҳкам асос бўлди. Исломий эътиқод соғлиги учун қатъий курашиш, динимизнинг тинчликсеварлик гояларини тарғиб этиш ва кенг афкор омма онгига сингдириш, шунингдек, динни бидъат ва хурофтлардан тозалаш, унинг муқаддас тамойилларидан заррача бўлсин чалғишлиарга барҳам бериш фаолиятининг асосий йўналишлари эди. Бундай кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли бажаришда Зиёвуддинхонга отамерос бўлган ташкилотчилик қобилиятининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Айнан Эшон Бобохоннинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонда яшовчи барча мусулмонларни бир ташкилотга бирлаштиришдек ажойиб гоясини амалга оширишда Зиёвуддинхон отасининг биринчи ёрдамчиси, кўмакдоши бўлди. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати масъул котиби, республика қозиси сифатида у турли диний оқимларни ягона бир йўналишга солишга,





минтақа мусулмонлари орасида ғоявий тарқоқликка барҳам беришга ҳаракат қилди. Шахсий сафарбарлик намунаси билан бошқаларга ҳам ибрат бўлиб, бор кучини сарфлаб ишларди. Чунки тури оқимларга мансуб мусулмонлар орасида узоқ давр мобайнида шаклланиб, тўпланиб қолган ихтилофлар, тафовутларни, ғоявий тарқоқликни енгиб ўтиш осон иш эмасди. Ахир ҳар оқим-йўналиш ортида ўзининг шахсий тушунчаларига, ғоявий йўриқларига эга, инсонга хос табиий камчиликлари бўлган одамлар турарди-да. Шу боис Зиёвуддинхон динимиз хизмати учун ёш, янги авлод кадрларини тайёрлашга катта эътибор қаратди. Мутахассисларни тайёрлаш ва тарбия қилишни муқаддас динимизнинг асл эзгу ғоялари асосида олиб боришни Зиёвуддинхон олдига асосий вазифа қилиб белгилади. У Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) “Мен сизларга икки нарсани – Куръон ва суннатимни қолдирияпман. Уларда айтилган тўгри йўлда юрсангиз, ҳеч қачон адашмайсиз” (Термизий) мазмунидаги ҳадисларини ўзига иш қўлланма қилиб олди.

Зиёвуддинхон қори мазҳаббозлик, ирим-сиirim, бидъат ва бошқа иллатларга қарши давомли ва муросасиз кураш ташаббускори бўлди. У баъзи адашганларни муқаддас Ислом динимизнинг ҳам тўгри йўлига солиш учун қатъият ва сабр билан тинимсиз кураш олиб борди. Зиёвуддинхон қорининг самимий, ҳамдардлик билан айтилган сўзи унинг пок, нурли қалби тубларидан чиқар, шунинг учун у мурожаат қилаётган одамлар қалбига ҳам йўя топа олар эди. Унинг бевосита иштирокида шариатнинг баъзи алоҳида аҳамиятли, долзарб масалалари бўйича муҳим фатволар тайёрланди. Бундай фатволар тарафкашлик, оқимпарастлик каби иллатларга барҳам беришда, мусулмонларнинг Куръони карим ва суннатда кўрсатилган тўгри йўлдан адашмасликларида катта ёрдам берди.





1947 йилдан “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали нашр этила бошланди. Нусха кўпайтириш воситаси ёрдамида журнал саҳифаларида фатволар, диний назоратнинг буйруқлари, амалий кўрсатмалари, мусулмонлар ҳаёти ҳақида мақола ва лавҳалар босилди.

Диний назорат турли йўналишларда олиб бораётган катта амалий фаолият туфайли мусулмонларнинг кенг жамоатчилиги орасида ташкилотнинг обрў-эътибори юксалди. Диний назоратни тузишга эҳтиёткорлик билан қараб турган қатор уламолар ҳам тез орада унинг ишларига қизиқиши ва хурмат кўрсата бошлади. Нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда ҳам диний-маънавий фаолият жонланди. Бу ҳол мазкур республикалар марказларида диния назоратнинг вакиллilikлари – қозиётлари ташкил этилишининг самараси бўлди. Қозиётлар кундалик фаолиятларида диний назорат фатволарига, раҳбариятнинг қарор ва йўлланмаларига асосланар эди. Масжидларнинг имом-хатиблари Ислом шариатининг никоҳ, жаноза ва бошқа маросимларга доир кўрсатмаларини сабр билан одамларга тушунтиришарди. Аҳоли орасида узоқ йиллар мобайнида кундалик ҳаётда турли урф-одат ва маросимларни ўtkазиш шакллари тўғрисида хато, ҳой-ҳавасларга тўла тасаввурлар ўрнашиб қолган эди.

Диний назорат, қозиётлар ва имом-хатиблар мусулмонларнинг қувончли ҳодисаларда ҳам, мусибат кунларида ҳам исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўриниши гуноҳ эканини тушунтириш бўйича сабр-тоқат билан самарали иш олиб боришиди.

Ислом динимизнинг асосий таргигбот ўчоқлари, шариат асосларини ҳимоя қилиш қўргонлари бўлмиш масжидлар ишининг тартибга солиниши боис қозиётларнинг умумий фаолиятида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. 1945 йили қозиётлардан ҳам вакиллар иштирок этган мусулмон уламолари йигилишида масжидлар ва бошқа тарихий ёдгорликларни







таъмирлаш масаласи кўриб чиқилди. 1947 йил охирига келиб фаолият кўрсатा�ётган масжидлар сони Ўзбекистонда 44 тага, Тожикистонда 23 тага, Қирғизистонда 36 тага, Қозоғистонда 28 тага, Туркманистанда 17 тага етган эди.

Диний назорат муфтияти масжидларнинг имом-хатиблари орқали диндорларни ҳар хил фирибгарлик қилувчи тоифалар таъсиридан ҳимоя қилиш ишларини ҳам йўлга қўйди. Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг магнитофон тасмаларига ёзиб олинган ва масжидларда авайлаб сақланган мавъизаларини эшитиш тингловчиларда кучли таассурот қолдириб, умумий ишнинг муваффақиятини таъмин этди. Мазкур мавъизаларда муфтий Зиёвуддинхон, диндорлар билан бошқа сұхбатларида бўйгани каби, муқаддас динимизнинг соғлигини сақлаш, уни мажусийча хурофий эътиқодлардан, худосизларнинг бидъатларидан ҳимоя қилишга катта эътибор қаратади, фолбиналарга ишониш, ўзларини салкам авлиёдек қилиб кўрсатувчи сохта ва қаллоб “башоратчи”ларга алданишининг аянчли оқибатларини қайта-қайта таъкидлаб ўтади.

Имом-хатиблар билан учрашувларида Зиёвуддинхон қори ҳар доим, имомнинг ҳаётий эҳтиёжлар борасида камтарин бўлиши зарурлигини айтарди. Фақат чинакам имон-эътиқод, ҳалол меҳнат ва яхши одоб-ахлоқ туфайли инсон қалбига ором, хотиржамлик киришини, Аллоҳнинг марҳаматига ишонч-умиди мустаҳкам бўлишини эслатарди.

1947 йили диний назоратнинг масъул котиби, Ўзбекистон қозиси Зиёвуддинхон қори тажриба ўрганиш, шу билан бирга, Ислом оламининг обрўли дин арбоблари билан амадий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида араб мамлакатларига узоқ муддатли сафарга чиқди. У Қоҳира даги ал-Азҳар университети шайхлари Абдуллоҳ Фуқойи билан Ҳофиз Тийжонийдан сабоқлар олди. Макка, Мадина, Қоҳира шаҳарларида олинган сабоқлар туфайли билим – тажрибасини бойитган Зиёвуддинхон 1948 йили Ватангга қайтиб келди. Сафардалик пайтида унга “Шайх ул-Ислом” диний унвони






берилган эди. У чинакам исломий маърифат, юксак қалб саховати борасида олийжаноб ибрат намунаси бўлишган саудиялик ва мисрлик устозлари хотирасини умр бўйи қалб тўрида эъзозлаб ўтди. Диний назорат бошқарувида беш йиллик тинимсиз самарали меҳнат мобайнида навқирон шайхнинг Ўрта Осиё минтақасида, шунингдек, мамлакатларнинг етакчи дин арбоблари орасида обрў-эътибори анча юксалиб қолган эди.

1948 йилнинг декабрида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. “Тилла Шайх” масжида бўлиб ўтган бу қурултойда Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бир овоздан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати раисининг ўринбосари этиб сайданди. Мазкур масъулиятли юксак лавозимда, чуқур назарий билимлар, ҳаёт мактабида ортирилган, ҳар доим унга энг катта устоз бўлган отаси, муфтий Эшон Бобохондан ўрганганд бой тажрибалари туфайли унинг ташкилотчилик истеъоди янада ёрқин намоён бўлди.

Иккинчи қурултой топширигига кўра Шайх Зиёвуддинхон масжиidlар фаолияти тўгрисида маҳсус қоидаларни тайёраш ишини бoshқariб борди. Бундай муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши ибодатга алоқадор барча муассасалар фаолиятини тартибга солиш имконини берди. Чунки бу ҳужжатда хатиблар, жомеъ масжидари имомлари, имом ноиблари ва муаззинлар каби асосий лавозимларнинг мақоми ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилган эди. Жумладан, хатиблар ва имомлар зиммасига кундалик диний хизматни олиб боришда, муҳим воситалар билан боғлиқ маросимларни, тадбирларни ўтказишида шариат кўрсатмаларига қатъий риоя этиш вазифаси юкланди.

Кейинчалик Зиёвуддинхон ташаббуси ва бевосита иштироқида Пайгамбар (с.а.в.) туғилган кунларини (Мавлудун Набий) ўтказиш тартиби ҳақида, мотам маросими ва бошқа маросимларни тўғри ўтказиш ҳақида фатволар чиқарилди. Бундай маросимларда асосий вазифа масжид имомларига юкланиши табиий. Натижада Мавлудун Набийни фойдасиз,





кўпчиликка малолик келтирадиган тарзда салкам бир йил давомида нишонлаш одати барҳам топди. Жаноза ва дағн, марҳумни хотирлаш маросимлари ихчамроқ ўтадиган бўлди. Энди бундай маросимларда ҳаддан ташқари кўп одамлар йигилишига, ортиқча исрофларга йўл қўйилмайдиган бўлди. Шариатнинг норасмий меъёр ва қоидаларига уйғун турмушни қарор топтириш – Шайх Зиёвуддинхон серкірра фаолиятининг бош гояси, фидокорона ҳаётда оғишмай амал қилган асосий тамойили мана шу эди.

Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон масжидларга доимий катта эътибор қаратиши туфайли Ўрга Осиё ва Қозогистоннинг барча мусулмон жамоаларида уюшқоқдик ва тартиб кучайди, масжидлар янада аниқ ва бир мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлади. Бу нарса, ўз навбатида, масжидларни таъмираш, шароитларини яхшилашга катта имкониятлар очди.

1953 йили Шайх Зиёвуддинхон ҳаж фарзини ўташ учун отланган ҳожиларнинг навбатдаги гуруҳига раҳбар бўлиб, Саудия Арабистонига сафар қилди. У раҳбарлик қилган ҳожилар гуруҳини Саудия Арабистони Қироли Жаноби Олийлари Абдул Азиз ибн Сауд қабул қилди. Муқаддас Маккан мухаррама ва Мадинаи мунавваранинг баракотли тупроқларида бўлган кунлари Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Жазоир, Афғонистон, Судан, Яман, Сурия ва Иордания каби мамлакатлардан ҳажга келган уламолар, дин арбоблари билан учрашиб, янги дўстлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Маккада кечган ҳар бир дақиқа ҳожиларга муқаддас Ислом динимизнинг улуғлигини, унинг инсоният тарихидаги буюк аҳамиятини эслатар, мусулмонлар қалбида имон-эътиқод янада мустаҳкамланишига сабаб бўлар эди. Икки миллион нафарга яқин мусулмонларнинг бир хил – оппоқ матога ўралиб, Арафот тогида (вукӯфда) дуо-иљиҷо қилиб туришлари, сўнгра Муздалифага боришлари, кейин эса Мино водийига кетишлари – булар ҳаммаси одамларнинг эзгу ниятдаги буюк бирлигини очиқ-ойдин намойиш этар, инсонларни “паст” ва “олий”, “қора”



ва “оқ” табақаларга ажратиш нақадар ҳақир ва ярамас иш эканини кўрсатиб турар эди.

Аллоҳ таоло одамларга мана шундай бир хил кийимга ўралиб ҳажарконаларини адо этишни буорган экан, бу билан Ўзининг ҳузурида ҳамма тенг эканини, одам фарзандларининг ўзаро тенгсизлиги ҳақидаги шубҳа-гумонларини буткул улоқтириб ташлашганидагина тоат-ибодат ва дуо-илтижоларини қабул бўлишини билдиради.

Макка кўчаларида юрган ҳожи тури тилларда гапирадиган, тури халқларга мансуб, терисининг ранг-туси ҳам турлича бўлган диндош биродарлари билан учрашади. Ислом барчани бир ишонч-эътиқодга бирлаштирган ҳақ дин эканидан, мусулмон бўлганидан беихтиёр қувониб кетади. Суюкли Пайгамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.), узотнинг содик саҳобалари – Ислом таълимотининг ilk байроқдорлари мана шундай қувончни мерос қолдириб кетишган эди.

Ҳажарконаларини адо этишгач, ҳожиларимиз шундай имконият бергани учун Аллоҳ таолога шукр қилиб, тинмай намозлар ўқишиди. Сўнгра Мадинаи мунаффараға бориб, Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) равзаларини зиёрат этишиди, масжиidlарида ибодатлар қилишиди.

Ниҳоят, бу муқаддас жойлар билан хайрлашишар экан, ҳожилар бу ерларга яна келишни, бундай қувончли кунлар яна насиб қилишини, Аллоҳдан сўрашди. Муқаддас Каъба сари юzlаниб, ер юзидағи барча диндош биродарлари ҳаққига яхши дуолар қилишиди, уларга Аллоҳ таолодан баҳтсаодат, ривож-равнақлар тилашди.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг чет элларга сафарлари асносида чет эллик уламолар, жамоат ва дин арбоблари билан шахсий алоқалари муттасил кенгайиб, мустаҳкамланиб борди. Масалан, 1955 йили Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Бутунжаон Тинчлик Кенгashi аъзоси сифатида Осиё қитъаси жамоат арбобларининг ҳалқаро тангликтин юмшатиш мақсадида чакирилган Деҳди анжуманида



иштирок этди. Бу айжуман баҳона у ҳиндистонлик Мавлоно Миён, Мавлоно Атиқур Раҳмон, Қози Сажҳод Ҳусайн, Шайх Абул Ҳасан Надавий ва бошқа таниқли уламолари, жамоат арбоблари билан танишди, яқин алоқаларни йўлга қўйди. Ўша кунлари у Ҳиндистон ҳукумати ташкил этган митинг ва учрашувларда бир неча бор сўзга чиқди.

5.2. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон – Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг янги етакчиси

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Африка қитъаси халқдарининг кўп асрлик мустамлака зулмдан қутулиш учун миллӣ озодлик ҳаракатлари кучайди. Африка давлатлари бирин-кетин ўз мустақилларини эълон қиласади. Ёш мустақил давлатлар ўз тараққиёт йўлини белгилаб олишлари керак эди. Жаҳонда икки тузум – социализм ва капитализм ўргасида муросасиз кураш бораради.

Африканинг эндиғина истиқлолга эришган давлатлари етакчилари, диний ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари совет республикалари ҳаёти билан танишгани келишади. Москвадаги мутасаддилар Ўрта Осиё республикалари, айниқса, Ўзбекистонни уларга “шарқ маёғи” деб мақтаб кўрсатишиади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг 1957 йил июнда бўлган учинчи Курултойда Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бир овоздан диний назорат раиси ва беш республика муфтийи этиб сайланди.

Минтақада расман юқори мартабали илоҳиётчи, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон сафдошлари Фозил қози Содикхўжаев, Юсуфхон Шокиров, Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозогистон қозилари ва бошқалар билан ҳамкорликда Ислом шариатида бўлмаган урф-одатларга қарши кураш олиб боришади.

Намоз динда асосий ибодат ҳисобланганлиги ва у ўз вактида фарз этилишини инобатга олиб, муфтий Зиёвуддинхон





қори тақвим(намоз вақтини кўрсатадиган китобча, жадвал) тузилишини режалаштирилар. Шўролар давлатида ҳижрий сана кенг қўлланмаган. Ҳижрий-қамарий йил билан милодий сана ҳисобининг қиёсий жадвалини тузиш кенг билим талаб қилишини билиб 1962 йилда Зиёвуддинхон қори Ўзбекистондаги уламолар орасида диний ва дунёвий иамларга эга бўлган, форс, араб ва ўзбек тилларни мукаммал билган Тошкент шаҳридаги Бодомзор масжидининг тажрибали мутаваллиси Шоносирхўжа Шоюнус ўғли Шоюсуповга тақвим тузишни топширадилар. Шоносирхўжа масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда соҳа мутахассислари билан бевосита ҳамкорликда бор имкониятларни ишга солди. У икки йил давомида шарқшунос олимлар билан маслаҳатлашиб астрономия, тарих ва математика фанларининг барча қоидаларига риоя қилди, беш вақт намоз вақтларини тўғри ва аниқ белгиланишига ҳаракат қилди. Натижада 1964 йилда келгуси йигирма йилга тақвим тузилиб, Ўрта Осиё минтақасида тарқатилди.

Муфтий Зиёвуддинхон диний бошқарма раиси сифатида замонанинг диний, тинчликсеварлик ва бошқа муаммоларига багишланган ҳалқаро анжуманларда яна ҳам фаол қатнашди. Бутунжаҳон минбарларида унинг илҳомбахш сўzlари араб тилида жаранглай бошлади. Қатор диний ва ижтимоий гурӯҳлар раҳбарлари, иирик илоҳиётчилар билан суҳбатларида, хорижнинг кенг жамоатчилиги билан учрашувларида советлар мамлакатида мусулмонлар ҳаёти тўғрисида сўзлаб берар, совет давлатининг тинчликпарварлик соҳасидаги, Ер юзида барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги таклифлари ҳақида ҳикоя қилиб чарчамас эди. Унинг тўғри ва содда, ҳаммага тушунарли, қатъиятли ва чуқур маъноли сўzlари аниқ далилларга бойлиги, ҳаётий воқеаларга асослангани билан ҳар қандай тингловчида, ҳар қандай ижтимоий гурӯҳ вакилларида илиқ таассурот қоддирарди. Муфтийнинг ҳалқаро анжуманлар, мuloқotлар, йигилишларда сўзлаган нутқлари,



радио ва телевидениеда ёрқин, ҳаяжонли чиқишлари, газета ва журналларда босилган мақолалари, шунингдек, чет эллар вакиллари билан кўп учрашувлари туфайли бутун дунё халқлари совет республикаларида мусулмонлар ҳаётига доир ҳақиқатни билib олди.

Ислом оламида кескинликни бартараф қилиш бўйича анъуман (Дехли, 1955 йил); Ислом Конгрессининг навбатдаги сессиясида сўзланган нутқ (Багдод, 1962 йил); Ислом тадқиқотлаари академиясининг VII конгрессида сўзланган нутқ (Қоҳира); Осиё мусулмонлари биринчи конференциясидаги чиқиш (Карачи, 1975 йил); Масжидлар олий кенгашининг навбатдаги сессиясида сўзланган нутқ ва мунозаралардаги иштироки (Макка, 1976 йил); Жаҳон динлари анъуманларида иштироки (1977 й., 1982 й., Москва) ва ҳоказо.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ўз фаолиятида ҳамиша Куръони каримнинг “Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз” (“Хужурот”, 10) ояти амрига итоат этарди. Муфтий Зиёвуддинхон халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ўзига хос файрат-шижоат билан улкан ишларни амалга оширди.

Муфтий Зиёвуддинхоннинг давлат раҳбарлари, хорижлик ҳамкаслари, Ислом уламолари билан шахсий алоқалари туфайли бошқарманинг халқаро алоқалари кенгайиб, мамлакат Ислом ташкилотларининг обрў-эътибори йилдан йилга ортиб борди. Жуда кўп чет давлатларда муфтий Бобохоновларга хайрҳоҳ ва дўст бўлганлар сони кўпаяверди. Совет мусулмонлари вакиллари сифатида чет эллик дўстлари ҳузурига сафар қилиш билан чекланмай, энди ўзлари ҳам хорижликларни ўз уйларида қабул эта бошлишди. Халқаро дўстона алоқалар шунчалик кенг ривожландики, бошқарма қошида маҳсус халқаро алоқалар бўлимини очишга тўғри келди.



1962 йили собиқ Иттифоқнинг тўрт диний бошқарма вакиллари Тошкент шаҳрида тўпланиб, советлар давлати мусулмон ташкилотларининг Халқаро алоқалар бўлимини тузиш ҳақида қарор қабула қилинди. Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бир овоздан бўлим раҳбари этиб сайланди.

Муфтийнинг чет эллик арбоблар билан шахсий алоқалари туфайли бўлим дунёнинг қатор мамлакатлари мусулмонлари билан яқиндан алоқа ўрната бошлади. Дастрас Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатлари мусулмонлари билан дипломатик, диний, маданий ва иқтисодий алоқалар йўлга кўйилди. Ислом оламида советлар мамлакатининг обрў-эътибори сезиларли даражада ортди, хорижлик меҳмонларниң мамлакатга ташрифлари, маҳаллий мусулмонлар вакилларининг чет элларга сафарга чиқишилари анча кўпайди.

Муфтий Зиёвуддинхон ва ўғли Шамсиддинхоннинг саъи-ҳаракатлари билан маҳсус бўлимнинг моддий-техника асоси мустаҳкамланди, молиявий имкониятлари ўсди, бир неча автоулов сотиб олинди. Бобохоновлар ташаббуси билан бўлимнинг Москва шаҳридаги қароргоҳи ўзбекистонлик ҳалқ усталари томонидан миллӣ-диний услубда яхшилаб таъмирланди. Натижада орадан кўп ўтмай, хорижлик меҳмонлар фақатгина минтақа мусулмонлари билан учрашиш, фақатгина Ўрта Осиёдаги Ислом тамаддуни осори-атиқалари билан танишиш эмас, балки Россиянинг турли шаҳарлари, Кавказорти ва Шимолий Кавказдаги диндошлар ҳаёти билан ҳам танишиш, улар билан дийдорлашиш ва дўстлашиш имконига эга бўлишиди. “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали тўртта тилда нашр этила бошланди. Муфтий Зиёвуддинхон бошчилигида “Советлар мамлакати мусулмонлари” альбом-китоби араб ва инглиз тилларида чоп этилди.

Шайх Зиёвуддинхон совет давлатининг Ислом ташкилотлари бўлими раҳбари, Бутунжаҳон Тинчлик Кенгashi аъзоси сифатида ўша йиллари Ҳиндистон ва






Покистон ўртасида юзага келган кескинликни бартараф этишда фаол иштирок этди. Натижада 1966 йили Тошкент шаҳрида совет давлати раҳбарияти иштироқида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик эълонномаси имзоланади. Муфтий Зиёвуддинхон Бош вазир Лаъл Баҳодир Шастри бошлиқ Ҳиндистон, Президент Мұхаммад Айюбхон бошлиқ Покистон делегацияларини қабул қилади.

Марокашдан келган делегация советлар мамлакатида мусулмонлар ҳәёти билан танишиди. Марокашлик мәҳмоналар шарафига Москвада Дин ишлари бўйича кенгашда ўтган қабул маросимида вақф ва ислом ишлари бўйича вазир, жаноб Аҳмад Баркаш муфтий Зиёвуддинхон билан илгаридан таниш эканини, муфтий Марокашга борганида учрашганларини таъкидлаб ўтди. Энди эса (XX асрнинг 60–70-йиллари) у минтақа мусулмонлари фақат эмин-эркин ибодат этибина қолмай, балки иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида тер тўкиб меҳнат қилишаётганини ҳам кузатиш имконига эга бўлишди.

Ливанинг Олий муфтийи Ҳасан Холид айтади: “Ливандан йўлга чиқаётib, ҳаммаёқни даҳрийлар тутиб кетган, виждон ва диний эътиқод эркинлиги бўлмаган мамлакатга боряпмиз деб ўйлаган эдик. Аммо бу ерга келиб, биз Исломнинг фақат сақлаб қолинганига эмас, балки ривожланётганига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Ўйлайманки, бундай ютуқлар муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг тинимсиз, самарали ишлари туфайли қўлга киритилемоқда”.

1970 йилнинг сентябрида Қоҳирадаги Ал-Азҳар дорулфунуни шайхи, доктор Мұхаммад ибн Мұхаммад Фаҳҳом бошлиқ Миср уламолари билан муфтий Зиёвуддинхон ташкил этган учрашув мұхим халқаро воқеа сифатида жамоатчилик эътиборини тортди. Тошкент ва Самарқанддаги кўхна мемориј осори-атиқалар билан танишган, табаррук зиёратгоҳларда бўлган Шайх Фаҳҳом ҳаяжонини, кучли таассуротларини






яшира олмади: “Бутун Ислом олами машҳур уламолари Ўрта Осиёдан етишиб чиққан. Улар ёзган китоблар тафсир ва ҳадис илмини қадрловчи онгли, ўқимишли мусулмоннинг, ҳамиша дўсти ва манфаатчисидир. Булар Маҳмуд Замахшарий, Абу Баракот Насафий, Абу Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Саъдиддин Тафтазоний, Саид Шариф Журжоний, Абу Али ибн Сино ва яна бошқа юзлаб алломалар...”


Имом ал-Бухорий ҳақида тўхталиб Шайх Фаҳом, жумладан, бундай деди: “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий мақбарасини зиёрат қиласан куним мен учун энг қувончли ва унтутилмас дақика бўлди. Унинг қабри ёнида мен ўзимни гўё Муҳаммад Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) муборак қабрлари ёнида тургандай ҳис этдим”.

Учрашувлардан бирида Шайх Фаҳом Ўрта Осиёда кўрганларидан тўла қоникиш ҳосил этганини билдириди: “Мен дунёning кўп мамлакатларида сафарда бўлганман. Аммо бу ерда – сизларнинг орангизда туриб ҳис этганчалик катта қалб қувончини ҳеч қаерда ҳис этмаганман. Мен бу ерда Исломга чинакам садоқатли ва баланд ихлосли диндош биродарларимни кўриб, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Мен бу сўзларни диндошларим ҳаётини ўз кўзим билан кўриб, чуқур ишонч ҳосил қиласан инсон сифатида айтмоқдаман”.

Жанубий Яман муфтийи Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳотам ўзининг Ўрта Осиёга сафари кутилганидек, икки мамлакат мусулмонлари ўртасида дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланишига хизмат қиласаганин мамнуният билан таъкидлади. Жумладан, у: “Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва у раҳбарлик қилаётган диний бошқарма барча ходимларининг самимияти, очик кўнгиллиги туфайли сизнинг юртингизда мен ўзимни худди ўз уйимдадек ҳис қилдим”, деди.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон умрининг сўнгги кунларигача Саудия Арабистони қироли, шаҳзодалар ва шайхларининг кўмагини ҳис этиб турди. У Ислом






Конференцияси Ташкилоти, Бутун жаҳон Ислом Лигаси, Бутун жаҳон Ислом Конгресси, масжидлар бўйича Бутун жаҳон Олий Кенгashi сингари халқаро Ислом ташкилотлари раҳбарлари, Иордания, Яман Араб Республикаси, Ливан, Сурия, Болгария, Тунис, Франция бош муфтийлари, шунингдек, Покистон, Туркия, Марокаш, Ливия, Мавритания, Миср, Ироқ ва бошقا мамлакатлардаги уламолар жамиятлари билан яқин дўстлик алоқалари ўрнатиб, ривожлантириб борди.

5.3. Халқаро динлараро учрашувларининг ташкилотчиси ва иштирокчиси

1971 йил сентяброда муфтий Зиёвуддинхон Қоҳира Ислом тадқиқотлари академиясининг VII анжуманида қатнашди. Унинг нутқини анжуман иштирокчилари катта эътибор билан тинглашди. У Ер юзидаги барча инсонлар бир ота, бир она – Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг болалари эканини эслатиб, Аллоҳ таоло уларга ўзаро тинч-тотув яшашни амр этганини таъкидлади. Бутун осмон гумбази ва Ер аввойи неъматлари ва бойликлари билан Одам болаларининг тинч-тотув яшашлари учун берилган. Аллоҳ таоло инсонларга адолатли ва меҳрибон бўлишни амр этди. Инсон фақат юксак ақл-заковатини, фаросатини яхшиликка хизмат қиадирсагина, қақраб ётган чўлларни гуллаган борголарга айлантириши мумкин. Агар инсон қалбини кибр, манманлик эгаллаб олса, агар инсон ўз билимлари, бойлиги билан кекқайиб, уларни бошقا одамларга зарар етказишга йўналтирса, Аллоҳ берган неъматлардан, хотиржамлиқдан аввало унинг ўзи маҳрум бўлади.

Муфтий Зиёвуддинхон чиқишлиарида Ўрта Осиёда Ислом дини ва мусулмонларнинг аҳволи масаласини тушунарли услубда баён этиб берарди. Ислом дини ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамият учун керакли ва зарур, у илм-фан тараққиётининг ҳар қандай суръати билан тенгма-тенг





одимлай олади. Зеро, Куръони каримнинг жуда кўп оятларида илмни пухта ва чукур эгаллашга чақирилади. Масалан:

“*Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиласидиган киши (билин бошқалар баробарми?!) Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!” Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар*” (“Зумар” сураси 9-оят).

“Хақоний *Подшоҳ бўлмиш Аллоҳ олий зотдир.* (Эй Мұхаммад), Сизга (Куръон) вахйиси тугамай туриб қироат қилишига шошманг ва айтинг: “*Эй Рabbim! Менга илмни зиёда эт!*” (“Тоҳо” сураси 114-оят).

Ислом инсонни онгли ва шижоатли фаолиятга чақиради. Ҳар бир мусулмон бутун инсониятнинг фойдасини кўзлаб, айни чоқда ўзининг дунё ва охиратда яхшиликларга эришув йўлида ҳалол меҳнат қилишга бурчлидир. Мұхаммад пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бу ҳақда жуда кўп ҳадиси шарифлари бор:

“*Аллоҳ таоло гайратли ва ўз ишини пухта бажарадиган қулини яхши кўради*” (Байҳақий); “*Ҳалол меҳнат қилиб ҳориган ҳолда ухлаб қолган мўминнинг барча гуноҳларини Аллоҳ кечиради*” (Дайламий); “*Бирор фойдали ҳунар эгаллаган қулини Аллоҳ яхши кўради. Оила аҳлига ҳалол ризқ топиш учун тер тўкиб меҳнат қилувчи одам Аллоҳ йўлида жангга чиққан киши кабидир*” (Аҳмад ибн Ҳанбал); “*Ризқни ҳалол йўл билан топиш мусулмон учун фарз ибодатларини бажарииш каби бурч ҳисобланади*” (Табароний); “*Инсон ейдиган нарсалар орасида энг ширин, энг ёқимлиси унинг ўз қўли билан ҳалол меҳнат қилиб топганидир*” (И мом Аҳмад).


Ўрта Осиёда Исломий ҳаёт чиндан ҳам тикланганини нафақат масжидларнинг очилгани, уларда мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилишаётгани, балки мусулмонларнинг кундалик ҳаётида, турмушида исломий тамоили ва анъаналар





сақланиб қолгани ҳам очиқ кўрсатиб турибди. Масалан, янги тугилган чақалоқларга, Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) тавсия қиласланаридек, яхши исломий исмлар қўйилади, ўғил болаларни суннат қилиш, никоҳ ўқитиш маросимларига қатъий риоя қилинади. Тегишли давлат муассасасидан рўйхатдан ўтишганидан сўнг, мусулмонлар масжид имомига мурожаат қилиб никоҳ ўқитишади, шариатга мос равиша уни халқقا зълон қилишади. Ўрта Осиё мусулмонларида қадимдан дин арбобларига, иамли кишиларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келишган. Мусулмонларнинг оиласарида ҳеч бир қувончли ё қайгули маросим уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бутун умри давомида бекиёс қатъият билан Қуръони карим ва Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) суннатларини, инсонлар учун буюк амр ва насиҳатларини қамраган оят ва ҳадисларнинг чексиз ҳикматларини англаш йўлида тинимсиз изланди, ўқиб-ўрганди. Оят ва ҳадисларнинг аҳамияти барча давлар ва халқлар учун ҳамиша улуғ. Шу боис у мусулмонларнинг ҳар бир янги авлоди янгича шароитда оят ва ҳадисларни ўз қараши билан ҳақ йўлдан оғишмай ўқиб-ўрганишини жуда мухим вазифа деб ҳисобларди. Шундай йўл тутилса, оят ва ҳадислар ҳамиша, ўтган солиҳ салафлар ҳаётида бўлгани каби, мусулмонлар учун шахсий ва ижтимоий ҳаётда ишончли ва тушунарли йўл кўрсаткич бўлиб қолаверади. Муфтий Зиёвуддинхон бир авлод мусуамонлари, миллий-этник хусусиятлари-ю, ижтимоий-сиёсий тараққиётидан қатъи назар, Исломнинг асос манбаларини ҳам, муқаддас динимизга улуғ хизматлар қиласан буюк алломалар маънавий меросини ҳам бирдек идрок этиши ва тушунишини хоҳлар эди. Тегишли масалаларни ҳамкорликда муҳокама этиш, ҳар томонлама келишилган ягона ёки бир-бирига яқин ёндашувларни ишлаб чиқиши мақсадида мусулмонларнинг миллий, минтақавий ва бутун жаҳон миқёсларида мунтазам йигилишлари, анжуманларини уюштиришни ва бундай улкан





вазифани муваффақиятли бажаришнинг самарали йўлларидан бири деб биларди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ташаббусчиси, ташкилотчиси ва бевосита иштирокчиси бўлган қатор халқаро учрашувларни ҳақли равишда мусулмонлар улуг анжуманлари сирасига киритса бўлади. Масалан, Имом Бухорий тугилганининг 1200 йиллигига багишиланган Самарқанд халқаро анжумани (1974); “Замонавий шароитларда Куръони карим таълимоти ва Суннатни ҳаётта татбиқ этиш” мавзуидаги Тошкент халқаро анжумани (1976), XV ҳиқрий аср бошланиши муносабати билан ўтказилган Тошкент халқаро анжумани (1980) ва бошқа кўплаб илмий-маърифий учрашувлар, йиғилишларни санаб ўтишмиз мумкин.

1976 йилнинг октябрида Тошкентда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ташаббуси билан “Куръони карим ва Суннатни замонавий шароитларда ҳаётта татбиқ этиш” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Куръони каримнинг: “Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланг, фирмә- фирмә бўлиб бўлинib кетманг!” чақириги ушбу нуфузли анжуман шиори бўлди. Анжуман Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилганининг 30 йиллигига багишиланди.

Фикр ва тажриба алмапиш учун анжуманга хорижлик йирик олимлар, таниқли дин ва жамоат арбоблари ташриф буоришиди. Мазкур Тошкент анжумани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузумидан қатъи назар, барча жамиятларда Ислом динимиз фаол яшашга, ривожланишга қодир эканини яна бир марта очиқ-ойдин исботлаб бергани билан аҳамияти улуғ бўлди.

1976 йили муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бошлиқ минтақа мусулмонлари вакиллари масжидлар бўйича Бутунжаҳон Олий Кенгашининг Маккаи мукаррамада ўтган наъбатдаги сессиясида иштирок этди. Бу сессияда масжидларнинг амалий фаолияти, уларни таъмиrlаш ва қайта



тиклаш ишлари, имом-хатибларнинг савияси ва фаолияти ҳақидаги нутқлари тингланди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ўз нутқини билдирилган юксак ишонч учун, яъни масжидлар бўйича Бутунжаҳон Олий Кенгашидек обрўли ташкилот аъзолигига сайлашгани учун самимий миннатдорлигини изҳор этишдан бошлиди. Бундай юксак ишончни минтақадаги Ислом ташкилотлари фаолиятига, муқаддас динимизнинг соғалигини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшаётган мусулмон намояндаларининг хизматига берилган муносиб баҳо деб билишини айтди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон тажрибалари билан ўртоқлашар экан, мамлакатимизда дин хизматчилари мусулмонлар олдида она тилида гапиришларини, бу билан мавъизалари янада тушунарли ва фойдали бўлишини таъкидлади. Муфтий ҳазратлари яна дин давлатдан ажратилган жамиятда барча диний марказлар ва ташкилотлар, жумладан, исломий муассасалар ҳам мустақил фаолият олиб боради аеди. Қароргоҳлари Тошкент, Уфа, Боку ва Маҳачқала шаҳарларида бўлган тўрт диний бошқарманинг энг муҳим вазифаларидан бири масжидлар фаолиятига ҳар томонлама раҳбарлик қилишdir. Бу эса, биринчидан, эҳтиёж туғилган жойларда янги масжидларни очиш демакdir. Иккинчидан, масжидларнинг яхши ҳолатда сақланишини – уларни ўз вақтида таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини йўлга кўйишdir. Учинчидан, масжидларнинг имом-хатибларини, муazzинлари ва бошқа хизматчиларини тайинлашdir. Фаолият учун зарур бўлган маблагни масжидлар мусулмонларнинг кўнгилли садақа ва ҳадяларидан олади. Бундан ташқари, диний бошқармалар холис ҳомийлар маблаги ҳисобидан мусулмон арбобларни четга жўнатишиади, чет эллик диндошлар вакилларини таклиф этишади, талабаларни йирик исломий университетларга ўқишга юборишиади.





Муфтий ҳазрат масжидлар бўйича Бутунжаҳон Олий Кенгаши аъзоси сифатида бир неча марта муқаддас Макка шаҳрида бўлган эди. Бу ерда у ўз ватандошлари – Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Бухоро, Тошкент ва бошقا шаҳарлардан бориб қолган ватандошлар билан учрашди. Бир гал Маккага борганида Юсуфқори исмли ватандошимизнинг уйига тақлиф этилади. Ўша куни Юсуфқори ўғлини уйлантираётган экан. Икки юз нафардан ортиқ одам қатнашаётган никоҳ тўйида муфтий Зиёвуддинхон Ўрта Осиё мусулмонларининг диний ва дунёвий ҳаётига, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги улкан ўзгаришларга доир мезбонлардан тушган кўплаб саволларга батафсил жавоб қайтаради.

Ҳар гал Макка шаҳридан қайтгач, муфтий Зиёвуддинхон Ўрта Осиё ва Қозогистон масжидлари имом-хатибларининг семинар-ўкувини ўтказар, уларга масжидлар бўйича Бутун жаҳон Олий Кенгаши қарорлари ва тавсияномалари ҳақида гапириб берар, Диний бошқарма раҳбариятининг масжидлар ободончиллиги, уларни муқаддас Куръони карим ва Пайгамбаримиз (с. а. в.) суннатларига қатъян мос ва муносиб ҳолда сақлаш борасидаги қарорларини шарҳлаб, тушунтириб берарди.

1978 йили Покистоннинг Карочи шаҳрида ўтган Биринчи Осиё Ислом конференцияси Ислом гояларини бутун оламга ёйишда жуда улкан аҳамиятта эга воқеа бўлди. Мазкур анжуманда ҳам муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бошчилигидаги минтақа мусулмонлари вакиллари иштирок этди.

Анжуман қатнашчиларидан кўпи бир қатор мамлакатларда насронийлик тан олингани ҳолда Ислом дини расмий дин сифатида тан олинмаганини таъкидлашди. Муфтий Зиёвуддинхон ҳазрат ўз сўзида ва Покистоннинг турли нашрлари мухбирлари билан суҳбатларида Ўрта Осиё мусулмонлари бошқа динлар вакиллари, шунингдек, ҳеч бир динга эътиқод қиласмаган кишилар билан тенг ҳукуқларга эга эканини батафсил тушунтириб, асосли равища изоҳлаб берди.






Биринчи Осиё Ислом конференциясида баъзи оғир муаммолар, масалан, мусулмонлар орасига нифоқ солувчи сабаблар ҳақида сўз бормади, Исломнинг бутун дунёда тинчтотувлик тўгрисидаги таълимоти етарли ёритиб берилмади, шунга қарамай бу анжуманин барча мамлакатлар мусулмонлари ҳаётида муҳим воқеа сифатида баҳолаш зарур. Чунки йигилишда қабул қилинган қарорлар дунё мусулмонларини тараққиёт ва ижтимоийadolат учун курашга йўналтириди.


Совет мамлакатидаги Ислом ташкилотлари вакилларининг ҳар йили Жазоир вақф ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўказиладиган “Исломий тафаккур” учрашувларида иштирок этиши яхши анъанага айланиб қолган эди. Мазкур учрашувларда таниқли уламолар, факиҳлар, мударрислар, дунёнинг турли мамлакатларида Ислом ташкилотлари вакиллари жам бўлишиб, муҳим масалалар юзасидан баҳс-мунозара қилишарди. Навбат билан ушбу учрашувларда шайх Абдугани Абдуллаев (Ўзбекистон), муфтий Тальят Тоҷиддин (Россия, Уфа), қози Ратбек Нисанбой (Қозогистон), Мир Араб мадрасаси мудири Абдуқаҳдор Гаффор, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти проректори Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқа олимлар иштирок этишли.

Ҳозирги кунда ҳам ҳар хил шаклда ва ҳар хил мавзуларда ўтказилаётган кўп учрашувлар, анжуманлар туфайли дунё мусулмонлари ўртасида ҳамфирлик кучайиб, ўзларининг соғдиний муаммоларига ҳам, дунёда тинчликни барқарор сақлаб туришдек бутун инсоният учун энг муҳим саналган улкан ижтимоий-сиёсий муаммоларга ҳам тобора бир хил ёндашувга эришишмоқда.

Шайх Зиёвуддинхон қизлари Муҳлисаҳон хотираларидан:

Қиблагоҳим 70 ёшларида 78 мамлакатни зиёрат қилган, ўн подшоҳнинг хос меҳмони бўлган эканлар. Ул зоти бобаракот араб тилида фасоҳат билан сўзлаганларида, арабларнинг ўзлари тан берганларининг гувоҳи бўлганман. Баъзан чет эл сафаридан қайтгач, ўз таассуротлари билан бўлишар эдилар.





1956 иили ноябрь ойида Ҳиндистондан Ўзбекистонга Жаҳон тинчлик қўмитаси президиуми аъзоси, Ҳиндистон тинчлик қўмитаси раиси Сайфуддин Китчлу жаноблари ташриф буюрдилар. Ул зот давлат арбоблари билан учрашиб, сұхбатлашиб, ўзларининг Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний назорат раиси ва муфтийси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратларини зиёрат қилиш истаклари борлигини маълум қиласидилар. Муддати белгилангач, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назоратига ташриф буюрдилар. Улуг мөхмөнни Диний идора раиси ва муфтийси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Ўзбекистон қозиси Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, раис муовинлари Фозилхон қози домла, Шайх Исмоил маҳдум кутиб оладилар. Келган мөхмөн шарафига катта зиёфат уюштирилиб, охирида Сайфуддин Китчлауга ҳадя сифатида оқ зарбоф тўн кийдириб, салла ўратилади. Сўнгра “Тилла Шайх” жомеъ масжида намоз ўқиб, масжид ҳовалисидаги қадимий қўлёзма ва тошбосма асарлар хазинаси бўламиш кутубхонага таклиф қиласидилар. Сайфуддин Китчлу ҳадя қилинган салла-чопонни ечмасдан кутубхонага ташриф буюриб, у ердаги ноёб қўлёзма асарлар билан танишадилар. Бўлиб ўтган илмий сұхбатдан сўнг, мөхмөнхоналари томон йўл оладилар.

7 ноябрь куни Диний идорага берилган таклифномага биноан муфтий Эшон Бобохон бобомлар, Фозилхон қози домла, қиблагоҳим Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва улаарга эргашиб мен ҳам Қизил майдонга борганимиз. Бир вақт ёнгинамиздаги ўтириладиган жойга ҳиндишонлик мөхмөн Сайфуддин Китчлу, ташқи ишлар вазири ва таржимон келишган. Сайфуддин Китчлу тўппа-тўғри Эшон Бобохон бобомиз олдиларига келиб, энгашиб, таъзим билан қўлларини ўпид кўришди, сўнгра Фозил қози домла ва Зиёвуддинхон адажоним билан кўришгандан кейингина ўзига белгиланган жойга бориб ўтириди. Бу манзара кўз олдимда бир умрга муҳрланиб қолган.



* * *

1958 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган барча динлар вакилларининг Умумжаҳон конференциясидан қайтгач, қўйидагилар ҳикоя қилиб берган эдилар:

– Деҳлидаги бир катта майдонга тумонат одам йигилган. Бизнинг делегация аъзолари ҳам ўша ерда ҳозир бўлдик. Бир вақт бир тахтиравонда уларнинг диний раҳбарини тўртта одам кўтариб келиб, унга тайин қилинганд жойга ўтқазиши. У микрофон орқали маълум бир мусиқий оҳангда маъруза қилди. Кейин ҳар давлатдан келган вакилларга сўз берса бошлади. Совет Иттифоқи тинчлик қўмитаси раиси, ёзувчи, делегациямиз раҳбари Николай Тихонов: “Муфтий ҳазратлари, сўзга сиз чиқасиз”, деди. Навбат келгач, мен сўзга чиқиб, уларга монанд қилиб форс тилида Саъдий, Жомий ҳикматларидан келтириб сўзладим. Маълум муддат ўтгач, бир одам келиб: “Бизнинг диний раҳбаримизга барча маърузалар ичida сизнинг нутқингиз маъқул тушибди. Форс тилида сўзлаганингизни билиб, олдига форс тили таржимонини ўтқазиб, Сиздан иатимос қилиб юборди. Яна бир марта маъруза қилиб берар экансиз”, деди. Рози бўлиб яна бир марта бошқа ҳикматлардан келтириб, форс тилида маъруза қилдим. Мен ўзимча гапирдим, таржимон ҳам ўзича таржима қилгандир, у диний раҳбар ҳам ўзича бир нарса тушунгандир, деб табассум қилиб қўйдилар.

* * *

1961 йили Диний идора қошида Халқаро алоқалар бўлими ташкил этилиб, у Ватанимиз мусулмонлари билан дунё мусулмонларининг дўстона алоқаларини йўлга қўйди.


Диний идора томонидан қатор халқаро конференциялар чакирилди. Унга барча мусулмон давлатлари бош муфтийлари, вакф ишлари вазирлари ва халқаро диний ташкилотларнинг нуфузли арбоблари ташриф буюришар эди. Қиблагоҳим Зиёвуддинхон меҳмонларга муносиб тухфа сифатида



Куръони каримни бир неча бора нашрдан чиқардилар. Имом Бухорийнинг 1974 йилда Самарқандда ўтказилган 1200 йиллик юбилейларига бағишлиланган ҳалқаро анжуман муносабати билан ул зоти бобаракотнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” ва “ал-Адаб ал-муфрад” (“Ишончли ҳадислар тўплами”, “Адаб дурдоналари”) асарларини Тошкентда араб тилида чоп эттиридилар.

Кўпинча анжуманларга, Яман муфтийси Аҳмад Забара ўз аёли билан келар эди. Мен араб тилини озми-кўпми билганим учун унга ҳамроҳ бўлар эдим. Галдаги Самарқанд сафари ҳам улар билан бўлган эди. Дастреб яманлик меҳмонлар билан Имом Бухорий масжидларига бориб, қабрларини зиёрат қилдик. У ердан Самарқандга қайтиб, қадимий меъморий обидалардан Регистон майдонида, маҳобатли Шердор, Улуғбек ва Биби хоним мадрасалари ҳовлисида турибмиз. Қиблагоҳим мадрасалар тарихи билан таништириб, муфтий Забарага қараб: “Мана шу мадрасаларда Ўрта аср булоқ алломалари Тафтазоний, Журжоний, Суютийлар фаолият кўрсатишган. Маоний ва баён илмлари борасидаги илмий баҳс-мунозара шу ерда бўлган”, деб араб тилида бир байт ўқидилар. Муфтий Забара иккинчи байтни ўқиди, қиблагоҳим учинчи байтни, Яман муфтийси тўртиничи байтни ўқиди. Шундай қилиб мубоҳасага сабаб бўлган газални охиригача кетма-кет ўқишиди. Кейин иккалалари хурсанд бўлиб кулиб қўйишиди. Мен ҳам араб тилида шеър ўқишиди, деб хурсанд бўлдим. Бироқ кимнинг газали, қандай баҳсга сабаб бўлган, деб сўрамаганим учун ҳалигача армон қиласман.


Қиблагоҳимнинг яна бир сафар таассуротлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни жоиз деб билдим: ўтган асрнинг 60-йилларида Арабистон ярим оролида жойлашган Саудия мамлакати, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман ва Қатар давлатларида сафарда бўлдилар. Ямандан ташқари мазкур давлатларнинг бироргаси совет давлати билан ҳеч қандай алоқа ўрнатган эмас эди. Ўша давлатларнинг баъзилар





билин қиблагоҳимнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фақатгина диний алоқалар ўрнатилган эди. Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Саудия мамлакатида юқори дин ва давлат арбоблари билан учрашиб, дўстона сұхбатлар ўтказиб, у ердан самолётда Қатар мамлакатига биринчи марта учеб кетаётган эканлар. Бир вақт учувчилардан бири келиб: “Қатар амири тайёрамизда даҳрийлар юртидан келаётган одам менинг ватанимга қадам босмасин, дедилар. Шунинг учун биз самолётни орқага қайтаришга мажбурмиз”, дебди. Қиблагоҳим Зиёвуддинхон: “Агар мен карvon билан кетаётган бўлсам, бир ўзим тужда орқага қайтиш имконим бўлар эди. Энди мени деб бир самолёт одам азият чекадими? Агар иложи бўлса, мени амирингиз билан радио орқали боғланг, мен у кишига мурожаат қиласман, шояд, рухсат берсалар”, дебдилар. Учувчи рози бўлиб, уларни радио орқали боғлаб берибди. Қиблагоҳим Қатар амирига соғ араб тилида мурожаат қилиб, кималикларини, қай юртдан келаётгачаликларини ва буюк аждодларимизнинг Ислом дини ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида сўзлабдилар. Ҳар бир сўзларига Қуръони карим, ҳадиси шарифдан далиллар келтириб, Қатар мамлакатига Ислом дини йўлида дўстлик ришталарини боғламоқ мақсадида келаётганикликларини баён қилибдилар. Қатар амири ҳам динга қарши мамлакатдан келаётган меҳмоннинг соғ фасоҳатли араб тилидаги нутқларини эшитиб, унда бир кўриш иштиёқи тугилибди ва рухсат берибди. Қиблагоҳим самолётдан тушсалар, амир аъёнлари билан чиқиб кутиб турган эмиш. Амир қиблагоҳим билан самимий қўришиб мароқли сұхбатидан кейин, қиблагоҳим билан бир умрга биродар бўлиб қолибди. Уч кунлик сафар ўтиши ва қиблагоҳимнинг барча учрашувлари ҳақида Қатар телевидениеси кўрсатиб турган, газеталарда ахборот чоп этилган экан. Қиблагоҳим: “Мана шундай қилиб Қатар давлати билан ҳам дўстона алоқаларини ўрнатиб келдик”, – деган эдилар.






* * *

1963 йил апрель ойида Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультети араб бўлими III чи курсида ўқиб юрган кезларимда қиблагоҳим тақлифларига биноан Тунис мамлакатидан меҳмонлар ташриф буюради. Улар Диний идорада бўлиб, Ватанимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишгач, отам уларни уйимизга ҳам тақлиф қиласидар. Тунислик меҳмонларга бош бўлиб келган Тунис президенти ҳузуридаги Ислом ишлари бўйича бош бошқарма мудири Шайх Мустафо Камол ат-Тарзий жанобларининг иккита қизи бор экан. Бир вақт отам менга: "Сиз меҳмонга қизлари учун атлас совға қиласиз. Икки оғиз араб тилида ҳам гапирасиз", дедилар ва менга қисқагина табриқ сўзи ёздирилар. Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Бироз ҳаяжонландим ҳам. Меҳмонлар шарафига берилган зиёфатдан кейин ҳаммалари катта уйдан ҳовалига чиқдилар. Адам нутқ сўзлаб, меҳмонларни кутлаб, уларга ўзлариникига ўхшаган сариқ йўл-йўл бекасамдан чопон кийгиздилар. Сўнгра мен ҳам икки оғиз араб тилида табриклаб, меҳмонларнинг қизларига аталган совғани топширган эдим. Бу кун отам мен учун энг унугтилмас дақиқаларни ҳадя этган эдилар, чунки мен биринчи марта кўпчилик орасида араб меҳмонларга араб тилида мурожаат этган эдим. Кейинчалик қизлардан менга француз тилида ёзилган хат келган. Мен жавоб хати ёзганман.

* * *

1964 йил август ойида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси тақлифига биноан Ливия мамлакатидан бош муфтий Муҳаммад ад-Дибоний раҳбарлигидаги мусулмонлар делегацияси ташриф буюрадиган бўлибди. У даврларда хорижлик меҳмонлар Москва орқали келиб, кетишарди.. Отамлар меҳмонларни кутиб олиш учун Москва шаҳрига отланаётганларида мени ҳам бирга олиб кетинг, деганимизда, хўп, майли, сиз ҳам йўлга тайёргарлик кўринг,





дедилар. Москвага самолётда отам, муовинлари Юсуфхон Шокиров ва мен бирга учиб кетдик. У ерда "Советская" меҳмонхонасига жойлашдик. Ливиядан келаётган меҳмонларга мўлжалланган хоналарни кўриб, у ерга Тошкентдан келтирилган патир нон ва узумлардан қўйиб чиқдик. Кечаси отам, Юсуфхон ака ва москвалик дин арбоблар беш кишидан иборат меҳмонларни кутиб олдилар. Делегация таркибида Ливия бош муфтийси Муҳаммад ад-Дибоний, дин арбоблари ва мухбирлар бор эди. Эрталаб меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги ресторонда нонушта тайёрланиб, меҳмонлар таклиф этилди. Меҳмонлар ресторанга тушдилар-у, бироқ ҳеч нарса емадилар. Сабабини суриштирсан, овқатларни кофирлар тайёрлагани учун ейишмаган, дейиши. Режа бўйича улар Москвадан Ленинградга, сўнгра Тошкентга боришлири керак эди. Отам дарҳол Москва масжиди билан бοғланиб, меҳмонлар пешин намозидан олдинроқ бориши, ўзлари гувоҳлигида товуқлар сўйилиб, уларга овқат тайёрланиши кераклигини тайинладилар. Тошкентга телефон қилиб, эрталаб борганимизда меҳмонлар олиб бориладиган жойда кўз олдиларида қўй сўйилиши лозимлигини билдирилар.

Шундан сўнг Москва давлат кутубхонаси Шарқ кўлёзма асарлари сақланадиган бўлимга ташриф буюрдик. У ердаги илмий ходимлар Ибн Синонинг "ал-Қонун фи-тибб" асари қўлёзма нусхасини кўрсатиши. Меҳмонлар ўз миннатдорликларини билдириб, баъзи бир саволлар билан мурожаат қидалиар. Улар жавоб бердилар. Юсуфхон ака рус тилидан араб тилига, араб тилидан рус тилинга таржима қилиб турдилар. Кутубхонадан чиқиб, Москва масжиди томон йўл олдик. У ерда бизни бир гурӯҳ мусулмонлар кутиб олиши. Меҳмонларнинг мухбири мендан "Ҳамма мусулмонлар шуми?" деб сўради. Мен: "Мусулмонларнинг кўпি Ўрта Осиёда", дедим. Меҳмонлар у ерда тушикни қилиб, пешин намозини ўқидилар. Масжидан чиқиб Москва Давлат Университетига бордик. Университет проректори Сергеев кутиб олиб, меҳмонларга






университет тарихи ва ҳозирги кундаги фаолияти билан таништириди. МГУ биносини кўздан кечирдик ва катта залида суратга тушдик. Кечқурун самолётга ўтириб, эрта тонгда Тошкентга етиб келдик. Сафар асносида мен отамнинг меҳмонлар билан бўлган муомаласида қанчалар ҳурмат-эҳтиром билан бир қаторда, ўта нозиклик ва тадбир билан иш тутишларига гувоҳ бўладим. Юсуфхон aka Шокировнинг таржимонлик маҳоратлари ҳар бир тил билувчи одамга ибрат бўларли даражада эди.

Ливиялик меҳмонлар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари масжиidlарида, Мир Араб мадрасасида, Имом ал-Бухорий номли маъхадда ва шаҳарнинг меъморий обидаларини зиёрат қилишди, сўнг Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний бошқармасида улар шарафига зиёфат берилди. “Тилла Шайх” масжидида намоз ўқишиди. Диний идора кутубхонаси билан танишдилаар. Меҳмонлар мамнун бўлиб ватанига қайтдилар. Бу хабар мени хурсанд қилди.

* * *

Талабалик йилларим. 1964–65-йукв йили бошларида бизнинг араб гуруҳидан уч киши Бағодди шариф университетига ўқишига юборилди. Гуруҳимизда уч киши қолдик. Қишки имтиҳонларни топшириб, таътилдан қайтсан, деканимиз Ш.Шомуҳамедов домла чақиртирилар. Хузурларида Граждан ҳаво йўллари бошлиги Фозиназаров ўтирган экан. Салом бериб, кириб ўтиридик. Шомуҳамедов домла: “Бу кишига араб тили таржимонлари керак экан, сизларни тавсия қилдик”, дедилар. Фозиназаров: “Кривой Рогдаги Ҳаво йўллари билим юртига араб тилидан таржимонлар жуда зарур бўлиб қолибди. Ироқ ҳукумати ТУ-134 маркали самолётни сотиб олаётган экан. Ўшанинг учувчи, штурман, электрик, прибористлари Кривой Рогда икки ой ўқиб, Москвада бир ой амалиётни ўтказиб кетади. Уларнинг баъзилари инглиз тилини билмас экан. Шунинг учун араб тили бўйича таржимонлар сўратишиди. Рози бўлсанглар 2-3





кунда учиб кетасизлар, дедилар. Уйдагилардан сўраб, жавобини берамиз, дедик". Рози бўлишди. Уйга бориб ойимларга айтсам: "Қандай бўларкин? Аданглар келсинлар-чи, маслаҳатлашамиз", дедилар. Кечки пайт отам келдилар. Уларга маслаҳат солсак: "Эрталаб Ҳаво йўллари бошлигига учрашайлик-чи", дедилар. Эрталаб Гозиназаров ҳузурига бордик. У киши хурмат билан кутиб олиб, бир пиёла чой узатди, сўнгра масалани тушунтира кетди: "Қори ака, Ироқ давлати бизнинг ТУ-134 русумли самолётни сотиб олмоқда. Шунинг учун ироқлик учувчи, штурманлар ҳозирда Украянанинг Кривой Рог шаҳридаги авиа билим юртида ўқитилемоқда. Баъзилари инглиз тилини тушунмас экан, шунинг учун араб тили таржимони зарур бўлиб қолиб, бизга телефон қилишган эди. Шу боис мен Шарқ факультетига мурожаат қилдим. Икки нафар V курс талаба қизларини тавсия этилди. Агар қизингизни юборсангиз, бугун соат 12.00 да Киевга учиб кетишади. У ерга Кривой Рогдан маҳсус самолёт келиб, қизларни олиб кетади. Икки ой Кривой Рогда ўқиб, бир ой Москвада Внуково аэропортида амалиётни ўташади. Ҳавоси ўзимизникуга ўхшаб кетади", деди. Отамлар рози бўладилар. Уйга қайтиб, чамадонга керакли китоб ва нарсаларни солиб, хайрлашиб йўлга тушдик. Отажоним бир сумка озиқ-овқат бериб юбордилар.

Кривой Рогга етиб келганимизда ироқлик талabalар ўқишни бошлаб юборишган экан. Бироқ ҳайит байрами бўлганилиги учун дам олишаётган экан. Мен прибористлар гуруҳига, ҳамкурсим Клара эса электриклар гуруҳига таржимонлик қиладиган бўлдик. Ҳайитнинг тўртинчи куни талabalар билан танишдик. Улардан: "Тошкентдан бирор кишини биласизларми?" десам, битта талаба: "Мен Багдод катта масжида Тошкентдан борган муфтий Бобохонов нутқларини эшитганман", деди. "Мен ўша муфтий Бобохоновнинг қизлари бўламан", дедим. Барчалари ерга тикилиб: "Биз сизга биродармиз", дедилар. Кунлар ўтиб, дарслар тугаб, Москва Внуково аэропортига





амалиётни ўтказиш учун келдик. Уйга – Тошкентга телефон қилсам, отам Москвада эканлар. Барча ироқлик талабаларни отамнинг хузурларига олиб келдим, улар ироқликларни ҳурмат билан кутиб олдилар ва уларга соф араб тилида мурожаат қилдилар. Бироқ араблар оғизларига толқон солгандек жим ўтирилар. Отам: “Энди ўтиринглар, мен сизларни меҳмон қиласман”, десалар, “Раҳмат, раҳмат” деб хайрлашдилар. Кўчага чиққанимизда: “Нега адамлар билан гаплашмадинглар”, десам, ироқликлар: “Адангиз араб тилида шунчалар соф ва тўғри гапирар эканларки, биз гапирсак, ўз она тилимизда хато қилиб кўямиз, деб чўчилик”, дейишган эди.

* * *

Иордания мамлакати подшоҳи Ҳусайн ибн Талол Жаноби Олийлари муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари билан бўлган қатор самимий сұхбатларидан кейин, ул зотнинг фикр доиралари кенг, билимлари ниҳоятда чуқур эканлигини тан олган ҳолда, динга қарши бўлган даҳрийлар юртида Ислом дини байробини баланд кўтариб келаётганларини ҳисобга олиб, Иордания қироллигини энг олий ордени билан икки марта тақдирлаб, ўзининг чуқур ҳурмати белгиси сифатида тахтига ўтиришларини таклиф этади. Отам тахтга ўтираётганларида кўзларига ёш оладилар.

Иорданиядан юртимизга қайтганларидан кейин шогирдларига юқоридагиларни айтиб, шундай деган эканлар: “Балки қирол ва унинг атрофидағилар мени тахтга ўтирганига хурсандлигидан кўзига ёш олди, деб ўйлашган бўлса керак. Мен қатағон йиллари қидирув органлардан қочиб юрган кезларимда устозим Шоми домла бетоб, қаровсиз қолганликларини эшитиб, ҳар куни тунда иккита нонни рўмолчага ўраб, олдиларига бориб, оқ ювиб, оқ тараб, тоза кийимлар кийгизиб, чой ичириб, тонгда қайтардим. Шунда устозим дуо қилиб: “Зиёвуддинхон, танинг сог, умринг узоқ бўласин. Ислом байробини баланд кўтариб, подшоҳлар ўз тахтига ўтқазиб, орқангдан юрсин”, деган эдилар.





Мен бўлсам: “Устоз, bemalol юрадиган бўлгин, дeng десам, яна ўша ўз дуоларини қайтардилар. Тахта ўтирган дамларим, устозим дуолари ижобат бўлганига кўзимда ёш қалқиган эди”.

* * *

XX асрнинг 70-йилларида мен Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида хизмат қиласр эдим. У ерда қатор мадрасада ўқиган билими ўткир домлалар ишлашар, уларни кекса зиёлилар деб аташар эди.

1971 йиляннинг февраль ойида мен билан бир хонада ўтирадиган Абдуфаттоҳ Расулов домла: “Мухлисаҳон, Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-Муфрад” асарлари нашрдан чиқиби, биз бехабар қолибмиз”, дедилар Мен дарҳол бу сўзларни отамларга етказдим. Ул зот бобаракот: “Дарвоқе, уларга ҳам атаганимиз бор”, дедилар. Менга қараб: “Бир шу институтингиздаги кекса домлаларни уйингизга чақирсанак, илмий сұхбат қурсак, нима дейсиз”, дедилар. Мен жуда курсанд бўлиб, розилик билдиридим. 25 февраль куни уйимизга ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидан кекса зиёлилардан – Абдуфаттоҳ Расулов, Абдулло маҳдум Носиров, Мулло Юнус домла Ҳакимжонов, хаттоталик санъати ва унинг тарихи билимдони Абдуқодир Муродов домла, олимлардан профессор Убайдулло Каримов, Асомиддин Ўринбоев, Исматулло Абдулаев, Абдусодик Ирисов, Қувомиддин Муниров ва илмий раҳбарим Павел Булгаковлар ташриф буюрдилар. Отам Диний идора кутубхонаси нозири Нодирхон маҳдум билан келдилар. Обидхўжа қайнотамиз ҳам қатнашдилар. Уларга хизматни умр йўлдошим Олимхон aka қиадилар. Сұхбат жуда қизиқарли ўтганини билиб олдим. Эртаси куни ишга борганимда, Абдуфаттоҳ Расулов домла мени кўриб: “Мухлисаҳон, катта раҳмат, жуда чиройли зиёфат бўлди, бироқ у ердаги илмий сұхбат ундан ҳам гўзал бўлди. У ерда бир араб шоирининг байтини ўқиб бериш ёдимдан чиқиби, – деб бир байтни ўқидилар-да, – ўша кунги илмий





суҳбат ниҳоятда сермазмун бўлганлигига монанд маънени англалишини шу байтнинг маъносида ҳам келтиргандай”, – деб қўшиб қўйдилар. Мен хурсанд бўлиб Расулов домланинг миннатдорлик сўзларини адамга етказдим. Адам: “Улар – илм манбани хазиналари”, дедилар.

* * *

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги қадимий араб, форс, туркий тиллардаги қўлёзма, тошбосма китобларни сотиб олиш комиссияси бўлиб, унга филология фанлари номзоди, қўлёзма тошбосма асарлар хазинаси нозири Кувомиддин Муниров бошчилик қиласр эди. Бир куни кекса одам қийиқчага ўралган қадимий қўлёzmани кўтариб келиб институт комиссиясига топширадилар. Комиссия аъзолари қўлёзма асарни очиб кўриб ҳанг-манг бўлиб қоладилар, чунки қўлёзма Алишер Навоий қаламига мансуб девоналардан бири бўлиб, Навоий ҳаёт вақтларида Абдужалил хаттот томонидан кўчирилган экан. Комиссия томонидан у қўлёzmага энг юқори баҳо – беш минг сўм нарх кўйилади. Комиссия аъзоси А.Расулов домлага: “Чиқиб, Машруъхон отага китоблари нархини айтинг, пастроқдан бошлаб савдолашинг”, дейидилар. Расулов домла чиқиб: “Машруъхон ака, китобни беш юз сўмга нархладик”, деса, у киши: “Мен розиман”, дейидилар. Расулов домла ичкарига кириб: “Ишни пачава қилиб қўйдим-ку. Беш юз сўм десам, рози бўлиб қўя қолдилар”, дейидилар. Комиссия бошлиги К.Муниров чиқиб: “Машруъхон ака, сўзингиздан қайтинг, биз уни беш минг сўмга баҳолаганмиз, тулини ўзим олиб бераман”, деса ҳам, Mashru'xon ота: “Савдода лафз битта бўлади, мен беш юз сўмга розиман”, – деб сўзларида туриб оладилар ва ўша 500 сўмни олиб кетадилар.

Машруъхон ака оталарининг катта кутубхоналари бўлиб, 1937 йилги қатагон даврида китобларни даҳрийлар қўлига тушиб қолмасин деб бирин-сирин сувларга оқизиб, қабрларга





кўмиб йўқ қилаётгандарида Машруъхон ота йигитча бўлиб, китобларнинг ўзларига ёқсанларини томга олиб чиқиб бекитиб қўйган эканлар. Юқорида 500 сўмга сотилган китоб ўшалардан бири бўлган. 500 сўмни уйга олиб келиб, токчага бир китоб орасига қўйиб қўядилар. Бир мунча вақт ўтгач, адажоним Зиёвуддинхон ул зоти бобаракотни кўргани келиб, сұхбатлашиб, сўз орасида Самарқанд вилоятида жойлашган Имом Бухорий мақбара-масжидлари таъмирланётгани, таъмирлаш ишлари битгач, Имом Бухорий 1200 йиллигига атаб катта халқаро конференция ўтказиш мўлжалланётгани ҳақида гапирадилар. Машруъхон ота эшитиб ўтириб, сұхбат охирида ўринларидан туриб, токчадаги китоб орасидан ўша 500 сўмни олиб: “Қори, ўша ернинг таъмир ишларига менинг ҳам ҳиссам қўшилсин”, деб пулни узатадилар. Отам Зиёвуддинхон: “Ҳеч нарса керак эмас, пуллар етарли”, – десалар ҳам қўймайдилар. “Хўп, майли”, – деб отам пулни олиб кетадилар. Бир қанча вақт ўтгач, яна зиёрат қилиб кўргани келиб, Машруъхон отага Имом Бухорий 1200 йиллигига бағишлиб ўтказилган халқаро конференция жуда чиройли ўтгани ҳақида сўзлаб бериб: “Энди эртага эрталаб тайёр бўлиб турсангиз, мен Сизни Самарқандга – Имом Бухорий масжид-мақбаралари зиёратига олиб бориб, берган 500 сўм пулингизни қаерга ишлатилганлигини кўрсатиб келаман”, дебдилар. Эртасига Имом Бухорий мақбара-масжидларини зиёрат қилдириб: “Сизнинг берган пулингиз масжид томи тунукасига ишлатилди”, дебдилар. Машруъхон ота ўзларида йўқ хурсанд бўлган эканлар.

* * *

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг 1200 йиллик саналарига бағишлиб 1974 йил 24–26 август кунлари кўҳна Самарқанд шаҳрида “Имом Бухорий ва ҳозирги замон” мавзусида илмий конференция ўтказида. Унда Ватанимизнинг кўзга кўринган дин арбоблари билан бир қаторда Осиё, Африка, Европа, Американинг 27 мамлакатидан





олтмишдан ортиқ машхур диндорлар, дин арбоблари ва Бутунжаҳон Ислом уюшмаси вакиллари фаол қатнашдилар.

Конференция очилиш арафасида араб, форс, дари, инглиз, француз ва эски ўзбек ёзувида чоп этиладиган “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали саҳифаларида буюк Имом Бухорий ҳәёти ва ижоди, ул зот яшаган давр ҳақида кўплаб маълумотлар берил борилди. Конференция ишида қатнашган барча меҳмонларга муфтый ҳазрат таклифларига биноан Ўрга Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан Тошкентда кўп нусхада араб тилида нашр эттирилган буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари ҳадя этилган. Ҳар бир китобни меҳмонларга қиблагоҳим топшираётганларида барча ҳозир бўлганлар “Аллоҳу Акбар” деб тақбир айтиб туришган эди. Таъмир этилган мақбаралари зиёратига Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан мусулмонлар келганларини кўрган саудиялик меҳмон: “Мен Макка Самарқандга кўчиб келдими, деб ййладим”, – деган экан.

* * *

Бирор мусулмон давлатидан ташриф буюрган меҳмон албатта Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилиб, сўнг Самарқанд меъморий обидалари билан танишадиган бўлган. Отам Имом Бухорий масжидларида бир улут мөхмонни кутиб олиб, ҳадялар топширмоқ мақсадида бир зарбоф тўн олиб, ҳайдовчилари Мирза Абдулла aka билан йўлга тушган эканлар. Тошкент вилоятидан ўтиб боришаётганларида бирдан: “Мирза Абдулла, машинани тўхтатинг” дебдилар. Отам машинадан тушиб, бир катта ариқдан ҳатлаб ўтиб, экинлар орасида ишлаб юрган бир кекса кишининг олдилирига бориб, узоқ кўришибдилар ва ўша ерга ўтириб сұхбатлашибдилар. Бир вақт: “Мирза Абдулла, чопонни олиб келинг”, дебдилар. Катта меҳмонга аталган зарбоф чопонни ҳалиги қарияга кийгизиб, дуоларини олиб, хайрлашиб, Самарқанд томон йўлни давом эттирибдилар. Йўлда Мирза Абдулла aka: “Қори aka, у киши





ким эдилар?” деб сўраганларида: “Қиблагоҳимиз Эшон Бобохон ҳазратларини кўрган, ул зотнинг сұхбатларида бўлган одам”, – деб жавоб беридилар.

* * *

1976 йили отам Маккаи мұкаррамада бўлиб ўтган Жаҳон масжидлари бўйича Олий Кенгашнинг навбатдаги мажлисида иштирок этганлар. Мажлисдан кейин Мадинаи мунавварани зиёрат қылганларида, ул зоти бобаракотни Мадина университетига таклиф қиласидилар. У ерга бориб, устозлар билан учрашганларида дарсга олиб киришади. Шариати Исломия дарси экан. Дарсдан сўнг: “Муфтий ҳазратлари, сизда қандай таассурот қолдириди”, дейишади. Муфтий ҳазрат: “Мен фахр билан хабар қиласманки, шундай улуғ даргоҳда, Мадинаи мунавварада ўқитилаётган китоб – менинг ватандошим Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” китоблари экан”, деб Марғинонийнинг яна қандай асарлар ёзганлари, кимлар устозлари бўлгани, кимларга ўзлари устозлик қылганлари ҳақида мукаммал гапириб беридилар.

* * *

1977 йили июнь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган бутунжаҳон дин арбобларининг “Мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш ва халқлар ўртасида адолатли муносабатлар учун” шиори остида ўтган халқаро конференцияга 107 мамлакатдан 650 вакил, шу жумладан, 40 давлатдан 98 та мусулмон делегатлар қатнашидилар. Турли дин вакиллари ягона мақсад учун овоз беришга, конференция минбаридан туриб, барча давлатлар раҳбарларини мана шундай олийжаноб ниятларни амалга ошириш учун чақиришга қаратилган эди. Катта мажлислар зали делегатлар, меҳмонлар ва мухбирлар билан тўлган. Москва ва Бутун Россия патриархи Пимен жаноблари халқаро мажлисни очиб, турли давлат вакилларига конференцияни кутлаш учун сўз берди. Улар қисқа табрик сўзи билан миннатдорлик билдириб ўтиридилар.






Конференцияда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари асосий маърузачи эдилар. Ул зот араб адабий тилида маъруза ўқиётгандарида, дунёнинг оғриқ нуқталари ҳақида сўз борганда ўша мамлакатлар ҳудудида деворда осиглиқ катта ҳаритада чироқлар ёнар эди. Шу билан бирга барча динларнинг муқаддас китобларида тинчлик ҳақида нималар ёзилгани ва шу улуғ мақсад йўлдида дин арбоблари муносиб ҳисса қўшишлари лозимлиги ҳақида икки соат сўзладилар. Мен ҳам мазкур конференцияда қатнашиш шарафига мусассар бўлганман. Анжуман иккинчи куни 3 та бўлимга бўлиниб, мусулмонлар алоҳида иш олиб бордилар. Президиумга уч киши – тунислик Тамимий домла, африкалик диний арбоб ва муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни сайладилар. Отамни раис этиб тайинлашди. Мажлисни Зиёвуддинхон ҳазратлари бошқардилар. Маълум муддат ўтгач, мажлисни олиб бориш тунислик Тамимий домлага топширилди, бир вақт залда ўтирган замбиялик Мустафо деган вакил қўл кўтариб, тўппа-тўғри минбарга чиқиб, Тамимий домлагага мурожаат қила бошлади: “Эй, тунислик Тамимий, нима ҳаққинг бор раислик қилиб, мажлисни олиб боришга? Биз муфтий Зиёвуддинхон ҳазратларини раис этиб сайлаганмиз-ку?” деса бўладими. Отам: “Мустафо, ўзингни бос, мен Тамимий жанобларига ваколат бердим. Залдан келган лотин ҳарфидаги баъзи хатларни тушунмаганим учун ўзим илтимос қилдим”, дедилар. Мустафо бўласа: “Йўқ, ўзингиз раислик қилинг, илтимос!” – деб ўтиради. Отам: “Хўп”, – деб кулиб қўйдилар.

* * *

“Украина” меҳмонхонасида ўtkазilaётgan барча динларнинг ҳалқаро конференция мажлислари орасидаги танаффус вақти. Мен муфтийларнинг аёллари билан фойеда гаплашиб турибман. Шу атрофда Африканинг бир мусулмон давлатидан келган, юз-қўлларига оқ тушган киши қисилиб, кимтиниб юргандек эди. Қарасам, отам





иккинчи қаватдан ола-байроқ тўнларида нурланиб тушиб келяптилар. Бирдан ул зоти бобаракотнинг нигоҳлари ўша меҳмонга тушиб қолди. Атрофдагилар билан сўрашиб, тўппа-тўғри ҳалиги зот олдиларига бориб, қучоқлашиб, икки юзидан ўпиб кўришдилар-да, дарҳол, аҳволларини ёнларидаги таржимон йигитдан сўрай бошладилар: “Табибга кўрсатдингизми? Дориларни олиб бердингизми? Бу киши бетоб эканлар, яхши қараб турибсизми? Бу киши Танзания мамлакатидан улуғ зот бўладилар. Биз у ерга борганимизда, бизга илтифот кўрсатган”, дедилар. Меҳмонга мурожаат қилиб: “Тузукмисиз? Яхши қараб туришибдими? Бирор нарса керакми?” деб сўрадилар. Меҳмоннинг икки кўзида ёш қалқиб, юзида миннатдорлик аломати билан: “Раҳмат, муфтий ҳазратлари, раҳмат муфтий жаноблари”, деб тургани кўз олдимда қолган. Назаримда, қийналиб юрган киши Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон жанобларининг унга кўрсатган самимий меҳрибончиликларидан боши кўкка етгандек бўлган эди.

* * *

Москва конференциясида мен Иордания вақф ва муқаддас жойлар вазири доктор Абдулазиз Ҳаййот аёли, Яман бош муфтийси Аҳмад Забара аёли, Иордания университети профессори аёли, Тунисдан келган университет профессори аёлига ҳамроҳлик ва таржимонлик қилиб юрдим. Бир даврада тунислик аёл Шри Ланка мамлакатидан келган меҳмон билан гаплашиб қолди-да, мени кўрсатиб: “Буларни танийсизми? Муфтий жанобларининг қизлари бўладилар”, деди. Шри Ланкалик меҳмон даст ўрнидан туриб, салом бериб, чуқур таъзим қилиб, узр сўради. Мен ҳам саломлашдим. У: “Муфтий ҳазратлари барчамизнинг раҳнамомизлар”, деди. Мен: “Раҳмат”, дедим. Отам туфайли қанчалар катта ҳурматларга сазовор бўлган эдим.






* * *

Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари қатор шарқшунос олимлар – академик Убайдулло Каримов, профессор Шоислом Шомуҳамедов, фан номзоди Шоикром Шоисломов, кекса зиёлилардан Абдуфаттоҳ Расулов, Абдулло маҳдум Носиров, Мулла Юнус домла Ҳакимжонов, беназир хаттот Абдуқодир Муродовлар, шоирлардан Ҳабибий, Чустий, Салоҳий домлалар билан ҳамкорлик қилиб, дўстона муносабатда бўлганлар. Академик Убайдулло Каримов билан ҳамкорлик натижаси ўлароқ, Абу Али ибн Синонинг соглиқни сақдашга доир рисоласи (“Трактат по гигиене”) 1980 йили “Фан” нашриётида рус тилида нашрдан чиқди. Мазкур рисолани отам араб тилидан ўзбек тилига ўтирганлар.

Азизу мукаррам отажоним Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари – буюк мутафаккир, кенг қиррали катта олим, олийжаноб инсонпарвар шахс, улуғ дин ва жамоат арбоби, меҳр-муруватли фарзанд, меҳрибон ота, камтарин, кечиримли инсон сифатида хотирамизда абадий сақданиб қолдилар. Ҳақиқатда ҳам Шоислом Шомуҳамедов домла ўз хотираларида ёзганларидек, “Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари муқаддас дину эътиқодимиз учун қийин-қистовай замонда халқимизга тогдай таянч бўлиб туриб бердилар, зеро ул муҳтарам зоти бобаракот имкон борича, ўлкамизда мусулмонлар орасида имон-эътиқодни мустаҳкамлашда кўп фидойилик кўрсатган, исломий маърифат ва маънавиятимизнинг улуғ арбобларидан эди.

Шундай одамлар туфайли ҳар дилда сўнмас эътиқод, деярли ҳар уйда Куръони карим сақданиб қолди. Тугилган чақалоқлар қулогига аzon айтилиб, исм қўйилди, тили чиқдан болага “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деб нон тишлашга ўргатилди. Оталаримиз жанозасиз кўмилмади, улар қабри Куръон тиловатисиз зиёрат қилинмади”.





5.4. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахрифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас иродга, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Ислом Каримов

Имом ал-Бухорий халқаро марказнинг раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов сўзи:

Истиқдолнинг буюк неъмати

Ҳадис илмининг сultonи буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари дунё миқёсида нечоглиқ улкан мартабага эга бўлишларига қарамасдан, собиқ тузум даврида ўзининг муносиб қадр-кимматини топмаган сиймолардан бири эди. Энг аянчлиси, хорижий юртларда, айниқса, араб дунёсида юксак эҳтирому чексиз меҳр-муҳаббатга сазовор бўлган аллома ўз юртида бегонаю ғариб эди. Унинг ҳаёти ва бебаҳо мероси деярли ўрганилмас, аллома абадий қўним топган Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи ҳудудида жойлашган мақбараси эса ташландиқ ва ўта аянчли аҳволда эди.


Мана шу ҳақиқий аҳволдан, фикримизча, кўпчилик юртдошларимиз яхши хабардор бўлмасалар керак. Бундан бир неча йил бурун қўлимизга бош қароргоҳи Ливаннинг пойтахти Ўайрутда жойлашган, Шарқдаги нуфузли матбуот марказларидан бири бўлган “Ориент Пресс” томонидан тайёрланган бир мақола тушиб қолдики, у айнан юқоридаги мавзуга бағишланган эди. Мақола Марокашнинг пойтахти Роботда чиқадиган “ал-Аълам” (“Байроқ”) номли етакчи рўзномалардан бирида (1997 йил 28 ноябрь сонида) чоп этилган. Ушбу мақола муаллифлари буюк муҳаддис Имом ал-



Бухорийга нисбатан шўро давридаги муносабат, алломанинг Хартангдаги мақбараси қандай ахволда бўлганлиги тўгрисида бегараз, ҳаққоний тарзда ҳикоя қилганлар. Хорижий мухбирлар томонидан холисона, айни вақтда қалбда аламли оғриқ билан битилган ушбу мақола билан танишиш ҳар бир ўқувчининг бу масала хусусида фикрлашига, истиқдолимизнинг мазмуммоҳияти ва қадр-қийматини янада теранроқ англашига кўмак беради, деб ўйлаймиз.

Ушбу мақоланинг яна бир ибрати томонини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Унда диёrimизда муборак Ислом дини таълимотларини тўғри тушуниб, тўғри талқин қилишда, умуман, исломий тафаккур ва маърифатни қарор топтиришда, шунингдек, Диний идорамизнинг халқаро миқёсида нуфузини кўтаришда салмоқли ҳисса қўшган марҳум муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов ҳазратлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Муфтий ҳазратларининг, айниқса, буюк алломамиз Имом ал-Бухорий ёдгорлигини тиклап ва унинг бебаҳо меросини ўрганиш борасида халқаро анжуман ўтказишдаги улкан хизматлари қайд этилган.


Мавриди кёлганда яна шуни таъкидлаш керакки, бундан ўн йил муқаддам шахсан муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бутоқ муҳаддисга замонавий, муҳташам ёдгорлик мажмуаси бунёд этилиб, ниҳоясига етказилиши мустақил Ўзбекистонимизда бу жабҳада амалга оширилаётган улуғвор ишлардан бир нишонадир. Алломанинг 1225 йиллик тўйи муносабати билан бунёд этилган улуғвор мақбаранинг қисмати яқин ўтмишда қай ахволда бўлганлигини билиб қўйиш кенг жамоатчилигимиз, айниқса, ёшларимиз учун фойдадан холи бўлмас деган ниятда мазкур мақолани аслига монанд ҳолда араб тилидан ўзбекчага ағдариб, ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.



Имом ал-Бухорий мақбарасининг коммунистлар чангалидан қутқарилиши қиссаси

- Ливанлик муфтийнинг шуҳрат чўққисидаги Кремлни ларзага солиши.
- Коммунистлар Имом ал-Бухорий мақбарасини ахлат хонага, масжидини эса эҳтиёт қисмлар омборхонасига айлантиргани.
- Муфтий Надим ал-Жиср Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишини талаб қилиб, бир ҳафта давомида Москвадаги меҳмонхонадан ташқарига чиқмай “қамалиб” ётиши.
- Муфтий Надим ал-Жиср талабининг Бош вазир Николай Булганинга етказилиши.

Ливандаги Тароблус шаҳрининг муфтийси шайх Надим ал-Жиср ўша пайтда мамлакат парламентига депутат бўлиб, 1956 йилда собиқ Совет Иттилоғини зиёрат қилишга расмий равишда таклиф этилган эди. Муфтий Надим ал-Жиср Москва шаҳридаги меҳмонхонага келиб жойлашгандан кейин ўз зиёрати дастури билан танишар экан, советлар мамлакатига қилган ушбу сафарини Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошлишини қатъий равишда талаб қилди. Лекин Шўро давлатининг турли даражадаги маъсул ходимлари Имом ал-Бухорийнинг ўзи ким бўлган ва унинг мақбараси қаерда жойлашганлигидан батамом бехабар бўлган. Масаланинг энг даҳшатли томони шунда эдики, Имом ал-Бухорий қабри жойлашган макон ташландиқ жойга айлантирилган эди. Аммо шайх Надим ал-Жиср ўз талабида қатъий туриб олгач, меҳмоннинг кутилмаган бу “ўжарлигидан” боши қотиб қолган шўро корчалонлари Москвадан Самарқандгача поезд билан сафарга кетадиган вақт – тўрт кун давом этишини ҳисобга олиб, бу вақт орасида мақбаранинг атрофини бирмунча тозалаб, уни бир қадар ливанлик меҳмон зиёрат қилишига “тайёрлаган” бўдилар. Буюк алломанинг қабри ёнида муфтий Надим ал-Жиср чўкка тушиб кўзлари тўла ёш билан бир неча





соат давомида Куръони карим сураларидан тиловат қилиб, сўнгра Имом ал-Бухорийнинг мақбараси ва масжидига чуқур эҳтиром юзасидан унинг қабри тупроғини вазнига баробар олтинга сотиб олиш истагини билдириди. Бундан қирқ икки йил муқаддам юз бериб, Кремл раҳбарларини ларзага солган ливанлик муфтийнинг бу зиёрати Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмусига ислом маданиятининг энг табаррук қадамжоларидан бири сифатида қаралишига муайян даражада турткى бўлган эди.

Кремлни саросимага солган ливанлик шайх

1956 йилга келиб Совет Иттифоқи янги давр босқичига кириб бу даврда Иосиф Сталиннинг жасади тутул кўланкасидан ҳам асар қолмаган пайт эди. Ҳокимият раҳбари Никита Хрущев Коммунистик партия Сиёсий Бюросини мажлисларидан бирида энди бундан буён Москвага ҳам узоқ-олис юртлардан келувчилар учун ҳеч бир монелик йўқдигини билдириди. Айни шу йили Ўрта Шарқ мамлакатлари билан алоқалар “эшигини очиш” ақидалига таважоқуҳ қиласан совет ҳукумати Ливандаги Тароблус шаҳрининг муфтийси шайх Надим ал-Жисрни расмий меҳмон сифатида мамлакатга таклиф қилди. Йирик диний арабобга кўрсатиладиган алоҳида эҳтиромнинг далили сифатида совет ҳукумати ливанлик меҳмонни Москванинг энг ҳашаматли меҳмонхоналаридан бирига жойлаштириди. Аслини олганда, муфтий Надим ал-Жисрнинг Москвага қиласан бу зиёрати араб ва мусулмонлар орасидан йирик диний араббонинг расмий равища Совет Иттифоқига қиласан биринчи ташрифи эди. Ливанлик меҳмон ўзига ажратилган хонага кириб ўрнашгач, таҳминан ярим соатдан кейин хонага СССР Ташқи ишлар вазирининг масъул ходими келиб, унинг олдига зиёрат дастурини кўйди. Дастурда меҳмон Москванинг баъзи ўқув юртлари шунингдек, Ленинград, Киев, Сочи ва Ялта каби шаҳарларда бўлиб, масъул раҳбарлар билан учрашувлари кўзда тутилган эди.






Муфтийни йўдан уришиликка ҳаракат

Расмий дастурда кўрсатилган шаҳарлар ва жойларни зиёрат қилишдан олдин, шайх Надим ал-Жиср, сафарни Имом ал-Бухорийнинг мақбарасини зиёрат қилиб, унинг масжида намоз ўқишидан бошлишини айтиб сўзида қатъий туриб олди. Бу хабарни эшитиб, ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимининг қўлидан сафар дастури тушиб кетаёзди, чунки Имом ал-Бухорий кимлигини у мутлақо билмас эди. Бундан ҳам аянчлиси шу бўлдики, на ташқи ишлар вазирлигидаги масъул раҳбарлар, ҳукумат вакилларидан бирортаси ҳам буюк муҳаддис ҳақида ҳеч нарса эшитмаган эканлар. Шундан кейин бу шаввазлар турли туман воситаларни ишга солиб ливанлик меҳмонни йўдан уришга уриндилар, меҳмонга мамлакатдаги ажойибу гаройиб ва эътиборли бошқа жойларни кўрсатишни ваъда қилиб, уни бу фикрдан қайтаришга ҳаракат қиласилар. Аммо меҳмон бир қадар малолли бўлса-да мезбонларни огоҳлантириб узил-кесил: “Менинг Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш хоҳишм қондирилади ёки мен ҳеч қаерга бормай, Байрутга қайтиб кетаман”, – деб астойдил туриб олди.

Ливанлик меҳмонни ўз хонасидан чиқмай “қамалиб” ётиши роппа-роса бир ҳафта давом этди. Мана шу бир ҳафталик ваqt СССР Министрлар Совети хузуридаги Диний ишлар кенгаши мутасаддиларининг Имом ал-Бухорий мақбарасининг ахволи қай тарзда эканлигини аниқлашга кетди.

Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, доктор Шамсиiddин Бобохонов шундай ҳикоя қиласиди. “Москваудаги корчалонлар қиблагоҳимиз Зиёвуддинхон Бобохонов (шу вақтда у киши Ўрга Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати раисининг муовини бўлиб ишлардилар) билан телефонда бояланиб, Имом ал-Бухорий мақбараси ҳақида сўраб-сuriштирганлар. Қиблагоҳимиз ливанлик муфтий боришни истаётган манзил зиёратчини қабул қилиш учун мутлақо





яроқсиз эканини айтиб, ҳозир у жой ташландиқ ва қаровсиз омборхона сифатида ишлатилишини ва мақбарага борадиган йўл ҳам асфальтланмаганини тушунтиради ”.

Имом ал-Бухорий мақбараси хусусидаги бу хабарлар Кремлиниг энг юқори раҳбарларига, ҳатто бош вазир Николай Булганининг қулогигача бориб етди. Натижада улар шошилинч равишда бу шармандали вазиятдан чиқишининг йўлларини излай бошлидилар. Чунки Ливан мамлакатида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бутун дунёга очиқ бўлиб, бир томондан Имом ал-Бухорий мақбарасининг аянчли аҳволи, иккинчидан, Совет Иттифоқида яшовчи мусулмонларнинг ҳаёти ҳақидалиги Ливанлик муфтийнинг биргина интервьюси ҳам Ўрта Шарқ минтақасида, мусулмон дунёсида режалаштирилган учча-мунча ишларни чипакка чиқариши турган гап эди.

Имом ал-Бухорий ёдгорлигини қайта таъмирашга ҳаракат қилинса, бу ишни самолётда Москвадан Тошкентгача учиш вақтига кетадиган бир неча соатда амалга ошириш мумкин эмасди. Дарвоқе, ливанлик меҳмоннинг Москвадан Тошкентга сафарини нега поездда ташкил қилиш мумкин эмас? Устига-устак, поездда сафар қилиш хавфсизлик жиҳатидан ҳам ишончлай ва бехатар ҳисобланади. Энг муҳими, меҳмоннинг Тошкентгача поезд билан сафари мобайнида мақбарани бироз эпақага келтириш ва масжидни таъмираш учун барча имкониятларни ишга солиш имкони тугилади-ку! Бу ишларга бошчилик қилишни ихтиёрий равишда Зиёвуддинхон Бобохонов ўз зиммаларига оддилар.

Доктор Шамсиддин Бобохонов ўз ҳикоясини давом эттириб, шундай дейди: “Бу шошилинч вазифани адо этиш учун қиблагоҳимиз аzonлаб Тошкентдан Самарқандга жўнадилар ва шаҳарга етиб келиб, Хартангга боришдан аввал шаҳар ижроия қўмитасининг раиси ва бошқа масъул раҳбарлар билан учрашадилар. Имом ал-Бухорийнинг мақбараси ва Хартанг қишлоғи Бухорога кетадиган йўл





бўйида жойлашган. Бу ерга етиб келгач, қиблагоҳимиз мазкур ишни бажариш ўта мушкул эканлигини тушунганлар”.

У яна давом этади: “Қиблагоҳимиз дучор бўлган энг биринчи муаммо – тоғдай бўлиб уйилиб ётган чиқиндиларни ташиб чиқариш ва ерни текислаш учун ишчи кучларни жалб этиш эди. Чунки бу пайт куз охирлаб, Ўзбекистонда эса пахта йигим-терими қизгин паллага кирган, каттаю кичик терим билан банд эди. Қиблагоҳимиз кечаси билан мижжа қоқмай чиқадилар, чунки вақт жуда зиқлигини яхши билардилар. Оддинда эса иккита улкан вазифа туради: ливанлик меҳмонни муносиб тарзда кутиб олишга тайёргарликни таъминлаш ва бу фурсатдан фойдаланиб Мовароуннаҳр минтақасидаги энг табаррук исломий обидалардан бирига давлат ва раҳбарият эътиборини қаратиш. Қайсики, бу беназир тарихий ёдгорлик коммунистик мафкуранинг асосини ташкил қилган моддий диалектика” нинг гайри диний зулми остида сал бўлмаса йўқ бўлиб кетаёзган эди. Қиблагоҳимиз қишлоқ аҳлидан бу хайрли ишда ҳар ким ўз имконига яраша ёрдам беришларини илтимос қиладилар”.

Шайх Зиёвуддинхон Бобохонов амалга оширган биринчи қадам – бу катта юк машинасини сўраганлари бўлди. Чунки транспорт воситаси қишлоқ аҳолисининг бебаҳо тарихий обида теграсини тартибга келтириш ишларини имкон борича тезроқ тугаллашида катта роль ўйнарди. Иш бошлангандан бир кун ўтар-ўтмас, экскаватор, тўртта юк машинаси ва ёрдамга келган икки юздан ортиқ мусулмонлар ишга астойдил киришиб кетдилар. Улар учун эса ҳар куни хайр-эҳсонга тушган бир неча кўй сўйилиб, тушлик тайёрланарди.

Намоз ўқиши ва кўз ёшлари

Мақбара ва масжид атрофидағи ташландик жойни (матнда “Аушман”) тозалаш учун тўрт кечаю тўрт кундуз тинмасдан меҳнат қилиниб, соат миллари тонг соат тўртдан ўтганда нари-бери ниҳоясига етказилди. Айни шу вақтда муфтий Надим ал-





Жисрнинг ҳам кўп сонли мезбонлар ҳамроҳлигидан Хартангга келиши белгиланган эди.

Доктор Шамсиiddин Бобохонов ҳикоя қиласи: “СССР даги исломий республикалар (Ўрта Осиё республикалари кўзда тутилади – У.У.) айни жаҳаннамдан тўлиқ жаннату фирдавсга ўтди, деб Москва бутун оламга воқеликни бўяб жар солишига қарамасдан, ҳали бу жойларга электр қуввати етиб келмаган эди.

Коммунистик партиянинг масъул раҳбарлари ливанлик меҳмоннинг Хартангга келишини кечасига режалаштирилар. Улар фикрича, машиналар фарааларининг ёргуида меҳмон муайян “керакли” жойларнигина кўриб, зиёратгоҳ атрофидағи бошқа жойларни кўрмаслиги лозим эди. Зиёратгоҳни чиқиндидан тозалаш каби улкан ишнинг тугалланиши ўзига хос бир мўъжиза бўлиб, унинг атрофидағи муҳитда шундай бир аянчали манзара мавжуд эдики, бу маскан асло Имом ал-Бухорийдек буюк алломанинг мақбараасига ҳам ўхшамасди. Шу боисдан ҳам коммунист раҳбарлар бу ерда шайх Надим ал-Жисрнинг зиёратгоҳдан тезроқ чиқишини сабрсизлик билан кутардилар.”


Яна Доктор Шамсиiddин Бобохонов ҳикоя қиласи: “Саҳар вақти ропша-роса соат тўртда шайх Надим ал-Жиср машинадан тушиб, (бу воқеа 1956 йиининг кузида юз берган), Имом ал-Бухорийнинг мақбараасига яқин келгач, ўзини кузатиб борувчилар ва истиқболига пешвоз чиққанлар ўртасида чўккалаb ўтириб олиб, Куръони каримдан “Фотиҳа” сурасини, сўнгра бошқа сураларни узлуксиз тиловат қила бошлади. Ҳамма ушбу манзарадан ҳайратта тушиб, уни кузатиб турарди. Муфтий эса шу алфозда токи пешингача Куръон оятларидан тиловат қилишда давом этди. Унинг юмилаган кўзларидан тўхтовсиз ёш оқарди. Ниҳоят, у Куръон тиловатини тўхтатгач, ёнларидагиларга қараб: “Мансаб жиҳатидан энг каттангиз қайсингиз?” – деб сўради. Самарқанд шаҳрининг муҳофизини (шаҳар ижроия қўмитасининг раиси) кўрсатишгач, унга Республика Президенти билан учрашиши лозимлигини айтди.



Бу билан меҳмон Республика Олий Совети Президуми раисини кўзда тутган эди. Ҳақиқатда ҳам ливанлик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг ўша пайтдаги раиси Ёдгор Насридинова билан учрашишга муваффақ бўлди. Учрашув пайтида ливанлик меҳмон Ёдгор Насридиновага ўзининг Ливандада тутган катта диний-илмий нуфузи ва сиёсий мавқенини тушунтириди. Шундан сўнг, шайх Надим ал-Жиср Имом ал-Бухорий мақбараси ва ундан оладиган тупргини вазнига тенг келадиган олтин баробарига сотиб олиш истаги боралигини иззор қилди ва бу хайрли иш Ислом оламида катта мамнуният ва хайриҳоҳлик билан кутиб олинади, деб ишонч билдириди.

Доктор Шамсиддин Бобохонов сўзи: “Ёдгор Насридинованинг жавоби бир қадар ҳижолатли ва мужмал тусда бўлиб, унинг сўзига қараганда уруш кўп бойликларга, жумладан, одамларга ҳам катта зиён етказган. Щунингдек, дарёлардаги тошқиналар давлат зиммасига ҳам, одамлар зиммасига ҳам ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Яна у ўз сўзида давом этиб, яқин келажакда Хартанг қишлоғидаги ёдгорлик батамом таъмирланиб, буюк олим Имом ал-Бухорийнинг юксак мақомига мос равишда қайта курилади, деган фикрни билдириди. Шайх Надим ал-Жисрнинг Имом ал-Бухорийнинг абадий қўним топган жойи – Хартанг сафари мана шу тарзда ниҳоясига етди.” Умуман олганда, шайх Надим ал-Жисрнинг ушбу зиёрати ўша вактда буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг мақоми – мартабасига нисбатан эътибор уйғотишга сабаб бўлди. Чунончи, бир неча йиллардан кейин Диний идорага мақбара, масжидни таъмир қилиш, кутубхона ва меҳмонхона қуришга рухсат берилди, муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов ҳазратлари зиммасига Имом ал-Бухорийнинг мероси ва унинг муассасаларига раҳбарлик қилиш юклилди.

Дарҳақиқат, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон 1957 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари идорасининг раиси ва муфтийси мансабига сайландилар. Ўзлари бир





вақтлар бошлаган Имом ал-Бухорий қабри ва масжидининг тўлиқ таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш мақсадида муфтий ҳазратлари Тошкентдан Хартанг қишлоғига келиб, мақбарани таъмирлаш ва тиклаш ишларига шахсан ўзлари бошчилик қилдилар. Яна шуни ҳам келтириш лозимки, муфтий Зиёвуддинхон ўзлари моҳир бөгбон бўлганликлари учун ҳам ушбу ёдгорлик атрофини бөг - роғта айлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бердилар.

Жумладан, 1974 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда биринчи марта халқаро анжуман ўтказилди. Ушбу анжуман Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистоннинг хорижий дунё, Ислом ва араб мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга асос солди. Имом ал-Бухорийга бағишлиланган бу анжуманга 27 давлатдан вакиллар иштирок этдилар.

5.5. Буюк Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги

Улуғ муҳаддис Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорий тугилганининг 1200 йиллигига бағишлиланган халқаро анжуман 1974 йил августида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман ҳақли равища узоқ ўтмишда ҳам, яқин тарихимизда ҳам tengi йўқ, халқаро воқеа бўлди. “Имом Бухорий ва ҳозирги замон” мавзуидаги илмий анжуман бу халқаро тадбирнинг чўққиси бўлди. Машҳур ва етакчи уламоларнинг ушбу йирик анжумани чинакам маънавий кўтаринкилик руҳида ўтди, келгусидаги улкан ишларни ҳамкорликда бажаришнинг тўғри йўлларини белгилаб берди. Мазкур анжуманнинг муваффақияти ва самарали якунлари Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларида исломий тажриба ва билимларнинг чинакам ва туганмас манбаи, бутун дунё мусулмонлари учун илҳом ва гайрат манбаи яширганини исботлади, динимиз равнақига буюк хизматлари сингган уауг алломаларга бағишлиб ўтказиладиган йигинлар мутлақо фойдали бўлнишига мусулмон дин арбобларини тўла ишонтириди.





Айни чоқда, бундай анжуманлар ёш авлодни боболаридан қолган энг яхши анъаналарни авайлаб-асрашга ўргатади, ҳаётда тўғри йўлни топишларида ёрдам беради.

Анжуман арафасида Шайх Зиёвуддинхон ташаббуси билан Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад” китоблари араб тилида нашр этилди. Ушбу китоблар ҳозир ўзбек тилига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этиляпти, жуда кўплаб мусулмон оиласарда эъзозланиб ўқиб ўрганиляпти. Анжуман ишида Осиё, Африка ва Оврупонинг 27 мамлакатидан 60 нафар йирик олим, дин арбоблари ва Бутунжаҳон Ислом Лигаси вакиллари иштирок этилди.

Анжуманни чақиришдан олдин Шайх Зиёвуддинхон бошчилигидаги маҳсус қўмита жуда улкан илмий-ташкилий тадбирларни амалга оширди. Унинг таклифи билан анжуман очилиши арафасида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобини кўп минг нусхада чоп эттирди. Тарихдан маълумки, Имом Бухорий бутун умри давомида чинакам жасорат билан тўплаган ушбу бебаҳо ҳадислар тўплами хурофот ва жаҳолат йўллари устидан Ислом узил-кесил галаба қозонишига улкан ҳисса қўшган. Мусулмонлар ушбу китобдан ўзларининг кундалик ҳаётлари учун энг ишончли буйруқ, кўрсатма ва насиҳатларни топди. Шунингдек, анжуман олдидан буюк Имом ва у яшаган давр ҳақида кўплаб мақолалар туркуми матбуотда эълон қилинди. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган “Имом Бухорий” жомеъ масжиди ва буюк маҳаддис мақбараси катта таъмирланди.

Анжуман Куръони карим ояларидан тиловат қилиш билан бошланди. Шундан сўнг муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон табрик учун сўз олиб бундай деди:

“Бизнинг ўтган анжуманларимиз исломий ҳаётнинг турли қирралари – шариат, ижтимоиёт ва сиёsat масалаларига багишланган эди. Бугунги анжуман эса бутун умрини Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) муборак ҳадисларини йигиши,



сарадлаш ва тартиблашга бахш этган буюк муҳаддис Имом Бухорий шарафига ўтказилмоқда.

Биз бу анжуман барча мусулмонларнинг муқаддас динимизга садоқати ва ишончини яна бир бор тасдиқ этади, бир-бирлари билан биродарлик ришталарини, барча хур фикрлар инсонлар билан ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш заруратини янада яхшироқ англашларига сабаб бўлади".

Халқаро анжуманда яна бир қатор меҳмонлар, жумладан: Иордания Олий қозиси Шайх Абдуллоҳ Гўша; Мусулмон уламолари жамияти раиси, Ислом олами Куръон ҳофизлари уюшмасининг Бош котиби Шайх Зоҳир Қосимий; Миср Араб Республикаси давлат вазири, мамлакат Мусулмон ёшлари уюшмаси президенти доктор Иброҳим Таворих Таховий; Афғонистон уламолари кенгаши раиси доктор Муҳаммад Саид Афғоний йигилганларни табрик сўзи билан қутлашди. Шунингдек, Ливия муфтийи Тоҳир Зовийнинг табрик мактуби ўқиб эшиттирилди.

Анжуманда муфтий Зиёвуддинхон Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга багишлиланган ўз маъruzасида муҳаддислар имомининг ҳаёт йўлидаги асосий даврларга тўхталар экан, буюк Имомнинг Бухорода тақводор, солиқ ва художўй оиласида тугилгани билан бутун ҳалқимиз фахрланиши эътиборни қаратади. Тарихдан маълумки, Имом Бухорийнинг отаси Исмоил ўз даврининг ўқимишли, илм-фанга қизиқиши катта бўлган кишиси эди. У йирик олимларни, машҳур муҳаддисларни ўғлига дарс беришлари учун уйига таклиф этарди. Яман ҳукмдорининг невараси Абдуллоҳ ал-Мусқадий ибн Жаъфар ибн Яман бўлгуси муҳаддиснинг илк устози бўлди. Имом Бухорий 11 ёшлигига ёқ устозларидан бири Доҳилий билан илмий баҳсга киришади, ҳатто унинг ёзма ёки оғзаки нутқида учраган айрим хатоларни тузатади. Ўн олти ёшга кирганида Ибн Муборак ва Вакия каби машҳур муҳаддисларнинг китобларини ёддан билар эди.





Имом Бухорий ўз ватани Бухорода диний билимларни пухта эгаллаганидан сўнг онаси ва акаси Аҳмад билан биргаликда Макка сари отланади. Ҳаж фарзини адо этишгач, онаси билан акаси яна Бухорога қайтишди. Илмга чанқоқ Мұҳаммад эса ҳадисларни янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш учун Маккада қолди. Маккан мұкаррамада у Абу Валид Аҳмад ибн Мұҳаммад Аэроний, Исмоил ибн Солан Санғ каби таниқди олимлардан сабоқ олди. Шундан сўнг Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) муборак равзаларини зиёрат қилиш учун Мадинаи мунавварага борди. Шу ерда у ўзининг илк асари – Расудуллоҳнинг (с. а. в.) саҳобалари ҳақидаги китобни ёзишга киришди, кейинчалик жуда кўплаб ҳадис ровийлари санаб ўтилган “Тарих” китоби дунёга келди.

Бу икки китоб Имом Бухорийнинг дунёқараши нақадар кенг ва илмий салоҳияти қанчалик ўткирлигини, шунингдек, ҳадис ровийлари таржимаи ҳолини яхши билишини кўрсатди. Шу боис бу китоблар илм аҳли орасида катта эътибор қозонди. Масалан, бу ҳақда олимлардан Абу Саид Маҳмуд Шофеъий: “Мен мисрлик ўттиз нафар олим, Имом Бухорийнинг “Тарих” китобини дунёда ҳар бир мусулмон ўқиб-ўрганиши керак, дея таъкидлаганини эшитганман”, деб ёзади.

Имом Бухорий Мадинада бир йил яшаганидан сўнг ҳадисларни жамлаш, ўрганиш мақсадида яна сафарга отланди. Беш йил Басрада истиқомат қилди. Орада бир неча марта Маккан мұкаррамага бориб, кўплаб мұҳаддислар, олимлар билан учрашиб, сұхбатлашди. Икки марта Шомга (Сурия) сафар қилди. Миср ва Қатарга борди, олти йил Ҳижозда яшади, кўп марта лаб Күфа, Багдод шаҳарларида бўлди. Буюк Имом кўпинча фақат бир мұҳаддис билан учрашиш учун бўлса ҳам машаққатли сафарга чиқарди. Кўпийллик машаққатли меҳнатлари самараси ўларок, 1080 олим ва ровийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жамланган бебаҳо манба юзага келди.

Имом Бухорий тириклик пайтидаёқ жуда катта шуҳрат қозонди. Қаерга борса, ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб





олинарди. Унинг шарафига олимларнинг йирик мажлислари уюштириларди. Абу Саҳл Маҳмуд ибн Наср бундай ёзади: “Мен Басра, Шом, Ҳижоз, Куфада бўлдим, кўп олимлар билан учрашдим, аммо ўзини Имом Бухорийдан юқори кўя оладиган ҳеч кимни кўрмадим”.


Имом Бухорий ҳадис тўпловчи сифатида қандай ютуқдарга эришган бўлса, у қўллаган илмий тадқиқ услубининг янгилиги ва мукаммаллиги дандир. “Мен олдинги муаллифлар қилганидек ёзиб олавермадим, энг один ровийнинг исмини сўрадим, унинг қандай оиласдан эканини, ростгўйми-йўқми, қандай қобилиятали борлигини суриштириб билдим” – деб таъкидлайди ўзи.

Агар баъзи томони шубҳа уйғотса, ҳадис айтувчи ўша одамнинг исмини ровийлар рўйхатига киритмаган. Бу борада Муҳаммад ибн Набийнинг: “Мен бир куни Имом Бухорийдан ҳадисларни жамлашда қандай услуб қўллаганини сўрадим. У: “Жамлаганларим аниқ ва ишончли бўлишини ўйлаб мен бир ишончсиз ровийнинг ўн минг ҳадисидан бирортасини ҳам китобга киритмадим”, деб жавоб берди” дегани тарихларда келтирилади.

Имом Бухорийнинг эслаб қолиш лаёқати, илмий ақл-заковати ўқувчини ҳайратга солади. У барча йирик муҳаддислар қайд этган деярли барча ҳадисларни, уларнинг ҳадисга доир ёзган мулоҳазаларини ёдлаб олган. Қодир Аллоҳ Имом Бухорийни юксак тугма қобилияtlар, кучли хотира қуввати билан сийлаган эди. У ҳамиша ҳақиқатни ҳимоя қиласди, уни бузиб кўрсатувчиларга қатъий қаршилик билдиради, муроса қилиб ўтиrmасди.

Буюк алломанинг оламга машҳур китоби “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (Ишончли ҳадислар тўплами) китоби чиндан ҳам жуда улкан машаққатли меҳнат самарасидир. Китоб 160 бобдан иборат. Имом Бухорий 283 ровийнинг 600 минг ҳадиси орасидан 7397 та энг ишончлисини (саҳиҳини) бу китобга киритган. Ҳожи Халифа айтишича, бу китобга 60 дан ортиқ шарҳ ёзилган (кўпи





кўлёзма ҳолича қолмоқда), шарҳларга эса кўплаб ҳошиялар битилган, мухтасарлар тайёрланган.

Улуғ имомнинг “*Одамларнинг ёргу келажаги илм-фан ва маданиятнинг ривожига боғлиқ*”, – деб айтган асосий фикри Куръони карим “Фотир” сураси 19–20-оятлари мазмунига уйғундир: “Кўр (кофир) билан кўрувчи (мўмин) баробар бўлмас, зулматлар (куфр) билан нур (имон) ҳам”.


Мазкур оятларда жуда улуғ ҳикмат яширган. Илм-фан нурга қиёсланмоқда, жаҳолат эса қоронгуликка, олим – кўзи очиқ одам, жоҳил эса – сўқирга ўхшатилган.

Имом Бухорий таъкидлашиб, инсондаги энг бебаҳо неъмат унинг пок имон-эътиқоди ва юксак маънавиятидир. Алломанинг “*Ал-Адаб ал-муфрад*” китобида келтирилган 270-ҳадисда “*Ҳаёт тарозусида энг азиз, оғир келадиган нарса инсоннинг пок маънавияти, гўзал ахлоқидир*” дейилади.

Ислом динимиз ҳамиша мусулмонлардан, айниқса, олимлар ва дин хизматчиларидан ахлоқ тамойилларига қатъий риоя этишни, маънавий ва жисмоний поклик дахлсизлагини сақлашни талаб этади. Китобда келтирилган 288-ҳадисда: “*Инсонга берилган тўрт сифат зарар келтирмайди, булар умр бўйи унга ҳамроҳ бўлиши керак: юксак ахлоқ, одиллик, тўғрилик ва ҳалол ризқ талаби*”, дейилган.

Чинакам мусулмон киши умрининг ҳар кунини ҳадисларда баён этилган ахлоқий тамойиллар асосида яшashi лозим. Мусулмон одам ўзидағи жаҳолат, кибр ва манманлиқ, қўполлик, бошқаларнинг ғамига лоқайдлик каби иллатларни бартараф этиб боради, илмга интилиш, ота-онага, ёши катталарга ҳурмат, раҳмдиллик, дўстпарварлик каби эзгу фазилатларни тарбиялади...

Муфтий Зиёвуддинхоннинг ёрқин, таъсирчан нутқи туфайли анжуман иштирокчилари кўз ўнгида мұхаддисларнинг Буюк Имоми – озгин, қотмадан келган ўрта бўйли нуроний аллома қиёфаси аниқ гавдалангандай бўлди. Имом Бухорий жуда камтар инсон бўлиб, ҳеч қачон шон-шуҳратга интилмаган.





Унинг бирдан-бир завқи, ҳаётдан ягона мақсади Аллоҳнинг ҳақ дини ва ҳақиқатга хизмат қилиш эди. Аллома бу дунёning ўткинчи фарогати, бойликлари ортидан қувмай, чиндан ҳам илм олишга, ҳақиқатни қарор топтиришга интилди, одамларга доимо саҳоват билан моддий ва маънавий кўумак бериб яшади.


Буюк Имом жуда салмоқли ва бебаҳо илмий мерос қолдирди. Унинг китоблари бизнинг замонамизда ҳам тўғри йўлдаги ҳар бир мусулмон учун маънавий юксалиш манбаи бўлиб хизмат қиласида. Қомусий асарларининг аҳамияти замонлар ўтиши билан ортиб боради, асло камаймайди. Мана шундай инсонлар ҳақида Муҳаммад пайғамбаримиз (с. а. в.) бир ҳадиси шарифларида: “Фойдали илмни мерос қолдирган мусулмоннинг амал дафтари ёпилемайди, то одамлар унинг илмидан фойдаланишар экан, унга ҳам савоби етиб туради...” дега марҳамат қилгандар. Имом Бухорий ҳазратлари ҳам ушбу ҳадиси шарифни тақрорлашни яхши кўрардилар.

“Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби туфайли Имом Бухорийнинг номи Ислом тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди...

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг барча иштирокчилар диққат-эътибор билан тинглаган нутқидан сўнг бир қатор мамлакатлардан келган дин арбоблари сўзга чиқишли. Мехмонлар Самарқанд анжумани ишига юқори баҳо беришли.

Бутунжаҳон Ислом Лигаси бош котибининг ўринбосари шайх Муҳаммад Сафват ас-Сақо ал-Аминий (Макка, Саудия Арабистони) бундай деди: “Мазкур анжуман жаҳоннинг шунча кўп таниқли уламоларини бир жойга тўплай олган экан, у албатта ўсиб келаётган ёш авлодни ўзининг шарафли ўтмиши билан боғлай билади, бутун дунё мусулмонларини ўз фаолияти билан таниширига олади”.

Шайх ал-Аминий кейинчалик хотираларида мазкур анжуман таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўша унтутилмас кунларда унга “дунё мусулмонларининг маркази гўё Маккадан Самарқандга кўчгандай туюлгани”ни ёzáди. У





муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг муқаддас динимиз равнақи йўлида, бутун дунё мусулмонларини бир-бирларига яқинлаштиришга, дўст-биродарликларини мустаҳкамлашга сабаб бўладиган нуғузли халқаро анжуманни чақиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Танзания Ислом мактаби директори Мусса Махунга:

“Бу анжуман қалбларимизда Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) муборак суннатларига, буюк муҳаддис Имом Бухорий жамлаган ҳадиси шарифларига файз, шукуҳ ва муҳаббат уйғотади. Бу алломанинг саъӣ-ҳаракатлари туфайли мусулмонлар Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) муборак сўзлари ва насиҳатларини уларга эргашиш учун сақлаб қолишга муваффақ бўлишиди”.

Панҷоб вилояти муфтийи, Лаҳор шаҳри жамеъининг имом-хатиби шайх Абдулқодир Озод: “Имом Бухорий сиймоси, китоблари ҳамиша инсоният йўлига нур сочувчи улкан ёритқичлар бўлиб қолади”.

Анжуманнинг яна кўплаб иштирокчилари ва меҳмонлари шундай эзгу дил сўзларини айтишди, эҳтиром ва юксак эътиборларини баён этишди.

Ал-Азҳар дорулфунуни проректори шайх, доктор Муҳаммад Абдураҳмон Бисар Имом Бухорийни “ўз давридан анча ўзиб кетган олим” дея таърифлади. Буюк аллома ҳадиси шарифларни ўрганиш орқали Исломнинг илмий-техникавий тараққиётига, турли халқларнинг ўзаро яқин, дўст-биродар бўлишларига асло тўсиқ бўлмай, балки ёрдам беришини, тўтри йўлни кўрсатишини, динимизнинг барча замонлар учун ҳамиша лаёқатли эканини исботлаб берди. Дунёда самарқандлик буюк алломанинг асалари ўрганилмайдиган бирорта исломий илм маскани йўқ. Араб шарқи мусулмонларининг Ўрта Осиёдаги диндошлари билан алоқалари чуқур илдизларга эга. Бутун дунёда тинчлик ва тараққиётга хизмат қилувчи бундай алоқаларни доимо мустаҳкамлаб бориш талаб этилади.





Миср Араб Республикаси Мусулмон ёшлари уюшмаси президенти доктор Иброҳим Таховий фикрича, Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби мусулмон тафаккурининг шаффоф ва покиза булогидир, эзгулик тамойилларининг адолат, тенг-хуқуқлилик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашида нур сочувчи маёқ кабидир.

Ироқ вақф ишлари бошқарувчиси жаноб Нофेъ Қосим сўзида бундай деди: “Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, унутилиб кетувчилик, фақат чинакам олимлар келгуси авлодлар хотирасида мангу яшайдилар. Имом Бухорий номи тарих саҳифаларидан сира ўчмайди. Чунки инсонга муносиб ахлоқ, феъл-атворни шакллантиришда, имон-эътиқодни мустаҳкамлашда, қалб поклигига эришишда, Ислом шариатининг муқаддас қоидаларини сақлаб қолишида, Ислом гояларини сохталаштиришдан, бузиб талқин этишдан ҳимоя қилишда Имом Бухорийнинг хизмати чинакамига бебаҳодир. Ахир Имом Бухорий илм-фан эндиғина оёқقا туроётган даврларда яшади. Ер юзининг катта қисми ҳали зулматда бўлган даврда у күёш каби нур сочди. Аллоҳ таоло Имом Бухорийни Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) аниқ ва ишончли, пок суннатларини барча мусулмонлар учун сақлаб қолишида мўътабар сабаб қилди”.

Анжуман якунида тўгри эътиқодли барча мусулмонларнинг интилиш-эҳтиёжларига ҳамоҳанг уйгун қарорлар қабул қилинди. Анжуманинг умумий холосасида Имом Бухорий ҳадис иамида тенгсиз улуғ сиймо экани, унинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобида тўпланган ҳадислар энг мўътабар манба бўлиб қолиши таъкидланди. Мазкур ҳужжатда бутун аунё мусулмонлари тинчлик, баҳт, дўстлик ва ижтимоий тараққиёт йўлида дўстона алоқаларни, яхши ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ўз мамлакатлари иқтисодиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун гайрат билан меҳнат қилишга, фойдали билимларни эгаллашга чақирилади.





Анжуман иши якунланганидан сўнг барча иштирокчилар Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига йўл олишди. Бу ерда минглаб маҳаллий аҳоли меҳмонларни зўр қувонч ва самимият билан кутиб олди.


Хартангдаги тантаналар бошланиши олдидан Мир Араб мадрасаси талабалари Куръони карим оятларидан тиловат қилиб беришди, савоби буюк Имомнинг руҳониятига бағишлианди. Улуг аллома шарафига битилган шеърий қасида ўқиб эшилтирилди. Шундан сўнг анжуман иштирокчилари Имом Бухорий номи берилган жомеъ масжида пешин намозини адо этишди. Уларга буюк муҳаддиснинг Ўзбекистонда нашрдан чиқарилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-Адаб ал-муфрад”, “Суласият ал-Бухорий” китоблари ҳадя қилинди.

5.6. Ҳижрий XV асрнинг бошланиши – милодий 1980 йил

Мехрибон Аллоҳнинг иродаси билан мусулмонларнинг ҳозирги авлодига исломий йил ҳисоби бўйича XV асрда яшаш насиб этди. Ҳижрий йил ҳисоби милодий 622 йили 16 июль куни Муҳаммад пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) Маккадан Ясриб (Мадина)га кўчишларидан бошланган. Ҳудди ўша йили жаҳон тарихининг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб қолган янги – Ислом тамаддунига тамал тоши қўйилди. Барча мамлакат мусулмонлари бу ажойиб байрам – ҳижрий XV аср киришини инсониятнинг энг эзгу орзуси – халқлар ўртасида ялпи тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликка эришиш борасидаги қутауғ ниятлари билан боғлашди.

Ҳижрий 1399 йил жумодуссоний ойининг 12–13-кунари (1979 йил 10–11 май) Москвада собиқ Иттифоқдаги барча Ислом ташкилотлари вакилларининг йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишда режаланган тантаналарга тайёргарлик кўриш масалалари мухокама этилди. Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон “Ҳижрий XV аср ва мусулмон ташкилотларининг





навбатдаги вазифалари” мавзуида сўзлади. Муҳокамаларда уч минтақа – мамлакатнинг Оврупа қисми ва Сибирь, Шимолий Кавказ, Кавказорти мусулмонлари раҳбарлари сўзга чиқишиди. Шунингдек, бошқа минтақаларнинг вакили бўлган дин арбоблари ҳам сўз олиб, кутилаётган нурли байрамга тайёргарлик ишлари тўғрисида маълумот беришиди. Таантаналарни қандай ўтказиш борасида бир қатор муҳим таклифлар киритишиди. Дастурда кўзда тутилган муҳим тадбирлардан бири 1979 йилнинг сентябринда Душанбе шаҳрида ўтказилиши белгиланган “Ўрта Осиё, Волгабўйи ва Кавказ мусулмонларининг исломий тафаккур ривожига, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт ишига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро анжуман эди. Мазкур анжуманга жаҳоннинг турли мамлакатларидан таниқди уламоларни ва дин арбобларини таклиф этишга қарор қилинди.

Москва учрашуви иштирокчилари Қуръони каримнинг мусулмонларни халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашига ҳар томонлама кўмаклашишга чақирувчи кўрсатмаларига амал қилиб, замонанинг энг долзарб муаммоларига ижобий ёндашувлари аниқ ифода этилган баёнот қабула қилишиди. Мазкур ҳужжатда улар бутун жаҳон мусулмонларини ялпи тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун кураш йўлида гайрат-шижоатни кучайтиришга чақиришиди.

1979 йил 12–14 сентябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Йирик халқаро Ислом анжумани ўтказилди. Бу анжуманда Жазоир, Ўраун, Яман, Тунис, Ливия, Кувайт, Сурия, Саудия Арабистони, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Бангладеш, Чад, Гвинея, Мали, Болгария, Англия, Австрия, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатлар мусулмонлари вакиллари иштирок этишиди.

Анжуманда асосий эътибор Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари номидан сўзга чиқсан муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, мамлакат Европа қисми ва Сибирь




мусулмонлари номидан сўзлаган Абдулборий Исаев, Шимолий Кавказ мусулмонлари номидан муфтий Маҳмуд Геккиев, Кавказорти мусулмонлари номидан сўз олган Шайх ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода нутқларига қаратилди. Улар ўз чиқишиларида Душанбе симпозиумининг бошқа кўплаб қатнашчилари каби мамлакатимиз мусулмонларининг кўп авлодлари Исломнинг 1400 йиллик тарихида исломий тафаккур тикланиши, равнақи ва умумжаҳон тамаддунни ривожига уакан ҳисса қўшганини ишонарли асослаб беришди. Бизнинг замонамизга келиб, – дея таъкидлашди нотиқлар, – бутун инсоният олдида бу тамаддунни ҳалокатдан, термоядро уруши оловида буткул йўқолиб кетиш хавфидан омон сақдаш масаласи кўндаланг турибди. Инсониятни учинчи жаҳон худкушалик урушининг чоҳига тортувчи зумнинг қора кучлари ўтказаётган ҳар қандай босим ва зўравонликка қарши фаол курашда ортга чекинмай, қатъий туриш ҳар бир мусулмоннинг юксак бурчидир. Душанбе симпозиумининг чет эллик меҳмонлари мамлакат мусулмонларида чинакам исломий руҳият, уларда юксак мақаддас динимизнинг ҳаётбахш анъаналарига садоқат чексиз эканига гувоҳ бўлишди.

Анжуманнинг барча қатнашчилари араб ҳалқарининг Истроил босқинчиларига қарши курашида бирдамликларини изҳор этишди. Улар Фаластин араб ҳалқи ўз она заминида мустақил давлат қуришга ҳақди эканини сўzsиз тан олишларини маълум қилишди. Яқин Шарқ муаммоси адолатли ҳал этилмас экан, Ер куррасининг тури минтақаларида уруш ўчоқлари бартараф қилинмас экан, барча мусулмонларининг ҳижрий XV асрни ялпи ва мустаҳкам тинчлик асри сифатида кўриш орзулари хавф остида қолавериши таъкидланди.

1980 йил сентябрида “Ҳижрий XV аср ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик асри бўлиши керак!” шиори остида Тошкент шаҳрида ўтган ҳалқаро анжуман ҳижрий янги асрнинг ташрифига бағишланниб ўтказилган кўп сонли тантаналарининг гултожи бўлди.





Тошкент анжуманида ҳам Жазоир, Австрия, Афғонистон, Бенин, Болгария, Гана Олмония, Ўраун, Яман, Кипр, Кувайт, Ливан, Ливия, Маврикий, Мали, Мўгулистон, Фаластин, Сенегал, Сурия, Судан, Танзания, Того, Туркия, Уганда, Финляндия, Шри Ланка, Эфиопия ва Япониянинг ҳалқаро ва минтақавий Исломий ташкилотлари ва бирлашмалари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлари фаол иштирок этишди.

Тошкентдаги тантаналарга насронийлар тинчлик конференцияси, Европа черковлари конференцияси, тинчлик учун кураш Осиё будда конференцияси каби ҳалқаро диний ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, рус, грузин, арман, православ черковлари, инжилчилар, насроний-баптистлар, лютеранлар, католик ва буддачиларнинг вакиллари келишди.

Тошкент анжуманини ёритиш учун Ливан, Кувайт, Бангладеш, Гвинея, Мўгулистон, Покистон, Англия, Австрия, АҚШ, Франция, Швеция, Швейцариядан оммавий ахборот воситалари ходимлари рўйхат қилинди.

Анжуманда асосий нутқни муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон сўзлади. Умумий ва шўъбалар мажлисларида ушбу нутқ юзасидан анча қизгин ва самарали баҳс-мунозаралар бўлди. Аллоҳ таоло марҳамати билан Мұхаммад пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) Маккадан Мадинаға ҳижрат қилишлари сайёрамиздаги жуда кўп ҳалқлар тарихида уакан сиёсий, ижтимоий ва ғоявий ўзгаришларга сабаб бўлгани борасида анжуман иштирокчилари яқдил фикрни билдиришди.

Ҳижрат туфайли мусулмонларга Макка мушрикларидан етаётган зулм, қийноқ ва азобларга чек қўйилагани маълум. Пайгамбаримиз (с. а. в.) ўзлари тугилган Макка шаҳрида одамларни ширк (кўтхудолик)дан, ҳар хил бутларга сигинишдан қайтишга чақирган эдилар. Мушриклар у зотнинг (с. а. в.) сўзларига қулоқ солишмади, қайтага оз сонли мусулмонларни таъқиб-тазиқ остига олишди, айрим саҳобаларни қаттиқ





қийноқларга солишиди. Ақоба ибн Муайт, Ос ибн Воил, Асвар ибн Абди Яғус, Назр ибн Ҳорис ва бошқа кофирлар Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) ўзларига ҳам кўп озор ва азиятлар етказар эди. Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) яқин саҳобийларидан Билол ибн Рабоҳ Ҳабаший қул эди, мусулмон бўлгани учун хўжайнини Умайя ибн Ҳалаф уни жуда қаттиқ азоб ва қийноқларга солди. Саҳобийлардан Аммор ибн Ёсир, ота-онаси ва акаси мусулмон бўлганлари учун найза санчиб, ўтга ташлаб, туга bogлаб азоб берилиди. Пайгамбаримиз (с. а. в.) улар ҳақида: “Эй Ёсир оиласи! Сабрли бўлинг. Албатта, сизлар учун жаннат ҳозирлаб қўйилган”, деб марҳамат қилганлар.

Абу Жаҳл Амр ибн Ҳишом (Абу Лаҳаб), унинг хотини Ҳинд Пайгамбаримизга (с. а. в.) жуда қаттиқ душманлик қилишиди. Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) амакилари Амир Ҳамзанинг, аксинча, мустаҳкам қатъияти, эзгуликка ишончи туфайли, дастлаб мусулмонларга қизиқиши, ҳамдардлиги ортди, кўп ўтмай мусулмон бўлиб, саҳобалар сафига кўшилди. Кейинчалик у Исломнинг моҳир қўмондонига айланди.

Мұхаммад пайгамбаримизнинг (с. а. в.) сафдошлари кўпайиб бораётганини кўрган Қурайш мушриклари у зотга қарши очиқ кураш билан бирга, ҳар хил ҳийла-найранг ва макр йўлларига ҳам ўтишди: Исломга даъват қилишдан қайтса, Пайгамбаримизга (с. а. в.) тенгсиз бойлиқ, ҳатто тоҷ-тахтни ваъда қилишиди. Уларга жавобан Расулуллоҳ (с. а. в.) Аллоҳтаоло бу хусусда нозил қилган оятларни ўқидилар: “Бас, агар улар (Макка мушриклари) юз ўғирсалар, у ҳолда айтинг: “Мен сизларни худди Од ва Самуд (қабилаларини урган) чақмоққа ўшаган бир чақмоқ (ҳалокат)дан огоҳлантиридим” (“Фуссилат” сураси 13-оят).

Макка мушрикларининг Пайгамбаримизни (с. а. в.), саҳобаларни йўлдан уриш учун барча уринишлари шармандаларча йўққа чиқаверди. Албатта, дастлабки босқичда кучлар нисбатига кўра мушриклар устун эди. Шунинг учун Пайгамбаримиз (с. а. в.) имонларини, ҳаётларини сақлаб





қолиш учун саҳобаларга турли юртларга ҳижрат қилишга рухсат бердилар. Кўп саҳобалар туғилиб ўсган жойлари, қариндошлари ва яқинларини қолдириб, олисларга кетишга мажбур бўлишди. Ҳижрат қилган мусулмонлар турли қийинчиликларга дуч кедилар. Аммо улар Аллоҳ таоло ризолиги учун бу оғир синовларга сабр қилишди, дину имонларини асраб, яхши кунлар умидида яшаши. Исломият дарахтининг илк илдизлари яхши ўрнашиб, қувват олишида мадиналикларнинг маккалий мусулмон биродарларини энг яқин кишилардек кутиб олишлари, улардан уй-жой, ер ва рўзгор асбобларини аямаганлари улкан воқеа бўлди.

Макка мусулмонларининг Ясриб (Мадина)га кўчишлари муносабати билан бу ерда Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) издошлари – саҳобалари сони анча кўпайди. Аллоҳ таоло Мадинаи мунаvvара янги мусулмонлар жамоасининг шакланиш маркази бўлишини ирода этди. Пайгамбар (с. а. в.) Мадинада Ислом тамойилларини тинимсиз ташвиқтарғиб этдилар, одамларга содда қилиб тушунтиридилар. Кўпхудоилик билан боғлиқ бўлган жаҳолат даврининг хурофотлари, қолдиқлари мусулмонлар орасида бутунлай барҳам топди. Жоҳилият даврида бутпараст бўлган кишилар Аллоҳ инояти ва Пайгамбаримиздек (с. а. в.) ҳассос муаллим тарбияси билан қарабарига ягона Аллоҳ тавҳидини жо қилиб, садоқатли мусулмон бўлишди.

Ирқий ва миллий камситишларга қарши тинимсиз кураш олиб борган Пайгамбаримиз (с. а. в.) одамларга бутун инсоният аслида бир ота, бир онанинг фарзандлари эканини очиқ тушунтиридилар. Ер куррасининг турли бурчакларида яшаётган одамлар яшаш жойи, терисининг ранги, тиалининг ҳар хиллигидан қатъи назар, теппа-тенгдирлар. Улар фақат тақволари, фазилатлари билан фарқлидирлар, холос. Бу ҳол ҳалқлар ўргасидаги хусумат ва душманлик буткул йўқотилишини тақозо қиласди. Афсус, кўпгина мамлакатларда





инсоният учун беҳад уятаи ирқий камситиш, миллӣ тарқоқдик ва низолар сақланиб қоялпти.

Ислом дини эътиқод эркинлигини эълон қилди. Қуръони қарим оятида очиқ айтилган: “Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиши йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутубди. Аллоҳ эшишувчи ва билувчиидир” (“Бақара” сураси 256-оят).

Ислом динимизнинг юксак фазилатларидан бири – у диний мутаассибликни қоралабгина қолмай, виждан эркинлиги, адолат тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда, бошқа динларга ҳурмат билан ёндашишни тавсия этади. Исломда диний бағрикенгликтининг нечоғли қадрланиши, Қуръони қарим ояларида очиқ кўрсатилган: “Агар мушириклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг қаломини эшиитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойга етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир” (“Тавба” сураси 6-оят).

Муфтий Зиёвуддинхон фикрича, ҳижрат янги тарихнинг бошланishiidiр. Шу боисдан, айтайлик, Исломга даъват бошланган ёки ваҳий туша бошлаган паллага қараганда янгича йил ҳисоби учун айни ҳижрат кўпроқ мос келади. Даъват иши илк босқичда фақат Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) қариндошлари, якинлари билан чегараланганди ва бу чегаралар унчалик тез муддатларда кенгаймаган. Исломнинг қарор топиши ва кенг ёилиши айни ҳижрат билан боғлиқдир.

Ҳижрат тӯфайли дастлаб Мадинаи мунаварада, кейинчалик Маккан мұкаррамада Ислом давлатчилигига асос солинди.

Аллоҳнинг инояти билан Макка фатҳ этилган куни Пайғамбаримиз (с. а. в.) туғилган шаҳарларида ўзларига ва саҳобаларига мислсиз зулм, азоб-уқубатлар етказган душманларидан ўч олмадилар, мушрикларни кечирдилар. Ривоятга кўра, кечирганларини маълум қилар эканлар, у зот



(с. а. в.): “Мен сизга Юсуф ўз акаларига айтган сўзни айтаман: бутун сизларни хорламайман! Бораверинг, сизлар озодсиз...”

Пайгамбаримиз (с. а. в.) гўзал сийратларидан ушбу ибратли саҳифа Ислом ўзининг асос-ўзагида яхшиликка, тинчликка, кечиримликка таянишини тасдиқлайди. Шунинг учун муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳамиша Ислом динимизнинг мана шундай юксак фазилатларини – тинчлик ва хотиржамликка чақиришини одамларга ибратли мисоллар билан кенг тушунтириб берар эди. “Тинчлик” тушунчаси Ислом динининг рамзи ва шиори бўлиб қолди. Юз миллионлаб мусулмонлар ҳар гал бир-бирлари билан, бошқа барча хурфикрли инсонлар билан шу сўзни айтиб, тинчлик тилагини билдириб учрашадилар, шуни айтиб хайрлашадилар. Гўзал илоҳий тартиб ҳукм суриши билан тинчлик диндорларнинг эзгу орзуси, ахлоқий саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсаддир.

Шахсий ва жамоат миқёсида мукаммал ахлоқий тартибга эришиш йўлига ёмонлик ғов бўлади. Ёмонлик, зулм ердаги ҳаётнинг ахлоқий, илоҳий тартибини бузиб юборади. Ёмонлик ҳақиқатни ёлғон билан, озодликни қуллик билан, хавфсизликни қўрқинч билан, адолатни зулм билан алмаштириб, тинчлик гояларини бузиб, нотўри талқин этади.

Ислом дини амалга кирган илк даврлариданоқ мусулмонлар юксак инсоний гоялар – чинакам маърифат, ҳақиқий озодлик, юксак меҳрибонлик ташвиқотчилари бўлишга буюришди. Аммо ўтмишда ота-боболаримиз ҳаракатларини маълум бир жамоат, мамлакат ё минтақада эзгу гояларини қарор топтиришга қаратган бўлишса, энди хабарлашув воситалари ва ҳалқаро алоқалар мисалсиз ривожланган ҳозирги шароитда дин арбобларининг сайёрамизда тинчлик тақдири учун масъулияти бекиёс даражада ортди. Барча мусулмон арбоблар тинч-тотувликни мустаҳкамлашга ҳазрати Одам (с.а.в.) болалари ўртасида адолат ва тенглик муносабатларини ўрнатишга эришишлари





зарур. “Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганиларга Аллоҳ магфират (кечирим) ва улкан мукофот вайда қилди” (“Монда” сураси 9-оят).

Муфтий Зиёвуддинхон нутқида кўтарилиган ижтимоий адолат масаласи ҳам Тошкент конференцияси иштирокчиларининг диққатини ўзига жалб этди. Бу ҳол тасодиф эмас, чунки Ислом дини ижтимоий адолат масаласига фақат сўздагина эмас, балки амалда катта аҳамият беради. Амалда аҳамият бериши нималарда кўрилади? Таълим олиш, тиббий хизмат, иш билан таъминлаш ва бошқа энг муҳим соҳаларда ҳаммага тенг имкониятлар яратиб беради. Аллоҳ таоло айтади: “Эй имон келтирганлар! Адолатда барқарор туриб, ўзларинг ёки ота-оналаринг ва қариндошларинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун (тўғри) гувоҳлик берингиз! У (гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбагал бўладими, Аллоҳ у иккисига (огоҳлик жиҳатидан) яқинроқдир. Бас, адолатни бўлишингиз учун ҳавоий нафсга берилиб кетмангиз! Агар (тилларингизни) бурсангиз ёки (гувоҳликдан) бош тортсангиз, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир” (“Нисо” сураси 135-оят).

Ислом дини одамларни дўстликка, ўзаро ёрдамга, бойлик-неъматларни адолат билан тақсимлашга чақиради. Исрофгарчилик, беҳуда тантиқлик, дабдабозликка қарши курашаркан, айни чоқда баҳиллик ва зиқналиқдан ҳам қайтаради.

Ислом жаҳолатта қарши курашга чақиради, илмга муҳаббатни тарғиб-ташвиқ этади, барча ўқимишли инсонларга тинимсиз илм зиёсини ёйиш мажбуриятини юклайди. Пайгамбаримиз (с. а. в.): “Илм мусулмоннинг йўқотган нарсаси, уни қаердан топса, ўша ердаёқ ўзлашибшига ҳаракат қилсин”, деганлар.

Анжуманда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Яқин Шарқ муаммоларига алоҳида тўхталди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир неча бор Исройл босқинчиларини араб ерларида, айниқса, Қуддус шаҳрида қилаётган буткул ноҳақ,





халқаро ҳуқуқ меъёrlарига зид ҳаракатлардан тийилишга ҹакирган эди. Бутун жаҳон жамоатчилиги муқаддас шаҳарга қонуний мақоми қайтариб берилишини талаб қилмоқда. Дин арбоблари барча зиддиятлар тинч йўл билан ечим топиши учун курашилари зарур, чунки ҳозирги ядро замонида ҳар қандай куролли тўқнашув дунёни ҳалокатга ташлаши мумкин.

Ҳижрий XV асрда ҳар бир чинакам мусулмон Ислом равнақи учун бор имконини ишга солиши керак. Бугун, “халқаро террорчиликка қарши кураш” ниқоби остида ёвуз кучлар ўзининг чиркин мақсадларини амалга оширишга интилиб, маккорлик билан турли мазҳабларни бир-бирига қарши гиж-гижлаётган, Ислом оламида миллий ва диний низолар ўтини ёқаётган экан, мусулмон халқлари бу ёвуз душман сиёсати ва макрига учмасликлари жуда мұхимдир. Сайёрамиз мусулмонлари бирдамлигини тинчлик учун, миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт учун курашларда мустаҳкамлашимиз зарур.

Тошкент анжумани турли мамлакатлар мусулмонларига замонанинг энг долзарб муаммолари юзасидан фикр алманишув имконини берди. Жумладан, бошқа дунё динлари орасида Исломнинг ўрни масаласи, эътиқодидан қатъи назар, барча динларларнинг эзгу саъй-ҳаракатларини яапи тинчликни мустаҳкамлаш учун курашга, бутун ер юзида ҳаётта ёпта қирғин хавфини солаётган янги жаҳон урушининг олдини олиш йўлида бирлаштириш масаласи көнг мұхокама қилинди. Шундай қилиб барча халқлар ва динларни улар учун умумий тинчликпарвар фаолиятда, Аллоҳ таолонинг Ер юзида тинчликни сақлаш борасидағи амрларини бажариш йўлида бир-бирларига яқин, аҳил-иноқ қилишғояси тасдиқ ва ривож топди. Бундай вазифа мусулмонларга катта қийинчилик тутдирмайди, чунки Ислом таълимоти ўз асосидаёқ бошқаларнинг дунёқарашларини ҳам ҳурмат қилиш тамойилини олиб келган. “Мусулмон киши ҳамма билан дўст бўлади ва ҳар бир одам у билан дўстлаша олади”





(Дорикутний), дейилади Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) бир ҳадиси шарифларида. Айбиз одамларнинг қони тўкилар экан, мусулмонлар бунга лоқайд қараб туришмайди. Конференция иштирокчилари Ислом – тинчлик дини, барча диндош биродарлар ўз сафлари мустаҳкамлагини таъминлашлари, барча хурфикрли инсонлар билан яқин ҳамкорликда ер юзида мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш, тўла ва ялпи қуролсизланиш, ядро урушининг олдини олиш учун курашишлари зарур, деб таъкидлашди.

Анжуман иштирокчилари замонавий билимларни эгаллашдек долзарб масала юзасидан ҳам кенг фикр алмашишди. Улар мусулмон ёшларни Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) насиҳатларига амал қилиб, бешикдан қабргача илм излашга, ватани ва ҳалқига ҳалол хизмат қилишга, бутун куч-гайратини кишилик жамияти равнақи учун сарфлашга чақиришди.

“Ҳижрий XV аср ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик аспи бўлиши керак” мавзуидаги ҳалқаро Тошкент конференцияси учта муҳим якуний ҳужжатни қабул қилди: “Бутун ер юзи мусулмонларига мурожаат”, “Қудадусдаги аҳвол бўйича баёновт”, “Фаластин ва Ливан ҳалқлари билан бирдамлик тўғрисида баёновт”.

Бу ҳужжатлар сайёрамиздаги барча мусулмонларни ҳижрий XV асрни чин маънода тинчлик, дўстлик, ҳалқларнинг ижтимоий тараққиёти асрига айлантириш учун барча тинчликсевар кучлар билан бирдамликни кучайтиришга чақирди.

Ҳа, мусулмонларнинг бир-бирали билан, ҳур фикрли, эзгу нияти барча инсонлар билан яқдил, бирдам бўлиши уларнинг энг катта замонавий муаммоларни ҳал этишда, энг аввало, ҳалқаро тинч-тотуваликни қўллаб-қувватлаш, сақлаб қолиш йўлида муваффақиятга эришувларини таъмин этади. Яхши яшаш, фойдали меҳнат қилиш, келажагидан хавфсирамай бола-чақа ўстириш учун ҳам тинчлик керак. Инсон даҳоси эришган ютуқлар, илмий-техникавий тараққиётнинг юксак



имкониятлари бугунги кундан бошлабоқ сайёрамизнинг барча халқларига яхши ҳаёт учун керакли шароитларни яратиб беришга қодир экани жуда муҳим.

Агар эзгу нияти ҳар бир одам тинчликни сақлаш учун курашга бор куч-кувватини, барча имкониятини сафарбар этмаса, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришилган ютуқлар ҳам қайтмайдиган бўлиб йўқолиши ҳеч гап эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Ерни (Аллоҳ хайрли шиларга) яроқли қилиб қўйғандан кейин (унда) бузгунчилик қилмангиз! Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз. Аллоҳнинг раҳмати эзгу ши қилувчиларга яқиндир” (“Аъроф” сураси 56-оят). Бу масала ҳақида ҳар бир мусулмон, эзгу нияти ҳар бир инсон бош қотириши керак.


1980 йили муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон бошчилигига Имом Термизийнинг “Аш-шамойил ал-Мұхаммадий”, Абу Али ибн Синонинг “Китабул ҳудуд” асарларининг ўзбек тилига таржимаси, Абу Бакр Розийининг “Буръус соа” китобининг рус тилига таржимаси босилди.

Муфтий Зиёвуддинхон чет эл сафарларидан ноёб диний китоблар ва микрофильмлар олиб қайтар эдилар. Бундан ташқари у қатагон йиллари халқ орасида мўъжиза бўлиб, сақланиб қолган нодир китоблар, эски қўллэзмаларни ҳам ўз маблагига сотиб олардилар. Шу тарзда у муҳтарам отаси Эшон Бобохон асос солган диний бошқарма кутубхонаси жамғармасини 25 йил давомида мунтазам бойитиб бордилар. Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида йигирма беш минг нусхадан ортиқ китоб бор.

5.7. Ислом Зиёси

Шайх Зиёвуддинхон худди отаси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сингари исломий таълимнинг, дин хизматчиларини ўқитиши ва тарбиялашнинг самарали тизимини йўлга қўйишга катта эътибор билан қаради. Ислом мусулмонлардан ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни чуқур ва





пухта эгаллашни талаб этади. Бундай билимларсиз инсоннинг ҳаёт можиятини англаши, жамият ва табиатда кечаетган мураккаб жараёнларда ўзини ўнглаб олиши қийин. Шунинг учун ҳам суюкли Пайгамбаримиз (с. а. в.) мусулмонларни ҳар доим қатъият билан фойдали илм олишга чақирганлар: “Илм талаб қилиши ҳар бир муслим ва муслума учун фарздор” (Байҳақий); “Ким Аллоҳ учун илм олишга интилса, у ҳар доим Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади” (Термизий).

Муқаддас Куръони карим ояларида, жуда кўп ҳадиси шарифларда мусулмон юртнинг инсонлари зиммасига Аллоҳ таоло юклаган шарафли масъулиятга, юксак вазифага муносиб бўлиш учун ўз билимларини тинимсиз ошириб боришлари зарурлиги қайта-қайта таъкидланади.


1971 йили собиқ совет давлатида биринчи ва ягона Ислом олий ўқув юрти – Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳади очилди. Уни очишда шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг хизмати бекиёсdir. Муфтий ҳазратлари таклифига кўра, Олий маъҳад Ҳазрати Имом маҳалласидаги “Намозгоҳ” масжиди биносида иш бошлади.

Олий маъҳаднинг деярли барча ўқитувчилари юксак малакали мутахассислар бўлиб, улардан кўпи араб мамлакатларидағи дориафунунларда илм олган олимлар эди. Билим ва тажрибаларини ёшларга бериб, улар муносиб ўринбосарларни тарбиялаб етиштиришди. Олий маъҳад талабалари турини миңтақавий ва ҳалқаро анжуманларда фаол иштирок эта бошлашди. Бу ҳол уларнинг арабча сўзлашишини ўрганишларида чет эллик диндошлар билан яқин бўлишларида жуда кўл келади. Пайгамбаримиз Мұхаммад (с. а. в.) буюрганлар: “Илм Чин (Хитой)да бўлса ҳам, бориб олинглар” (Байҳақий).

Муфтий Зиёвуддинхоннинг ҳаёт йўли бурчга масъулият туйгуси билан ёришган эди. У:

а) ўз шогирдларини ислом динимизнинг покалик ва инсонпарварлик ғояларига, Куръони карим оялари ва Пайгамбаримизнинг (с. а. в.) ҳадиси шарифларига амал қилишга буюрар эди;






б) издошларини эзгу, пок ниятлар билан тўғри, ҳалол яшашга, яхши амалларни Аллоҳ учун холис адо этишга ўргатарди;


в) барча мусулмонларни Ватанинни қизгин севишга, ислом шариати қонунларига ҳар доим оғишмай риоя қилишга ўргатарди.

Муфтий Зиёвуддинхон, диний таълим устозларининг энг муҳим вазифаси мусулмонларнинг асл ҳақиқатларни билиб олишларига кўмаклашишдан иборатdir, деб таъкидлар эди. Тошкент Ислом Олий маъҳадига турли мусулмон мамлакатлардан мөхмонар келиб, талабалар ҳаёти ва таълим жараёни билан бевосита танишадилар, мударрислар, диний бошқарма раҳбарлари билан сұхбатлашадилар. Улар ҳамиша диёримизнинг таникли дин арбобларига ҳурмат-эҳтиром изҳор этишган. Масалан, Бангладеш масжидлар уюшмаси раиси профессор Алоуддин Азҳарий Олий маъҳаднинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарига бундай деб ёзиб кетган:

“Ўзбекистонга сафаримиз чогида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадини кўриш шарафига мусассар бўлдик. Биз бу ерда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари, уламолар ва талабалар билан учрашганимиздан беҳад хурсандмиз. Бу сафаримиз, бу сұхбатимиз икки мамлакат – Ўзбекистон ва Бангладеш Республикаси ўртасида иламий-маданий алоқалар мустаҳкамланишига хизмат қилади”, деб умиқ қиласиз.

Тошкент Ислом Олий маъҳади илк битирувчиларини қутлаш тантанали маросимида муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон йигилгандарга қаратса бундай деди: “Биз, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарлари, бугун бизга ажойиб тантананинг иштирокчиси бўлишини насиб этган Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано, шукроналар айтамиз. Яратган Эгамнинг инояти билан сиз бугун исломий билимларни пухта эгаллаб, динимизнинг дипломли хизматчилари бўлдингиз. Энди тезроқ иш жойларингизга тайинланишингизни иштиёқ билан кутиб турибсиз. Агар бу иштиёқингиз Аллоҳ йўланда ихлос билан хизмат қилишга





интилиш ва одамлар қалбига муқаддас Ислом таълимотини жойлаш мақсадида бўлса, иншааллоҳ, Яратганинг раҳматига сазовор бўласиз.

Тез орада хизмат жойларингиз аниқ бўлиб, тури үлкаларга тарқаб кетасиз. У ерда сизлар вижданан, поклик, олийжаноблик билан мусулмонлар қавми олдидаги бурчингизни, дин хизматчисининг Аллоҳ таоло наздидаги улкан масъулиятни ҳамиша ёдда тутган ҳолда, умрингизнинг охиригача аҳодиси набавия ва шариати исломия қоидаларига қатъий риоя қилиб, барча билим ва куч-кувватингизни муқаддас Ислом динимиз хизматига сарф этасиз, деган умидимиз бор. Келажакдаги олийжаноб вазифаларингизни адо этишингизларда сизларга Аллоҳнинг ўзи ёр бўлсин!

Аллоҳ сизларга Бухородаги Мир Араб мадрасасида, Тошкент Ислом Олий маъҳадида диний ва замонавий билим олишни насиб этди. Олган ана шу илмингиз қавмларингизга, Ватанимизга ва ўзларингизга ҳам манфаатлар келтирсин! Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳади битирувчиси деган шарафли номни оқлаб, унга муносиб ишлар қилиб яшайсиз”.

Муфтий Бобохоновлар ўқитувчи ва устозлар сифатида ислом ўқув юртларининг тингловчи ва талабаларини малакали, ҳар томонлама ўқимишли, исломга чинакам садоқатли дин арбоблари қилиб тарбиялаш йўлида вақтларини ҳам, куч-кувватларини ҳам аяшмас эди.

Россия, Кавказорти, Кавказ, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон мусулмонлари жамоаларининг ҳозир иш олиб бораётган деярли барча етакчилари ўтган аср 50–90-йилари Бухородаги Мир Араб мадрасасида, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадида диний таълим-тарбия олишган. Устозлари насиҳатига садоқатли битирувчилар муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, муфтий Шамсиiddинхон ибн Зиёвуддинхон уларга билдиришган ишончни ёргу юз билан муносиб оқлаб келишяпти.






Улар ўз устозлари сингари оқилона иш юритаётгандари эвазига бу мамлакатларда мусулмонлар сони тобора кўпаймоқда.

Россия мусулмонлари Марказий диний бошқармаси раиси шайх ул-ислом Талъат Тожиддин, Кавказ мусулмонлари диний бошқармаси раиси шайх ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода, Россия Муфтийлар кенгаши раиси, Россия Европа қисми мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Равил Гайнутдин, Шимолий Кавказ мусулмонлари мувофиқлаштирувчи маркази раиси муфтий Исмоил ҳожи Бердиев, Россия уламолар кенгашининг раиси муфтий Умар Идрисов, Чеченистан Республикасининг собиқ муфтийи ва собиқ президенти марҳум Аҳмад ҳожи Қодиров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, таниқли олим, Ўзбекистон мусулмонлари раисининг ўринbosари, Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилига таржимонларидан бири шайх Абдулазиз Мансур, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсун, Қозогистон Республикаси Олий муфтийи ўринbosари, республика Ислом институти ректори, шайх ул-ислом Мухаммад Ҳусайн Алсабеков, Саратов вилояти имом-хатиби Муқаддас Бибарсов ва бошқалар ўзларининг диний билимлари ва маънавиятлари устозлари муфтий Бобохоновлар берган илм, эътиқод, ҳёйт тарзи ва хатти-ҳаракатлари таъсири остида шаклланганини ҳамиша миннатдорлик билан эътироф этишади. Уларнинг бари даҳрийларнинг тўсқинликларига қарамай, коммунистлар мафкураси ҳукм сурган улкан мамлакатнинг барча ҳудудларида Ислом динимизни сақлаб қолишдек улуг ишга бекиёс ҳисса кўшишганини бугун ишонч билан айтиш мумкин.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг олимлиқ истеъоди унинг масжидаларда қилган мавъизаларида, тураи анжуман ва симпозиумлардаги чиқишлиарида, нутқларида, оммавий ахборот воситаларига берган мақолалари ва сұхбатларида яққол намоён бўлади. Унинг оммавий чиқишлиари доимо илмга асосланган, рад этиб бўлмас далиллар билан қувватланган бўлиб, тингловчиларнинг бутун





Аиққат-эътиборини ўзига жалб этарди. Ўрта Осиёдами ёки Қозогистонда, Волга бўйидами ёки Кавказда бўладими, қаерда сўзга чиқмасин, кўп тилни яхши билганидан ҳар доим маҳаллий мусулмонлар тилида гапираварди. Халқаро анжуманларда эса унинг сўзи салобат билан араб тилида жаранглар эди.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон табаррук инсон, билимдон уламо, саховатли қалб эгаси эди. Қийин бир замонда дину адолат, имону эътиқодни тиклаш, одамлар дилларида ислом нурини олиб киришга интилди. Халқнинг имони бут бўломоги йўлида машақатлар чекди. Дину диёнат қаттиқ тазийқقا олинган даврларда ҳар қанча қийинчилик, тўсиқларга қарамай ўз виждони буюрган ишни адо этишга журъат топди. Халқни ҳалолликка чорлаган бундай инсонларни ёдлаш маънавият ва савоб белгисидир.

1980 йилга келиб муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон шарофатлари билан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси дунёнинг саксонга яқин мамлакати ва қирқдан ортиқ мамлакатдаги йирик газета ва журнал редакциялари билан яқиндан алоқа ўрнатди. Бунинг натижасида Диний бошқарманинг олиб бораётган хайрли ишлари ва хусусан Зиёвуддинхон ҳазратнинг кенг қиррали фаолиятлари ҳақида хорижий қаламкашлар китоблар ёздилар ва газета-журналларда мақолалар эълон қилдилар. Покистонлик йирик олим Мавлоно Бадаюнийнинг “Таасуроти рус”, мисрлик ёзувчи Абдуллоҳ Навворининг “Ети кун СССР мусулмонлари билан бирга”, сурялийк журналист Мұҳаммад Башир Албонийнинг Суряянинг бош муфтийсига багишлисанган “Ал-Муршид ал-Мужаддид” китоби, Ливан муфтийси Ҳасан Холиддининг “Оро” ва “Мавоқиф” ойномасида нашр этилган йирик мақолалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчасида муфтий Зиёвуддинхон ҳазратнинг амалга ошираётган эзгу ишларига юксак баҳо берилган.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ислом равнақи йўлидаги катта хизматлари учун биринчи даражали “Иордания ўлдузи” ордени (икки марта), “Иордания



юлдузи” кўкрак нишони, биринчи даражали “Ливан қарагайи”, “Ливан юлдузи” орденлари, Марокашнинг олий даражали “Буюк мутафаккир” ордени, собиқ Иттифоқнинг “Хурмат белгиси”, “Халқлар дўстлиги” орденлари билан тақдирланди.

1982 йили Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон саломатлиги ёмонлашгани сабабли истеъфога чиқди. Минтақа мусулмонларининг Русия, Шимолий Кавказ, Кавказорти мусулмонлари диний бошқармалари раҳбарлари ҳам иштирок этган тўртингчидан қурултойида Шайх Зиёвуддинхоннинг ўғли, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳади ректори бўлиб хизмат қилаётган Шамсиуддинхон Бобохонов Урта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, беш иттифоқдош республика муфтийи этиб сайланди.


Оғир хасталикка чалинган Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон 1982 йил 23 декабрь куни вафот этди. Аллоҳ таоло у зотни Ўз раҳматига олган бўлсин. Ўзбекистон ҳукумати қарорига биноан Шайх Зиёвуддинхон Абу Бакр Қаффол Шоший мақбарасига, падари бузруквори Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон қабри ёнига дағн этиди.

Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларидаги қатор мамлакатларнинг Бутунжоҳон ва халқаро Ислом ташкилотлари, диний ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари орқали марҳумнинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик билдиришди. Муфтий ҳақларида шоир Чустий шундай дебдилар:

Сўзимнинг шоҳидидур ақлу виждон,
Тириклар бор – улар гўёки бежон.
Үмиклар бор тириклардан тирикроқ,
Бу хил одамни тарих дер чин инсон.

Тошкентдаги жомеъ масжиidlардан бирига, шунингдек, шаҳар кўчаларидан бирига ҳам Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон номи берилди.





6-БОБ. ШАМСИДДИНХОН БОБОХОНОВ

6.1. Шамсиiddинхон Бобохонов – олим, илоҳиётчи, дипломат

Шамсиiddинхон Тошкентда таниқли дин арбоблари Бобохоновлар оиласида туғилди. У 28-ўрта мактабни битириб, 1955 йили Тошкент чет тиллар институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. Аъло баҳоларга ўқиб, институтни битирганидан сўнг уни аспирантурада қолдиришиди. 1961 йили у СССР ФА Шарқшунослик институти (Москва) аспирантурасига ўқишга кирди. Москвада араб филологиясига қизиқиб қолди ва араб тилини ўрганишга киришиди. 1962 йили у аспирантурада ўқиш билан бирга Москвада янги ташкил этилган Иттифоқ мусулмонлар ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлай бошлайди. Кўп ўтмай унга Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетида ўқишга йўлланма беришди. Ўқишни тутатиб, 1966 йили яна Москвага қайтиб, Иттифоқ мусулмонлар ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлашни давом эттириди. 1973 йил июнда Шамсиiddинхон “Араб тилида иккиланган сонлар категорияси” мавзууда номзодлик диссертациясини муваффақиятла ҳимоя қилди. Олий аттестация комиссияси қарори билан унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилиди.

Шамсиiddинхон собиқ Иттифоқ мусулмон ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлаган йиллари мобайнида отаси Зиёвуддинхоннинг содик ёрдамчиларидан бирига айланди. Хорижий мамлакатлар мусулмонлари билан халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ишларида фаол иштирок этди. Мамлакат мусулмонлари вакиллари таркибида халқаро диний анжуманларда қатнашиш, диндошларимиз ҳаёти билан танишиш учун бир неча бор чет эл сафарларида бўлиб қайтди. Шу тарзда у бошқа мамлакатларнинг диний ва жамоат





арбоблари ва ташкилотлари билан танишиб, улар билан шахсий алоқалар ўрнатди.

Россиянинг йирик шарқшунослари ва тиалшунос олимлари билан мулоқотлари, дўстлиги Шамсиiddинхон ҳаётида ўчмас из қолдирди, устозларидан кўп нарса ўрганди. Кўп ўтмай ўзи ҳам пойтахт олимлари илмий давраларида танилиб қодди.

1974 йили Шамсиiddинхонни Илом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадига проректор этиб тайинлашди, 1975 йили эса уректор лавозимига кўтарилиди. Айни мана шу йиллари унинг ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлди. Отаси муфтий Зиёвуддинхон билан бирга у малакали диний мутахассислар тайёрлашда алоҳида гайрат кўрсатиб ишлади. Кенг фикрли ва дунё кезган раҳбар бўлганидан олий маъҳаднинг моддий-техникавий асосини ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Илм масканига энг моҳир, тажрибали дин олимлари, шарқшунослар ва тиалшуносларни ишга таклиф этди. Улар талабаларда мусулмон мутахассисига хос чинакам фазилатларни шакллантиришди.

Олий маъҳад раҳбари сифатида у турли мамлакатларнинг исломий ўкув юртлари, тадқиқот марказлари ва ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатиб, мунтазам ривожлантириб борди. У ноширилик ишларига ҳам катта аҳамият берди. Ислом ўкув юртлари талабалари учун дарслик ва қўлланмалар нашр эттириди. Шахсан ўзи чет эллик ва ўртаосиёлик олимларнинг илмий китобларини чуқур ўрганди, таржима қилди. Мусулмонларнинг барча яхши ниятли одамлар билан бирга тинчлик, дўстлик, ҳалқлар ҳамкорлиги йўлида ва илоҳий неъмат бўлмиш ҳаётни ядро ҳалокатидан асрраб қолиш учун олиб бораётган курашларига бағишлиланган қатор китоблар ва мақолалар ёзди. Айни шу йиллари исломий илм-фан олами доктор Шамсиiddинхон Бобохоновни йирик олим ва дин арбоби сифатида эътироф этди.





Шамсиiddинхон марҳум отаси каби мусулмонларнинг Боку, Москва ва Тошкент шаҳарларида ўтган халқаро аنجуманлари ташаббусчиси бўлди. Энг йирик динлараро, халқаро аنجуманларнинг ташкилий қўмиталарига аъзо бўлиб, улар ишида фаол иштирок этди. Ўзининг кўп мавъизаларида мусулмонларни пок исломий эътиқодни ёйишга, халқлар ўргасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, мутаассиблик ва террор-зўравонликка қарши курашга чиқириди. АҚШ Ливияга қарши босқинчилик уруши очган кунлари мамлакат Ислом ташкилотлари номидан норозилик нотасини АҚШнинг Москвадаги элчихонасига топшириди.

Шамсиiddинхон истеъододли ташкилотчи эди. У муфтийлик қилган йиллари масжидларни, меъморий ёдгорликларни таъмиrlаш, майдонларни ободонлаштириш, исломий китобларни нашр этиш бўйича кўп ибратли ишлар амалга оширилди. 1985 йил Шамсиiddинхон Қозон шаҳрида Куръони каримни нашр этиш бўйича кенгашга раҳбарлик қилди. “Ҳазрати Имом” маҳалласи аҳли ичимлик суви борасида қийналиб қолганида муфтий ташаббуси билан бу ерда сув минораси курилиб, муаммо ижобий ҳал этилди. Унинг раҳбарлиги остида “Совет Шарқи мусулмонлари” таҳририяти учун маҳсус янги бино қуриб битказилди, кутубхона жамғармаси бойитилди.

Шамсиiddинхон Бобохоновнинг Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши, масжиidlар бўйича Бутунжаҳон Олий Кенгаши, Осиё ва Африқо халқлари бирдамлиги совет қўмитаси, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет ва Ўзбекистон қўмиталари, Совет ва Ўзбекистон Тинчлик жамғармалари каби қатор бутунжаҳон, халқаро ва республика ташкилотларига аъзо этиб сайланиши муфтийнинг юксак обрў-эътиборига, эзгу хизматлари кенг эътироф этилганига ёрқин далилdir.

Маърифатчилик фаолияти учун доктор Шамсиiddинхон Бобохонов Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлган, 1985 йили у Иордания Қироллик





Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшгани учун “Ҳалқлар дўстлиги” ордени билан тақдирланди. Шунингдек, жаҳоннинг қатор мамлакатлари фахрий ва эсдалик нишонлари билан сийланди.

* * *

Шамсиiddинхон Бобохоновнинг муфтийлик фаолияти бошланишида шўролар давлатида қисқа вақт ичидага 1982–1985-йилларда коммунистлар партиясининг учта Бош котиби (Брежнев Л.И., Андропов, Ю.В. Черненко К.В.) биринкетин алмашган мураккаб даврга тўгри келди. Ҳар бир янги раҳбар давлат бошқариш тизимиға, ташки сиёсатига, мафкурага янгиликлар киритишга ҳаракат қилди. 1985 йилда янги Бош котиб Горбачёв М.С. Иттифоқ миқёсида қайта қуришни бошлади. Катта давлатнинг бош раҳбарлари тез-тез ўзгариши мафкурачиларни аросатда қолдирар эди.

Ўша даврда собиқ Иттифоқ Коммунистик партия Марказий Кўумитасининг масъул ходимлари томонидан тайёрланган “Ислом тарқалган худудларда атеистик тарбиянинг ҳолати ва динга бўлган муносабатларнинг айрим масалалари тўгрисида (ҳолат, муаммолар, вазифалар)” номли расмий маълумот пайдо бўлди. Унда ислом динига қарши иш олиб бориш бўйича кўпгина таклифлар ёритилган эди. Бу маълумот барча собиқ иттифоқдош республикалар партия ташкилотларига юборилди. Ҳар бир республикада “Марказ”нинг таклифлари бажарилиши бўйича чора-тадбирлар, мафкура мутасадиларнинг ислом тўгрисидаги билими асосида ишлаб чиқиди. Чора-тадбирларни тезда амалга оширишга маҳаллий мафкурачилар бор кучларини ташлашдилар. Уларнинг мақсади “Марказ” олдида яхши кўриниш билан бирга дин ва диндорлар билан кураш олиб борувчилар орасида биринчилар қаторидан ўрин олиш эди.

Ўзбекистон партия ташкилотининг мафкуравий масалалар бўйича раҳбари минг-минг йиллардан бери нишонланиб келаётган умумхалқ байрами Наврӯзни диний маросим, деб



хисоблаб, уни бекор қилишга қаттиқ ҳаракат қилган. Унинг тавсиясига кўра диний тадбирларни (никоҳ ўқитиш, номоз ўқиши, жаноза ўтказиш, жанозада қатнашиш) уйида ўтказган ёки қариндош-биродарини тадбирида қатнашган, масжидга борган, дуо учун қўл очган амалда бўлган коммунист мусулмонларга нисбатан партиявий жазо киритилган эди (партия сафидан чиқариш, вазифадан озод этиш).

Собиқ Иттифоқ Марказий Кўмитасининг расмий маълумотномасида ислом дини билан боғлиқ қуидаги таъкидлар келтирилади: – “...Исломда бошқа дин вакилларига нисбатан аниқ, қатъий талаблар қўйилган. Куръонни кўп бандларида гайри дин вакиллари инсон қаторида ҳисобланмай, Худо томонидан жазолангандар (мунофиқ) деб кўрсатилган. Бу эса мунофиқларга нисбатан чида бўлмайдиган диний нафрат қўзгатади ва бунинг асосида миллатчилик, диний ва ирқий камситиш, тор маҳаллийчилик юзага келишини Карл Маркс кўрсатиб кетган... Мунофиқ бу “ҳарбий” душман. Ислом мунофиқларни қонундан ташқари қўйиши билан мусулмонлар ва мунофиқлар ўргасида доимий душманликни вужудга келтирган...

...Исломнинг яна бир хусусияти, у жуда берк ва шунинг учун маккор диндир”. Бу “Марказ”даги ашаддий даҳрийларнинг фикри эди. Аслида эса ислом дини тинчликсевар моҳияти ва гоялари билан дунёга машҳур. Тарих давомида ислом сўз ва амал билан диний бағрикенглик ва ирқий тенглilik имкониятларини намойиш этиб келмоқда. Айнан ислом, Ал-Азҳар университети каби жойларда, асрлар давомида илм нурини таратиб келди ва Европадаги Тикланиши ва Маърифатга йўл очди. Мусулмон жамиятларининг илгорлик рухи туфайли алгебра тартиб-қоидалари, магнитни компасс ва навигация ускуналари, ёзув маҳорати ва нашриётга эга бўлинди, касалликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари ҳақида тушунча ҳосил қилинди. Ислом тамаддунни дунёга улуғвор аркалар ва баланд миноралар, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган



шеърият ва жозибали мусиқа, ҳусни хаттотлик ва ҳузур-ҳаловат ила тафаккур қилиш имконларини берди.

Ислом дини масаласида “Марказ”даги билими саёз бўлган даҳрий-коммунист амалдорлар дин совет мусулмонларига оғирлик келтириб уларни қийнаб қўймоқда, улар диндан қутулиши учун ёрдамга муҳтоҷ деб ўйлардилар. Коммунистлар кўп миллатли совет ҳалқи ўзининг совет ҳукуматини, марказқўмни, сиёсий бюро аъзоларни қаттиқ севишига, улар учун Ленин, Маркс, партия ва коммунистик ўқув асосий дин бўлиб қолганига ишонарди. Аслида бу ишонч асоссизлигини ҳаёт тасдиқлади.

Қайта қуриш даврида Иттифоқ Динлар ишлари бўйича Кенгашга раис этиб Россиянинг Приморск ўлка партия қўмитасининг мафкуравий масалалар бўйича котиби тайинланди. Шу кундан бошлаб янги раис “Марказ” мафкура мутасаддиларининг ислом динига қарши тутган йўлини иттифоқ миқёсида амалга оширишни бошлади. Кенгаш раҳбари Ўрта Осиё ва Қозогистон диний бошқармаси ва собиқ Иттифоқ мусулмон ташкилотлари ҳалқаро бўлими фаолиятига “ортиқча ғамхўрлик” қилишдан бошлади.

Муфтий Шамсиiddинхон ўша даврнинг хилма-хил зиддиятларига қарамай, юзага келган вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда сабр-тоқат билан иш юритар эди. У Кенгашнинг масъул ходимларини ножӯя ҳаракатларига ҳаққоний баҳо бериб, ўзаро айтган танқидий мулоҳазалари “Марказ”даги амалдорларга ёқмади. 1989 йилягэ келиб “Марказ”нинг норозилиги икки томон муносабатларнинг совушига, натижада зиддиятли вазият юзага келишига сабаб бўлди. Бундай вазиятдан “Марказ” ёрдамига таянган минтақада диний раҳбар лавозимига интилаётган, ўз ичидан чиқсан қарама-қарши кучлар фойдаланди. Бу ҳаракатларни сезган ва оқибатда содир бўладиган вазиятни тўгри баҳолаган Шамсиiddинхон Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) “Енгиллаштиринг, қийинлаштирманг, чиройли кўрсатинг, одамларни диндан бездириб қўймангиз” деган марҳаматларига



амал қилиб, доно дин арбоби сифатида 1989 йил февралида Диний бошқарма раислиги ва муфтийликдан истеъфога чиқиши маъқул топади.

Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Академиясидан илмий кенгашининг анъанавий йиллик мажлисида иштирок этиши учун 1989 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасига Шамсиiddинхон Бобохонов номига таклифнома келади. Аммо бу таклифнома негадир эгасига етказилмайди. Шамсиiddинхоннинг ўрнига бошқарманинг масъул ходимларидан бири Иорданияга боради. Мезбонлар унга жуда мулоҳимлик билан кенгашининг кейинги мажлисида Қироллик Академиясининг ҳақиқий аъзоси доктор Шамсиiddинхон Бобохоновни кўриш истакларини билдиришади.

Шамсиiddинхон навбатдаги таклифномани олгач, Иорданияга боради. Уни юксак эҳтиром билан кутиб олишади. У ҳатто қирол Ҳусейн қабулида бўлади. Учрашув чоги мезбонлар унинг истеъфога чиқиш сабабларидан хабардор эканларини айтишади. Шу билан бирга советлар мамлакатида Ислом динини сақлаб қолиш ва ёйишда муфтый Бобохоновлар сулоласининг хизматларини Ислом олами юксак қадрлашини таъкидлашади. Қироллик Академияси аъзолари бундан кейин ҳам унинг сиймосида Исломнинг садоқатли маърифатчилари бўлган муфтийлар сулоласининг муносиб давомчисини кўришдан баҳтиёр бўлишларини изҳор этишади.

Исломий фанлар, маданият ва маърифат ривожига, ҳалқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Қироллик Академияси Шамсиiddинхон Бобохоновга енгил автоулов сувга қиласди.

* * *

Истеъфога чиқиб доктор Шамсиiddинхон Бобохонов Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райён Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта илмий ходими бўлиб ишлади. Унинг бу ердаги ижодий фаолияти юртимизда ва чет элларда нашр этилган илмий асарлари, мақолалари ва бошқа





чиқишиларида ифодасини топди. Исломий фанлар назарияси ва амалиётининг катта билимдони Шамсиiddинхон Бобохонов ўзининг машҳур алломалар мероси таҳлия ва тадқиқ қилинган, шунингдек, Шарқ, Ўрта Осиё ва Қозогистонда Ислом дини ёйилишига доир маълумотлар баён этилган кўп сонли илмий асарлари ва тадқиқотлари натижаларини жамлади.

Доктор Шамсииддинхон адабиёт ва санъатни жуда севарди, унинг юксак заковати, нозик ҳазилкашлик туйгуси ва самимилиги ижода унга катта ёрдам берди. Кенг дунёқараши, шоирлар, ёзувчилар, санъат арбобларига яхши дўстона муносабатда бўлиши билан ажralиб туради. Бу ҳол унинг қалб эҳтиёжи, олийжаноб феъл-табиатининг ноёб қирраси эди. У ўзининг ақл нури, бегубор қалб тўлқинлари, Куръони карим ва ҳадиси шарифга доир бой илмини истеъдодли инсонлар билан самимий баҳам кўришга, ўртоқлашишга ҳамиша тайёр эди. XX асрнинг буюк шоири Расул Ҳамзатов, таниқли журналист Фариқ Сейфуль-Мулюков, драматург, санъатшунос, “Иби Сино ҳаёти” романи муаллифи Людмила Солдадзе, академиклар Убайдулла Каримов ва Бўрибой Аҳмедов, профессорлар Сайдакбар Аъзамхўжаев, Убайдулла Уватов, Нўймонжон Раҳимжонов ва бошқа кўплаб адилар, олимлар билан самимий дўст, қадрдан ҳамкор бўлиб яшади. Олимлар ва файласуфлар билан ҳам, адилар ва рассомлар билан ҳам, санъат ходимлари ва спортчилар билан ҳам, дўстлари ва қариндошлари тогалари Абдухалим ва Абдукарим, куёвлари Олимхон Обидов, Шавкатхон Тўлагановлар билан ҳам самимий баҳслашар, мароқли сұхбат қура олар эди. Шамсииддинхон билан сұхбатлашиш баҳтига мұяссар бўлган дўстлари хукуқшунос Қулмамат Мирзажонов, машҳур чорвадор Восил Содиқов, саноат корхоналари раҳбарлари Анвар Бурхонов, Абдуваҳоб Тошпўлатов, Ортиқжон Мансуров ва Нуриддин Ризқиев, таниқли санъаткор Қаҳрамон Дадаев ва бошқа барча биродар-





яқинларида ҳамиша бир ҳолат – ўз билимларини янада бойиттанидан мамнунлик, маънавий қониқиши кузатилар эди.

Шарқ ва гарб мумтоз адабиёти, айниқса, Алишер Навоий шеъриятини яхши билиши одамлар билан чиройли сұхбат қуришда унга күп күл келарди. Ҳазрати Алишер Навоийнинг анча газалларини ёд билар, шогирдлари, ҳамкаслари ва дўстларини донолик, инсонийлик ва гўзаллик улуғланган шеъриятни яхши кўришга, завқ олишга чакиради. Унинг бу чакириги бутунги кунда ҳам жуда аҳамиятли, долзарбдир. Чунки кўпчилик ёш имомлар билим эгаллашда фақат оят ва ҳадисларни ўрганиш билан чекланиб қолишаётгани кузатиляпти. Бу эса мусулмонларнинг ақдли, ўқимишли, талабчан бугунги ёш авлоди қалбига йўл топиш учун албатта камлик қиласди.

Шамсиiddинхон Алишер Навоийнинг ушбу газалини айниқса кўп ёқтирас, кўп такрорлаб юарди:

Мехр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,

Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Гам била жонимга еттим гамгусоре кўрмадим,

Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилситоне топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдим ниишон,

Бир камон абруда тузмукдин ниишоне топмадим.

Кўнглим ичра сарв ўқдир, гунча пайкон, гул тикон,

Даҳр боги ичра мундоқ ғулистане топмадим.

Хусн мулки ичра сендеқ шоҳи золим кўрмадим,

Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,

Ўз ишимдин булъажаброқ достоне топмадим.

Ул ямон ичинда бўйсин, эй Навоий, гарчи мен

Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Шамсиiddинхон Бобохонов муаллифлиги ва иштирокида Куръони карим (30-пора, ўзбекчага маънно таржимаси), “Машҳур ҳадис шарҳловчилари”; “Нақшбандия тариқати кўлёзмалари фиҳристи”; “Сўнмас зиё”; “Буюк мұҳаддислар





халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳақида”; Имом Бухорий “Ахлоқ дурдоналари”; “Советлар мамлакатида Ислом ва мусулмонлар”; “1001 фатво” каби манбалар нашр этилди.

Шамсиiddинхон Қоҳирада бўлган даврида, ЮНЕСКО 1996 йиали Амир Темур йили деб эълон қилди. Бу улуғ санага бағишлиб Шамсиiddинхон ватандошимиз асли туркистолик ўзбек, “Ал-Азҳар” ва “Айнуш-Шамс” университетлари профессори Насруллоҳ Мубашшир ат-Тарозий билан ҳамкорликда “Миср кутубхоналарида сақлананаётган Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги манбалар фиҳристи” китобини яратиши (1996 йил, Миср.). Насруллоҳ Мубашшир ат-Тарозий Миср фуқароси, таниқли Ислом олими Абу Наср Мубашширнинг ўғли, Бухоро амири Сайд Олимхоннинг куёвидир.

Кейинчалик Шамсиiddинхон Бобохонов Ислом оламида машҳур ва қадрли муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Имом Термизий, Насайй, Ибн Можа, Имом Доримий ҳаёти ва илмий меросига тегишли маълумотларни тўплади. Муҳаммад пайгамбаримизнинг (с. а. в.) халқлар ўртасида тинчлик, бағрикенглик, дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларига доир масалалар тўғрисидаги бу олимлар шарҳлаган ҳадиси шарифларни бир муқова остига жамлади. Натижада “Буюк муҳаддислар халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳақида” номли китоб юзага келди. Бу китоб Тошкентда, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таваллудининг 90 ийллигига бағишлиб нашрдан чиқарилиди.

ХХ асрнинг етук уламолари, дин ва жамоат арбоблари, муфтийлар Эшон Бобохон ва Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоб ёзиш унинг катта орзузи эди. Бир неча йил давомида бобоси ва отасининг кўп қиррали фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тўплади. Муфтийлар билан учрашган, гаплашган, тинчликпарварлик тадбирларида бирга иштирок этган динимиз арбобларидан ўша давр ҳақидаги,






диний бошқарма раисларининг шахсияти, фазилатлари ҳақидаги хотираларини ёзib беришни илтимос қилди. Унинг тадқиқот ва изланишлари натижасида “Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон” китоби 1999 йили рус тилида, 2001 йили ўзбек тилида чоп этилди. Бу кунлар Шамсиiddинхон Бобохонов ҳаётидаги энг баҳтали кунлар эди. Қариндошлари, яқинлари, ҳамкасларига янги китобидан ҳадя этиб, ўзида йўқ хурсанд бўларди. Сулола тарихи, бобоси ва отаси ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилювчи ушбу чинакам илмий асар доктор Шамсиiddинхон ўзига ҳали тирик пайтидаёқ қўйган маънавий бир ёдгорлик эди. Китоб бутунги кунда ҳам жуда аҳамиятладир.

Бобохоновлар оиласи архивида китобхон Т. Х. Тўраминова 2000 йил 12 февралда ёзган бир хати сақданади: “Ш.Бобохоновнинг “Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон” китобини шунчаки қизиқиш билан ўқий бошлаган эдим. Аммо отадан ўғлига ўтган истеъодд серкирралиги мени ҳайратта солди, ҳикоя қилиш шакли ва мазмунига кўра, генетика қонунларига зид ҳолда ушбу китоб муаллифи ҳам бундай меросдан бебаҳра қолмагани аниқ. Шахснинг шакланишида, унинг имон-эътиқодли, юксак маданиятли, чиройли хулақли, яхши муомалали одам бўлиб етишувида оила тарбияси асос бўлишига буткул ишонч ҳосил қиадим. Китоб муаллифи замонамизнинг етук арбоблари билан қондош эканидан қалбида меҳр-муҳаббат ва фахр туйиши сезилиб турибди. Воқеаларни ҳикоя қилиш тили жуда ёрқин, ҳаяжонли, муфтий Эшон Бобохон учун муқаддас бўлган гоядарга ҳурмат-эҳтиром билан сугорилган”.

Собиқ СССР қулаб, тарқаб кетганидан сўнг мустақил республикаларда динлар ва дин хизматчиларига муносабат ижобий томонга ўзгарди. Муфтий Бобохоновларнинг кечаги ўқувчи-талабалари бугун устозларини хайрли ишларни муносиб давом эттиришяпти. Уларнинг бари ўз юртларида мусулмон жамоатининг маънавий-ахлоқий пойдеворларини қайта бошдан тиклашяпти.






1992 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси тугатилади. Минтақадаги беш республиканинг ҳар бирида мусулмонларнинг мустақил диний идоралари тузилади. Мир Араб мадрасаси мудири бўлиб ишлаётган Мухторжон Абдуллаев Мовароунаҳр мусулмонлари идорасининг янги раиси этиб сайданди.

Мовароунаҳр мусулмонлари бошқармасининг хорижий алоқалари фаолиятини янада яхшилаш, шунингдек, мадрасаларимизда олиб борилаётган диний таълимларни янада мукаммалроқ йўлга қўйиш мақсадида 1993 йилнинг октябрь ойида Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Академияси ҳақиқий аъзоси, доктор Бобохоновни идора раисининг Таълим ва ҳалқаро ишлар бўйича ноиблигига таклиф этишади. Янги лавозимда, Мовароунаҳр мусулмонлари идораси билан хорижий ҳамкаслари ўртасида, тўрт йил ичида бир оз бўлса ҳам узилган ҳалқаро алоқаларни тиклай бошлайди, таълим масалаларни ҳам юритади.

* * *

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари билан илк дипломатик алоқалар ўrnата бошлади. Республика Президенти Ислом Каримов ҳалқаро муносабатларда катта тажриба орттирган мутахассис, ислом аунёсида таниқли илоҳиётчи, шарқшунос олим доктор Шамсидинхон Бобохонов зиммасига дипломатия хизматини катта ишонч билдириб юклайди. У 1994–2001-йилларда Миср Араб Республикасида, Саудия Арабистони Қироллигида, шунингдек, ўриндошлиқ асосида Жазоир, Баҳрайн, Кувайт ва Иорданияда Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб ишлади. Ушбу араб мамлакатлари давлат бошлиqlари Ўзбекистон Республикаси элчиси Шамсидинхон Бобохоновнинг ишонч ёрлиқларини катта ҳурмат билан қабул қилишди.






Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ва Мухтор элчисининг Миср Араб Республикасидаги хизматлари ниҳоясига етгани муносабати билан бу мамлакат бош вазири ўринбосари Ю.Вали, ташқи ишлар вазири А.Муи Шамсиддинхон Бобохонов фаолиятига юксак баҳо беришди. Улар Ўзбекистоннинг Мисрдаги биринчи элчиси зиммасида элчинанни очиш, шакалантириш, ишларни йўлга қўйишдек мураккаб вазифа турганини, Шамсиддинхон буни жуда яхши уddaлаганини, икки томонлама дўстона маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилишида унинг улкан шахсий ҳиссаси борлигини таъкидлашди. Миср ташқи ишлар вазирлиги Шамсиддинхон Бобохоновни Фахрий Ёрлиқ билан мукофотлади. Ўзбекистон Республикаси элчисининг дипломатик фаолияти Саудия Арабистони Қироллигидаги ҳам юксак баҳоланди.

Мазкур мамлакатлар раҳбарлари, диний арбоблари ва етакчилари Бобохоновлар сулоласи муфтийлари ёрқин хотирасига катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишли, ҳозирги кунда ҳам шундай муносабатда бўлишяпти. Улар ҳозир ҳам ота, ўғил, невара муфтийлар муқаддас динимиз учун энг оғир замонларда, коммунистларнинг даҳрийлик мафкураси шафқатсизларча ҳукм юритган мамлакатда мусулмонларни диний ҳаётга қайтариш бўйича донолиқ билан иш юритиб, мусулмонлар қалбида имон-эътиқодни тиклашга, сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Кўпчилик араб мамлакатларининг обрўли дин арбоблари XX асрда Ислом динимизнинг собиқ Иттифоқ ҳудудида равнақи ва ёйилишида муфтий Бобохоновларнинг буюк хизматларини ҳамиша эътироф этишади.

Тажрибали элчи ҳамда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги маслаҳатчиси сифатида Шамсиддинхон Бобохонов республикамизнинг халқаро алоқалари ва аипломатияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди.



6.2. Бутун умр ҳалқи учун яшади!

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси депутати, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Ҳолматович Саидов ўн икки йил давомида биродар, дўст, ҳамкасб бўлган Шамсиiddинхон Бобохоновни шундай таърифлайди:

Шамсиiddинхон Бобохонов шахс сифатида. Ажойиб инсон тўғрисида ёёмоқчи бўлсанг, табиий равишда қандайдир юксак ва чиройли сўзлар, кутилмаган иборалар билан бошлагинг келади. Шамсиiddинхон Бобохонов чинакамига ажойиб инсон эди. Шу боис ишонч билан таъкидлаш жоизки, дин ва давлат арбоби, олим ва дипломат сифатида у ҳеч қачон маълум бир тор доирада ҳаракат қилмас, яъни умум қабул қилинган қолилларга сигмас эди. У “қолилга сигмас”, бунинг устига хизмат мавқеи, ижодий ютуқлар ёки моддий бойликлар учун ўзига олдиндан қандайдир чегаралар қўйиб олмасди. Шунинг учун ҳам одатда марҳум шаънига гапириладиган умумий, “навбатчи”, “чиройли” сўзларни Шамсиiddинхон акага нисбатан қўллаш ноўрин бўларди. Балки кимгадир муболага бўлиб туюлар, аммо мен журъат билан: “Шамсиiddинхон aka ҳамон орамизда яшамоқда”, деб айта оламан. Чиндан ҳам биз – қариндошлари, дўстлари ва ҳамкаслари орасида унинг кўз илгамас иштироки давом этаёттир.

Уни билган, яхши кўрган одамлар билан учрашганимда, мен кўп марта бир ажиб ҳолатнинг гувоҳи бўлдим: фақаттина мен эмас, балки сұхбатдошларни ҳам гўё ҳозир эшик очилиб, у – қалби кенг, бақувват жуссали, истеъоди туфайли, ҳар қандай яхши ишнинг юраги бўлишга қодир инсон кириб келишини кутаётгандек тутишади ўзларини.

Афсуски, мен ўзимни Шамсиiddинхон акани болалиқдан, ёки ёшлиқ давридан, ёки талабалик йилларидан билган кекса дўстлари қаторига қўша олмайман.



Биз 1991 йили, ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси ўринбосари бўлиб ишлаётган Л.Я. Гуломовнинг уйда танишган эдик. Сўнг эса ҳалқ артисти Тамара Хонимнинг синглиси Гавҳар Раҳимованинг уйда кўришдик. Шамсиiddинхон ака Гавҳар опанинг ўғли Марат билан Қоҳирада бирга ўқиган, иккаласи яқин дўст эдилар.

Биринчи учрашувларимиздаёқ у менда сира унтилмас таассурот қолдириди. Унинг табиатан ижодкор ва ҳар томонлама билимдон одам эканини шундоқ қиёфасидан билиб олиш қийин эмасди. Олий мансабларда ишлаган жамоатчилик орасида ҳам, Ислом оламида ҳам хурмат ва эътибор қозонган бўлса-да, Шамсиiddинхон акада заррача соҳта расмиятчилик сезилмас эди.

Мен Шамсиiddинхон ака билан дипломатия соҳасида бирга, ёнма-ён туриб ишлаш баҳтига мұяссар бўлганман. У жуда келбатли, савлатли, аммо бу ҳайбат фақат кўринишида эмас, ички олами ҳам бой, маънавияти бутун инсон эди. Шундай хусусиятлари билан одамни ўзига тортар, меҳрингизни қозонар эди. Чинакамига очиқ, самимий қалб, бугун кундалик ташвишларга кўмилган турмушимиизда бизга етишмаётган оламни, унинг гўзаллигини англаш туйгуси у кишида камолига етган эди.

Шамсиiddинхон ака ҳамиша келажакка ишонч, қатъий интилиш билан яшар, бошқаларни ҳам ҳаётсеварликка чақиради. Шамсиiddинхон Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, унинг жаҳон ҳамжамиятига tengҳуқуқли аъзо бўлиб киришини катта қувонч ва кўтаринкилик билан қарши олди. Кўпгина унга тенгдош одамлар яқин ўтмишни қўмсангга ёки иккиланишга берилишганида, Шамсиiddинхон ака қатъият билан олдинга интилди. Мен бир неча бор Шамсиiddинхон аканинг яқин ўтмишга шахсан қандай баҳо беришини билишга уриниб, гапга тутиб кўрдим. Аммо у киши ҳар сафар эътибор қимас,





ҳеч нарса демасди. Оддинига, барча сиёсатчилар каби панада қолишни истамоқда, деб ўйладим. Кейинчалик эса яхши англадим: ҳозирги босқичда унинг тарихга айланган ўтмиш билан унчалик иши йўқ, у келажакка интилган, ўтмишнинг “олтин”, “кумуш” йилларига ўралиб вақтни бой бергиси йўқ экан. Шамсиiddинхон ака миллый истиқолимиздан кейинги йилларни унга Аллоҳ таоло ҳаётда ато қиласан чинакам қимматли неъмат деб биларди.

Шамсиiddинхон аканинг суратларини кўздан кечирарканман, уларнинг аксариятида Шамсиiddинхон акани олға интилаётган, шиддатли, тутқич бермас инсон қиёфасида кўрдим. Тасвирда муҳрланган бўлса-да, у гўё суратдан чиқиб кетадигандай қандайдир навбатдаги бир мўлжалга отилаётгандаи туюлади. Шунда ўз-ўзидан кўнгламда бир истак тугилади: Аллоҳ таоло ҳар биримизга ҳаётда мана шундай ёрқин, доимо яхшилик сари интилишда, ҳаракатда, ҳамиша парвозда яшашни насиб этсин. Чунки бундай парвоз жисмоний эмас, балки маънавий парвозdir.

Шамсиiddинхон Бобохонов дипломат сифатида. Милодий XI аср бошларида яшаб ўтган улуғ турк шоири ва мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб Боласогуний ҳукмдорга насиҳат қиласар экан, кимни элчиликка тайинлаш ҳақида бундай ёзади:

Тамоми кишилардан сараси элчи (*бўлиши*) керак,
Билимли, заковатли, жуда етук (*бўлиши*) керак.

Элчи жуда доно, хотиржам (*бўлиши*) керак,
Ақлли, сўзга чечан, тадбирли (*бўлиши*) керак.

Яна сўзнинг ичи ҳам ташини билса,
(Токи) унинг туфайли бузилган ишлар тузалса.

Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (*бўлиши*) керак,
Ишончили, чин, ишлари ўқ(дек) тўғри (*бўлиши*) керак.

Уят-андишиали, босиқ ҳам зариф бўлсин,
Билсанг, турли билимлар зарифлик туфайлидир.



Үқув, қарорли бўлса, сўнг яхши аталади,
Феъли яхши бўлса, ўзини манзур қиласди.

Тетиклик билан киши тилакка етишин бил,
Билим ол, идрокли бўл, сўнгра пухта тадбир қил.

Турли санъат, ҳунарлар ҳикматини ўрганса,
Шу санъат-хунар билан юзини ёргуғ қиласа.

Китоблар ўқиса, ҳамма сўзларни билса яхши,
Шеър маъносини уқса, ўзи ҳам ёзса яхши.

Барча тилларни билса, тилини (сўзга) очса,
Хатарларни билса, қўли (қалам) билан дур сочса...

Элчи зеҳнили, доно, зийрак одам бўлса гар,
Бег ундан фойда кўтар, балонинг олди олинар.

Сўзни уққан, ҳозиржавоб бўлиши керак,
Берилган саволга тез тўгерি жавоб қилиши керак.

Ичкилик ичмайдиган, ўзини тутган бўлсин у,
Ўзини тутган киши қўтга қувват бўлар-ку.

Ичкилик билимга ёв, зеҳнга оғатдир,
Ичкиликдан келгани уруши ва адоватдир.

Тили ширин, кўнгли очиқ бўлиши керак,
Айтар сўзи ёқимли, ўзи оқил бўлиши керак.

Хотираси соз бўлсин, эшишган бир сўзни ҳам
Унумасин, ёдидага сақлай олсин мустаҳкам.

Юз кўрки ҳам чироили, бўй-басти кўркам бўлсин,
Соқоли ярашикли, савлатли, бардам бўлсин.

Ўзи жумард, ҳиммати муносибдир, баланддир –
Киши ҳиммати асли шу иккиси биландир*.

Бундан минг йилча олдин ушбу мисралар бугунги кунда
ҳам эачиларни танлашда амалий қўлланма каби фойдалидир.
Шамсидинхон Бобохонов элчи бўлишнинг бундай юксак
талабларига тўла жавоб берар эди.

Шамсидинхон Бобохоновнинг сиёsatчиликдаги йўли хаљ
дипломатиясидан соф, малакали дипломатия сари юксалиб

* Юсуф Хос Ҳожиб. "Кутадгу билиг". Т., "Фан". 1972.



борди. У ўзининг мазкур соҳадаги фаолиятини, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидағи Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланишидан анча оддин бошлаган эди. Бу ўринда ҳалқ дипломатияси, аниқроги, Шамсиiddинхон аканинг 1962 йили сабиқ Иттифоқда Ислом ташкилотлари ҳалқаро алоқалари бўлимидаги ишлагани тўгрисида сўз бормоқда. Яъни у ҳалқаро алоқалар соҳасида ўттиз йилдан кўпроқ ишлаган, бой тажриба тўплаган эди.

Ҳалқ дипломатияси борасида Шамсиiddинхон Бобохонов фаолиятининг уч йўналишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш. Сабиқ Иттифоқ Ислом ташкилотлари ҳалқаро алоқалар бўлимидаги фаолияти. Шамсиiddинхон хорижий мамлакатлар мусулмонлари билан ҳалқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ишларида фаол иштирок этди. Дипломатик музокараларда, расмий қабул ва учрашувларда қатнашди, хорижлик меҳмонлар гурӯҳларининг мамлакат бўлаб сафарларида ҳамроҳлик қилиди, ҳалқаро, диний анжуманларнинг ташкилотчиси ва фаол қатнашчиси бўлди. Натижада унинг хорижлик жуда кўп дин ва жамоат арбоблари билан шахсий алоқалари ҳам мустаҳкамланиб борди.

Иккинчи йўналиш. Шамсиiddинхон Бобохонов Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши, Масжидлар бўйича Бутунжаҳон Олий кенгаши, Осиё ва Африка ҳалқлари бирдамлиги қўмитаси, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет ва Ўзбекистон қўмиталари, Совет ва Ўзбекистон тинчлик жамғармалари каби қатор ҳалқаро ноҳукумат ташкилотлари фаолиятида самарали иштирок этди.

Учинчи йўналиш. Шамсиiddинхон Бобохонов турли мусулмон мамлакатларининг диний таълим ва Ислом тадқиқот марказлари Ислом ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, уни ривожлантириш борасида ҳам самарали иш олиб борди. Бунда Шамсиiddинхоннинг араб, инглиз, рус ва форс тилларини жуда яхши билиши, шунингдек, Ислом тамаддуни тарихий-





маданий меросини ўрганиш бўйича олиб борган илмий изланишлари жуда кўл келди. Шамсиiddинхон Бобохоновнинг 1985 йили Ўрдун Қироллик академияси ҳакиқий аъзолигига салланиши унинг илмий тадқиқотлари натижаларининг халқаро эътирофи бўлди.

Шамсиiddинхон Бобохоновнинг халқ дипломатияси жабҳаларидағи фаолияти туфайли Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг халқаро обрў-эътибори юксалди, минтақа мусулмонларининг тинчлик, яхши қўшничилик ва халқлар дўстлиги гоялари асосида бирдамлиги мустаҳкамланди.

Шамсиiddинхон Бобохонов 58 ёшида, ҳар томонлама етук инсон, дин арбоби, олим сифатида жаҳонга танилган расмий дипломатик фаолиятини бошлади. Бу ҳол худди ҳарбий хизматни генералликдан бошлаш каби шарафлидир. Бунинг устига, дипломатия югуриш пойгаси ёки полвонлар беллашуви эмас. Бу ўринда етуклик ёши, оғир-вазминликда тажриба айни муддаодир. Чиндан ҳам Шамсиiddинхон Бобохонов зиммасига улкан сиёсатчилик масъулияти юкланди. У тугма қобилияти дипломат сифатида танилди. Дастреб Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги, сўнгра Саудия Арабистони Қироллигидаги Фавқулоода ва Мухтор элчиси бўлди, шунингдек, Жазоир, Баҳрайн, Кувайт ва Иорданияда ўриндошлик асосида иш олиб борди. Ҳаммаси бўлиб олти йил дипломатлик қилди. Араб давлатлари сиёсатчилари орасида обрў-эътибор қозонди.

Шамсиiddинхон Бобохонов Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги Фавқулоода ва Мухтор элчиси этиб тайинланиши ўзига хос улкан воқеа эди. Чунки уни араб дипломатлари жамоаси худди ўз қадрдонидай тез ва сўзсиз қабул этди. У фақат она юртида эмас, балки бутун араб оламида таниқли дин арбоби ва олим сифатида янги масъулияти вазифада иш бошлаш учун Қоҳирага келган эди.





Яна тарихга мурожаат қиласиз. Жаҳон дипломатияси оқсоқолларидан бири Николосон фаранг сиёсатчиси Франсуа де Калера китобига суюнган ҳолда “ростгўйлик, тартибалик, хотиржамлик, сабр, яхши муомала, камтарлик ва муросасозлик яхши дипломатнинг фазилатлари” деб ёзган эди. Бу хислатлар яхши дипломатиянинг ҳам фазилатлари ҳисобланади. Аммо ўқувчи: “Сиз ақд, билим, кузатувчанлик, эҳтиёткорлик, меҳмондўстлик, жозиба, қунт, гайрат, жасорат ва одоб кабиларни санамадингиз – дейиши мумкин. – Мен уларни унуганим йўқ. Мен бу фазилатлар ҳар бир дипломатда бўлишини табиий ҳол деб ҳисоблайман”, – деб ёзди Николосон. Ш.Камбон эса дипломат учун “ақл эркинлиги” зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Шамсиiddинхон Бобохонов яхши дипломатга хос бундай фазилатларнинг ҳаммасини билар, уларни меъёрида ишга солиш маҳоратини тўла эгаллаган эди. Шу боисдан ҳам араб дунёсида элчи Бобохоновни яхши ҳурмат қилишар эди. Манманлик эмас, камтарлик, сўзамоналик эмас, ишchanлик, берган ваъдасига, халқаро мажбуриятларга садоқат, меҳнатсеварлик, ўз ишини маромига етказиб адо этиш элчи Шамсиiddинхон Бобохоновнинг иш услуби мана шундай эди. Элчи Бобохонов аниқ-тиник, вазмин, ифодали, зарур бўласа, қатъият билан гапиради. Музокаралар чоги унинг нутқи очиқ-ойдин ва мулоим бўларди. Бир сўз билан айтсан, дипломат сифатида унинг иш услуби қатъийлиги ва асосли, аниқ экани билан ажralиб турарди.

Шамсиiddинхон aka қайси мамлакатга бормасин, маҳаллий халқлар тарихи, маданияти ва ички сиёсатини яхши ўрганишга интиларди. Бу ҳол ҳам унинг юксак малака эгаси бўлганини кўрсатади, албатта.

Олийжаноб инсон Шамсиiddинхон Бобохонов дипломатлик бурчларини катта иштиёқ билан бажаар, бу борада унга ажойиб қобилияти, уқуви, чукур билими жуда қўл келарди. Араб мамлакатларидағи биринчи ўзбек элчисига қанча оғир бўлганига





қарамай, Шамсиiddинхон Бобохонов дипломатик фаолияти ҳам ана шундай фазилатлар билан ажралиб турарди. У ватанпарвар мутахассис сифатида ҳамма жойда Ўзбекистон манфаатларини мунтазам илгари сурди, мамлакатимиз обрўсини муносиб равишда ҳимоя қилди.

Шамсиiddинхон Бобохонов ажойиб қобилиятаари, гўзал ахлоқий фазилатлари туфайли дипломатия соҳаси мутахассислари, умуман, элчилик фаолиятида ким билан учрашмасин, ҳамманинг меҳрини, ҳурматини қозонган эди. Сиёсатчилар юксак маданиятли элчи Шамсиiddинхон Бобохонов тимсолида у бир вакили бўлган Ватанимиз Ўзбекистонни ҳам ёқтириб, ҳам севиб қолишарди. Қоҳира, Риёз шаҳарларида элчи Бобохонов атрофида ҳар томонлама муносиб инсонлар жам бўлишган эди. Олий мартабали давлат раҳбарлари, араб мамлакатлари, жамоат ва дин арбоблари, дипломатлар, ўз юрти ва чет элларда ҳам машҳур олимлар, маданият ходимлари унинг қадрдан дўстлари бўлиб қолишган эди.

У олийжаноб фазилатлари туфайли бирга ишлаган, учрашган, суҳбатлашган, ҳамкорлик қиласан кишиларнинг меҳрини қозонар, уларни ўз атрофида бирлаштира оларди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки Шамсиiddинхон ака ҳамиша тинчлик ва дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни ҳаммасидан устун қўяр, ўзига маслақдош одамларга яхшилик қилишдан қалби ҳузур топарди. Шамсиiddинхон Бобохонов каби шахслар яхши алоқалар ва халқаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга интилишади.

Шундай қилиб, Шамсиiddинхон Бобохонов эл-юртга садоқати, ёрқин шахсияти, ибратли фаолияти билан араб мамлакатларида мустақил ўзбек дипломатиясига асос солди, десак муболага бўлмайди.

Шамсиiddинхон нисбатан қисқа, аммо сермаҳсул ҳаёти давомида Аллоҳ берган ақли, истеъдодини ишга солиб, кўп ибратли ишларни амалга оширишга улгурди.





У 2003 йили 15 апрелда 66 ёшида вафот этди (Аллоҳ раҳмат қиласин). Минглаб тошкентликлар, араб-ислом мамлакатлари дипломатия хизмати вакиллари "Ҳазрати Имом" маҳалласига, Шамсииддинхон Бобохонов билан видолашиш, жанозасида қатнашиш учун Бароқхон мадрасасига келишди. У Гойиб ота қабристоннига, авлод хилхонасига, катта буваси Абдулмажидхон Эшон қабри ёнига дағн этилди.

Биз Бобохоновлар сулоласи билан ҳақли равишда фахрлансан арзиди. Муфтий Бобохоновлар инсон сифатида, албатта, юксак маърифатли кишилар эди. Уларнинг бутун ҳаёти ва фаолиятида шахсий манфаат жуда арзимас ўрин эгалларди. Улар ҳаётда Ватан ва ҳалқ фойдасини кўзлаб яшашди.

6.3. Устоз ва шогирднинг ҳамкорликдаги фаолияти

Бу хақда Россия муфтийлар Кенгаши раиси маслаҳатчиси Анвармирзо Ҳусаинов фикрича, шогирдлари ҳамкасбига айланган, ҳатто ундан ўзиб кетишган олийжаноб, узоқни кўзлаган устоз баҳтли инсондир. Муфтий Шамсииддинхон Бобохонов ана шундай баҳтai, олийжаноб инсон эди. Унинг Бухородаги Мир Араб мадрасасида, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадида таълим-тарбия берган шогирдлари тез орада ўз республикаларида диний бошқармалар раҳбарлари, институт ва университетларнинг ректорлари бўлиб етишли. Улар орасида Россия мусулмонлари Марказий диний бошқармаси раҳбари Тальят Тожиддин, Россия муфтийлар кенгаши раиси муфтий Равил Гайнутдин, Озарбайжон муфтийи Оллоҳшукур Пошшозода, Чеченистаннинг собиқ муфтийи ва Президенти Аҳмад ҳожи Қодиров (Аллоҳ раҳмат қиласин) ва бошқа Ислом оламида машҳур дин ва давлат арбоблари бор.

Мен муфтий Шамсииддинхоннинг Аллоҳ таоло марҳамати билан билимлари, саъй-ҳаракатлари туфайли муфтий – устозларга ҳамкасб бўлишган шогирдлари кейинчалик ҳам устозлари билан самимий дўст ва умумий ишда собиқ ҳамкор бўлиб қолишганига гувоҳман. Бир гал муфтий Равил Гайнутдинга





Шамсидинхон Бобохоновнинг “Буюк муҳаддислар ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳақида” номли китобини Ўзбекистондан ҳадя сифатида келтириб бердим. Бир неча кун ўтгач, муфтий мени чақиртириб, унга жуда яхши совга келтирганимни, устози – муфтий Шамсидинхон Бобохоннинг китобини ўқиб, қалби янада ёришганини айтди. “Устозим ҳадисшуносликда чинакам яхши китоб ёзибди. Тошкентга борсангиз, устозимнинг бу ютутидан қувончим, ҳайратим ифода этилган ушбу мактубимни ул зотга бериб қўйсангиз, – деб менга бир хат тутқазиб, Россия муфтийлари Кенгаши меҳмони бўлиб Москвага келишларини тайинлади.

Кўп ўтмай мен Тошкентга келиб Равил ҳазратнинг мактубини Ўзбекистон ташқи ишлар вазирилигида маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Шамсидинхон акага бердим. Мактубни ўқир экан, устознинг кўзларида севинч ёшлари қалқди. Мактубни келтирганим учун менга раҳмат айтди. Шундай шогирдларим борлигидан, уларнинг ютуқларидан фахрланаман, деди. Шамсидинхон ака мактубга жавоб ёзиб, муаллиф дастхати битилган бошқа бир китобини Равил ҳазратга етказишмни илтимос қилди. Мен бу китобни ҳам Равил ҳазратга етказдим. Аммо Шамсидинхон аканинг Москвага ваъда қилинган ташрифи амалга ошмади. Таниқли дин ва жамоат арбоби, олим ва дипломат Шамсидинхон Бобохонов 2003 йил апрель ойида оламдан ўтди.

Шамсидинхон Бобохонов ва Равил Гайнутдин ўртасида фақат қувончли хабарларни етказиб юрсам қанийди. Аммо Шамсидинхоннинг вафоти ҳақидағи қайгули хабарни Москвага етказиш ҳам менинг зиммамга тушди. Жума куни эрталаб бу хабарни Россия муфтийсига айтдим. Орадан уч соат ўтиб, Равил ҳазрат жума мавъизасини Бобохоновлар судоласидан етишиб чиққан уч муфтийга багишилади. Уларнинг ҳаёти, Ислом динимиз равнақига қўшган улкан ҳиссалари, имом-хатиб кадрлар тайёрлашдаги жонкуярликлари, дунёнинг





80дан ортиқ мамлакатидаги диндошлар билан дўстона алоқа, ўрнатиш борасидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида тўлқинланиб галирди.

Равил ҳазрат талабалик йиллари Бухородаги Мир Араб мадрасаси хужраларидан бирида унга Ўрта Осиё ва Қозогистон диний бошқарма раиси, Иттифоқ Ислом ташкилотлари ҳалқаро алоқалар бўлими раҳбари, муфтий Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Қуръони карим ҳадя этиб, ундаги чексиз билимлардан ўзлаштириб, илмга чанқоқ одамларга етказишни насиҳат қилганини эслар экан, беихтиёр кўзларига ёш олди. Кейинги йилларда менга Қуръони каримни қироллар, муфтийлар, машҳур ноширлар, таржимонлар ҳадя этишган, уларнинг ҳаммаси мен учун муқаддас, қадрлидир. Айниқса, устозимнинг қўлидан олган илк Қуръоним мени улуғ ишларга илҳомлантиради, устозимнинг эзгу насиҳатини эслатиб туради, деди Равил ҳазрат ва намозга келган мусулмонлар билан устозлари ҳақига дуо ўқиди.



7-БОБ. МУҚАДДАС ҚУРЬОНИ КАРИМ

7.1. Мусҳафи Усмонийнинг Мовароуннахр ўлкасига олиб келиниши

Шайх Исмоил маҳдум мулло Сотти Охунд ўғли (1893–1976) ўн уч ёшларида Намангандаги машҳур Гофир қори домаада Куръони каримни тўла хатм қилиб, ёд олдилар Исмоил маҳдум машҳур Собитхон Тўра ва бошқа устозлардан тафсир, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва балогатни ўрганди. Наманган шаҳрида узоқ йиллар Ҳазрати Ҳизир масжида имомлик қилиб, унинг қошидаги мадрасада дарс бердилар. 1943 йилда Эшон Бобохон ва Зиёвуддин қори билан биргаликда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идорасини ташкил қилишда фаол қатнашдилар. Кейинчалик Намангандаги “Шайх Эшон” масжида имом-хатиб бўлдилар. 1945 йилда муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилкларидағи биринчи ҳаж сафарида иштирок этдилар. 1952–1957-йилларда Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида мудир, 1957 йилдан то ҳаётларининг охирига қадар Диний идора раиси ноиби-қозий лавозимида ишладилар. Шайх Исмоил маҳдум шўролар даврида Диний идора томонидан бир неча марта чоп этилган Куръони карим нашрларини тайёрлашда таҳrir ишларига бошчилик қилди.

Шайх Исмоил маҳдум турли даврлардаги маълумотларни йигиб, уларни тартибга келтириб 1971 йилда “Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи” рисолаларини нашр эттирганлар ва унда Мусҳафи Усмонийнинг Мовароуннахр ўлкасига олиб келинишини баён этганлар. Баёнларида Шайх Мусҳафи шарифнинг асли ва уни қай йўсинда бизга етиб келгани ҳақидаги тўккиз ривоятни келтирганлар ва уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тушунтириш берганлар:

Биринчи, Ибн Қутайбанинг Мусҳаф Тус шаҳрида эканлиги ҳақидаги хабарига “Самарқанд тарихи”даги Усмон(р.а.)нинг



куёвлари Саид Мусҳафни 54-ҳижрий санада Самарқандга олиб келган, деган ривоятни боғлаб, Мусҳаф ўша пайтдан бери Самарқандда бўлган десак, тўғри даъво қиласан бўламиз. Бу фикрни Имом Моликнинг: “Бош Мусҳаф “Хонадон воқеъаси”дан кейин Мадинадан гойиб бўлган ва мен унинг ҳақида ҳидоят муршидларидан биронта ҳам хабар эшитмадим”, – деган сўзлари ҳам қувватлайди.

Иккинчи, Мұхаммад Амин Хонжий “Манжамул-Умрон” китобида Ибн Батутанинг Басрада Ҳазрати Усмон Бош Мусҳафини кўрганлиги ҳақида зикр қиласи. Бу Мусҳаф кейинчалик Самарқандга, ундан сўнг Петербургга олиб кетилган, дейилади. Мусҳафни Басрадан Шомни забт этган Амир Темур олиб кетган. Ибн Батута ўзининг “Тұхватун-нуззор” китобида Шом мамлакатларига қиласан зиёрати чогида Дамашқдаги Умавийлар жомеъида куфий Мусҳафни кўргани ва яна шундай Мусҳафни Басрада ҳазрати Али(к.в.) масжидларида учратганлигини ёзади. Дамашқдаги Мусҳаф Темур истилоси пайтида ёниб кетган, Басра шаҳридагиси эса Самарқандга олиб кетилган. Бу фикрни рус олими Шебунин “Куфий Куръон” номли китобида ҳам маъқуллайди. Ибн Батутанинг Шом мамлакатларига қиласан зиёрати Амир Темир юришларидан аввал бўлган эди. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч қандай чаалкашлик йўқ.

Учинчи, тарихчиларнинг Ўрда хонлари ва Миср сultonлари орасида вужудга келган алоқалар, уларнинг бир-бирларига қимматбаҳо, ниҳоятда қадрли ҳадялар бериб турганлари ҳақидағи хабарлари мавжуд. Ҳадялар орасида Усмон Мусҳафи ҳам борлиги зикр қилинади. Манбалар турли замонларда Қоҳирада бир неча Усмон Мусҳафлари бўлганлигидан хабар беради. Тарихчилар Мусҳафларнинг қандай қилиб Мисрга келиб қолганини тафсифлаб, уларнинг Усмон(р.а.) ҳар хил юртларга жўнатган Мусҳафлар эканлигини қувватлайдилар.

Тўртинчи, Самарқанд уламолари, шу жумладан, элачи Яҳё Хўжа Бухорийнинг Мусҳаф Амир Темур хазинасидан ёки






кутубхонасидан чиққан, деган баёнлари. Иккинчи ривоятда Амир Темур уни Басрадан олиб Самарқандга келтирган, дейилади. Агар Амир Темурнинг шон-шавкати, құдрати, унинг тутган мавқенини ҳисобга олсак, бу ривоят ҳам ҳақиқатта түгри келади. Чунки Мусҳафи Усмонийдек олий ифтихор манбай Амир Темурнинг мулқидан четда қолиши мумкин эмас эди. Ўша уламоларнинг ғылыми мәдениети, бу Мусҳаф Самарқандда түрт юз йилдан бері мавжуд бўлган.

Бешинчи, Хўжа Аҳрор Валий муридлари Султон Боязидни даволаб, эвазига Усмонийлар хазинасидағи Мусҳафни олиб келган, деган ривоят.

Олтинчи, Мусҳафни шайх Абу Бақр Қаффол Шоший Бағдод халифалари хазинасидан олиб келганилиги ҳақидағи ривоят. Бу ривоятни Шайх Мұхаммад Қози Шоший (Хўжа Аҳрорнинг халифасидан бўлиб, Тошкент шаҳрининг қозиси эдилар. Бир неча аҳди илм оиласалар ўзларини у кишига мансуб деб санайдилар) ўзларининг “Сисилият-Орифин” номли китобларида көрсетилгандар. Таажжубланарли жойи шуки, шайх Хўжа Аҳрорнинг маноқиблари тўғрисида бўлишига қарамасдан, Мусҳафи Усмоний тўғрисида гап кетганда Хўжа Аҳрорни зикр қылмайдилар, балки уни Имом Қаффол Кабири Шоший олиб келгандар, дейдилар. Шайх Мұхаммад қози, шунингдек, “Мусҳаф Имом Қаффол замонларида Тошкентда мавжуд эди. Хоразмшоҳ Тошкент шаҳрини хароб қилган кезларида, у Абу Мусо маҳалласида сақланар эди. Шундан кейин гойиб бўлган”, дейдилар. Агар Мусҳаф қози Мұхаммад замонларида мавжуд бўлиб, Хўжа Аҳрор уни Самарқандга олиб кетганларида, қози Мұхаммад буни Хўжа Аҳрорнинг маноқиблари сифатида, албатта зикр қилган бўлар эдилар.

Менга Тошкент уламоларидан Фозил хўжа домла шайхимиз, мархум Эшон Бобохон ҳазратларидан шундай нақа қилдилар: “Ҳозирги кунда мазкур маҳалла имом Қаффол Шоший мақбаралари яқинидаги Қаъни маҳалласидур. Мусҳаф шу маҳалланинг ҳозир мавжуд бўлган масжидида сақланган”.



Яна ажабланарли нарса шуки, шайх Али бин Ҳусайн Кошифий Хўжа Аҳрор маноқиблари ҳақида катта бир китоб тасниф қилиб, Мусҳафи Усмоний ҳақида бирор оғиз гап айтмаганлар. Ваҳдоланки, Кошифий у зотнинг хизматларида мулозим бўлиб, шайхнинг ҳолатларига тегишли ҳар бир катта-ю кичик воқеаларни санаб ўтганлар. Мусҳафи Усмонийдек ифтихорга боис шундай улуғ мулкни айтмай ўтишлари эҳтимолдан ниҳоятда узоқ.


Бундай улуғ мерос у кишига ва Хўжа Аҳрорнинг бошқа яқинларига маҳфий бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки Кошифий "Сиасилатул-Орифин" китобида шайх Мұҳаммад қози зикр қилмаган Хўжа Аҳрорнинг тарихлари ва ҳаётларига оид нарсаларни ҳам ўз китобларига киргизганлар. Бундан келиб чиқадики, Мусҳаф Хўжа Аҳрорнинг вафотларидан кейин у кишининг масжидларига қўйилиб, у ана шу зотга мансуб, дейилган. Шунингдек, Мусҳафни Истанбулдан олиб келган мурид қиссаси тўқиб чиқарилган. Қаффол Шошийнинг Мусҳафни Тошкентдан Самарқандга олиб кетганлар, деган ривоят ҳам шу жумладандир. Агар бу ривоятлар тўғри бўлганда, юқорида зикр қилинган икки забардаст шайх Хўжа Аҳрорнинг ҳаётлик пайтларида ёзган ўз китобларида, албатта зикр қилинган бўлур эдилар. Мусҳафни Багдоддан Қаффол Шоший олиб келганиларни тўғрисидаги хабар ҳам ҳақиқатдан узоқ.

Еттинчи, "Самарий"даги ривоят муқаддам зикр қилинган Ибн Кутайбанинг ривоятига мос тушади.

Саккизинчи ва тўққизинчи, бу икки ривоят Самарқанд Мусҳафининг чет эл матбуотида Усмон Мусҳафларининг бири, деб машхур бўлганилигига далолат қиласи.

Диёrimizda saқданaётgan Mусҳафнинг turli юртларга yoborilgan Usmon Mусҳаflariдан biри ekanaligiga bu izoҳлар ҳavola etildi. Чунки ўша олти ёки етти Mусҳаflarining bir-biriidan farқи йўқ ва biри ikkinchisiga nisbatan imtiyёzli emas, balki ularning ҳammasi ҳazrati Usmon (r.a.)ga mansubdir.






Венгер шарқшунос олим Арминия Вамбери 1863 йилда дарвеш бўлиб Марказий Осиёда сайёҳлик қилган. У Самарқандда Амир Темур мақбараси ўртасидаги баландликда кийик терисига ёзилган катта Куръонни кўрганига гувоҳлик қилган. “Мен кўп ишончли одамлардан эшигтанман, – деб ёзди у, – бу ўша иккинчи халифа ёзdirган нусхаси. Бу муқаддас нарсани машҳур саркарда Темур Бурсадаги турк султони Боязид газнасидан олиб келган”.

1868 йилда чор қўшини аскарлари Самарқандга кирганида Усмон Куръони “Хожа Аҳрор” масжида сақданаётган эди. Масжида зиёратчилар Муқаддас китобга сажда қилишар ва ундан оқ фотиҳа розилик сўрашарди. Байрам кунлари китобни масжидан олиб чиқиб ҳалқقا кўрсатишар эди.


Ҳарбий округ бошлиги генерал Абрамов ўзга ишлари қатори қадимий ноёб Куръон билан ҳам қизиқиб қолади. Эндиликда қайси ҳолатда Усмоний Куръони масжидан ташқарига чиққанлигини ўрганиш қийин бўлади. Қандай бўлмасинки, ноёб китоб юз рубль эвазига Абрамов қўлига тушади. У Куръонни Тошкентга ўлка генерал-губернатори Кауфманга юборади. Фан ва санъатга ҳомийлик қилувчи Кауфман Куръонни Санкт-Петербургга жўнатади. У ерда Куръон Император кутубхонасининг қўлёзма бўлимига жойлаштирилади. Шу вақтдан бошлаб кутубхона Русия мусулмонлари ва хориждан келадиган меҳмонларнинг зиёрат қилувчи жойига айланиб қолади. Шундай қилиб, бир неча асрдан кейин исломнинг муқаддас китоби биринчи маротаба мусулмонлар дунёсидан ташқарига чиқиб қолади.

Россия олимлари ноёб китобни батафсил ўрганишларига имконият пайдо бўлади. Рус шарқшуноси А.Ф.Шебунин Усмоний Куръонни палеография тадқиқоти асосида (қадимги қўлёзмаларнинг хати ва ташқи кўринишларини ўрганувчи фан) муқаддас қўлёзма VII асрнинг бошларида Ироқ ҳудудида тузилганлигини, матн бир хиллигидан халифа Усмон туздирган рўйхатдан бирига ўхшашини ва Басрага юборилганлигини



тасдиқлади. Тадқиқотнинг натижаси жамоатда Усмоний Куръонга катта қизиқиш уйготди. Баъзи бир вараклари суратга олинib литография усулида босилиб савдога чиқарилди. Баъзи бир тадбиркорлар фойда олиш мақсадида Куръонни ишлатишга ҳаракат қилишиди. Масалан, 1895 йилда вараклардан бириникки минг нусхада нашр этилади, 1905 йилда Илёс ибн Аҳмадшоҳ деган кимса фототипия (шиша ёки металла пластинкага туширилган фотосуратдан фойдаланиб китоб босиш) усули билан “Ёсин” сурасини нашр этади. Шу йилда С.Писарев факсимиле (хужжат айнан тикланган нусхаси) усули билан Куръоннинг асосий ҳажмини ($68,5 \times 50$ см) сакдашга ҳаракат қиласан ҳолда 50 нусха нашр эттиради, шундан 25 нусхаси 500 рублдан сотилади.

Айтишларича, ҳар бир китоб ўз тақдирига эга. Усмоний Куръоннинг тақдири бу билан якунланмаган. 1917 йилда Россияда Октябрь тўнтариши бўлди. Оқибатда ҳокимият Владимир Ленин бошчилигида болшавойлар қўлига ўтди. Дунё пролетариати доҳийси, худосиз эди. Табиийки, у диний китобларнинг муқаддаслигига ишонмасди. Лекин у яхши сиёсатчи эди, Куръонни мусулмонларга қайтариб берса, сиёсий жиҳатдан фойдали эканига ақли етарди. Петроград миллий округида бўлиб ўтган Ўла мусулмонлар қурултойи 14 декабрь 1917 йилда миллатлар ишлари бўйича Халқ Комиссариатига қуйидаги мактуб билан мурожаат этади: “Усмоний Куръон бутун дунё мусулмонларининг муқаддас бойлиги, шунинг учун у мусулмонлар қўлида бўлиши лозим. Бутун Русия мусулмонлари шуни талаб этмоқдалар”. Халқ Комиссарлари Кенгаши 1917 йил 19 декабря “Зудлик билан қайтирасин” деган қарор чиқаради ва таълим ишлари халқ комиссари А.Луначарскийга топширади. Бебаҳо қўлёзма Уфа шаҳрига келтирилиб, руҳонийларга топширилади. Шу вақтда Россия мусулмонлари Диний идораси Уфада жойлашган эди. Шундай қилиб табаррук китоб тарихий жойи – Туркистонга қайтиши тобора яқинлашарди Бунга Туркистон ўлкасининг жамоат ва диний арбоблари эришди.



* * *

Ўзбекистон халқлари тарихи музейида ўттиз йил раҳбарлик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Нафиса Содиқова Усмоний Куръонни Туркистон Республикасига қайтарилишини шундай таърифлайди: “Музейлар, қадимги замон ёдгорликларини, санъат ва табиатни муҳофаза этиш” Туркистон қўмитаси 1922 йил 8 февраль ва 15 марта даги қарорлари билан РСФСРнинг миллатлар ишлари бўйича Халқ Комиссариатига Туркистон Республикасига Куръонни қайтарилиши тўғрисида мурожаат этади. ВЦИК Усмоний Куръонни туркистон никларга қайтарилиши тўғрисида қарор чиқаради. Тошкентдан С.Қосимхўжаев ва руҳонийлардан уч вакиъ маҳсус комиссия таркибида Уфага боришиди. Улар Куръонни қуролланган қўриқчилар билан маҳсус вагонда олиб келиб “Хўжа Аҳрор” масжиидида жойлашган Сирдарё диний бошқармасига 1923 йил 18 августда актга биноан топширишиди. Кейинчалик Куръон Эски шаҳар музейига келтирилиб, темир сандиқда сақланади. 1926 йилнинг январь ойида Эски шаҳар музейи Биринчи ўзбек музейига қайта ўзгариши билан Куръон маҳсус жиҳозланган хонада тарихий ёдгорлик сифатида кўргазмага қўйилган.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топиб, унинг таркибида Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ташкил этилди. Янги музейга Усмоний Куръони топширилди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний идораси таъсис топиши муносабати билан 1943 йилда чақирилган қурутойга Мусҳафи шариф олиб келинди ва зиёрат маросими уюштирилди. Иккинчи марта унинг зиёратига 1948 йилда мазкур идоранинг иккинчи қурутойи муносабати билан муваффақ бўлинди.

Ҳижрий биринчи асрда ёздирилган Усмоний Куръони қадимги араб ёзуви ёдгорлигига мансуб бўлгани учун у бебаҳодир. Шунинг учун ҳам музейда уни авайлаб сақлашга барча шарт-шароитлар мавжуд.”





Куръон қанча жойларга бориб келган бўлса ҳам, унинг мармар таглиги доимо бир жойда, яъни Самарқандда Бибихоним масжидида турган. Уни ҳам кўчиришга ҳаракат қилишган, лекин оғирлиги туфайли жойда қолаверган.

Мусҳаф 1989 йилга қадар Тошкентда тарих музейида сақланиб келган. Шу ийли Ўзбекистон ҳукуматининг маҳсус қарори билан у Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси тасарруфига топширилди. Уни “Мўйин Муборак” мадрасасида кутубхонанинг маҳсус хонасида сақдаб келинди.

2007 йилда Ҳазрати Имом майдонида таъмираш ишлари бошланганда “Мўйин Муборак” мадрасанинг биноси ҳам таъмиранди ва маҳсус жиҳозланди. Таъмиранган бинода “Куръон” музейи очилди. Бугунги кунда ноёб ёдгорликларни сақлаш учун керакли бўлган шарт-шароитлар яратилган бинода Усмоний Куръони ҳамда турли йилларда нашр этилган Куръон нусхалари сақланмоқда.

Тенги йўқ, ноёб, ислом маданияти ёдгорлигининг тақдирин шундай кечди. Исломнинг муқаддас китоби бугунги кунда ҳам бутун оламдаги тадқиқотчиларни, диндорларни ва сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

7.2. Шўролар даврида Куръони каримнинг кўп минг нусхада нашр этилиши

Бундан ўн тўрт аср илгари Аллоҳ таоло инсониятга охирги муқаддас Китоб – тўгри, ҳақ ийла бошловчи Куръони каримни туширди ва одамларни унга амал қилиб, Аллоҳнинг амрларига итоат этиб, икки дунё саодатига эришишга чақириди. “Қалам” сураси 52-ояти мазмуни бундай: “Ҳолбуки, у (Куръон барча) оламлар учун эслатмадир”.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада Куръони карим барча замонлар ва барча ҳалқлар учун – Қиёмат кунигача охирги илоҳий, ўзгармас Китоб бўлиб қолиши хабарини бермоқда.

1917 йилги октябрь тўнтаришишгача ҳам Куръон бир неча марта нашр этилган. Масалан, насх хатининг бухороча шаклида



кўчирилган Бухоро нашрини айтиш мумкин. Куръонни 1913 йили Тошкентда таниқди хаттот Мирзо Ҳошим Ҳўжандий ҳам насх хатида кўчирган эди.

Анъанага кўра, турли мусулмон, энг аввало, араб мамлакатларидан Куръони карим нусхалари минтақамизга кўп кириб келар эди. Аммо муқаддас Китобга эҳтиёж ҳам ҳамиша ортиб борган. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкия этилган илк кунларданоқ унинг муфтияти асосий саъй-ҳаракатларини муқаддас Ислом динимизни ёйиш ишига қаратди.

Шайх Эшон Бобохоннинг энг муносиб, илк хизматларидан бири бутун дунё мусулмонларининг муқаддас Китоби – Куръони каримни нашр эттириш бўлган эди. Шуни ҳисобга олиб, диний бошқарма Куръони каримни кўп минг нусхада кўпайтириш – нашр этиш учун ҳаракат бошлади ва доимий комиссия тузди. Комиссия Куръони каримнинг 1908 йили Қозонда босилган нусхасини янги нашр учун асос қилиб олди. Куръони карим 1957 йили Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон раҳбарлигида Тошкент босмахонаридан бирида чоп этилди. Шундай қилиб, Куръонни кўп минг нусхада нашр этиш йўлида илк амалий қадам кўйилди.

Бу ажойиб воқеани мусулмонлар катта қувонч билан қарши олишди. Куръони карим нусхалари босмахонадан олиниши биланоқ асосан масжиidlар орқали шод-ҳуррамлик, кўтаринкилик руҳида минтақанинг турли ҳудудларига тарқатилди.

1960 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасида Куръони каримни яна нашр этишга киришилди. Бу сафар 1924 йили Қоҳирада босилган нусха асос қилиб олинди. Дастлаб бир неча нусхаси Ал-Азҳар дорулағунунинг юборилди. У ерда янги нашрни таниқди уламолар, шайхлар ва Куръони карим бўйича қўмита мутахассислари текшириб чиқишиди. Куръони каримнинг бу икки нашри ҳам минтақа мусулмонлари диний ҳаётида катта воқеа бўлди.




Куръони каримнинг учинчи нашри 1968 йили амалга оширилди. Диний бошқарма бу гал 1913 йили Тошкентда босилган нусхани асос қилиб олди. Ноаниқлик ва хатоларга йўл қўймаслик учун Тошкент, Кўқон ва Андижоннинг энг обрўли уламолари, Куръон ҳофизларидан иборат маҳсус таҳрир ҳайъати тузилди. Ҳайъат аъзолари бир неча ой мобайнида илоҳий матнни синчилаб текшириб чиқди. Шундан сўнггина Куръон катта ва кичик ўчамларда босила бошланди. Собиқ совет мамлакатида Куръоннинг охирги – еттинчи нашри 1985 йили Қозон шаҳрида амалга оширилган. Диндорлар орасида муқаддас Куръони каримнинг нашр этиб тарқатилиши, уларни тўғри йўлда тарбиялаш, қалбларида ҳақиқий исломий эътиқодни мустаҳкамлашда бекиёс аҳамият касб этди.

7.3. Куръони карим тўғрисида жаҳондаги таниқли олимдарнинг фикрлари

“Куръони карим мўъжизалари” китоби муаллифи айтадики, бугун ер юзида кузатилаётган зўравонликлар, азоб-уқубатлар, тартибсизликлар барчаси динсизликнинг гоявий ҳукмронлигидан келиб чиқмоқда. Бу асоратдан кутулишнинг бирдан-бир йўли динсизлик устидан гоявий ва илмий ғалаба қозониш, ҳар бир киши яхши англаши учун дин ҳақиқатларини тўғри тушунтиришидир.

Куръони каримнинг бетакор тили ва услуби ҳар бир инсон учун тушунарли, қабул қилиниши осон. Куръон ўтмишда ўтган ҳалкларга ҳам, ҳозир ер юзида яшаётган одамларга ҳам бирдай тушунарлидир. Куръони каримнинг бетакорр услуби, унда яширинган олий ҳикматлар, чуқур ахлоқий-маънавий амр-насиҳатлар, чексиз эзгу билимлар, илмий мўъжизалар, ижтимоий, сиёсий ва диний меъёрлар баёни, шундай улкан маънода ҳеч қандай номувофиқлик йўқлиги, бизнинг онг-тушунчамиз қабул қила оладиган билимлар – буларнинг бари Куръони карим чиндан ҳам Аллоҳ таолонинг Сўзи эканини асло рад этиб бўлмас даражада исботлаб турибди.





Куръон одамларга илм-фанинг барча соҳалари – фалакиёт ва физика, тиббиёт ва кимё, тарих ва биология, инсоннинг яратилишидан тортиб еру осмонларнинг яратилишигача, атмосферанинг тузилиши ва барча физикавий қонунларнинг уйгунилиги борасида ҳам билимлар тұұфа этди. Куръон одамларга илгари улар тасаввур ҳам қиолмаган нарсалар ҳақида хабар берди. Аллоҳ таоло инсонга яратилиши ҳақиқатини билдиришни ирода этгани дүнё тарихида улуг бир маданий юксалишни бошлаб берди. Ислом оламининг улкан ютуқлари билан Европа тамаддуннiga пойдевор қўйилди. Куръони каримда билдирилган илм-ҳикматларнинг бетакрор ва буюклиги қандайдир даражада яқин ўтмишда, илм-фан тараққиёти сабабли бизга ойдинлаша бошлади, бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Илм-фан ҳаёт ҳақиқатини қанчалик чукур ўргангани сари Куръони каримнинг олий ҳикматлари шунчалар ёрқин ва ҳайратланарлы даражада очилиб бораёттир. Еру осмонлар яратилишининг илгари инсон англаёлмаган илоҳий сирлари бир-бир очилмоқда.

Куръони каримнинг илоҳий моҳияти, унинг одамларга таъсир қилиш қуввати ҳақида дүнёга машҳур олимлардан Жон Нейш ўзининг “Куръон мұжизалари” китобида бундай дейди: “Куръон (араб тилида) тиловати гүз аллиги ва хуш ёқиши билан ҳар қандай тингловчининг қалбини титратиб юборади, ҳайратта солади. Куръоннинг бетакрор баён услуби, аксар қофияли матни чукур-чукур маъноларга бой, сўзма-сўз таржима қилиш жуда қийин бўлған, қисқа-лўнда жумлалар тенгсиз таъсир қувватига эгадир”.

Кейт А.Мур, тўқималар биологияси ва анатомия профессори, дүнёга машҳур эмбриолог, Торонто университети (Канада): “Кейинги тўрт йил ичида Куръони карим оятлари ва ҳадисларни синчковлик билан ўрганиш натижасида биз она қорнида ҳомила ривожланишининг бир неча босқичини билиб



одик. Куръони карим бу илмий ҳақиқатдан милодий VII асрда хабар бергани бизни ҳайратта солди. Чунки у даврда ҳали илм-фан шаклланмаган эди.

Куръони каримнинг она қорнида ҳомила ривожланиши ҳақида хабар берилган оятларини одамларга тушунтириб, шарҳлаб бериш менга бекиёс завқ багишлайди. Ишончим комил, бу оялар Пайғамбаримизга (с. а. в.) Аллоҳнинг ваҳийи билан туширилган. Шу боис бу билимларни орадан неча асрлар ўтиб илм-фан исботламоқда. Бу ҳол Мұхаммад (с. а. в.) Аллоҳ таолонинг ҳақ пайғамбари эканларига далолат қиласди”.

Алфред Кронер, геология профессори, Майнк университети (Германия): “Куръони каримнинг Ер, унинг тузилиши, пайдо бўлиши ҳақидаги, умуман, илм-фанинг у ёки бу соҳаси билан боғлиқ муборак ояларини умумлаштириб тафаккур қилинса, бу ояларда берилаётган хабар ва маълумотлар фавқулодда аниқ-пухта экани ойдинлашади. Уларнинг бари замонавий илмий кашфиётлар билан тасдиқланяпти. Ислом ёйла бошлаган илк даврларда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий хуносалар мутлақо йўқ эди. Бу ҳол Куръони карим Мұхаммад пайғамбаримизга (с. а. в.) илоҳий ваҳий билан туширилган мўъжиза Китоб эканини кўрсатади”.

Ёшихиде Козаи, профессор, Токио расадхонаси директори (Япония): “Куръони карим менга жуда кучли таъсир қиласди. Чунки мен бу Китобда жуда тўғри астрономик ҳақиқатларни кўрдим. Бу ҳақиқатлар галактиканинг жуда кичик бир қисмини ўрганувчи бизга ўхшаган астрономларга кучли таъсир қилиши табиий. Биз бор куч-ғайратимизни сарфласак ҳам, ана шу миттигина худудни тўла ўргана олмаймиз. Бутун галактика ҳақида эса аниқ фикр юритолмаслигимиз тайин. Куръони каримни ўқиб, оялар маъносини тафаккур қилиб, саволларимга жавоб олиб, мен коинотга доир янги тадқиқотларим йўналишини белгилайман”.

Морис Букай, тиббиёт академиги, Париж университети (Франция). “Куръон ва замонавий фан” китобидан: “Агар мен



Куръони каримни илгарироқ билганимда эди, кўр-кўронга иммий хулоса ахтариб юрмасдим, менда йўл кўрсатувчи нур бўлар эди”.

Жак Ив Кусто, оламга машҳур дengизчи олим: “1962 йили Бобул Мандуб кўлтиғида Қизил дengиз билан Ҳина уммони сувлари бир-бирига аралашиб кетмаслиги маълум бўлди. Шундан сўнг биз Атлантика уммони билан Ўрта Ер дengизи сувлари аралашиб кетадими-йўқми, шуни аниқлашга киришдик. Оддин Ўрта Ер дengизи сувининг шўрлиги, қаттиқлиги, унда нималар яшашини ўргандик. Атлантика уммонида ҳам худди шундай қидик. Бу икки ҳавзанинг сувлари Жабали Ториқ (Гибралтар) бўгозида учрашади. Мантиқан олинса, бу икки хил сув минг йиллардан бўён бир-бири билан аралашиб, уларнинг шўрлиги, қаттиқлиги бир хил, ҳеч бўлмаса, бир-бирига яқин бўлиши керак эди. Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улар учрашган жойларда ҳам ҳар бирининг таркиби сақланиб қолган. Бошқача айтсан, сувдаги кўринмас мўъжизавий парда уларни бир-биридан ажратиб туради. Мен бу ҳақда профессор Морис Букайга айтган эдим, у “Бу ҳодиса ҳақида ўн тўрт аср аввал нозил бўлган Куръони карим ояларида очиқ-оидин хабар берилган”ини айтди. Шунда мен Куръон Аллоҳнинг сўзи эканига ишондим. Ягона Парвардигорнинг ҳақ дини Исломни қабул қидим. Мусулмонларни тифайли Аллоҳ қалбимга мъянавий қувват берди. Шу боис ўглим вафот этганида мусибатни сабр билан енгигб ўтолдим”.

Сайфиаддин Дирк Валтер Мосиг, (Германия): “Мен барча динларнинг китобларини ўқиганман. Аммо Куръони каримда кўрган-топғанларимни – мукаммалликни уларнинг ҳеч бирида топа олмадим. Куръони карим ояларини ёрқин қуёш дейдиган бўлсан, мен ўқиган бошқа китоблар унинг олдида миљтираган шамчалик ҳам нур сочолмайди. Тафаккур ва билимга очиқ покиза қалб, соғ ақдга эга бўлган одам албатта Ислом йўлини танлашига ишонаман”.



7.4. Куръони каримни билиш – дунё ҳалқлари иттифоқлигининг кафолатидир

2007 йилнинг ноябрь ойида Москва шаҳрида III Бутунrossия мусулмонларининг анжумани бўлиб ўтди. Мен янги ташкил этилган “Муфтий Бобохоновлар жамғарма”си раиси сифатида таклиф этилган эдим. Жамғарманинг таъсисчилари Нижний Новгород вилояти мусулмонлари Диний идораси раиси Умар ҳазрат Йдрисов ва шу вилоят Ислом институтининг ректори Дамир ҳазрат Мухетдинов Россия Муфтийлар Кенгаши қўллаб-кувватлаган янги Жамғармани анжуман қатнашчиларига таништирилди. Менга сўз берилди. Танаффусда менинг олдимга бир одам келиб ўзини таништириди. У “Пора понимать Коран” (“Куръонни тушуниш вақти келди”) номли китобнинг муаллифи Юрий Михайлов экан. Миннатдорлик билдириб китобни қабул қилдим. Китоб билан танишдим. Муаллиф православ маданияти, урф-одати асосида шакланишига қарамасдан Ислом динининг чуқур асосларини ўрганиб англашга ҳаракат қиласиги мени таажӯжублантириди ва хурсанд этди. Муаллиф, Исломни можаро чиқармайдиган, тинчликпарвар, раҳмдил, кечиримли бўлишга, гайридин вакилларига нисбатан ҳурмат билан қарашга чақирадиган дин эканлигини кўрсата олибди. Шу билан бирга у китобхонга “цивилизациялар тўқнашуви” ижтимоий-сиёсий тузум идеологиясининг ифодачиси Саммюэл Хантингтон ва унга ўхшаш ҳийла-найранг ишлатаётган сиёsatшунослардан, ҳамда дунёда рўй бераётган фитналарга нотўғри баҳо беришдан эҳтиёт бўлишни тавсия этади. Ҳозирги кунда Россиядаги имомларни, мулаларни ва диндорларни диний билим даражаси муаллифни чуқур безовта этаётганинги билдиради. Мусулмонларнинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик улар кучли бўладилар, инсоният ҳам тинч бўлади, деб ёзди муаллиф.

Юрий Михайлов китобини ўқиб, унга нисбатан менда катта ҳурмат уйғонди, чунки у ўзини тиришқоқлиги билан





Куръон маъносини англаб, унинг мазмунига етиб у орқали мусулмонларни тушунишга ҳаракат қилимокда ва бошқаларни ҳам даъват этмоқда.

Китобнинг чиқишида ва кенг китобхонлар доирасига таништиришда Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қошидаги Араб ва Ислом тадқиқотлар Маркази раҳбари В.В.Наумкин ва машҳур дипломат, Фавқулодда ва Мухтор элчи В.В.Поповларнинг хизмати катта. Оламда динларнинг моҳиятини тўғри тушунувчи ва талқин этувчи яхши фикрли, мустаҳкам иродали, ҳалқларни бир-бири билан дўйсталаштирадиган инсонларни сони ортиб боришини Яратган Оллоҳдан сўраб қоламан. Дунё ҳалқлари орасида бундай инсонлар ўз билими ва бой ҳаётий тажрибасини маърифат йўлида ишлатсалар, ҳозирги кунда содир этилаётган турли хил гаразли хуруж ва ҳамлалардан, тұхмат ва бўхтонлардан озод бўлардилар, деган умиддаман. Ҳалқлар бир-бирини яқиндан билишига, диндорлар бир-бирини тўғри тушунишига хизмат қилиш бу мардонавор ҳаракатdir.

Ўтган асрларда Куръон дунё ҳалқларининг кўп тилларига таржима этилган. Биринчи марта 1143 йилда лотин тилига таржима этилган. Фақат инглиз тилида 108 марта таржима варианти бўлган. Куръон маъносини таржима этиш, бу таржимоннинг ўзигагина хос бўлган ҳаракати, у қандай тушуниб қанчалик таржима тилига моҳирилик билан ағдаришига боғлиқ, шундай бўласа ҳам у асосий Куръон бўлолмайди.

Ю.Михайлов китоби ислом динининг асосий хусусиятлари моҳияти ҳақида билим ва тасаввурини кенгайтирмоқчи бўлган сиёсатчилар, сиёсатшунослар ва давлат хизматчиларига йўлланганлиги қувончилидир. Китоб ўқув қўлланма сифатида ижтимоий мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва диний ўқув юртлари талабаларига ҳам мўлжалланган.



7.5. ЭЪТИҚОД БИЗЛАРНИ БИРЛАШТИРИШИ КЕРАК. ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ БИРГАЛИКДА ТИНЧЛИКДА ЯШАШЛАРИ МУМКИН

Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшинаримиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганимиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Ислом Каримов

МУСУЛМОНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАЙЛИК

АҚШ Президенти Барак Ҳусейн Обамани Коҳирада Ал-Азҳар университетидаги нутқи:

– Катта раҳмат. Хайрли кун. Кўхна ва ҳамиша навқирон Қоҳирани зиёрат қилиш ва икки мўътабар муассасанинг меҳмони бўлиш мен учун катта шарафdir. Минг йилдан кўпроқ давр мобайнида Ал-Азҳар ислом таълименинг маёги бўлиб келмоқда, Қоҳира университети эса бир асрдан зиёд вақт давомида Миср тараққиёти учун манба бўлиб хизмат қилимоқда. Биргаликда, сиз анъана ва тараққиёт орасидаги уйгуналикни намоён этасиз. Мен сизнинг ва Миср ҳалқининг меҳмондўстлигидан миннатдорман. Шунингдек, сизга Америка ҳалқининг эзгу нияти ва мамлакатимдаги мусулмонларнинг саломини етказишдан фахрланаман: Ассалому алайкум. (Олқишилар)

Бизнинг бу учрашувимиз Америка Кўшма Штатлари ва дунё мусулмонлари орасида кучли зиддият юзага келган бир пайтда бўлиб ўтмоқда. Бу зиддиятнинг идизи жорий сиёсий муноқашаларга боғлиқ бўлмаган тарихий жараёналарга бориб тақалади. Ислом ва Farb орасидаги муносабатлар асрлар давомида ҳамжихатлик ва ҳамкорлик руҳида олиб борилган, бироқ шу билан бирга можаролар ва диний урушулаардан холи бўлмаган. Яқин тарихда бундай зиддиятнинг кучайишига



кўплаб мусулмонларни ўз ҳуқуқлари ва имкониятлардан маҳрум қиласан мустамлакачилик ҳамда аксарият аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларнинг орзу-умидларини инобатга олмай, уларга нисбатан кўпинча пиёда сифатида қаралган “совуқ уруш” сабаб бўлган. Бундан ташқари, модернизация ва глобализация сабабли юз берган туб ўзгаришлар туфайли, кўплаб мусулмонлар Фарбнинг ислом анъаналарига адовати бор, деган хулоса қилишларига олиб келган.

Зўравон экстремистлар ушбу зиддиятдан фойдаланиб, мусулмонларнинг кичик, аммо қўли узун гурӯхини жалб этдилар. 2001 йил 11 сентябрдаги хуружлар ва бу экстремистларнинг тинч аҳолига қарши зўравонлик қўлашга бўлган саъи-ҳаракатлари менинг юртимдаги баъзи инсонларнинг ислом нафақат Америка ва гарб давлатларига, балки инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳам адовати бор экан, деган хулоса қилишларига олиб келди. Буларнинг бари кўрқув ва ишончсизлик ҳиссини ошириди.

Токи бизнинг муносабатларимиз тафовутларимиз асосида белгиланар экан, биз тинчлик ўрнига нафрат уругини экаётганлар ва барча ҳалқларимиз адолат ва фаровонликка эришишлари учун ёрдам бера оладиган ҳамкорлик ўрнига можароларни илгари сураётганлар тегирмонига сув қуяётган бўламиз. Бу шубҳалар ва нигоҳлар чархини тўхтатиш лозим.

Мен бу ерга, Қоҳираға, Кўшима Штатлар ва бутун дунё мусулмонлари орасида муштарак манбаатлар ва ўзаро ҳурмат асосида, шунингдек, Америка ва ислом бир-бирини инкор қиласан ва шунинг учун уларнинг рақобат қилишларига эҳтиёж йўқ, деган ҳақиқатга асосланган янги саҳифа очиш илинжида келдим. Ҳолбуки, рақобат ўрнига уларда умумий мақсадларга интилиш ҳамда адолат ва тараққиёт, багрикенглик ва барча инсонларга хос қадр-қиммат каби муштарак тамойиллар мавжуд.

Шубидан бирга ўзгаришлар бир кечада содир бўлмаслигини яхши англайман. Бу нутқ қанчалик реклама қилинганини биламан, бироқ биргина нутқ билан йиллар давом этган ишончсизликка барҳам бериб бўлмайди, бундан ташқари






менга ажратилган вақт ичида бугунги ҳолатга олиб келган барча мураккаб саволларга жавоб берса олмайман. Лекин аминманки, олга юриш учун биз қалбимиздаги гапларни бир-биримизга очиқчасига айтишимиз лозим, ҳолбуки бу гаплар фақат ёпиқ эшиклар ортида кўп айтилади. Бир-биримизни тинглашга интилишимиз керак, бир-биримиздан ўрганишимиз керак, бир-биримизни хурмат қилишимиз ва умумий негиз топишимиз керак. Куръони каримда айтилганидек, “Аллоҳдан кўрқингиз ва доим рост гапни сўзланг”. (Олқишилар) Бугун мен айнан шу ишни қилишга ҳаракат қиляпман, яъни олдимиздаги вазифаларнинг мураккаблигини анлаган ҳолда, бизларни бирлаштирувчи умумбашар манфаатлар бизни бўлувчи омиллардан кўра мустаҳкамроқ эканлигини аниқ билган ҳолда, баҳоли қудрат ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қиляпман.

Зеро, қисман ушбу қатъий ишонч ўз шахсий тажрибамга асосланган. Мен масиҳийман, аммо менинг отам мусулмонларга мансуб кениялик оиласда тутилган. Болалигимда мен бир неча йил Индонезияда яшадим ва эрта тонгда ҳамда кеч оқшомда аз он овозини эшитардим. Ёшлик чогимда мен Чикагода ишлаганман, у ерадиги кўплаб инсонлар ислом динида ўзлари учун қадр-қиммат ва осойишталикни топганлар.

Тарихга қизиққан инсон сифатида мен цивилизация ислом олдида қанчалик қарздор эканлигини ҳам биламан. Айнан ислом, Ал-Азҳар каби жойларда, асрлар давомида илм нурини таратиб келди ва Европадаги Тикланиш ва Маърифатга йўл очди. Мусулмон жамиятларининг илгорлик руҳи – (Олқишилар) – мусулмон жамиятларининг илгорлик руҳи туфайли алгебра тартиб-қоидалари, магнитли компасс ва навигация ускуналари, ёзув маҳорати ва нашриётга эга бўлдик, касалликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари ҳақида тушунча ҳосил қилдик. Ислом тамаддуни бизга улуғвор аркалар ва баланд миноралар, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган шеърият ва жозибали мусика, ҳусни хаттотлик ва ҳузур-ҳаловат ила тафаккур қилиш имконларини берди. Тарих давомида ислом сўз ва амал билан






диний бағрикенглиқ ва ирқий тенглиқ имкониятларини намойиш этди. (Олқышлар)

Мен яна биламанки, ислом доим Америка тарихининг бир қисми бўлган. Менинг Ватанимни расман эътироф этган илк давлат Марокаш бўлган. 1796 йили Триполи битимиға имзо чекар экан, бизнинг иккинчи президентимиз Жон Адамс шундай деб ёзган эди: “Кўшма Штатлар табиатига мусулмонларнинг қонуни, дини ёки осойишталигига хусумат билан ёндашиш хос эмас” ва “диний қарашлардан келиб чиқсан ҳеч бир сабаб икки мамлакатларимиз орасидаги муносабатлардаги уйгунилкка асло путур етказмагай”. Мамлакатимизга асос солиниши биланоқ, америкалиқ мусулмонлар унинг ривожига кўп ҳисса қўшдилар. Улар жанг-жадалларимизда қатнашдилар, ҳукуматимизда хизмат қилдилар, фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш олиб бордилар, тадбиркорлик билан шуғулландилар, университетларимизда дарс бердилар, спорт саҳнасида зафар чўққиларига эришдилар, Нобел совриндорлари бўлдилар, бизнинг энг баланд биномизни барпо этдилар ва Олимпия гулханини ёқдилар. Асрлар давомида шундай бўлган ва бу ҳақиқат яқинда Конгрессга илк америкалиқ мусулмоннинг сайланиши билан намойиш этилди. У бизнинг Конституцияни ҳимоя қилиш қасамёдини келтириш учун, мамлакатга асос солган аждодларимиздан бири – Томас Жефферсоннинг шахсий кутубхонасида сақланган Қуръони каримдан фойдаланди. (Олқышлар)

Ислом дастлаб нозил бўлган ушбу минтақага келишдан аввал, мен бу динни уч қитъада ўз кўзим билан кўрганман. У ҳақида билганларим шундан далолат берадики, Америка ва ислом орасидаги ҳамкорлик, ислом нимани намоён этмаслигига эмас, балки у аслида намоён этадиган ҳолларга асосланиши керак. Кўшма Штатлар Президенти сифатида, қаерда исломга нисбатан салбий сохта тасаввурлар пайдо бўлса, уларга қарши курашишини мен ўзимнинг вазифаларимдан бири деб ҳисоблайман. (Олқышлар)

Бироқ айни шу ёндашув мусулмонлар томонидан ҳам Америкага нисбатан бўлган муносабатларида қўлланиши





лозим. (Олқишилар) Мусулмонлар ўзлари ҳақидаги нотүгри тасаввурлар доирасига сигмаганлари каби, Америка ҳақида ҳам фақат ўз манфаатини ўйлайдиган империя сифатида салбий тасаввур ҳосил қилиш муносиб эмас. Кўшма Штатлар дунёда мавжуд бўлган энг муҳим тараққиёт манбаларидан бири бўлган. Менинг Ватаним империяга қарши кўтарилиган инқилоб жараёнида вужудга келган. Биз барча инсонлар тенг яратилган, деган олий қадриятни ўзимизга асос қилиб олганмиз ва биз асрлар давомида қон тўкиб, ўз сарҳадларимиз чегарасида ва дунё бўйлаб ушбу сўзларни маъно билан тўлдиришга кураш олиб борганимиз.

Биз дунёning ҳар бир бурчагини намоён этувчи барча маданиятлар таъсири остида шаклландик ва оддий тамойил: *E pluribus unum*: “Турлиликда – бирдамлик” деган тамойилга содиқмиз.

Барак Хусейн Обама исмли афро-америкалик президент бўла олганига қанчалик кўп эътибор қаратилган эди. (Олқишилар) Аммо менинг ҳаётим қиссаси у қадар ноёб эмас. Гарчи катта имкониятлар ҳақидаги орзу ҳамма америкалик учун рўёбга чиқмаса-да, ушбу орзуда жо бўлган ваъда соҳилларимизга қадам босган ҳар бир инсон учун ўз кучини сақлаб қолади, жумладан, мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган салкам етти миллион америкалик мусулмонлар учун ҳам. Кези келганда шуни айтиш мумкинки, даромад бобида ва таълим даражаси бўйича америкалик мусулмонлар Америка аҳолисининг ўртача кўрсаткичларидан юқориидир. (Олқишилар)

Бундан ташқари, Америкада эркинлик диний эътиқод эркинлигидан ажralmas тушунчадир. Шу боис Федерациямизнинг ҳар бир штатида масжид фаолият юритади, ҳаммаси бўлиб эса мамлакатимиз худудида 1200 та масжид бор. Шунинг учун Кўшма Штатлар ҳукумати, хотин-қизларнинг ҳижоб кийиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда бу ҳуқуқни инкор этганларни жазолаш учун маҳкамага мурожаат этган. (Олқишилар)







Ислом – Американинг бир қисмидир ва бу борада ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак. Аминманки, Америка қалбига қуидаги ҳақиқат жо бўлган: ирқи, дини ёки мартабасидан қатъи назар, тинчлик ва хавфсизлик, таълим ва муносиб меҳнат, оиласизга, жамиятимизга ва Парвардигоримизга бўлган муҳаббат каби муштарак мақсадларга интилиш барчамизга хосдир. Буларнинг бари бизларни бирлаштиради. Инсониятнинг умиди ҳам шундадир.

Табиийки, умумбашар қадрияларни эътироф этиш билан вазифамиз чекланмайди. Аслида бу фақат бошланишидир. Халқларимиз эҳтиёжларини қониқтириш учун сўзларнинг ўзи етарли эмас. Келаси йилларда биз қатъий чораларни амалга оширгомиз лозим. Дунё халқлари олдида муштарак муаммолар тургани, уларни ҳал эта олмасак, барчамиз жабр кўришимизни тушунган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим.

Яқинда бошимиздан кечирган тажрибадан биламики, агар бир мамлакатда молиявий тизим заифлашса, ҳар ерда одамлар фаровонлиги оқсайди. Агар бир кишига гриппнинг янги тури юқса, барча учун хасталаниш таҳдикаси пайдо бўлади. Агар бир давлатда ядро қуроли устида иш кетаётган бўлса, барча мамлакатлар учун ядровий ҳужум таҳдикаси ошади. Жангари экстремистлар бирор бир довонда ҳукм ўрнатсалар, уммон ортидагилар ҳам таҳдид остида бўладилар. Босния ва Дарфурда минглаб одамларнинг қаталиоми барчамизнинг вижданимиздаги доғдир. (Олқишилар) XXI асрда бир сайёрада биргалиқда яшаш дегани мана шудир. Биз, инсонлар, бир-биrimizning олдимида айни шундай масъулиятта эгамиз.

Бундай масъулиятни зиммага олиш осон эмас. Инсоният тарихида миллатлар ва қабилалар ҳамда динлар томонидан ўз манфаатлари йўлида бошқаларни тобе қилиб олиш ҳақида кўплаб ҳоллар қайд этилган. Лекин бу янги даврда бу каби хатти-ҳаракатлар маглубиятга дучор бўлади. Бир-биrimizга боғлиқлигимизни ҳисобга олсак, бир миллат ёки бир гурӯҳни бошқалардан устун қўядиган ҳар қандай дунё тартиби охир-






оқибатда барибир қулайди. Ўтмиш ҳақида фикримиз қандай бўлишидан қатъи назар, биз ўтмишнинг маҳбусига айланиб қолмаслигимиз даркор. Бизнинг муаммоларимизга ечимни ўзаро ҳамкорлик билан топиш керак; бизнинг тараққиётимиз биргаликда баҳам кўрилиши шарт. (*Олқишилар*)

Бу биз зиддиятлар келтириб чиқарувчи манбаларга эътибор бермасак ҳам бўлади, дегани эмас. Аксинча, биз бу зиддиятларга тик қарамогимиз керак. Шундан келиб чиқсан ҳолда, охири-оқибат биз биргаликда ҳал қилишимиз зарур бўлган баъзи маҳсус масалаларни имконим борича аниқ ва равон изҳор қилишга ҳаракат қиласман. Биз ҳал қилишимиз керак бўлган биринчи масала бу зўравон экстремизмнинг ҳар қандай кўринишидир.

Мен Анкарада очиқ айтганман, Америка исломга қарши уруш ҳолатида эмас ва ҳеч қачон бундай ҳолатда бўлмайди. (*Олқишилар*) Бироқ биз хавфсизлигимизга катта хавф тугдираётган зўравон экстремистларга қарши шафқатсизларча курашамиз, чунки биз ҳамма дин вакиллари рад қилган нарсани, яъни бегуноҳ эркак, аёл ва болаларни ўлдиришни рад қиласмиз. Ва менинг Президент сифатидаги энг биринчи вазифам бу Америка халқини ҳимоя қилишдир.

Афғонистондаги ҳолат Американинг мақсадлари ва бизнинг ўзаро ҳамкорлиқда ишлашимиз керак эканлигини намоён қиласди. Мана етти йилдирки АҚШ кенг халқаро кўмак билан “Ал-Қоида” ва “Толибон”га қарши кураш олиб бормоқда. Бизнинг у ерга бориши-бормаслик танловимиз йўқ эди; биз у ерга боришимиз зарурат талаби эди. Биламан, 11 сентябрь воқеаларини савол остига қўядиган ёки ҳатто оқладиганлар ҳали ҳам бор. Лекин шуниси аниқки, ўша куни “Ал-Қоида” уч мингга яқин киши ҳаётига зомин бўлди. Курбонлар орасида америкалик ва кўпилаб бошқа мамлакатлардан келган бегуноҳ эркак, аёл ва болалар бўлиб, улар ҳеч кимга озор етказицмаган эди. Шунга қарамай, “Ал-Қоида” бу инсонларни аёвсиз ўлдиришга қарор қилди, хуружлар масъулиятини ўз бўйнига






олди ва ҳозир ҳам кенг миқёсда қотиллик қилишга бўлган ўзининг қатъиятини баён қиласоқда. Улар кўплаб мамлакатларда тармоқларга эгалар ва таъсир доираларини кенгайтиришига ҳаракат қилинадиган фикрлар эмас, балки ҳал қилиниши керак бўлган далиллардир.

Хуроса қилишда адашмангиз: биз ўз қўшинларимизни Афғонистонда қолдиришни истамаймиз. Биз у ерда ҳарбий базалар яратишга интиламаймиз. Америка учун ўзининг йигит-қизларини йўқотиш жуда оғирдир. Ушбу можарони давом эттириш жуда қиммат ва сиёсий жиҳатдан мушкуадир. Агар Афғонистонда, мана энди Покистонда ҳам, имкон борича кўпроқ америкаликни ўлдиришга шай турган зўравон экстремистлар йўқлигига ишонч ҳосил қила олсан, қўшинларимизнинг ҳар бир аскарини мамнуният билан Ватанга қайтарардик. Лекин бу ҳали рўй бергани йўқ.

Шунинг учун биз 46 та мамлакатдан иборат коалиция билан ҳамкорлик қиласоқдамиз. Катта харажатлар бўлишига қарамай, Америка ўз мажбуриятини бажаришда давом этади. Дарҳақиқат, ҳеч биримиз бу экстремистларга тоқат қилиб туришимиз керак эмас. Улар кўп мамлакатларда қотиллклар содир этишди. Улар турли динга мансуб кишиларни ўлдиришди, лекин ҳаммадан ҳам кўп улар мусулмонлар ҳаётига зомин бўлишиди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари инсон ҳуқуқлари, миллатлар тараққиёти ва исломга зиддир. Муқаддас Куръонда айтиладики, кимки бир бегуноҳ инсонни ўлдирса гўё у бутун инсониятни ўлдирган бўлади. (Олқишлилар) Муқаддас Куръонда яна айтиладики, кимки бир инсон ҳаётини сақлаб қолса, гўё у бутун инсоният ҳаётини сақлаб қўлган бўлади. (Олқишлилар) Бир миллиарддан ортиқ кишиларнинг букилмас эътиқоди саноқди кишиларнинг тор фикрли нафратидан анча устундир. Ислом зўравон экстремизмга қарши курашда муаммонинг бир қисми эмас – у тинчликни тарғиб қилишнинг муҳим қисмидир.

Бугун биз шуни ҳам биламизки, фақат ҳарбий куч билангина Афғонистон ва Покистонда муаммоларни ечиб





бўлмайди. Шунинг учун бизнинг режамиз кейинги беш йил давомида ҳар йили 1,5 миллиард АҚШ долларини покистонлик ҳамкорларимиз билан мактаб ва шифохоналар, йўллар ва тижорат тизимларига сармоя киритиш ва ўз уйларини тарк этиб кетишга мажбур бўлганларга юзлаб миллион долларга тенг маблагларни сарфлаб, ёрдам кўрсатишидир. Шунинг учун биз ағонларга ўз иқтисодларини ривожлантириш ва инсонларга керак бўлган хизматлар кўрсатиш учун 2,8 миллиард доллардан кўпроқ маблагга тенг кўмак бермоқдамиз.

Ироқ масаласи ҳақида ҳам гапириб ўтсам. Афғонистондан фарқли равища, Ироқ ихтиёрий уруш бўлиб, у менинг мамлакатимда ва бутун жаҳонда кескин мунозаралар келтириб чиқарди. Гарчи мен Ироқ ҳалқи учун Саддам Ҳусайннинг зулмидан қутулиш яхши иш бўлди деган фикрда бўлсам-да, Ироқда бўлиб ўтган воқеалар муаммоларимизни ҳал қилишда имкон борича дипломатияни қўллашни ва ҳалқаро консенсусга эришиш кераклигини Америкага эслатди. (Олқишилар) Шу аснода, Томас Жефферсоннинг сўzlари ўриналидир: “Умид қиласанки, бизнинг ҳикматимиз бизнинг кучимиз билан ўсиб боради ва кучимизни қанчалик кам ишлатсақ, у шунчалик катта бўлиши ҳақида сабоқ беради”.

Бугун Америка иккита масъулиятга эгадир: Ироқقا яхшироқ келажак қуришга ёрдам бериш ва Ироқни ироқликларга топшириб чиқиб кетиш. Мен буни Ироқ ҳалқига аниқ баён қилдим – (Олқишилар). – Мен буни Ироқ ҳалқига аниқ баён қилдимки, биз уларнинг заминида ҳарбий базалар очмаймиз ҳам, уларнинг ҳудудига ва табиий бойликларига ҳам даъво қилмаймиз. Ироқнинг мустақиллиги унинг ўз қўлидадир. Шунинг учун мен жанговар қўшинларимизни келаси август ойигача олиб чиқиш буйрганин бердим. Шунинг учун биз Ироқнинг демократик равища сайланган ҳукумати билан Ироқ шаҳарларидан жанговар қўшинларимизни июль ойигача олиб чиқиб кетишни ва 2012 йилгача барча қўшинларимизни Ироқдан бутунлай олиб чиқиш шартномасига содик қоламиз.





(Олқишилар) Биз Ироққа ўз хавфсизлик кучларини тайёрлашга ва ўз иқтисодини ривожлантиришга ёрдам берамиз. Биз хавфсиз ва бирлашган Ироққа катта ҳомий сифатида эмас, балки ҳамкор сифатида ёрдам берамиз.

Ва ниҳоят, Америка экстремистларнинг зўравонликлариға ҳеч қачон тоқат қилиб турмагани каби, биз ҳеч қачон ўз тамойилларимизни ўзгартирмаслигимиз ёки унутмаслигимиз лозим. 11 сентябрь воқеалари мамлакат учун жуда оғир жароҳат бўлди. У кеалириб чиқарган қўркув ва газаб тушунарлидир, лекин бъзви ҳолларда у бизни ўз анъаналаримиз ва олий қадриятларимизга хилоф равишда ҳаракат қилишимизга олиб келди. Биз йўналишни ўзгартиришга доир аниқ чоралар кўрмоқдамиз. Мен АҚШ томонидан қийноқлар қўлланилишини батамом ман этдим ва Гуантанамодаги қамоқхонани кейинги йил бошигача ёпишга буйруқ бердим. (Олқишилар)

Америка, мамлакатлар суверенитетини ва қонун устуворалигини ҳурмат қилган ҳолда, ўзини ҳимоя қиласди. Биз буни таҳдид остидаги мусулмон ҳамжамиятлар билан ҳамкорликда амалга оширамиз. Экстремистлар мусулмон ҳамжамиятларида қанчалик тез ихоталанса ва қувилса, биз ҳаммамиз шунчалик тез, ўзимизни хавфсиз сезамиз.

Биз муҳокама қилишимиз керак бўлган зиддиятнинг иккинчи асосий манбаси бу исроилликлар, фаластилинликлар ва араб дунёси орасидаги вазиятдир.

Американинг Исроил билан кучли ришталари кўпларга маълум. Бу ришталарни узиб бўлмайди. Улар маданий-тарихий алоқаларга ва яхудийлар мамлакатига бўлган интилиш инкор этиб бўлмайдиган фожиали тарихга боғиқ, деган эътирофга асосланган.

Дунё бўйлаб яхудийлар асрлар давомида тазиқларга дуч келишган ва Европадаги антисемитизм мисли кўрилмаган Холокост билан ўз чўққисига чиқди. Эртага мен Бухенвалдни зиёрат қиласман, у жой Учинчи Рейх томонидан яхудийлар қулга айлантирилган, қийноқларга солинган, отилган, газ билан





захарлаб ўлдирилган концлагерлар тармоғининг бир қисми бўлган. Ўшанда олти миллион яхдий қатл этилган, бу сон ҳозир Исройлдаги бутун яхдий аҳолисининг сонидан кўпдир. Ушбу фактни инкор қилиш асоссиздир, бу жоҳиллик ва нафратдан далолатдир. Исройлни йўқ қилиб ташлаш таҳдидини қилиш ёки яхдийлар ҳақида жирканч нотўғри тасаввурларни қайтариш – буткул нотўғри ва исройлликларнинг онгидаги оғир хотираларни қўзгашга хизмат қиласи ва бу минтақа халқдари ҳақди бўлган тинчликка эришишга тўғаноқ бўлади.

Иккинчи томондан шуни ҳам инкор қилиб бўлмайдики, Фаластин халқи – мусулмон ва масиҳийлар – Ватанга эришаман деб жабру жафо чекишган. Улар олтмиш йилдан кўпроқ вақт давомида ватангадолик азобини бошдан кечириб келишмоқда. Уларнинг кўпчилиги Фарбий соҳилда, Газода ва қўшни юртлардаги қочоқдар лагерларида тинч ва осойишта ҳаётни кутишмоқда, бундай ҳаёт кечириш учун уларда имкон бўлмаган. Улар оккупация ўзи билан олиб келган таҳқирларга чида бекариман. Бундан шубҳасиз кўриниб турибдики, фаластиналар учун вазият тоқат қилиб бўлмайдиган ааражада оғир. Америка, фаластиналарнинг қадр-қиммат, имконият ва ўз давлатларига эга бўлишга қаратилган қонуний интилишларидан юз ўтирамайди. (Олқишилар)

Ўн йиллар давомида ечимсиз бир ҳолат давом этиб келмоқда: икки халқ ўз қонунний интилишлари билан, ҳар бири аламли тарихга эга бўлиши муросага эришишни қийинаштиради. Айблашдан осон иш йўқ: фаластиналар Исройлга асос солиниши оқибатида одамлар бошпанасиз қолишини гапирсалар, исройлликлар доимий адоват ва тарих давомида ўз ҳудуди ва ташқарисидаги ҳужумлар ҳақида гапиради. Аммо агар биз ушбу можарога фақат бири ёки иккичиси томонидан қарайдиган бўлсанак, биз ҳақиқатни кўришга ожиз бўламиш: бунинг ягона ечими ушбу икки томоннинг интилишларига икки давлат яратиш орқалигини эришса бўлади, шундагина исройлликлар ва фаластиналар шояд тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирсалар. (Олқишилар)





Бундан Исроил, Фаластиин, Америка ва жаҳон ҳам манфаатдор бўлади. Шунинг учун мен бор сабр-тоқат ва садоқат билан шахсан ушбу ечимга эришишга ният қилимокдаман. (Олқислар) Йўл харитасига мувофиқ, томонлар ўз зиммаларига олган мажбурияятлар эса аниқ ва равшандир. Тинчликка эришиш учун, улар ва барчамиз, ўз масъулияtlаримизга содик ҳолда амал қилишимиз вақти келди.

Фаластиналар зўравонликни тарқ этишлари лозим. Зўравонлик ва қотиллик орқали қаршилик кўрсатиш нотўғри ва муваффақиятта олиб бормайди. Асрлар давомида Америкада қора танили аҳоли қуллар сифатида қамчи еб, зулм тортида ва ирқий сегрегация даврида таҳқирлашлардан озор чекди. Лекин тўла ва тенг ҳуқуқларга эриштирган нарса зўравонлик бўлмади. Бунга эришиш Американинг ташкил этилиш марказидаги олий қадрияtlарга тинч ва қатъий равишда интилиш орқали амалга ошиди. Айнан шундай кечинмаларни Жанубий Африкадан тортиб то Жанубий Осиё, Шарқий Европадан то Индонезия ҳалқларигача ўз бошларидан ўтказганлар. Бу кечинмаларда оддий ҳақиқат мавжуддир: зўравонликнинг охири берк кўчадир. Ухлаётган болаларга қаратиб ракета учириш ёки автобусдаги қари аёлларни портлатиб юбориш жасорат ёки кучалик белгиси эмас. Бундай йўл билан маънавий нуфузга эга бўлинмайди; билъакс, бу йўл орқали ундан маҳрум бўлинади.

Ҳозир фаластиналар учун бунёдкорлик ишларига эътиборни қаратадиган пайтдир. Фаластиин маъмурияти ҳалқнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган муассасалар яратиш орқали, ўзининг бошқариш салоҳиятини ривожлантириши керак. Ҳамас баъзи фаластиналар томонидан қўллаб-қувватланмоқда, лекин унинг аъзолари ҳам масъулияtlарга эга эканликларини тан олишлари лозим. Фаластиналарнинг орзу-умидларини амалга оширишда иштирок этиш учун, фаластиин ҳалқини бирлаштириш учун, Ҳамас зўравонликка чек қўймоги лозим, ўтган шартномаларни тан олиб, Исроилнинг давлатга эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этиши керак.





Айни пайтда, исроилликлар ҳам, уларнинг давлатчилик ҳуқуқи инкор қилинмаслиги каби, Фаластииннинг ҳам давлатчилик ҳуқуқи инкор қилиб бўлмаслигини тан олишлари шарт. АҚШ Исроил томонидан (Фарбий Соҳилда) мавзелар курилиши қонуний эканлигини қабул қиласмайди. (Олқишилар) Бундай қурилиш ишлари олдинги шартномаларга хилоф бўлади ва тинчликка эришиш саъй-ҳаракатларига путур етказади. Бу курилишларни тўхтатиш вақти келди. (Олқишилар)

Исроил ҳам фаластиинликларнинг яшащ ва ишлаш ҳамда ўз жамиятларини ривожлантириш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган мажбуриятини бажариши лозим. Ғазодаги гуманитар инқироз нафақат фаластиинлик оиласаларга кулфат олиб келмоқда, балки шу билан бирга Исроил хавфсизлигига ҳам раҳна солмоқда. Айни шу ҳолат Йордан дарёсининг гарбий соҳилидаги чорасиз вазиятга ҳам таалуқди. Фаластиинликлар кундалик ҳаётидаги тараққиёт, тинчлик сари йўанинг ажралмас қисми бўлиши лозим, Исроил эса шундай тараққиётни таъминлаш учун муайян чоралар қабул қилиши лозим.

Ва ниҳоят, Араб давлатлари, Араб Тинчлик Ташаббуси муҳим бошлангич қадам бўлгани, аммо бу уларнинг масъудиятлари тугади дегани эмаслини эътироф этишлари керак. Араб-Исроил можаросидан Араб давлатлари халқларини бошқа муаммолардан ҷалғитиш мақсадида ортиқ фойдаланмаслик лозим. Бу можаро Фаластиин халқига давлат мустаҳкамлиги учун хизмат қиласдиган муассасаларни ривожлантириш, Исроил давлатини тан олиш ҳамда ўтмишга қаратилган ўз-ўзини емирувчи ўй-фикрлар ўрнига, тараққиётни танлаш учун ёрдам берадиган ҳаракатларга турткি бўлиши керак.

Америка сиёсати тинчлик тарафдори бўлганилар билан биргадир, биз исроилликлар ва фаластиинликлар ҳамда арабларга алоҳида айтадиган гапларимизни ҳамманинг олдида очиқ айтамиз. (Олқишилар) Биз тинчликни мажбуран ўрната олмаймиз. Аммо кўпгина мусулмонлар ўзаро суҳбатда эътироф этишади – Исроил энди тарқалиб кетмайди. Ҳудди шу йўсинда, кўпгина исроилликлар ҳам тан олишадики, Фаластиин давлати





бўлиши керак. Энди фурсат келди, биз барча тўғри деб билган нарсалар устида ҳаракат қилишимиз керак.

Жуда кўп кўз ёшлар тўкилди. Жуда кўп қон тўкилди. Барчамиз исроиллик ва фаластиналлик оналар болаларининг ҳеч қандай қўрқувсиз вояга етишларини кўрадиган кунга эришишлари учун масъулмиз; ушбу кунда учта буюк дин тўпланган Муқаддас Ер Аллоҳ истагани каби тинчлик маконига айланади; бу кунда Қуддус шаҳри яхудийлар, масиҳийлар ҳамда мусулмонларнинг хавфсиз ва доимий Ватанига айланади, худди Исро қиссасидаги каби – (Олқишилар) – худди Исро қиссасидаги каби, Мусо, Исо ва Мұхаммад алайхүмуссаломлар бирга намоз ўқишганидек, Иброҳимнинг барча фарзандлари биргаликда тинч-тотув яшайдиган маконга айланади. (Олқишилар)

Кескинликнинг учинчи манбаи ядро қуроллари бўйича давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бизнинг муштарак манфаатларимиздир.

Бу масала Америка Кўшма Штатлари ва Эрон Ислом Республикаси ўргасида вужудга келган кескинлик манбаига айланди. Кўп йиллар давомида Эрон қисман ўзини менинг мамлакатимга бўлган ихтилоф билан белгилаб келди, дарҳақиқат бизнинг ўртамиизда нотинч тарих мавжуд. Совук уруш авжига чиққанда, Америка Кўшма Штатлари демократик йўл билан сайланган Эрон ҳукуматини агдариб ташлашда роль ўйнади. Ислом Инқилобидан бўён Эрон АҚШ қўшинлари ва фуқароларини гаровга олиш ва уларга қарши куч ишлатиш ҳаракатларида роль ўйнади. Бу тарих жуда яхши маълумдир. Ўтмиш қопқонида қолиб кетиш ўрнига, мен Эрон раҳбарлари ва ҳалқига менинг мамлакатим олга силжиш учун тайёр эканлигини маълум қилдим. Энди масала Эроннинг нимага қарши эканлигида эмас, балки унинг қандай келажак қуришни истаётганилигидadir.

Тан оламан, бир неча ўн йиллар давом этган ишончсизликни енгиш осон бўлмайди, аммо биз жасорат, тўғрилик ва қатъият билан ҳаракат қиласмиз. Икки давлатларимиз ўргасида муҳокама





қилиниши керак бўлган кўп масалалар юзага келади, биз ўзаро ҳурмат асосида ҳеч қандай шартларсиз олга боришни истаймиз. Аммо барчага маълумки, ядро қуроллари масаласи бўйича биз ҳал қилувчи маррага келдик. Бу фақат Америка манфаатларига тааллуқли эмас. Бу Яқин Шарқда ядро қуроллари пойгасининг олдини олишга тааллуқидир, чунки бундай пойга ушбу минтақани ва бутун дунёни ўта хавфли ҳолатга солиши мумкин.

Мен айрим мамлакатлар бундай қуролга эга-ю, бошқаларда эса йўқ, деб эътиroz билдирувчиларни тушунаман. Ҳеч қайси мамлакат ким ядро қуролига эга бўлиши мумкинлигини белгилай олмайди. Шунинг учун мен Американинг ҳеч бир мамлакатда ядро қуроли бўлмаслиги сари ҳаракат қилиш аҳдини қаттиқ қўллаб-қувватладим. (Олқишилар) Ҳар қандай мамлакат, шу жумладан Эрон ҳам агар Ядро Қуролларини Тарқатмаслик Шартномаси талабларига жавоб берадиган бўлса, тинч йўлда атом энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу мажбурият Шартноманинг энг асосий талаби бўлиб, унга аъзо бўлган барча учун бажарилиши шарт. Умид қиласманки, минтақадаги барча мамлакатлар ушбу мақсадни баҳам кўрадилар.

Мен муҳокама қилмоқчи бўлган тўртинчи масала демократиядир. Биламан – биламан, кейинги йилларда демократияни илгари суриш борасида мунозаралар бўлиб ўтди ва бу мунозараларнинг аксарияти Ироқдаги уруш билан боялиқдир. Ижозатингиз билан сўзимни аниқроқ ифода этсам: ҳеч қандай ҳукумат тизими бир давлат томонидан бошқа бир давлат учун белгилаб берила олмайди ва белгилаб берилмаслиги лозим.

Аммо бу ўз ҳалқининг иродасини намоён қиладиган ҳукуматларга бўлган садоқатимни асло камайтиrmайди. Ҳар бир мамлакат бу тамойилни ўзига яраша, ўз ҳалқининг анъаналарига асосланган услубда татбиқ этади. Америка ҳар кимга нима яхши эканлигини билишини даъво қиласмайди, худди шу йўсинда биз тинч сайловнинг натижасини ҳал қилишга ҳам даъво қиласмаймиз. Аммо мен қаттиқ ишонаманки, барча





инсонлар маълум бир нарсаларни доимо исташади: ўз фикрини ифода қилиш имконияти ва қандай бошқарилётганлиги юзасидан ўз сўзига эга бўлиш; қонун устуворлигига бўлган ишонч ва адолат ҳаммага баробар қўлланиши; амаллари тоза бўлган ва халқ бойлигини ўғирламайдиган ҳукумат; ўзингиз хоҳлагандай ҳаёт кечириш. Бу фақат америкача ғоялар эмас; булар инсон ҳуқуқлариди. Шунинг учун ҳам биз уларни барча жойда қўллаб-қувватлаймиз. (Олқишилар)

Ҳозирча бу ваъдаларни амалга ошириш учун чизилган бир тўғри чизиқ йўқ. Аммо шуниси маълум: Бу ҳуқуқларни ҳимоя қилган ҳукуматлар анча барқарорроқ, муваффақиятлироқ ва ҳавфсизроқдир. Ғояларни бостириш ҳеч қачон уларни бартараф этишда ёрдам бермайди. Америка барча тинчликсевар ва қонунга амал қилувчи овозларнинг, ҳатто биз уларга қўшилмасак-да, бутун дунё бўйлаб эштишин ҳуқуқини ҳурмат килади. Агар ўз ҳалқини ҳурмат билан бошқарар экан, биз барча сайланган, тинчликсевар ҳукуматларни олқишилаймиз.

Бу охирги таъкидлаган фикр мухимдир, чунки бъзвилар ҳокимиятда эмасликларида демократияни ҳимоя қилишади; аммо ҳокимиятга келгач, бошқаларнинг ҳуқуқларини шафқатсизларча бузишади. (Олқишилар). Шундай қилиб, қаерда бўлишидан қатъи назар, халқ томонидан бошқариладиган ҳукумат ҳокимият тепасига келувчилар учун ягона андоза белгилайди: Сиз ҳокимиятни куч билан эмас, муроса билан ушлаб турасиз; сиз кам сонли аҳоли вакиллари ҳуқуқларини ҳурмат қилишингиз ҳамда бағрикенглик ва ўзаро келишув руҳида иштирок этишингиз керак; сиз ҳалқингиз манфаатини ўз партиянгиз манфаатидан устун кўришингиз керак. Бу омилларсиз фақат сайловларнинг ўзи ҳақиқий демократияни таъминлаб бера олмайди.

Аудитория аъзоси: – Барак Обама, биз сени севамиз!

Президент Обама: – Раҳмат. (Олқишилар) Биз биргаликда ҳал қилишимиз лозим бўлган бешинчи масала бу дин эркинлигидир.





Ислом фахрланишга арзийдиган бағрикенглик анъанасига эга. Биз буни Инквизиция давридаги Андалус ва Кордoba тарихида кўрамиз. Мен буни болалик давримда, аксарият аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган мамлакат Индонезияда масиҳийлар эркин ибодат қилишганида кўрганман. Айни шу рухият бугунги кунда бизга керакdir. Ҳар бир мамлакатдаги инсонлар ўз фикри, қалби ва руҳи мойил бўлган эътиқод бўйича ташлаш ва яшаш эркинлигига эга бўлиши лозим. Бундай бағрикенглик дин равнақи учун жуда муҳимdir, аммо бу кўп ҳолларда муаммоларга учрамоқда.

Айрим мусулмонлар орасида ўз эътиқодини бошқа бироннинг эътиқодини инкор этиш билан баҳолаш каби хавотирил ҳолатлар учрамоқда. Динларнинг турли-туманлиги сақданиши лозим – хоҳ бу Ливандаги маронитлар бўлсин, хоҳ Мисрдаги қибтийлар бўлсин. (Олқишилар) Агар очиқ айтадиган бўлсан, мусулмонлар орасидаги тафриқалар ҳам барҳам топиши лозим, суннийлар ва шиалар ўртасидаги тарафқашлик, айниқса Ироқда фожиали ҳолатларга олиб келди.

Дин эркинлиги турли инсонларнинг бирга яшашлари учун жуда муҳим саналади. Биз бу эркинлик қандай ҳимоя қилиниш йўлларини доимо кузатиб боришимиз керак. Мисол учун, Америка Қўшма Штатларида хайр-эҳсон бўйича қонун-коидалар мусулмонлар учун ўз дин арконларини бажаришлари учун қийинчилик туғдириди. Шунинг учун мен американлик мусулмонларнинг закот амалларини бажаришларини таъминлаш учун улар билан бирга ишлашга аҳд қилдим.

Худди шу йўсинда, Фарб давлатлари ўз мусулмон фуқароларининг динга амал қилишларига тўсқинлик қиласликлари, мисол учун, муслима аёлнинг нима кийиши бўйича кўрсатма бермасликлари лозим. Биз либерализм ниқоби остида ҳеч қайси динга нисбатан адоват сақламаслигимиз лозим.

Аслида эътиқод бизларни бирлаштириши керак. Мана шунинг учун ҳам биз Америкада масиҳийлар, мусулмонлар ва яхудийларни бирлаштириш учун жамоат хизмати лойиҳаларини яратмоқдамиз. Шунинг учун ҳам биз Саудия Арабистони





Қироли Абдуллоҳнинг динлараро мулоқотлар ва Туркия раҳбариятининг “Тамаддулар альянси” бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлаймиз. Дунё бўйлаб биз мулоқотларни динлараро хизматга айлантиришимиз мумкин, Африкадаги безгак касаллигига қарши кураш бўлсин, ё табиий оғатдан кейинги ёрдам етказиш бўлсин – инсонлар орасидаги кўприклар хайрли ҳаракатларга етаклади.

Олтинчи масала – мен айтмоқчи бўлган олтинчи масала, бу хотин-қизлар ҳуқуқлариdir. (Олқишилар) Биламан, бу ерда ҳозир бўлганлардан билиш мумкин, бу масала бўйича қўп мунозаралар бўлиб ўтган. Мен Гарбдаги айрим фикрларни, жумладан, сочини ўраган аёл ўз тенгхуқуқлилигини йўқотган, деган қарашларни инкор этаман, аммо шунга ишонаманки, таълим ҳуқуқидан маҳрум этилган аёл тенгхуқуқликдан ҳам маҳрум этилгандир. (Олқишилар) Тасодиф эмаски, хотин-қизлари яхши таълим олган мамлакатларнинг фаровон ҳаёт кечириш эҳтимоли жуда каттадир.

Ижозатингиз билан шуни аниқ айтсак: аёлларнинг тенгхуқуқлилик масаласи фақат исломга тегишли бўлган масала эмас. Мусулмон мамлакатлари ҳисобланмиш Туркия, Покистон, Бангладеш Индонезияда биз аёл киши раҳбарлик қилганини қўрдик. Шу билан бирга аёлларнинг тенглиги учун кураш Америка ҳаётининг жуда кўп жабҳаларида ва дунёning бошқа мамлакатларида ҳам давом этиб келмоқда.

Мен аминманки, бизнинг қизларимиз бизнинг ўтиларимиз сингари жамиятга бирдай ҳисса қўша оладилар. (Олқишилар) Бизнинг умумий фаровонлигимиз бутун инсониятнинг – эркаклару аёлларнинг – тўлиқ салоҳиятига эришишига имкон бериш орқали янада тараққий этади. Тенг бўлиш учун аёл ҳам эркак қилган ишни танлаши кераклигига ишонмайман, мен анъанавий ҳаёт тарзини танлаган аёлларни ҳурмат қиласман. Аммо бу уларнинг танлаш ҳуқуқи бўлиши лозим. Мана шунинг учун Америка Кўшма Штатлари мусулмон мамлакатлар билан қиз болаларнинг саводхонлигини ошириш ҳамда ўzlари орзу қиласган ҳаёт кечиришлари учун ёш хотин-қизларнинг



бандлигини таъминлаш мақсадида микромолиялаштириш орқали ёрдам бериш борасида ҳамкорлик қиласди. (Олқисилар)

Ва ниҳоят, мен иқтисодий ривожланиш ва имкониятлар тўгрисида гаплашиб олишни хоҳлардим.

Биламан, кўпчилик учун глобаллашув қиёфаси қарама-қарши табиатга эга. Интернет ва телевидение билим ва ахборот бериш билан бир қаторда фаҳш ва зўравонликка ўргатиши мумкин. Савдо-сотиқ қўшимча даромад келтириши ва янги имкониятлар очиши билан бир қаторда, шаҳар ва қишлоқларнинг турмушини бузувчи ва ўзгартириб юборувчи ҳолатларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳамма мамлакатларда, жумладан Америкада ҳам, бундай ўзаришлар, кўркув уйғотиши мумкин. Бу кўркув модернизация туфайли биз ўзимизнинг молиявий имкониятларимиз, сиёсий ҳаётимизни ва энг асосийси ўзлигимизни, яъни жамоаларимиз, оиласаримиз, урф-одатларимиз, имон эътиқодимиздаги энг қадр-қимматли ҳолатлар устидан бўлган назоратни йўқотиб қўйиш билан боғлиқдир.

Мен, шунингдек, инсоният ривожланишини тўхтатиб қўйиш мумкин эмаслигини ҳам биламан. Қадриятлар ва ривожланиш ўртасида қарама-қаршилик бўлмаслиги керак. Япония ва Жанубий Корея каби давлатлар ўзларининг такрорланмас маданиятларини сақлаб қолган ҳолда, иқтисоди ривожланган иириқ мамлакатларга айлана олдилар. Худди шу фикрни Куала Лумпурдан то Дубайгача бўлган мусулмон оламидаги ҳайратга солувчи ривожланишга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Қадимги вақтларда бўлгани каби, бутунги кунда ҳам мусулмон жамиятлар маориф ва инновациялар соҳасида пешқадам бўла олиш қобилиятларини намойиш қилдилар.

Бу нарса шунинг учун ҳам муҳимки, ҳеч қандай ривожланиш стратегияси, фақат ердан олинадиган бойликларгагина асослана олмайди, шунингдек, у ёшлар иш билан таъминланмаса, барқарор бўла олмайди. Кўпгина Форс кўрфази мамлакатлари нефт қазиб чиқариш ҳисобига бойидилар, шу билан бирга уларнинг баъзилари эътиборларини янада кенгроқ соҳаларнинг



ривожланишига қаратмоқдалар. Биз ҳаммамиз, XXI асрнинг валютаси таълим ва инновация технологиялари бўлишини эътироф қилишимиз лозим – (*Олқишилар*) – аммо жуда кўплаб мусулмон жамиятларида ушбу соҳаларга етарлича сармоя киритилмаяпти. Мен ўз мамлакатим ичида бундай соҳаларга сармоя киритишга катта эътибор қаратмоқдаман. Агар Американи олдинлари бу минтақанинг нефт ва гази қизиқтирган бўлса, энди биз янада кенг ҳамкорликка интилоқдамиз.

Таълим соҳасида биз алмашув дастурларини кенгайтириш ва отамнинг Америкага келишига сабаб бўлган стипендия каби стипендиялар сонини кўпайтиришни мақсад қилганимиз. Айни пайтда биз америкаликларнинг мусулмон мамлакатларда таълим олишларини қўллаб-куватлаймиз. Биз истиқболли мусулмон талабаларни Америкага стажёралик ишларига жалб қиласиз, онлайн режимида бутун дунё бўйлаб ўқитувчи ва болаларга таълим беришни молиялаштирамиз, Канзасдаги ўспирин Қохирадаги ўз тенгдоши билан реал вақт режимида мулоқот қила оладиган янги интерактив тармоқларни яратамиз.

Иқтисодий ривожланиш режасига кўра, биз аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилувчи мамлакатларда ўзларининг ҳамкарабалари билан ҳамкорлик қилувчи кўнгилли бизнесменларнинг янги корпусини ташкил қилиш ниятимиз бор. Бу йил мен Кўшма Штатлар ва дунёдаги мусулмон мамлакатларидағи бизнес етакчилари, жамғармалар, ижтимоий ишбилармонлар орасидаги алоқаларни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкинлигини аниқлаш мақсадида, тадбиркорлик масалаларига оид саммит ўтказаман.

Фан ва техника соҳасида биз аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилувчи мамлакатларда технологик ривожланиши кўллаб-куватлаш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида дунё бозорида янги гояларни ишга тушириш билан шугулланувчи янги жамғарма тузиш ниятимиз бор. Биз Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиёда илмий марказларни очамиз, шунингдек, янги энергия манбаларини кашф қилиш, экологик тоза иш жойларини яратиш масалалари





ва архивларни рақамлашириш, сувни тозалаш, янги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича маҳсус вакилларни тайинлаймиз. Бугун мен Ислом Конференцияси Ташкилоти билан бирга олиб бориладиган, полиомелитни тугатиш бўйича янги глобал ташаббусни эълон қиласман. Биз, шунингдек, она ва бола соғлигини ҳимоя қилиш бўйича мусулмон мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтирамиз.

Бу режаларнинг ҳаммаси ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Америкаликлар одамларнинг яхшироқ ҳаётга эришишлари учун ёрдам беришда, бутун дунё мусулмон мамлакатлари фуқаролари, ҳукуматлари, жамоат ташкилотлари, диний раҳбарлари ва ишбилармонларига қўшилишга тайёрдирлар.

Мен зикр қиласган муаммоларни ҳал қилиш осон эмас. Лекин зиммамиизда биз интилаётган ҳаёт учун кучларимизни бирлашириш масъулияти бор. Бу экстремистлар бизнинг ҳалқимизга ҳеч қачон хавф солмайдиган, Америка қўшинлари ўз уйларига қайта оладиган, исроиллик ва фаластилинлар ўзларининг алоҳида давлатларида хавф-хатарсиз яшайдиган ҳаётдир. Бу ҳаётда ядро энергияси тинч мақсадлар учун хизмат қиласди, ҳукуматлар ўз фуқароларининг манфаатлари учун хизмат қиласилар ва Аллоҳнинг барча бандалари ҳақ-хукуқларига риоя қилинадиган бўлади. Бу манфаатлар ҳаммамиз учун умумийдир. Бу ҳаммамиз интиладиган ва факат бирлашиб қилинадиган ҳаракатларимиз эвазига қўлга кирадиган ҳаётдир.

Мен биламан, кўплар – мусулмонлар ҳам, гайри мусулмонлар ҳам бу янги ташаббусни амалга ошира олишимизга шубҳа қиласилар. Баъзилар ихтилофлар оловини ёқишга, ривожланиш йўлида гов бўлишга астойдил бел боғлаганлар. Бошқалар эса, ҳаракатларимизни беҳуда билиб, ихтилофлар пешонамизга ёзилган, маданиятларимиз қарама-қаршиликка маҳкум, деб хисоблайдилар. Учинчилар эса, ҳақиқий ўзгаришлар имконияти борлигига ишонмайдилар. Ахир, қанчадан-қанча кўркув ва ишончсизлик йигилиб қолган. Лекин биз ўзимизни ўтмиш юки билан боғлаб қўйсак, ҳеч қачон олга силжий олмаймиз. Турли





динга мансуб ва турли мамлакатларда истиқомат қилаётган ёшларга мурожаат қиласман: бошқалардан кўра, айнан сизлар, бу дунёга янги қиёфа беришга қобилсизлар.

Ҳаммамиз бу дунёга вақтингчалик келамиз. Ҳўш, шу қисқа вақтни бир-биримиздан узоқлаштирувчи нарсаларга ўралашиб қолишга сарф қилишимиз керакми ёки диққатни болаларимиз учун таъминламоқчи бўлган келажакка қаратиш учун, барча инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурматлаш учун, бирлаштирувчи умумий нуқтани топиш учун сарф қилишимиз керакми?

Урушни тўхтатишдан кўра, бошлаш осонроқ. Ўзига назар солишдан кўра, бошқаларни айблаш осонроқ, бизни умумлаштирувчи нарсани топишдан кўра, фарқимизни кўриш осонроқ. Лекин биз нафақат осон йўл, балки тўғри йўлни танлашимиз керак. Ҳар бир дин асосида оддий бир қоида ётади: ўзингга қанақа муомала қилишларини хоҳласанг, бошқаларга шу муомалани қил. (Олқишилар) Бу ҳақиқат ҳамма мамлакат ва ҳалқларга бирдай таалуқли. У янги гап эмас ва у қора танлилар, оқ танлилар ёки қизил танлилар, масиҳий, мусулмон ёки яхудийлар эътиқодининг алоҳида тамали эмас. Бу ишонч тамаддуилар бешигида тебранган ва миллиардлаб инсонлар қалбида тебранмоқда. Бу инсонларга бўлган ишончdir, мана шу нарса мени бугун бу ерга олиб келди.

Бизда ўзимиз интилаётган дунёни яратиш учун куч бор, лекин бунинг учун биз муқаддас китоблардаги битикларни ёдга олган ҳолда, янги саҳифа очиш учун ўзимизда журъят топа олишимиз керак.

Муқаддас Куръон айтади: “Эй, инсонлар, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда’ бир-бирларингиз билан танишишиларингиз учун сизларни ҳалқлар ва қабилалар қилиб кўйдик”.

Талмуд айтади: “Таврот дунёга тинчликни олиб келиш учун берилди”.






Муқаддас Инжил эълон қиласи: “Тинчликпарварлар марҳаматга сазовордиirlар, чунки улар Худонинг болалари, деб аталаурлар”.

Дунё ҳалқлари биргаликда тинчликда яшашлари мумкин. Биз Парвардигорниг иродаси шундай эканлигини биламиз. Мана шу мақсад учун биз шу заминда, Ерда меҳнат қилмоғимиз керак.

Раҳмат. Парвардигор сизга тинчлик-осойишталик ато этсин. Катта раҳмат. (Олқисилар) Қоҳира, Миср Араб Республикаси, 4 июнь 2009 йил.

* * *

АҚШ Президентининг Қоҳирадаги нутқи вақтлар ўтса ҳам Ислом ва Ғарбнинг илғор кучлари тинчлик учун олиб борган харакатлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатди. Барак Ҳусейн Обамани 2009 йил 4 июндаги нутқи 1980 йилда “Ҳижрий XV аср ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик асли бўлиши керак!” шиори остида Тошкент шаҳрида ўтган ҳалқаро анжуман қабул қилган тарихий ҳужжатларини қўллаб-кувватлаб унинг давомига айлангандай ҳис этилди. Анжуман ҳужжатлари сайдерамиздаги барча мусулмонларни, ёшларни ҳижрий XV асрни чин маънода тинчлик, дўстлик, ҳалқларнинг ижтимоий тараққиёти аслига айлантириш учун барча тинчликсевар кучлар билан бирдамликни кучайтиришга чақирган эди. Муфтий Зиёвуддинхон иби Эшон Бобохон ўз маърузасида анжуман иштирокчилари номидан Яратганинн ўзига мурожаат этиб, Унинг марҳамати билан анжуманни тинчлик учун олиб бораётган олий хизматларини самарали йўлга солишини сўраган эди. Афсуски, XX асрнинг иккинчи ярмида икки буюк давлатлар СССР ва АҚШ ўртасидаги “совуқ уруш” ва уларнинг олиб борган қарама-қарши сиёсати натижасида Тошкент анжуманининг дунё ҳалқари, барча мусулмонлари ва ёшларига қаратилган олийҳимматли мурожаати кўпчиликка этиб бормади. АҚШ Президентининг Қоҳирадаги сермазмун ёрқин нутқи шундан далолат берадики, Тошкент анжуманининг



олийҳимматли мурожаати Яратганинг ўзи Барак Ҳусейн Обаманинг кўнглига солиб уни дунё мусулмонлари билан бўлган муносабатларда янги саҳифа очишга ундагандек.

Агар эзгу ниятли ҳар бир инсон тинчликни сақлаш учун курашга бор куч-кувватини, барча имкониятини сафарбар этмаса, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришилган ютуқлар ҳам қайтмайдиган бўлиб йўқолиши ҳеч гап эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

“Ерни (Аллоҳ хайрли шиларга) яроқли қилиб қўйгандан кейин (унда) бузгунчилик қилмангиз! Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз. Аллоҳнинг раҳмати эзгу иши қилувчиларга яқинидир” (“Аъроф” сураси 56-оят).

Бу масала ҳакида ҳар бир мусулмон, эзгу ниятли ҳар бир инсон бош қотириши лозимдир.

Маълумот учун: Бугунги кунда америкалик мусулмонлар турли хил этник, лингвистик, идеологик, ижтимоий, иқтисодий ва диний групкалардан ташкил топган ўзига хос мозаикани ташкил қиласидилар. Уларнинг сони 7 миллионга яқин, шулардан эркаклар – 54%, аёллар – 46%, ёши 18дан – 29гача 29%, 30дан – 49гача 48%, 50дан – 64гача 18%, 65дан юқори 5%ни ташкил этади. Кўшма Штатлардаги 50 штатда 2300дан ортиқ масжиidlар, исломий мактаблар ва ташкилотлар жой олган. Масжиidlарда этник групкалар тақсимоти: Афро-америкаликлар 27%, Жанубий осиёликлар (хиндистонликлар, покистонликлар, бангладешликлар ва афғонлар) 28%, араблар 15%, бошқалар (татарлар, турклар, тожиклар, ўзбеклар, форслар, малайзияликлар, индонезияликлар) 14%.

(Манба: АҚШ Давлат Департаменти/ Халқаро ахборот дастурлари бюроси. 2009й.).

8-БОБ. МУФТИЙ БОБОХОНОВЛарНИНГ ЖАҲОНДАГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ, ДИН ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

Яқин Шарқдаги бир қатор араб мамлакатлари, жанубий-шарқий Осиёдаги Ислом давлатлари билан Совет давлати йўтасида халқаро алоқалар ўрнатилиши, дипломатик ва дўстлик муносабатлари йўлга қўйилишида муфтий Бобохоновларнинг ҳиссаси жуда катта бўлганини ҳамма эътироф этади. Бу минтақалар, мамлакатлар ҳаётида қатъий диний-гоявий тамойиллар амал қиласи боис мафкураси худосизликка асосланган, муқаддас Ислом динимизни ва мусулмонларни таъқиб, тазиқ остига олган собық Совет Иттифоқи билан давлатлараро алоқалар у ёқда турсин, ҳатто мулоқот, мунозара, фикр алмашишларга ҳам йўл қўйилмас эди. Аммо муфтий Бобохоновлар бу мамлакатларга қиласи сафарлари чогида совет тузуми шароитида ҳам мусулмонлар динимизга амал қилишаётганини уларга маҳорат билан баён қилиб, тавсифлаб беришди. Донолиги ва тажрибаси, юксак маданияти, қомусий билимлари, қадим ва шариф сулолага хос самимияти билан муфтий Бобохоновлар мазкур давлатлар раҳбарларини давлатлараро дипломатик ва иқтисодий муносабатлар, халқлар йўтасида маданий дўстлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигига ишонтира олишди.

Муфтий Бобохоновлар етакчилигига халқ дипломатияси самарали фаолият юритди. Мазкур мамлакатлар давлат раҳбарлари, халқаро, миллий-диний ва жамоат ташкилотлари етакчиларининг собық Иттифоқقا, жумладан, Ўзбекистон ёки мусулмонлар яшайдиган бошқа иттифоқдош республикаларга кўп марта ташриф буюришлари муфтий Бобохоновлар хизматининг яқзол эътирофиdir. Ўша йиллари мазкур давлатлардан гуруҳ-гуруҳ меҳмонларнинг келишлари шарофати билан ишлаб турган масжидлар, мадрасаларнинг



МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АСОСИ МУСТАҶКАМЛАНИБ, Ислом маданияти ёдгорликларини таъмиrlаш чоралари кўрилди. Коммунистик партия Марказий Кўмитасининг собиқ котиби, собиқ Иттифоқнинг Шарққа доир сиёсати бўйича масъул Н.А.Муҳиддинов ва бошқа таниқди сиёсатчилар, шарқшунос олимлар ўз хотираларида бу ҳақда гувоҳлик беришади. Россиялик таниқди дипломат Вениамин Попов, таниқди совет ва озарбайжон дипломати Элдор Кўлиев, таниқди дипломат ва халқаро мавзулар устаси, журналист Фариҳ Сейфулъ-Мулюков ва бошқалар шулар жумласидандир.

Н.А.Муҳиддинов “Река времени” эсдаликлар китобида 1957 йили Индонезия Президенти доктор Сукарнонинг Совет Иттифоқига сафари, Ўзбекистонга ташрифи ҳақида ҳикоя қилинади. Президент Сукарно онасининг хоҳишига кўра, бутун Ислом оламида, жумладан Индонезия, Малайзия ва бошқа Жанубий Шарқ мамлакатларида ҳам номи юксак эъзозланадиган аллома Имом Бухорий мақбарасига зиёратни сафари дастурига киритишларини қаттиқ илтимос қиласди. Мана шу ташриф шарофати билан буюк муҳаддиснинг Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги мақбараси таъмиrlанишига эътибор кучаяди.

Маърифатчилар сулоласидан етишиб чиққан уч муфтий Бобохоновлар 1943–1989-йиллар орасида жаҳоннинг саксондан ортиқ мамлакати давлат раҳбарлари, дин ва жамоат арбоблари билан учрашишди, улар билан дўстона муносабатларни йўлга қўйишли. Бу арбоблар орасида Саудия Арабистони Қироллигидан: Қирол Жаноби Олийлари Абдулазиз ибн Сауд, Қирол Жаноби Олийлари Файсал ибн Абдулазиз, Қирол Жаноби Олийлари Фаҳд ибн Абдулазиз, шайх Сафват Сақо Аминий; Миср Араб Республикасидан: Президент Жаноби Олийлари Жамол Абдул Носир, Президент Жаноби Олийлари Ҳусни Муборак, Ал-Азҳар дорилфунуни бош шайхи, доктор Муҳаммад



Фаҳом, шайх Абдураҳмон Бисар, шайх Муҳаммад Ҳалил Ҳусарий, шайх Абдуссалом Шибравий, шайх Сайд Сабоҳ, доктор Иброҳим Таҳовий, Қоҳира университети доценти Мурод Ваҳба; Иордания Ҳошимийлар Қироллигидан: Қирол Жаноби Олийлари Ҳусайн, Шаҳзода Жаноби Олийлари Ҳамза ибн Ҳусайн, шайх Жаноби олийлари Ҳасан ибн Талол, қирол маслаҳатчиси Ғози ибн Муҳаммад, вақфлар ва исломий ёдгорликлар ишлари бўйича вазир, доктор Абдул Азиз Ҳаёт, доктор Камол Шариф Бутунжаҳон Ислом Лигаси таъсис кенгаши аъзоси, Олий ҳакам Абдуллоҳ Ғўша, шайх Абдулҳамид Сайёҳ, шайх Иброҳим Қаттон; Ливандан: Олий муфтий Ҳасан Холид, Доктор Субҳий Солиҳ, Триполи ва Шимолий Ливан муфтийи шайх Надим Жиср, Ислом Олий Қозиёти аъзоси доктор Варис Қассар. Ливиядан: Президент Жаноби Олийлари Муаммар Қаззофий, “Ислом даъвати” жамияти бош котиби доктор Муҳаммад Аҳмад Шариф, Шайх Абдулҳамид Дибоний; Мароккашдан: Вақф ишлари вазири Аҳмад Баркаш, уламолар жамияти раиси Абдуллоҳ Қонун, доктор Абдул Ҳодий Тозий; Сенегалдан: Ислом маҳкамаси қозиси шайх Муҳаммад Фатҳ; Суриядан: Олий муфтий Аҳмад Куфтару, вақф ишлари вазири, доктор Муҳаммад Хотиб, доктор Башир Боний; Америка Қўшима Штатларидан: Жамоат арбоби Элеонора Рузвелт, Шимолий Америка мусулмонлари етакчиси Дойтор Сайёҳ; Тунисдан: Шайх Мустафо Камол Тарзий, Президент ҳузурида дин ишлари бошқарувчи, муфтий Фаден ибн Ашур; Туркиядан: Дин ишлари вазири Аутфи Дўғон, доктор Акмалидин Эҳсон ўғли; Ямандан: Муфтий Абдуллоҳ Хотам; Афғонистондан: Ислом ишлари вазири Мавлавий Абдул Вали Ҳожжат, доктор Сайд Афғоний; Покистондан: Президент Жаноби Олийлари Муҳаммад Айуб Ҳон, шайх Абдуллоҳ Бухорий; Булғориядан: Бош муфтий Муҳаммад Топчиев; Яман Араб Республикасидан: Олий муфтий



шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Забара; Бирлашган Араб Амирликларидан: доктор Изиддин Иброҳим, Маданият масалалари бўйича маслаҳатчи; Белгиядан: Ислом маданияти маркази директори жаноб Муҳаммад Алвиний; Баҳрайн Қироллигидан: Қирол Жаноби Олийлари Ҳомад ибн Исо ал-Халифа ҳазрати Олийлари, валиаҳд Муҳаммад ибн Муборак ал-Халифа Жаноби Олийлари; Кипрдан: Муфтий доктор Рифат Мустафо; Кувайтдан: Амир Жаноби Олийлари Жобир Аҳмад ас-Сабоҳ, шайх Муборак Фаҳд Салом ас-Сабоҳ; Ҳиндистондан: Бош вазир Жаноби Олийлари Жавоҳарлаъл Неру, Жамоат арбоби Индира Ганди, Бош вазир Жаноби Олийлари Лаъл Баҳодир Шастри, жамоат арбоби доктор Сайфиидин Китчлу, Мавлоно Миён, Аттиқур Раҳмон, қози Сажжод Ҳусайн, имом Исмоил Бухори; Франциядан: мамлакат мусулмонлари етакчisi Шайх Абу Бакр Ҳамза; Чад Республикасидан: Бош имом шайх Мусса Иброҳим.

Бутунжаҳон ва ҳалқаро Ислом ташкилотларидан:

- ИКТ Бош котиби, доктор Акмалиддин Эҳсонўғли.
- Бутунжаҳон Ислом Конгресси бош котиби, “Дин ва дунё” Бутунжаҳон конференцияси президенти доктор Йномуulloхон.
- Бутунжаҳон Ислом Лигаси бош котиби шайх Муҳаммад Али Харақон.
- “Даъватул Ҳақ” журнали бош муҳаррири доктор Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва бошқалар бор.



9-БОБ. ХОТИРАЛАР

Муфтий Бобохоновлар бутун умрлари давомида ҳамма халқларга ва ҳамма замонларга туширилган ҳақдін – Исломни кенг тарғиб этишда, одамларни имонга чақиришда гайрат-шижоат күрсатиши. Бобохоновлар сулоласи муфтийлари салмоқли маънавий-ахлоқий мерос қолдириши. Муфтий Бобохоновларни Ислом оламида йирик етакчилардан деб ҳисоблашар эди. Улар динга, илм-фанга чинакам садоқат билан ўрнак күрсатиши.

“Ҳижрий XV асрни халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик асрига айлантирамиз!” чақиригини илк бор 1980 йили Тошкент Ислом халқаро анжуманида Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон кўтариб чиққан эди. “Тинчлик” сўзи Исломнинг шиори ва рамзиdir. Пайгамбаримиз Мұҳаммад (алайхиссалом): “Ораларингизда салом (тинчлик тилаги)ни кўпайтиринглар”, – деб насиҳат қилганлар. Тинчлик замонавий жамиятда озодлик ва адолат ғалабасининг асосий шартиdir, ҳар бир мусулмоннинг олий мақсадидир.

Ҳаётда қалби имон, ишонч нури билан ёришган одамлар кўп ўтган, ҳозир ҳам бор. Улар туфайли маънавий қадрияларимиз яшаб, отадан болага ўтиб келмоқда. Пайгамбаримиз Мұҳаммад (с. а. в.): “Инсон вафот этганида унинг амали кесилади, фақат уч нарса – одамларга қолдирган давомли садақаси, фойдали илми ва тарбиялаган солиқ фарзандларидан унга савоб етиб туради”, деб марҳамат қилганлар. Улуг инсонларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлаганимизда беинтиёр ушбу ҳадиси шариф ёдга тушади. Ибратли ҳаёти ва қолдирган маънавий мероси туфайли Бобохоновлар сулоласидан етишиб чиққан уч муфтийни ана шундай инсонлар сирасига киригтса бўлади. Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон 80 йил, шайх Зиёвуддинхон қори 62 йил, шайх Шамсиiddинхон эса 41 йил ихлос ва садоқат билан Ислом равнақи учун хизмат қилдилар. Бобохоновларнинг



таржимаи ҳоли уларнинг вафот этиши билан узилиб қолган эмас, ҳалқимизнинг ақл-шуури, қалбини ёриштирадиган, маънавий бойитадиган катта-кичик эзгу ишларида давом этэтири.

ХI асрда яшаган туркий шоир, мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб Болосогуний бундай ёзади:

Ўлим ҳақдир, аммо ҳаёт этади давом,

Ким яхши, ким ёмон деб чиқарар ном...

Дунё ҳаётида тақво билан яшаган мусулмонга охиратда берилажак мукофот ҳақида Куръони каримда бундай мужда берилган: “Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боглари манзил бўлур. (Улар) у жойларда мангу қолиб, ундан (бошқа жойга) кўчишини истамаслар” (“Қаҳғ” сураси 107–108-оятлар).

Бугун Бобохоновлар сулоласининг уч муфтийи – ота, ўтил ва невара ҳақида замондошлиари, ҳамкаслари, шогирдларининг самимий хотиралари аҳамият жиҳатидан улар ҳаёт пайтида айтилган дил сўзларидан асло кам эмас.


9.1. Дунё дин арбоблари муфтийлар ҳақида

Исломнинг илгор арбоби.

Муфтий Зиёвуддинхонни бутун мусулмон олами Исломнинг илгор арбоби ва ноёб даъватчиси деб тан олган. Шахсан мен бу зоти шарифни бутун ҳаёти давомида Ислом таълимотига ўта содик инсон сифатида биламан.

Муфтий ҳазратнинг серкірра ва сермазмун ҳаёти Ислом аҳли учун ибрат мактаби ҳисобланади. Муфтий ўзини бутунлай динга хизмат қилишга бахш этган бўлиб, ўз дунёқарашини қатъий ҳимоя қила оларди, шубҳасиз, унинг бу хислати мусулмонлар қалбида ўчмас из қолдириди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасида олиб борган фаолияти Ислом динига ва мусулмонларга хизмат қилишнинг юксак намунаси эди. У Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида таҳсил оловчи



талабаларга оталарча ғамхўрик қўрсатди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтининг ташкилотчиси ва моҳир мураббийи бўлди.

Муфтий Зиёвуддинхон йирик фан арбоби ҳам эди. Ул зот қаерда бўлмасин, ким билан сұхбатлашмасин, атрофдагилар унга самимий меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлар, унинг сұхбатларни моҳирлик билан олиб боришидан роҳатланар эди.

Муфтий Зиёвуддинхон Ўрта Осиё ва Қозогистон ҳудудидаги кўплаб машҳур маданий ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмираш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шайх Аҳмад Куфттору,
Сурия Араб Республикаси бош муфтийи

Чукур ва кенг билим соҳиби

Муфтий Зиёвуддинхон 1908 йилда Тошкент шаҳрида диндорлар оиласида туғилган. У кишининг отаси муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон нозик табиатли, тақводор шахслардан эдилар. Ул зот юз ёшга яқин умр кўриб, сермазмун ҳаётларини Ислом динининг буюк гоялари ва мусулмонлар манфаатлари учун хизмат қилишга бағишлидилар. Муфтий Эшон Бобохон ўз диёри мусулмонларининг қадр-қимматини доимо ҳимоя қиласиганлар ва бу билан мусулмонларга бегараз ёрдам кўрсатгандар. Ул зот мусулмонлар раҳбари лавозимига ўтирганларида Усмон Куръони катта эҳтиром ва эътибор билан бир неча кун давомида мусулмонлар зиёрати учун кўйилган эди.

Муфтий Зиёвуддинхон ҳақларида гапирадиган бўлсан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ул зот жуда чукур ва кенг билим соҳиби эдилар. Бу нарса тасодифий ҳол эмасди. Чунки муфтий Зиёвуддинхон Ўрта Осиё, Саудия Арабистони, Миср, Суриянинг катта-катта олиму фузалоларидан таълим олганлар. Муфтий Зиёвуддинхон Куръони каримни тажвиднинг барча қоидаларига амал қиласиган ҳолда ёдан ўқирдилар.

Ўзининг мазмунли ҳаёти давомида юқори мансабни эгаллаб туриб, муфтий Зиёвуддинхон замонанинг долзарб муаммоларига



багишланган ҳудудий ва халқаро конференцияларнинг ташкилотчиси бўлганлар.

Зукко муаллим ва доно сиёсатдан сифатида муфтий Зиёвуддинхон собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Республикасида катта обрў-эътиборга эга эди. У ҳеч қачон мусулмонлардан моддий ва маънавий ёрдамини аямасди, айниқса араб халқлари ва ҳукуматлари билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига буюк хисса қўшди.

**Шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Забара,
Яман Араб Республикаси боши муфтийи**

Машҳур уламо

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ўз асрининг машҳур уламоларидан, Ислом дунёсининг мусулмон йўлбошчиларидан бири эди. Унинг овози дунёнинг ислом давлатларида ўтказилган анжуманлар минбарларида баралла янграган. Мусулмонлар унга кўпгина диний ва дунёвий масалаларни ҳал қилиш учун мурожаат қиласидилар. Одамлар унда ҳақиқат, ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқат ва миннатдорликни кўришар эди. Марҳум муфтий мусулмонларни ва уларнинг манфаатларини умумлаштиришга хизмат қилувчи бир қанча қимматли асаллар муаллифиdir.

Шайх Зиёвуддинхон тимсолида асримиз Ислом дини буюк олимини йўқотди. У фатво чиқариш билан ҳам шугулланган ажойиб раҳбар эди, чунки у Аллоҳ кўрсатмаларига мувофиқ одамларга фойдали бўлишини ўйлаб иш кўрар эди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин, жаннат уйларидан насиб этсин.

**Доктор Муҳаммад Муҳаммад Хатиб,
Сурия Араб Республикасининг вакф ишилари вазири**

Исломнинг буюк фидойиси

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон йирик олим, мутафаккир, Исломнинг машҳур арбоби ва буюк фидойиси эди. Ул зот тинчликнинг ҳақиқий курашчиси бўлган.



Ҳазрати олийлари собиқ Иттифоқ мусулмонларини бошқа давлатлар мусулмонлари билан боғловчи бош бўғин ҳисобланардилар.

**Доктор Иномуллохон,
Бутунжаҳон Ислом Конгрессининг Бош котиби, "Дин ва дунё"
Бутунжаҳон Конференциясининг президенти**

Содик йўлбошчи.

Мен Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг фикрларига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлардим. Муфтий ҳазратлари доимо ҳалқ олқишига сазовор бўлиб, шогирдларининг севимли отаси ва гамхўри эди.

Шу билан бирга, муфтий Зиёвуддинхон ноёб инсоний туйгулар, фазилатлар ва турли масалалар бўйича ҳозиржавоб, ўткир ақл-заковат соҳиби эди. У ўз диёри мусулмон ташкилотларининг ишончли ҳимоячиси ва жарангдор овози эди. Ва ниҳоят, ул зот ажойиб дилкаш ва ҳазилкаш ҳам эди, сұхбатларда муфтий ҳазратлари жуда оддий бўлиб, ҳазилсиз ҳаёт нурсиз тунга ўхшайди, деб ҳисобларди.

Доктор Абдул Ҳоди Тозий (Марокаш)

Диндорларнинг йўлбошчиси

Собиқ Иттифоқдин арбобларининг тинчликни ҳимоя қилиш борасида олиб борган фаолиятлари муфтий Зиёвуддинхон номи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Муфтий Зиёвуддинхон Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси сифатида барча динар вакилларининг "Халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун" мавзууда 1969 йилда Москва яқинидаги ўтказилган конференциясидаги иштирокини айтиб ўтмаса бўлмайди.

Конференцияда Осиё, Африка, Америка, Европанинг 44 давлатидан, машхур мусулмон давлатларидан таниқли дин арбоблари иштирок этди. "Яқин Шарқдаги можаро" мавзууда шайх Зиёвуддинхон томонидан қилинган асосий маърузани




конференциянинг делегатлари ва меҳмонлари алоҳида эътибор билан тинглашди.

Бизнинг тинчлик учун олиб борган ҳамкорлигимиз ўргамида дўстлик ва меҳр-муҳабbat ришталарини боғлади, у орқали мен ўзимни бутун мусулмон дунёси билан дўст ва биродардек ҳис қилардим. 1978 йилда муфтий Зиёвуддинхоннинг етмиш ёшини нишонлашда иштирок этдим. Қалбимда қадраон дўстим ҳақида пок таассуротлар қолди, унинг тимсолида диндорларнинг йўлбошчисини кўрдим. Сон жиҳатидан мусулмонлардан камчиликни ташкил этувчи христианлар Ўрта Осиё ва Қозогистонда мусулмонларнинг меҳр-муҳабbatига сазовор бўлгани ва ўзаро дўст бўлиб яшаётганларини кўриб хайратландим. Булар ҳақида менга Тошкент Православ черковининг Ўрта Осиё бўйича Архиепископи Варфоломей гапириб берган эди, энди эса уни ўз кўзим билан кўрдим. Бу ишларнинг ҳаммасини ажойиб дўстим муфтий Зиёвуддинхон амалга оширганилиги ҳеч кимга сир эмас.

1982 йили Москвада “Дин арбоблари муқаддас неъмат – ҳаётни ядро ҳалокатидан сақлаш учун” мавзуида ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Бу анжуманда муфтий Зиёвуддинхоннинг охирги қутловларини, худди абадий васият сифатида, у зотнинг севимли ўғли, тинчлик йўлидаги ишларнинг муносиб вориси, ҳозир Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси Шамсиiddинхон оғзидан эшитдик.

“Ҳозир тинчликка талаб анча катта бўлиб, ядро ҳалокати бутун инсоният учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ таҳдид соломоқда. Ўруш Яратган Аллоҳни ғазаблантиради... Бир киши Пайгамбаримиздан сўрабди: “Ёвузлик яхшилик устидан галаба қилиши мумкинми?” Пайгамбаримиз жавоб берибдилар: “Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Яхшилик ёвузликнинг устидан галаба қозонади”. Конференция шунинг ёрқин тимсолики, буюк Аллоҳ ҳаммамизни яхшиликка хизмат қилишга даъват этади ва бу йўлда инсонга хоҳиш-ирода ва шарт-шароитлар яратиб беради.



Ким қўлига йўқотиш воситаларини олар экан, барбод қилиш ҳаракатида бўлар экан, тариҳдан сабоқ олмаган бўлади”.

Бу юртимизнинг буюк дин арбоби, севимли биродаримиз ва дўстимизнинг сўнгги сўзлари эди. Бу сўзлар бизни Ер юзида тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун ҳамкорликдаги курашга чорлайди.

Митрополит Ювеналий,
Рус православ черковининг муқаддас синоди аъзоси


9.2. Давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, дипломатлар ва ватандошларнинг муфтийлар билан учрашуви тўғрисида


Тарихий шахслар

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди Зиёвуддин Бобохоновнинг эзгу ишларини хотирлаш – бизнинг маънавий вазифамиздир. Шу ажойиб инсон ҳақидаги эсдаликлар ёш авлодни қизиқтиришига ишонаман. Ўтган асрнинг 70-йиларидан бошлаб то шўролар Иттифоқи барбод бўлгунча қадар Тошкент ҳақли равищда буюк умумий давлатимизнинг шарқий пойтахти ҳисобланарди. Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч қандай фармон бермаган ва қонун чиқармаган бўлса ҳам, ҳақиқатда шундай эди. Нега? Биринчидан, бу ер – Тошкент ва Ўзбекистон кўпгина тамаддуналар туташган жой. Иккинчидан, Ўзбекистон раҳбарлари ўз халқининг маънавий-маданий ва диний анъаналарини сақлаб қолиш муҳимлигини яхши тушунар эдилар. Ниҳоят, мамлакатнинг мусулмон руҳонийларига ўзбек халқининг муносиб ўғлони Зиёвуддин Бобохонов ҳазратлари раҳбарлик қиласр эдилар. Осиё ва Африка мамлакатлари совет кўмитаси, Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси йўли билан Тошкентда мунтазам равищда ўтказиладиган йирик халқаро анжуманларда Зиёвуддин Бобохонов доимо қатнашар эдилар. Унинг Куръон оятлари руҳидаги инсонпарварлик фикрлари, одамлар тақдирни ва диннинг аҳамиятига кенг назар билан қарashi, иноқлик ва тотувлик тўғрисидаги даъватлари мустамлакачилиқдан эндиғина




халос бўлган дунё вакилларига, араб мамлакатларининг, барча ёш давлатларнинг намояндаларига гоят кучли таъсир ўtkазар эди. Кўпгина халқлар неча ўн йилликлар давомида Шўролар Иттифоқи таркибида яшаб, меҳнат қилганликлари маълум. Ўша пайтдаги расмий мафкура динга мойил бўлмаганлиги эсимизда. Аммо мамлакатимизда қисувларга қарамай, диний тафаккур ҳар ҳолда барҳам топмай, яшаб қолган эди. Муҳтарам Зиёвуддин Бобохоновнинг узоқ йиллик бой диний- маърифатчилик фаолияти бу фикримизни тасдиқлайди. Мен Тошкентда кўпдан-кўп хорижий сиёsatчилар, маданият арбоблари ва адиблар билан ўtkazilgan учрашувларда Бобохонов билан бирга бўлганман. У дилкаш судбатдош эди. Инсон маънавиятининг ўзаги бўлган ислом ва барча динларнинг аҳамиятини доимо вазмин оҳангда баён этар эди. У ўз фикрларини тасдиқлани учун ўзбек халқининг ҳаётидан мисоллар келтиради. Ҳатто суҳбатдошининг фикрига қўшилмаган пайтларда ҳам асло қизишмас ва бағрикенглиқ кўрсатар эди. У фаолият юритадиган Тилла Шайх жомеъ масжидида катта кутубхона борлиги хорижий меҳмонларни ҳайратта соларди. Орадан кўп йиллар ўtgанидан сўнг биз Ўзбекистоннинг, Марказий Осиё ва Кавказдаги бошқа республикаларнинг ютуқлари ҳақида гапирап эканмиз, адолат юзасидан шуни ёдда тутишимиз керакки, халқдар ўrtасида дўстаик ва ўзаро мададкорликни сақлаб қолишга буюк давлатнинг бош муфтийси Зиёвуддин Бобохонов катта ҳисса қўшган эди. Айниқса, Тошкентда зиазила содир бўлган таҳликали йилларда барча халқлар ўзбек халқини сахийлик билан қўллаб-қувватлади. Зиёвуддин Бобохонов мамлакатимиздаги анъанавий конфессиялар ўrtасида иноқлик бўлиши ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди. Қайси динга мансуб бўлишларидан қатъи назар, барча диндорлар ўз маънавий- диний пешволари ўrtасидаги муносабатларга эътибор билан қарайдилар. Шу муносабат билан Бобохоновнинг Москвадаги қароргоҳида ўtkazilgan ажойиб кунни эслайман. Унинг 60 йиллик таваллуд куни нишонлаётган эди. Тантанали зиёфатда Москва бутун Русь Муқаддас Патриархи Пимен ҳозир





бўлди. Эсимда, диний арбоблардан ташқари шоир Сергей Владимирович Михалков, ёзувчи Михаил Иванович Котов, Давлатдин ишлари қўмитасининг раиси В. Куроедов, Осиё ва Африка мамлакатлари совет қўмитасининг раҳбари сифатида каминангиз бор эдик. Бу юбилей ҳақиқатда динлар ўртасидаги иноқлик мухимлигини тасдиқловчи тантанага айланиб кетди. Мезбон Шўролар Иттифоқидан икки етакчи диний конфесия бўлиши православие билан исломнинг ўрни ва аҳамиятини гоят нозик лутф билан таъкидлаб ўтди. Зиёвуддин Бобохонов катта халқаро тинчликсеварлик вазифасини амалга оширап эди. У совет халқлари билан хорижий халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик ишига лойиқ эди, деб дадил айта оламан. Аммо унинг номи ҳурмат билан эсга олинаётганининг ўзи ҳам мухимдир. 1967 йилда, Миср билан Исройл ўртасидаги олти кунлик урушдан сўнг мамлакатимизнинг мўътабар делегацияси Қоҳирага йўл олди. Дўст мамлакатга бораётган делегация таркибида муфтий Зиёвуддин Бобохонов ва камина ҳам бор эди. Исройл билан бўлган урушдаги маглубиятдан сўнг Қоҳирада ҳам, бутун Мисрда ҳам Шўролар Иттифоқининг роли хусусида гамгин кайфият ҳукм сурар эди. Буadolatдан эмас эди. Биз Миср халқига бу маглубиятда Совет Иттифоқининг айби йўқлигини тушунтириб беришимиз керак эди. Зиммамиздаги вазифани бажаришга мамлакатнинг бош муфтийси Зиёвуддинхон Бобохонов жуда катта ҳисса қўшди. Унинг “Ал-Азҳар” жомеъ масжидидаги соф араб тилида маърузаларини минглаб кишилар тинглади ва у икки давлат халқлари ўртасидаги дўстликнинг тасдигига айланиб кетди.

Унинг ўғли, филология фанлари номзоди муфтий Шамсиiddинхон Бобохонов отаси бошлигар олийжоноб юмушни муносаб давом эттириди. Бир неча тилни яхши биладиган бу истеъододи олим шарқшуносликнинг бош маркази – Иттифоқ Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида таҳсил кўрган эди ... Шамсиiddин Тошкентда, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг кутубхонасидаги кўпгина ислом қўлёзмаларини ўрганиш билан шугуllandи.





У Марказий Осиё мамлакатларида ва собиқ Шўролар Иттифоқининг бошқа миңтақаларида исломнинг тарқалиши тарихига оид ва ўз бобоси Эшон Бобохон Абдулмажидхон ҳамда отаси Зиёвуддинхон Бобохоновларнинг бу соҳада қилган ишлари хусусида бир қанча китоблар ёзди. Шамсиiddинхоннинг илмий билимлари, диндошлари билан муомала тажрибаси хориждаги мусулмон дунёси билан кенг алоқалари унинг Миср Араб Республикасида Ўзбекистон Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб ишлаганда, кейинги дипломатик фаолиятида яхши натижалар берди. Шамсиiddинхон билан Қоҳирадаги учрашувим ҳамон эсимда. У Ўзбекистон билан Миср, бошқа араб ва мусулмон давлатлари билан бевосита дипломатик алоқалар қанчалар янги ва порлоқ истиқбол очиши ҳақида завқданиб гапирав экан, бу соҳада билими нақадар кенглиги билиниб туради.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси бўлиб ишлар экан, Шамсиiddинхон айни вақтда Иордания, Баҳрайн ва Қувайт-Жазоирда ўз мамлакати номидан анча-мунча иш қилди. У бу ишда Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармасининг раҳбари бўлган вақтида мусулмон ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари билан ўрнатган алоқаларига таянганлигини менга гапириб берган эди. Шамсиiddинхоннинг ажабтовур ташкилотчилиги, юксак ишчанлиги, сўзининг устидан чиқиши, давлат аҳамиятига молик ишларни бажаришга зўр масъулият билан қараши доимо катта таассурот қолдиради. Бобохоновлар ана шундай инсонлар бўлган эди.


Александр Дзасохов,

1967–1986-йилларда Осиё ва Африка мамлакатлари
Бирдамлиги Ташкилотининг Совет қўмитаси раиси,

1998–2005-йилларда Шимолий Осетия

– Алания Республикаси Президенти.

2005 йилдан Россия Федерация Кенгашининг
маданият Комиссияси Раисининг ўринбосари.




Тарихий адолатнинг тантанаси

Бобохоновлар сулоласи VIII асрда Туронзаминга келган ислом маърифатчилари га бориб туташади. Зурриётларнинг фаолияти уч муфтийлар сиймосида XIX аср охири ва XX асрда ислом маърифати ва маданиятини кенг тарғиб этишда ёрқин намоён бўлди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида исломнинг қайта тикланиши, диний қадриятаарнинг қарор топиши дунё мамлакатларида мусулмонаар билан дўстона алоқалар ўрнатиш жараёнида муфтийларнинг бегараз хизмати бениҳоя улуғдир.

Айни собиқ Иттифоқнинг Тинчлик қўмитаси, Ўзбекистон Тинчлик қўмитаси ва Ўзбекистон Тинчлик Жамгармасидек нуфузли жамоат ташкилотларининг доимий ҳайъат аъзолари бўлмиш муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, кейинчалик ўғиллари Шамсиiddинхон Бобохонов билан 1966 йилдан бошлаб бевосита бирга йигирма тўрт йиа ишлаганман.

Ўтган йиллар мобайнида тинчликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўтказилган барча ҳалқаро анжуманларда ва хорижий делегациялар билан учрашувларда, машҳур давлат, сиёsat, жамоат ҳамда диний арбоблар билан мулоқатларда муҳтарам муфтийларнинг фаол ишларини кузатганман. Диний-маънавий қадриятаарнинг тикланиши масжид ва мадрасалар мавжудлиги, диний адабиётлар чоп этилиши мисолларида хориждан келган олий даражадаги меҳмонларга мамлакатимизда диндорларга берилган виждан эркинлигини пухта ва аниқ англатишар эди. Шўро даврининг тарихий шароитида муфтийлар ўз вазифасида эзгу амалларни илгари суриб келган олийжаноб амалиётчи фидойилар эдилар.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароси сифатида мен ўша даҳрийлик давридек қийин бир шароитда муфтийларнинг камтарлик билан, ортиқча ҳовлиқмасдан Аиндорларнинг ҳис туйғуларини эъзозлаған ҳолда диний-маънавий қадриятаарнинг тикланишида жонбозлик кўрсатганликларини яққол тушуниб етмоқдаман.



Муфтийлар билан кўп йиллар мобайнида мулоқотда бўлганим учун фақатгина бетакрор шахсларга хос бўлган олийжаноб инсоний фазилатларини кўрганман. Шўролар даврида диний раҳбарлар фаолияти маҳсус ташкилотларнинг назоратида бўлган эди. Табиийки, муфтийлар ҳам барча қатори моддий муҳтоҗликларни ҳис этгандирлар, лекин менинг фикримча, уларнинг жамоат ва турмушдаги хулқ-атвори, шахсий камтаришларни, ўз нафсини бошқара билиши, ўз манфаати учун ҳеч қандай моддий нарса талаб қиласмаганлиги уларни ҳар хил бало-қазолардан сақлаб қолган.

Муфтийлар республика раҳбарлари билан учрашувларда ҳеч вақт шахсий эҳтиёжларини қондирадиган масалани кўтартмаганлар. Аксинча, асосий мавзу бўлиб масжидларнинг курилиши ва тикланиши, тарихий обидаларнинг таъмирланиши, муҳтоҷ оила ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилган. Бу билан улар ўзининг бегаразлик, олийхимматлик ва юқори даражада билимдоналигини кўрсатишган.

Мен муфтий Бобохоновларнинг замондоши, улар билан яқиндан мулоқотда бўлган қадрдони сифатида, мусулмонлар йўлбошчисининг олийжаноб фазилатини эслатиб ўтмоқдаман. Айнан бугунги кунда республикамизнинг дин пешволари, имом-хатибларга муфтийларнинг камтаришларни, ўз Ватани ва халқига садоқатли хизматини ибрат қилиб кўрсатмоқдаман.

Халқимизнинг улут ўғлонлари, дунё мусулмон умматининг ҳурматли дин арбоблари муфтий Бобохоновлардек бетакрор шахсларга нисбатан тарихий адолат ўрнатилишини қувонч билан қайд этаман. Саксон йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган олим ва жамоат арбоби сифатида бу ишларнинг барқарор бўлишига ишонаман.

Мирғиёс Зондов,

Иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 1966–1978 й.й. ССР Олий Совети депутати, 1963–1967, 1980–1990 й.й. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, 1966–1990 й.й. Совет Тинчлик Кўмитаси раиси мувонини ва Ўзбекистон Тинчлик Кўмитасининг раиси.



Дунёвий билим соҳиби

Мен Зиёвуддин қори ака ва у кишининг оталари, улуг инсон Эшон Бобохон ҳазратларини болалигимдан биламан, улар билан кўп марта кўришиш ва сұхбатларидан баҳраманд бўлиш баҳтига мусассар бўлганман. Сабаби, Эшон бува бизнинг пада-ри бузрукворимиз Акрамшо билан қалин дўст эдилар. Ислом дини моҳияти ҳақида илк бор ана шу зотдан эшитганман, дин инсон қалбига ва онгига қанчалар зўр таъсир этишини ҳис этганман. Охирги учрашувимиз 1957 йилда бўлди. Орадан кўп ўтмай, ул зот 99 ёшлирида вафот этдилар.

Ўттиз йил мобайнида хорижда хизмат қилдим. Мана шу пайларда Зиёвуддин қори ака билан чет элларда учрашиб турадим. У кишини дунёнинг барча минтақаларида ҳурматларини жойига қўйишар эди. Бир воқеа сира ёдим-дан чиқмайди. Сурия давлатида мен Собиқ Иттифоқнинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб турган пайтимда, Зиёвуддин қори ака бир гуруҳ зиёратчиларга бош бўлиб Саудия мамлакатига борадилар. Ҳаж мавсуми тугагач, бир ўзлари Сурия мамлакатига ўтадилар. Ўша пайтда Сурия давлатининг президенти бўлган Нуридин Атаси вазирлари билан аэропортга чиқиб, Зиёвуддин қори акани катта иззат-икром билан кутиб олди. У кишининг шарафига зиёфат берди. Ҳаттоқи, Сурия давлатининг олий мукофотини ўз қўли билан Зиёвуддин қори акага тошириди.

Зиёвуддин қори ака қомусий билим эгаси бўлган инсон эдилар. Улутбекнинг “Зиж” китобини биринчи ўқиган ва таржима қиласан инсон Зиёвуддин қори ака бўлади. Бундан ташқари, у киши истараси иссиқ, ақд-идрок соҳиби эдилар. Ислом дини йўлида ҳалол хизмат қилган бу машхур арбоб, ҳалқ ишига, тараққиётiga, маънавият ва маданиятига, эл тинчлиги ва давлатлар ўртасидаги ўзаро биродарликка катта ҳисса қўшган тарихий шахсга айландилар.

Мустақалигимизни мустаҳкамлашда Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари каби буюк сиймоларимиздан ўрнак олиб, уларнинг васиятларига амал қилиб, Ватанимиз равнақига сидқидилдан, фидокорона меҳнат қилайлик. Шунда



уулг аждодларимизнинг руҳлари шод, келажагимиз порлоқ бўлгусидир.

Нуриддин Мухитдинов,
3-5 чақирув СССР Олий Совети депутати, давлат ва жамоат арбоби, Фавқулодда ва Мухтор элчи.

Буюк инсон билан учрашув

Мен ёш жарроҳ, тадқиқотчи ва Тошкент Давлат тиббиёт институти ўқитувчиси муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон билан учрашганимдан беҳад баҳтиёрман.

Муфтий Зиёвуддинхоннинг донолиги ўша оғир йиллар шароитида энг аввало зиёлилар орасида исломий ишонч-эътиқодни тиклашга катта эътибор берганида намоён бўлади.

Мен муфтий билан илк бор 1968 йили учрашган эдим. Муфтий Зиёвуддинхоннинг сабиқ Йиттифоқ ордени билан мукофотланниши шарафига ўтказилган хайрия тадбирига юзлаб тошкентлик зиёлиларни, жумладан, мени ҳам таклиф этишди. Муфтийнинг ўткир ақли, юксак нотиқлик маданияти мени лол қолдиради.

Орадан йиллар ўтиб, россиялик муфтий, менинг катта дўстим Равил ҳазрат Гайнитдин ёрдамида ҳажга борганимда, Мадинани зиёрат этганимда муфтий Зиёвуддинхонни эслаб, унинг ҳакига хайрли дуолар қилдим. У болалик йилларим ота-онам меҳри билан қалбимдан жой олган исломий ҳис-туйгуларим ўйгонишига сабабчи бўлган эди.

Ўсиб келаётган ёш авлод одамлар тақдирни учун масъулият ҳиссини донолардан олади, динлараро, ҳалқлараро дўстона алоқаларни муносиб давом эттиради, диний-ахлоқий, илмий-маданий меросни ўрганишини тўғри йўлга қўяди, бу маънавий бойликни кўпайтириб, кенгайтириб ўзидан кейинги янги авлод кўлига тутқазади. Ана шундагина она заминда тинчлик ва эзгулик ҳукм суради.

Ражаб ИСЛОМБЕКОВ,
Россия тиббиёт фанлари академияси мухбир аъзоси, БМТ қошидаги ахборотлаштириши ҳалқаро академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қалъонсимон без касалликларини даволашнинг янги усули иштирочиси, шифокорлар суоласи асосчиси.



Ёрқин хотира

Мен Бобохоновлар сулоласи уч муфтийи Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, ўғли Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва невараси Шамсицдинхон Бобохоновларни шахсан таниш шарафига мусассар бўлганман.

1955 йили Москвада институтни битирганимдан сўнг Тошкентга қайтиб, ЎзТАГ (Ўзбекистон телеграф агентлиги) таҳририятида мухбир бўлиб ишлай бошладим. Менинг вазифам хориждан келган меҳмонлар гуруҳининг Ўзбекистонда бўлишларини ёритиш эди. Хорижий меҳмонларнинг диний бошқарма биносини томоша қилишлари дастурга киритилган эди.

Меҳмонлар ташрифи ҳақида маҳаллий матбуотда бир-икки қатордан иборат хабар берилар, аммо ТАСС орқали чет элларга жуда батафсил маълумотлар узатилар эди. Совет ҳукуматида эътиқод эркинлиги “амал қилиниши”ни ана шу тарзда оламга намойиш этмоқчи бўларди.

Шундай қилиб, мен илк бор Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон билан танишдим. “Тилла Шайх” жомеъ масжидида, “Мўйи муборак” мадрасасида, Ҳазрати Усмон Мусҳафи ёнида меҳмонлар даврасида учрашар эдик. Муфтий хорижликлар билан самимий сұхбатлашар, Совет шарқида мусулмонлар ҳаёти, уларнинг дунёда юз бераётган воқеаларга ўз муносабатини гапириб берар эди. Жаҳонда тинчлик, ҳадқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, зулм-зўравонликларга, агрессияларга қарши кураш бу сұхбатларнинг бош мавзуни бўлар эди. Муфтий қайси воқеа ҳақида гапирмасин, унинг вазиятни яхши ва чуқур билиши, мавзуни яхши ўргангани кўриниб туради. У меҳмонларнинг кўплаб саволларига асосли жавоб берарди.

Шайх Эшон Бобохон мавзуни ёритишимида менга ёрдамлашар, воқеаларни сабр билан, ўзига хос шарҳлаб, тушунтиради. Эшон Бобохон юз ёшга тўлишига бир неча ой қолганида вафот этди. Дағн маросимида қатнашдим. Минг-минглаб тошкентликлар унинг жанозасида ҳозир бўлнишди.



Эшон Бобохон вафотидан сўнг бўлиб ўтган қурултойда Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон диний бошқарма раиси, муфтий этиб сайланди. Бу пайтда у халқа танилиб улгурган эди. У, бошқа номзодлар орасида билими, меҳнатсеварлиги, истеъоди билан ажралиб турарди. Биз у билан ҳам мусулмонлар ҳаётидан бирор воқеа ҳақида хориж матбуотида қандай маълумот бериш борасида бир неча бор сұхбатлашган эдик. У менга меҳр-эътибор билан муомала қиласар, ҳар доим оилавий аҳволимиз ҳақида сўраб-суриштиради. У Ўзбекистоннинг илк миалиция комиссари – отам Искандар Қаландаровни яхши танир эди. 1963 йили мен аспирантурада ўқиш учун Москвага кетдим.

1970 йили муфтий Зиёвуддинхон билан Миср пойтахти Қоҳирада учрашдик. Мени Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти доимий котибиятига собиқ Иттифоқ вакили сифатида у ерга жўнатишган эди. Мен Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет қўмитаси номидан иш кўрадим. Қоҳирага келишимдан сал олдинроқ Мирзо Турсынзода, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Владимир Сафонов, Александр Дзасохов, Евгений Примаков, Анатолий Громиковлар қатори муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳам Осиё ва Африка мамлакатлари Совет қўмитаси Президуми аъзолигига сайланган экан.

Ўша вақтлари учоқлар собиқ Иттифоқидан тўғридан-тўғри Саудия Арабистонига учмасдан, Қоҳирага қўниб учарди. Муфтий Зиёвуддинхон совет ҳожилари гуруҳига бош бўлар, Қоҳирага келишлари билан албатта менга қўнгироқ қиласарди. Биз турли долзарб мавзуларда узоқ сұхбатлашиб ўтирадик.

Муфтий Зиёвуддинхон Қоҳирада бўлганиларида мамлакат мусулмонлари етакчилари, “Ал-Азҳар” дорилфунуни раҳбарлари ва ўқигувчилари билан учрашарди. У кишини диний мавзуларда мавъиза қилишга таклиф этишарди. Хуллас, у кишининг мисрлик ҳамкаслар билан алоқалари жуда ишчан ва дўстона тус оларди. Шундай бўлса-да, бир сафар баъзи мисрлик дин арбоблари совет муфтийини ислом масалаларида билимини



синаб кўришмоқчи бўлишади. Бир мажлисда ундан Куръони карим сураларини тафсир қилиб беришини сўрашади. Мажлисга Куръони каримнинг мисрлик таниқли билимдоналари йигилишган эди. Суҳбат уч соатдан ортиқ давом этади. Шунча вақт ичидаги фақат муфтий Зиёвуддинхон ояларни тафсир қилиб, саволларга жавоб берадилар. Суҳбат ниҳоясига етгач, иштирок этганларнинг айтишларича, ҳамма бир неча сония жим туриб қолади. Сўнгра мисрлик олимлар ҳаммаси бирдек ўринларидан туриб, муфтийга таъзим қилиб, унинг билимини синаб кўришга журъат этишгани учун кечирим сўрашади. Улар Куръони карим ояларига бунчалик чукур ва ҳар тарафлама тафсирни илгари эшитишмаганини тан олишади.

Муфтий Зиёвуддинхон ҳар доим менга эътиборли бўлганлар, ҳатто ҳаётимнинг оғир кунларида ҳам ёнимда бўлганлар. Шу сабабдан у зотни азиз инсон сифатида чин дилдан ҳурмат қиласман.

1981 йили менинг хорижда чўзилиб кетган хизмат сафарим ниҳоясига етди. Москвага қайтиб келдим. Менга Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет қўмитаси масъул котиби бўлиб ишлашни таклиф этишди. Ўша йиллари Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг ўғли Шамсиiddинхон Бобохонов мазкур ташкилот Президиуми аъзоси этиб сайланган эди. У қўмита ташкил этган сиёсий тадбирлар, учрашувларда иштирок этар, қўмитанинг Крополинская қўчаси 10-йдаги қароргоҳига тез-тез келиб турарди. Биз у билан яқиндан танишиб, дўстлашиб кетдик.

1992 йили мени яна Қоҳирага ишга йўллашди. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Бош котибининг ўринбосари бўлдим. Тез орада Шамсиiddинхон Бобохонов мустакил Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланганини эшигдим. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Биз тез-тез учрашиб турардик. Дастлаб, Мисрда анчадан буён яшаётган одам сифатида мен унинг Қоҳирада қулаги жойлашувига ёрдам бердим. Элчихона учун бино танладик. У алоҳида куч-гайрат, шижаот билан ишга киришиб кетди.



Мисрлик турли соҳа раҳбарлари, ишбилармонлар, дипломатлар, сиёсатчилар билан учрашувлар ўтказди. У ҳамма билан яхши муомалада бўлар, ўз вазифаларини адо этишга ижодий ёндашар эди. Биз ишдан сўнг тез-тез учрашиб, сұхбатлашиб турардик.

Хуллас, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ уч муфтийи шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва фан аоктори, моҳир дипломат Шамсицдинхон Бобохонов ҳакида ёрқин хотиралар қалбимда абадий сақланиб қолади.

Самандар ҚАЛАНДАРОВ,
тарих фанлари доктори, профессор, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти бош котиби ўринбосари.

Моҳир дипломат

Муфтий Зиёвуддинхон ва унинг ўғли Шамсицдинхон билан 1974 йили Қоҳирада учрашганман. Ҳали мамлакатимиз Саудия Арабистони Қироллиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатмаган, шу боис қиролликка кириш визалари Миср орқали расмийлаштириларди. Қоҳирада уни мамлакат раҳбари ва Ал-Азҳар дорилфунуни шайхи кутиб олди.

1980 йили муфтий Зиёвуддинхон билан Туркияда учрашдим. Ўшанда мен собиқ Иттифоқнинг Истанбулдаги консули эдим. Зиёвуддинхон мамлакат раҳбариятининг олий даражадаги меҳмони бўлди. Туркия ҳукумати ва дин арбоблари совет мусулмонлари етакчисини қандай иззат-хурмат билан кутиб олишганига гувоҳ бўлганман. Мен Туркия раҳбарияти ва Бош муфтий билан музокараларда муфтий Зиёвуддинхоннинг ёнида бўлдим. Шунда муфтий жуда моҳир дипломат эканлигига тан бердим: У таниқли дин ва жамоат арбоби эди. Унинг беназир хизматлари туфайли советлар мамлакати кўпчилик араб ва ислом давлатлари билан дўстлик ва конфесиялараро яхши муносабатларни йўлга қўйди. Мен муфтий ҳазратларидан кўп яхши нарсаларни ўргандим.

Элдор ҚУЛИЕВ,
дипломат, Фавқулодда ва Мухтор элчи, Бутунrossия озарбайжонлар Конгрессининг ижрочи директори.




Илмлар хазинаси ва кенг қиррали арбоб

Мен муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва у кишининг ўғли Шамсиддинхон билан 1966 йилда Қоҳирада танишганман. У даврда мен собиқ Иттифоқнинг Миср Араб Республикасидаги эзчиҳонада масъул ҳодим бўлиб ишлардим. Зиёвуддин қори акам, Русия муфтийси Шокир Ҳилолиддинов билан Қоҳирадан Москвага бирга қайтдик. Икки муфтийнинг асосий юклари диний китоблардан иборат эди. Йўл давомида мазмунли сұхбат ўтказиб келдик. Зиёвуддинхон қори аканинг диний ҳамда дунёвий илмларни мукаммал эгаллаганликларига иқрор бўлган эдим.

1972–1985-йилларда Ўзбекистон коммунистлар партияси Марказий қўмитасининг ҳалқаро бўлимида ишладим. Шу даврда Осиё ва Африка ҳалқарининг бирдамлик қўмитасига ва собиқ Иттифоқнинг тинчлик қўмитасига аъзо эдим. Икки ташкилотнинг ҳалқаро йигилишларида таниқди ёзувчи Мирзо Турсунзода, машҳур олим ва сиёсий арбоб Евгений Примаков, дипломат Александр Дзасохов, шарқшунос-журналист Фарид Сейфуль-Мулюковлар билан муфтийлар Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва кейинчалик Шамсиддинхон Бобохоновлар билан ҳам учрашиб турадим. Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган юқори даражали меҳмонларни Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идорасига олиб борарадим. Муфтийлар меҳмонларга ватанимиз мусулмонлари ҳёти, ислом динини таргиботи тўғрисида батафсил ахборот ва саволларга тўлиқ жавоб беришарди. Ҳар бир учрашувдан меҳмонлар мамнуният ва яхши таассуротлар билан чиқишарди.

1980 йилда “Ҳижрий XV аср ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик асли бўлиши керак!” шиори остида Тошкент шаҳрида ҳалқаро анжуман ўтказилиши мўлжалланган эди. Шу муносабат билан муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон республика раҳбари Шароф Рашидов билан учрашувлари режалаштирилган эди. Учрашувда мен ҳам иштирок этдим. Муфтий ҳазрат Имом Бухорийнинг хизматлари ва асалари



ислом оламида қадр-қиммати, режалаштирилган анжуманни дунё миқёсидаги моҳияти, келадиган меҳмонлар мавқеи ва сони, уларни кутиб олиш тартиби ҳамда меҳмонарга ислом обидалари ва республика шаҳарлари билан танишириш режалари тўғрисида батафсила ахборот бердилар. Шунда мен муфтийни кенг қиррали дин арбоби, дипломат ва чукур билимларига ҳавасим келиб янада ҳайратим ортди. Давлат раҳбари ахборот учун миннатдорлик билдириб, Тошкент шаҳар ва вилоят раҳбарларига анжуман ўтишига кўмаклашиш тўғрисида тегишли топшириқлар беришни ваъда этди.


Анжуман иштирокчилари ўз нутқларида, ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда кўрсатилган меҳмондўстлик учун ва анжуманни олий даражада ташкил этилгани учун самимий ташаккурларини билдиридилар.

Ҳошим Раҳимов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, сабиқ дипломат.

Биз кутган учрашувлар

1945 йили фашизмни мағлуб этган мамлакатдан Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигида ҳожилар келиши, уларнинг Қирол Абдулазиз ибн Абдураҳмон ас-Сауд билан учрашиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Биз икки мамлакат ўртасида алоқалар ўрнатилганидан жуда қувондик. Биз ватандош ҳожилар билан учрашишни истардик, афсуски, бизга номаълум сабаблар туфайли бу учрашув насиб бўлмади. Орадан йиллар ўтиб, биз муфтий Зиёвуддинхон билан бир неча бор учрашдик. Ҳар сафарги учрашувда муфтий ҳазратларидан Ўзбекистон ҳаёти тўғрисидаги саволларимизга батафсила жавоблар олдик, шунингдек, турли мавзулардаги сұҳбатларимиздан катта маънавий қониқиш ҳис этардик. Биз у кишининг нотиқлик маҳорати, турли соҳаларни чукур билиши билан фахрланардик.

Бир куни Зиёвуддинхон менга Қирол Файсал ибн Абдулазиз билан учрашуви ҳақида айтиб берди. Учрашув ниҳоясида Қирол





унга “Зиёвуддинхон, Сизга ва сулолангизга ҳурмат кўрсатиш менга отамдан ибрат. Агар сиз мамлакатингиз мустақиллиги тўғрисида хабар келтира олсангиз, Сизга қанчалар ёрдам беришимни кўриб қўйган бўлардингиз”, дейди.

Муфтий Зиёвуддинхон вафоти (Аллоҳ раҳмат қиласин) биз хорижлик ватандошлар учун жуда катта йўқотиш бўлди. Биз ватандошлар Шамсииддинхонни отаси Зиёвуддинхон билан ҳожилар гуруҳида келганида кўрганмиз. У муфтий этиб сайланганидан сўнг, дипломат бўлиб ишлаганида ҳам бир неча бор учрашганмиз.


Шамсииддинхон отасидан жуда кўп фазилатларни ўзлаштирган эди. Бобоси ва отасининг ҳаёти, фаолияти ҳақида уёзган китоби Эшон Бобохонни ва Зиёвуддинхонни (Аллоҳ уларни Ўз раҳматига олган бўлсин) билганлар учун бебадо ёдгорликдир.

Шамсииддинхон Мисрда элчи бўлиб ишлаганида мен Қоҳирада Ўзбекистоннинг мустақиллик куни байрамида иштирок этдим. Шамсииддинхон Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги эачиси бўлиб ҳам ишлади. Ким у билан бир марта учрашиб, сұхбатлашса, яна сұхбатлашгиси келарди. У таниқли олим, ақлли дипломат, олийжаноб инсон эди. (Аллоҳ уни Ўз раҳматига олган бўлсин.)

*Сафохон тўра Жалолхон тўра ўғли,
Макка шаҳрида яшаб қолган марғилонлик ватандошими.*

Машҳур ватандошим

Мен Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонни илк бор 1965 йил июнь ойида кўрганман. Барваста, салобатли, қади-қомати келишган, устида юпқа банорас тўн, бошида оппоқ салла, бутун борлиғидан аллақандай самовий бир файз, улугворлик балқиб туради. Ҳамиша жилмайиб турадиган юз-кўзлари, майин овози сұхбатдошли ўзига маҳдиё этарди. Бу учрашув, бу манзара менинг ёдимда бир умрга муҳрланиб қолди. Тақдир менга ҳали яна узоқ йиллар муфтий ҳазратлари билан янада яқинроқ бўлиш, у киши раҳбар бўлган идора ходимлари билан





савобли ишларда ҳамкорлик қилиш бу мўътабар Инсондан жуда кўп ҳаёт сабоқлари олиш баҳтига мұяссар этишини тасаввур ҳам қилмаган эдим ўшанда... Финляндия пойтахти Хелсенки шаҳрида Бутунжаҳон Тинчликсевар кучларининг катта анжумани ташкил этилиб, унга таклиф этилган Ҳиндистон ҳайъати Тошкентда икки кун туриб Ўзбекистон ҳалқи ҳаёти билан танишган эди. Бу нуфузли ҳайъат қарийб 150 кишидан иборат бўлиб, унинг аъзолари давлат вазирлари, парламент аъзолари, машҳур шоир ва ёзувчилар, жамоат ва дин арбобларидан иборат эди. Улар орасида Деҳли жомеъ масжидининг имом-хатиби Ҳиндистонга Бобир Мирзолар билан бориб қолган асли бухоролик ватандошларимиз авлодидан бўлмиш Исмоил Бухорий ҳам бор эди. Мен ўшанда эндиғина Тошкент Давлат Университетининг шарқшунослик факултетини битирган ўйигит эдим. Менга ҳиндистоналик меҳмонга таржимон ва ҳамроқлик қилиш вазифаси топширилди. Меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан танишиш, масжид-мадрасаларга бориб диндорлар билан сұхбатлашиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ҳайъати раиси Ёдгор Насридинова ҳамда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон билан учрашиш истагини билдириди.

Муфтийнинг таклифларига кўра меҳмонни мен “Ракат” маҳалласидаги файзли хонадонларига олиб борганман. Улар азалдан яқин дўст-биродар эканлар, бир-бирлари билан кучоқлашиб, беҳад хурсанд бўлиб кўришиб, узоқ сұхбатлашдилар. Меҳмон ва мезбон гоҳ араб, гоҳ форс тилларида сўзлашар, аҳён-аҳёнда дастурхон атрофида таржимон ҳам қатнашаётганлиги эсларига тушиб, мени ҳам ўз вазифамни адо этишга имконият беришарди. Зиёфатдан сўнг Исмоил Бухорийни меҳмонхонага кузатар эканман, у киши менга муфтийнинг нафақат Ҳиндистонда, балки бутун мусулмон дунёсида обрў-эътиборларининг баландлиги, ўзининг у киши билан дўстлигидан фахрланишини катта ифтихор билан




гапиран, мен эса муфтий Зиёвуддинхон Бобохоновдек машҳур ватандошим, миллатдошим борлигидан, у кишининг беҳад гўзал, ақдли ва иффатли қизлари Мухлисахон билан Шарқ факултетида бир курсда ўқиганим, ўғлилари Шамсиiddинхон ва Фатҳиддинхон билан биродар эканлигимдан ўзимни беҳад мамнун ҳис этардим... Бобохоновлар хонадонининг файзи, оилаларининг осойишталиги, дастурхон тўкинилиги меҳмон кутиш маданияти, меҳмон ва мезбоннинг бир-бирларига бўлган хурмат, мулозаматлари мени лол қолдириди.

Орадан икки йил ўтиб, 1967 йил Ҳиндистонга хизмат сафаридан қайтганимдан сўнг мени Ўзбекистон Тинчликни Ҳимоя қилиш Кўмитасига масъул котиб этиб тайинлаши. Кўмита раиси Ўзбекистон касаба уюшмалари раҳбари, СССР Олий Мажлиси депутати, Совет тинчлик Кўмитаси Ҳайъатининг аъзоси Миргиёс Аббосович Зоидов мени ўз ҳузурига чакириб: “Сени жуда ёш ва тажрибасиз бўлишингга қарамасдан (мен ўшанда ҳали 23 ёшга тўлмаган эдим) ушбу масъул ишга таклиф этар эканмиз, бир нарсани ҳамиша ёдингда сақлашингни маслаҳат берган бўлардим. Бизнинг ташкилотимиз жамоатчилик асосида иш юритади. Унинг аъзолари республикамизнинг машҳур одамлари, маданият, санъат, илм-фан, дин ва жамоат арбоблари. Улар ўзларининг асосий фаолиятлари билан жуда банд. Шунга қарамасдан аунёда тинчликни ҳимоя қилиш, дўстлик-биродарликни мустаҳкамлашдек савобли ишларга фаол қатнашадиган фидойи одамлар. Биз уларнинг қимматли вакъларини суиистеъмол қиласлангимиз керак. Ўтказиладиган мажлисмаросимларимизни шундай ташкил этайликки, улар ана шу йигинларда қатнашганларидан оғринмасиналар, афсусланмасиналар. Сенинг учун бу ҳам катта имтиҳон, ҳам катта ҳаётий мактаб, улардан жуда кўп нарса ўрганишинг мумкин. Агар ана шу имтиҳондан муваффакиятли ўтсанг, биз сени дипломатия Академиясига ўқишга жўнатамиз, катта дипломат бўласан” деди-да, жилмайиб елкамга қоқиб қўйди...


Фаришталар қўл очиб турган бўлса керак, бу истак ва дуолар вақти келиб амалга ошди...


Республика Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси ўз фаолиятида САДУМ раиси муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, ўзбек санъати ва маданияти юлдузлари Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаев, академиклар Обид Содиқов ва Ёлқин Тўракулов, меҳнат қаҳрамонлари Турсуной Охунова ва Манноп Жалолов сингари халқимизнинг асл фарзандларининг кўмакларига таяниб фаолият олиб борди ва иттифоқ миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. 1967 йилда Ленинград шаҳрида Тинчлик ҳақидаги Декрет қабул қилинганинг 50 йиллиги тантаналарида Ўзбекистондан ҳам маҳсус делегация қатнашди. Машхур Таврический залида ўtkazilgan асосий мажлисда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идорасининг раиси муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ўз маърузасида тинчлик, халқлар ҳамда инсонлар ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳар бир оиласда, мамлакатда осойишталик тушунчалари мусулмонлар учун шунчаки гап эмас, балки ҳаётий зарурият эканлигини Муқаддас Куръони карим суралари билан асослаб шарҳлаб бердиларки, йиғилиш қатнашчилари муфтий нутқини гулдурос қарсаклар билан олқишлиди. Мажлисдан сўнг конференция қатнашчилари: Бутунжаҳон Тинчликни ҳимоя қилиш кенгаши раиси Ромеш Чандра, машхур ёзувчилар Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Николай Тихонов ва бошқалар муфтийни табриклаб, у кишига ҳурмат-эҳтиром кўрсатгандарининг гувоҳи бўлганман. Муфтий ҳазратларининг кўп қиррали фаолиятларининг асосий йўналишларидан бири XX асрнинг 60–80-йиллари давомида Бутунжаҳон Тинчликни Ҳимоя қилиш кенгаши аъзоси сифатида дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин уруш, босқинчилик, зўравонлик ва адолатсизликка қарши курашдан иборат эди. Муфтий бу хайрли ишда энг олдинги сафда бўлиб, умуминсоний ҳаракатга нафақат маънавий, балки моддий ёрдам ҳам кўрсатиб келдилар.



Республика Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўзбекистон дўстлик жамияти, САДУМ билан ҳамкорликда катта-катта анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиб, бу каби хайрли ишларга кенг жамоатчиликни жалб қилиб ушбу тадбирлардан тушган маблагни уруш ва зўравоналиқдан азият чекканларга ёрдам тариқасида сарфлаганилиги бунинг исботидир. Бу савобли ишларнинг бошида ҳамиша муфтий ҳазратлари бўлардилар.

1971 йилда мени Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний масалалар билан шугулланадиган бўлимга ўтказиши. Мен САДУМнинг ҳалқаро алоқаларига оид ишлар билан кейинги уч йил давомида бевосита машғул бўлдим. Шу даврда шарқ мамлакатлари, хусусан араб давлатларидан кўплаб диний уламолар делегациялари кутиб олини, қатор ҳалқаро конференциялар ва учрашувлар ташкил этилди. Мен муфтий ҳазратларининг бевосита бошчилигида САДУМнинг кам сонли, лекин жуда катта илмий ва ақдий салоҳиятга эга бўлган иноқ жамоаси томонидан олиб борилаётган кенг қамровли, ўта нозик фаолиятнинг гувоҳи бўлганман. Муфтийнинг муовинлари шайх Исмоил Маҳдум Саттиев, ҳалқаро бўлум бошлиғи Юсуфхон ҳожи Шокиров, “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали муҳаррири Абдулғани ҳожи Абдуллаевлар катта бир жамоа бажарадиган ишларни амалга оширишга қодир, зукко олим ва ташкилотчи инсонлар эканликларини, уларнинг чукур диний ва дунёвий билимлари, катта ҳәётий ва ҳалқаро муносабатлар соҳасидаги тажрибалари, юксак маданият, одоб-ахлоқларидан мен ҳам баҳраманд бўлганман. Улар берилган ваъданинг ўз вақтида устидан чиқиш, кам гапириб кўп иш қилиш, камтарлиқ, самимилик, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш каби инсоний фазалатларни жуда қадрлашар, ёлғончилик, мақтаниш, дағаллик ва ҳоказо иллатлар улар учун бутунлай бегона эди. Муфтий ҳазратларидан олган сабоқлар дуолари, САДУМдаги покиза инсоний муҳит менинг кейинги ҳаётим ва фаолиятим учун мустаҳкам пойдевор бўлди.






1981 йилда Иттифоқ ташқи ишлар вазирлиги мени совет давлатининг Бангладешдаги эзчихонасига маслаҳатчи этиб тайинлади. Дакка шаҳридаги эзчихонага муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг вафотлари ҳақидаги нохуш хабар 1982 йишининг охири кунларида этиб келди.. Эачи В.И. Степанов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, кўп йиллар Иттифоқ ташқи ишлар вазирлигида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлим раҳбари лавозимида ишлаган тажрибали дипломат эди. Дипломат сифатида у муфтий Зиёвуддинхон ҳазратлари билан яқиндан таниш бўлган. Улар Москва, Тошкент, Дехли, Карочи, Коломбо ва бошқа шаҳарларда ўтказилган кўплаб халқаро анжуманларда учрашишган ва у муфтийнинг араб тилини яхши билганилари, моҳир нотиқ эканликлари, мусулмон дунёсидаги обрў-эътиборлари нақадар баландлиги ҳақида менга мароқ билан сўзлар, тугма дипломат дея, таъриф берарди. Агар у киши диний арбоб эмас, дипломатия соҳасида фаолият кўрсатганиларида нуфузли халқаро ташкилотларда раҳбар лавозимларга қодир катта дипломат бўлар эдилар дарди. Муфтийнинг вафотлари ҳақидаги хабар Бангладеш телевидениеси, радиоси ва газеталарида эълон қилинди. Таниқди давлат, жамоат арбоблари, диний уламолар Совет эзчихонасига келиб таъзия изҳор қилдилар.

1983 йишининг апрель ойида Дакка шаҳрида марҳум муфтий Зиёвуддинхон хотираларига бағишлиб катта тадбир ўтказилди. Унда Бангладешнинг давлат, жамоат ва дин арбоблари муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг серқиррали фаолиятлари, дунёда тинчлик,adolat, халқлар ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашдек хайрли иш йўлида қилган хизматлари, у киши билан шахсий учрашувлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар. Бангладеш тинчликни ҳимоя қилиш раиси, таниқди жамоат арбоби Али Аксаднинг қуйидаги сўзлари ҳамон қулогимда жаранглаб туради: “Дунёда шундай инсонлар бўладики, улар қаерда туғилмасин, қайси миллат ва мамлакат вакиллари






бўлмасин, улар бутун инсониятга тегишили бўладилар. Улар билан ҳамма бирдек фахрланади. Муфтий Зиёвуддинхон ана шундай инсонлардан эди". Тадбирда муфтийнинг ҳаётлари ва фаолиятлари тўгрисида маъруза қилиб беришни мендан иатимос қилишди. Мен бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, муфтий ҳазратлари ҳақида кўрган ва билганларимни гурур ва ифтихор билан сўзлаб бердим.

Муфтий Бобохоновлар ҳақида гапирап эканмиз, улар яшаган давр ва мұхитнинг нақадар оғир ва мураккаблигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, ота-бала Бобохоновлар ҳамиша икки ўт орасида, чуқур жар устида ўрнатилган қил кўприкда муаллақ ҳолатда яшаб фаолият олиб бордилар. "Шуни алоҳида мамнуният ва гурур билан тан олиш керакки, деган эканлар муфтий ҳазратлари энг яқин дўстларидан бирига, ҳатто ана шундай қоронғу мұхитда ҳам бирор-бир мусулмон, энг баланд давлат авозимида бўлса ҳамки, туғилган ўғлининг қўлини ҳалол қилмасдан қолмади, бирор-бир йигит-қиз никоҳсиз турмуш қурмади, бирор-бир мусулмон майит жанозасиз дағн этилмади. Тарихий ёдгорликларимиз бузилди, вайрон қилинди, масжидларимиз омборхоналарга айлантирилди. Бу аччиқ ҳақиқат. Халқимиз қалбидаги ислом чирогини сўндиришга уриндилар, аммо уни ўчира олмадилар... Бизнинг энг катта баҳтимиз, бойлигимиз ана шунда. Бузилган, вайрон қилинган масжид-мадрасаларимизни, тарихий обидаларимизни таъмиrlаймиз, янгиларини қурамиз. Энг асосийси, халқимиз қалбидаги имон-эътиқод, инсоф-диёнат, одамгарчиллик, меҳр-шафқат сусаймасин, оқибат кўтарилиласин. Биз ўз умримиз, ҳаётимизни муқаддас ислом таълимоти асосида ана шу хайраи ишга багишладик. Ниятимиз биздан кейинги авлодларимиз ҳам Аллохнинг ана шу марҳаматидан бебаҳра бўлиб қолмасинлар" – деган эканлар.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг бу қалб нидоси юрт равнақи, ҳалқ фаровонлиги, миллат келажаги





ҳақида қайғуриб яшайдиган ҳар бир ватандошимизнинг ҳам зэгу орзуси эканлигига ишончимиз комиа.

Омон Хатамов,
тарих фанлари номзоди, сабиқ дипломат.


Маданиятимиз тарихининг закий билимдени

Мустақиллик йилларида республикамизда маданият ва қадрияларимиз тарихини ўрганиш соҳасида кагта ишлар амалга оширилди. Буюк аллома олимлар ва давлат арбобларимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг юбилейлари кенг нишонланди. Булар ҳақида жуда кўп ёзиш ва гапириш мумкин. Тошкентдан минг йиллар давомида кўплаб олимлар, тарихнавислар, муфассирлар, фақиҳлар, муҳаддислар, шоирлар ва маданият ходимлари етишиб чиқсан. Улар томонидан илм-фаннинг турли соҳаларига оид илмий асарлар яратилган. Афсуски, бу асарларнинг кўпчилиги хорижий кутубхоналарда сақланмоқда. 1970 йили Сурияning Дамашқ шаҳридаги “Зоҳирия” кутубхонасидаги Қаффол аш-Шоший қаламига мансуб “Жавомеъ ал-калим” асарининг фото нусхасини муфтий Зиёвуддинхон ҳазратлари олиб келиб, диний идора кутубхонасига топшириди.

Тарихчи Ибн Халликон ўзининг “Вафайот ал-аъён” (“Уауғ зотларнинг вафотлари”) номли асарида Қаффол аш-Шошийни шундай таърифлайди: “Қаффол аш-Шоший муфассир, ислом ҳуқуқшуноси, муҳаддис, тиалшунос ва шоир бўлиб, ўз замонасидағи шоғеъий мазҳаби уламоларининг ичидаги унга тенг келадигани бўлмаган, у Хурросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва бошқа мамлакатларда сафарда бўлган, илму фанда машҳури жаҳон эрди”.

Абу Бакр Қаффол аш-Шошийнинг устозлари Абу Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг ҳадис илмига оид “Ал-муснад ал-кабир” асарининг фото нусхаси ҳам муфтий Зиёвуддинхон ҳазратнинг берган маълумотлари ва тавсиялари асосида





Тошкентга келтирилган эди. Муфтий ҳазрат қайси мамлакатда ва қайси кутубхонада бўлмасин, тошкентаик олимларнинг асарлари билан қизиққанлар ва уларни Тошкентга олиб келишга ҳаракат қилганилар.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари йирик диний арбоб бўлиши билан бирга, айни вақтда маданият ва қадрияларимиз тарихини яхши билувчи ва уни улуғловчи ажойиб билимдан олим бўлганаар.

Кувомиддин Муниров,
Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик
институтининг етакчи шумий ҳодими.

Инсон қадри

Саховатли инсонларнинг эл-юртига қилган хизмати ҳамиша ёдда қолади. Катта амаким Аҳмадназар Бобоназаровни ана шундай инсонлардан бири деб биламан. 1890 йилда Қичқириқ даҳасида таваллуд топиб, 70 ёшларида вафот этдилар.


Аҳмадназар амаким Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва уларнинг оиласлари билан борди-кечилари бўлган эди. Ёдимда, 1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати очилган. Амакимлар ҳам бу идора ҳодимлари билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлганилар. Бунинг боиси шундаки, Аҳмадназар амаким Тилла Шайх масжидига бўздан тўқилган жойнамозлар ҳадя қилганилар. Ҳамфиқр қадрдонларнинг маънавий сабоги хақида ўзларига қалбан яқин инсонларга ҳам сўзлаб берганлари хотирамда қолган.

1945 йили биринчи марта ҳаж сафарига Москва орқали борилгани эсимда. Зиёвуддинхон қори акамнинг сўзларига кўра Тошкент вокзалига автомашинада ҳожиларни кузатиб кўйганман.

Амаким хонадонларида Эшон бувамлар бошлиқ уламолар билан меҳмондорчиликларда ҳам қатнашганман.

Яхёназар Иброҳимназар ўғли.





9.3. Шогирдлар ўз Устозлари ҳақида


Устозимга содикман

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон юксак маданиятли, ниҳоятда мафтункор инсон эди. Чуқур билимли ва тажрибали дин олимларининг бутун бир авлодига устозлик қиласан. Биз у зотга зукко тарбиячи эканини билган, тўғри маслаҳат, керакли ёрдам олишимизга ишонган ҳолда, ўзимизнинг энг яқин одамимиздек мурожаат қиласардик. Муфтий Зиёвуддинхоннинг илмга чанқоқ биз каби ўқувчилари меҳрибон устозимиз Ислом динимизнинг ҳикматлари, сир-асрорларини тезроқ ёритиб беришини истар эдик. Барчамиз у зотга ўхшашга интилар, устозимиздан ибрат олмоқчи бўлар эдик. Устозимиз бизни теварак оламга ўз нуқтаи назаримиз билан қарашга, билимларимизни тинимсиз ошириб боришга ўргатар эдилар. У зот доимо ҳар бир одам динидан қатъи назар, юртининг ҳақиқий Ватанпарвари ҳам бўлиши лозимлагини ўқтирадилар.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон шогирдлари бўлганимиз ва устозимизнинг инсонга меҳр-муҳаббат, халқлар ўртасида дўстаик ва ҳамкорлик ўрнатишга чорловчи илҳомбахш сўзларидан баҳраманд бўлганимиз билан фахрланамиз. Устозимиз қалбимизга ҳар бир инсоннинг қизиқиш ва интилишларини ҳурмат қилиш, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳиссини сингдиргандар. Ул зот бизни иттифоқ бўлишга ўргатиб, динда фитналарга сабаб бўлувчи айирмачилклар ва фирмаларга бўлиннишлардан узоқ бўлишга чакирадилар. Бу кенг қалбли устоз қўлида ҳам сунний талабалар, ҳам шиа йўналишига мансуб талабалар бир синфда ахил-иноқ сабоқ олишар, ким қайси мазҳабда эканини сўрамас, ҳатто гапирмас эди ҳам. Биз Шайх Зиёвуддинхоннинг қалдиргоч шогирдлари, кўрсатган йўл-йўриқларига бир умр риоя қилиб, унинг шарафли ишини муносиб давом эттиришга ҳаракат қиласяпмиз.

Шайхулислом ОЛЛОҲШУКУР ПОШШОЗОДА,

Кавказ мусулмонлари диний бошқармаси раиси.



Узоқни кўра оладиган устозларим

Алҳамдуиллаҳ, ёшлик йилларимда тақдир менга Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохондек буюк устозни берди. У зот орқали Мир Араб мадрасасининг Мухторхон домла Абдуллаев бошлиқ бир қатор ажойиб мударрисларидан унугли мас сабоқлар олишга мұяссар бўлдим. Бухородаги машҳур мадрасада динимизга хизмат қилиш учун диний таълим олишим нақадар муҳим эканини англадим насиб этди. Ўша даврда динимиз ва мусулмонлар жуда оғир синовлар, қийинчиликларни бошдан кечираётган эди. Шунинг учун олдинига бир талаба, кейинчалик эса ўқитувчиларимизнинг ёрдамчиси ҳамда хизматдоши сифатида кўнгилли ва онгли равишда умримнинг кўп қисмини Россияяда мусулмонларнинг диний ҳис-туйғуларини шакллантириш ва исломий эътиқодни қайта тиклашга, маҳаллий диний кадрлар тайёрлаш йўлида оддий кўз билан кўриб бўлмас улкан бир ишга бағишиладим. Мен ишонч билан айтаман: Шайх Эшон Бобохон билан унинг ўғли ва сафдоши, илк ёрдамчиси Зиёвуддинхон ўзларининг улут вазифаларини кенг ва чуқур англашар эди.

Аллоҳтаоло мени муфтый Зиёвуддинхон билан кўп маротаба учрашиш, сұхбатлашиш, ҳамкорлик қилиш баҳти билан сийлади. Ҳар сафар учрашганимда устоз сұхбатидан катта маънавий озиқ олардим. Шайх Зиёвуддинхон Куръони карим ҳофизи, қомусий билимдар эгаси, араб, форс ва рус тилларини жуда яхши биладиган ажойиб ва доно сұхбатдош эди. У истараси иссиқ, ноёб самимиятли, бошқалардан моддий ва маънавий ёрдамини асло аямайдиган, мұхтожларга доимо кўмак кўлини чўзадиган мард инсон эди. Мен XX аср Ислом оламининг Шайх Зиёвуддинхондек буюк арбобидан сабоқ олғаним, унинг Россияядаги ташаббускор ёрдамчиси сифатида кўп йиллар ҳамкорликда ишлаганим, ёшларни исломий таълимга даъват қылганим билан фахрланаман. Мен у пайтлари собиқ совет республикаларидан, Россиянинг ўлка ва вилоятларидан



истеъодди ёшларни Мир Араб мадрасасида ўқитиш учун танлаб олиш билан шугулланардим. Мир Араб мадрасаси собиқ иттифоқдош республикалардаги мусулмонлар диний бошқармаларининг бўлгуси раҳбарларини тайёрловчи кадрлар ўчогига айланган эди.

Россия ёзувчилари бир жумлани севиб такрорлашади: “Биз ҳаммамиз шахсий тақдиримиз, инсоний ва адаблик сифатларимизга кўра жуда хилма-хилдирмиз, аммо бир нарса бизни бирлаштиради – биз ҳаммамиз Гоголнинг “Шинели”дан чиққанмиз”. Худди шу каби Бухоро мадрасасининг 150 дан ортиқ битирувчиси ҳам шахсий тақдирни ва эришган натижаларига кўра ҳар хил одамлармиз, аммо бизни бир нарса бирлаштиради – ҳаммамиз муфтий Зиёвуддинхон мактабидан чиққанмиз Бухорода Ислом асосларини ўрганган, диний, маънавий-ахлоқий тарбия кўрган Шаҳобиддин Маржоний, Борудий, Ризоуддин ибн Фахриддин каби етук аждодларимизнинг давомчилари эканимиздан фарҳ туйгуси биз русиялик ёшларга ўқиш чоги кўп оғир моддий ва руҳий қийинчилликларни енгиб ўтишимизда далда бўлган.

Шу муносабат билан таъкидламоқчиманки, Россияда 2007 йили “Муфтий Бобохоновлар номидаги жамгарма” ташкил этилиши, унинг гоялари ва лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг ҳам иштирок этишимиз бир-биримизга севги ва ҳурмат туйгуларимизнинг янгилашида, ўзаро фойдали, савобли ҳамкорликни йўлга қўйишимизда, иншааллоҳ, жуда кўл келади. Йиончим комил, Бобохоновлар авлодидан уч буюк муфтийнинг хотирасини абадийлаштириш ҳозирги геосиёсий шароитда Россия, Қозогистон ва Ўрта Осиё мустакил республикалари мусулмонларининг узилиб қолган кўп асрлик хайрли дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини қайта боглашда катта аҳамият касб этади. Чунки улар собиқ Иттифоқ республикаларида мусулмонларнинг диний ҳис-туйгулари ва исломий эътиқодини тиклаш, мусулмонларнинг муборак ҳаж сафарига боришлигини





ҳамда уларнинг халқаро алоқаларини йўлга қўйиш бўйича олиб борилган улкан ишларда Аллоҳ таолонинг мадади билан ҳал қилувчи вазифани адо этишди.

Муфтий Бобохоновларнинг маънавий-ахлоқий, илмий-тарбиявий мероси чуқур ўрганилса, ҳаётий тажрибалари тадқиқ этилса, уларнинг том маънодаги қаҳрамонона етакчилиги, маънавий юксаклик ва инсонпарварлик каби фазилатлари тарғиб этилса, бугунги ёшлиарни ва ўсиб келаётган авлодни яқин даврда этишиб чиққан асл қаҳрамонлар билан таништирган бўламиз.

Азиз замондош, ўзингиз ўйлаб кўринг: худосизлик гояси ҳукм сурган шафқатсиз давлат динни қаттиқ таъқибга олган даврда биргина Бухорода фақат Россиянинг ўзидан 150 нафар имом-хатибнинг тайёrlаниши озми?! Айниқса, Исломга компартия ва совет давлати қандай кучли тазиик ўtkazgанини ҳисобга олсан, бу рақам жуда кўп эканига шубҳа бўлмайди. Ўша йиллари муллалар, имомларнинг жамиятдаги мавқеи жудаям паст, кўпинча мусулмон дин хизматчиси фақат салбий сифатлар билан чаплаб кўrsatilardи. Мулла имомларнинг моддий аҳволи жуда ночор, ахлоқий-руҳий нуқтаи назардан баҳо берилса, кўп аиндорлар бу зулматдан чиқишига ишонишмасди. Шундай оғир шароитда муфтий Зиёвуддинхон бошлиқ устозларимиз чинакам мўминлик фаросати билан даҳрийлар зулми узоқча чўзилмаслигини билишди ва шу боис ҳам Бухорога бориб ўқишига биз талаба-ёрдамчиларини шошилтиради. Советлар даври шароитида ёшлиар орасидан диний билимларга қизиқсан истеъдод эгаларини ахтариб топиш, уларни олис Бухорога олиб келиш жуда қийин ва катта сабрни талаб этадиган иш эди.

Таниқли ва бой тажрибали олим муфтий Шамсиiddинхон Бобохонов билан ўтган асрнинг 80-йиларида танишганман ва ҳамкорлик қила бошлаган эдим. Ўша йиллари мен Россиянинг Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармасига раислик қилардим. Бу йиллар мамлакатдаги





Ислом ташкилотлари учун қийин бир давр бўлган. Ўзбекистонда компартия мафкурачилари эндиғина қад ростлаётган исломий тузилмалар устидан буткул галаба қозониш мақсадида ҳаракат бошлашганини эшитардик. Ўшанда партия ва давлатнинг ҳар бир оиласда даҳрийлик тўла ҳукм суриши учун коммунист раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги қатъий йўлга қўйилган эди. Айниқса, давлат ташкилотлари тизимида ишлайдиган мусулмонлар қаттиқ назорат остига олинди. Уларнинг диний маросимларда, ҳатто яқин қариндошлиари жанозасида қатнашуви ҳам мумкин бўлмай қолди. Ислом маданияти билан ўйгуналашиб, бир бутун бўлиб кетган миллий урф-одатларга риоя этиш, суннат тўйларини ўтказиш, Наврӯз байрамини нишонлаш ҳам қораланди. Муфтий Шамсиiddинхон Бобохонов донишманд бобоси ва отасининг дуоларини олгани туфайли бу синовлардан муваффақиятлай ўтди, юксак мавқенини муносиб сақлаб қолди. Ўшанда муфтий Шамсиiddинхон нафақат ўз обрў-эътиборини йўқотмагани, сабр-бардоши, узоқни кўра олиши, намунали ахлоқи ва яхши муомаласи билан динимизнинг юзлаб хизматчилигига, Ислом ўқув юртлари мударрисларига ва давлат идораларида ишлайдиган минглаб мусулмонларга ибрат бўлади.

Бобохоновлар суоласидан уч муфтий ўз ҳаётини бағищаган муқаддас Ислом динимиз тобора равнақ топаверсин. Азиз устозларимизнинг эзгу ва савобали амалларини шогирдлари, шогирдларининг шогирдлари давом эттираверсин!

Меҳрибон ва Раҳмали Аллоҳ таоло боқий жаннатда ҳурматли муфтийларимизни муносиб тақдирласин. Омин.

Шайхулислом ТАЛЬАТ ТОЖИДДИН,
Россия мусулмонлари марказий диний бошқармаси раиси.

Устозларимизнинг бебаҳо хизматлари

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларини мен Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадига ўқишга кирган 1975 йилдан билар эдим. Мен унинг нафақат





маъҳаддаги ўқиган маърузаларини, балки жума кунлари масжид минбарида туриб қилган мавъизаларини, илмий мунозаралардаги чиқишлиарини ҳам диққат билан тинглашига ҳаракат қиласдим. Ҳаётининг сўнгги йиллари диний идора ходимлари орасидан кўпинча мени ҳузурига чақирав, илмий йўналишда иш бошлишимни буюар, топшириқлар берарди. Мавъизалар матнини тайёрлаш ёки бирор масалада фатво чиқариш жараёнида устозим менга кутубхонадан фалон китобни олиб келишимни, унинг фалон саҳифаси ёки бўлимини очишими, керакли жумлаларни ўқишим ёки уларнинг таржимасини тайёрлашимни айтардилар. Устоз айтган саҳифани очиб, ўша заҳотиёқ ахтарилаётган манба ёки иқтибосни топар эдим. Мен бундай ҳолларда устозимнинг ноёб хотира қувватидан ҳайратга тушардим. Ахир кутубхонамиизда 30 мингга яқин китоб бўлса, муфтий ҳазрат уларни ўқиш билан чекланмай, балки ёдида ҳам сақлаб қолган эдилар. Баъзан фурсатдан фойдаланиб, сұхбат орасида ўзимни қизиқтирган диний масалаларни ҳам сўрадим. Илмий масалаларни тадқиқ этиши, хулоса чиқаришида ўйлайманки, шогирдлари орасида кўпроқ мен устозга ёрдамлашардим. Натижада билимларни пухта эгалладим, барча йўналишлар бўйича манбалардан тўғри фойдаланиш тажрибасини орттирудим. Ҳозир бу билим ва тажрибаларни мамнуният билан шогирдларимга ўргатмоқдаман.

Муфтий Шамсиiddинхон ибн Зиёвуддинхоннинг ёрқин хотираси унинг шогирдлари қалбида бир умр сақланади. Мен бу зотни иккинчи устозим деб биламан. Мен у кишидан меҳнат тартибига риоя қилишни, илмий изланишларга чин ихлос билан ёндашишни, имомлар билан яхши муносабатда бўлишни, уларни умумий мақсад йўлида бирлаштиришга интилишни, йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатишни, хатога йўл қўйганларга ёрдам бериш, бу хатони бошқа тақрорламаслик чорасини кўриш йўлларини, ҳамма нарсага сабр-бардошли





бўлишни, ўз билими, илмий даражаси билан мақтамасликни, оила аҳди ва қариндошларга яхши муомалада бўлишни, бебаҳо умрни беҳуда ўтказмасликни, халқقا фойдаси тегадиган ишлар қилишни, илмий фаолиятдан узилиб кетмасликни, имконияти ва қобилияти даражасида муҳтоҷлардан ёрдамини аямасликни ўргандим. Муфтий Шамсиiddинхон Бобохонов ўз шогирдлари ва ўсиб келаётган ёш авлодда ана шундай гўзал инсоний фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қиласиз.

Устозларнинг бундай фазилатларини ўзлаштириш ва унга риоя қилиш билан қалбимиз покланади, мўминларга фойдамиз тегади. Ўзининг қисқа умри давомида устозимиз Шамсиiddинхон ибн Зиёвуддинхон давлат ва жамиятга ҳам фойдали мутахассис бўлишга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, ёшларнинг билим ва мутахассислигини пухта эгаллашлари учун сидқидилдан кўмаклашишга, инсоний муносабатларда юксак маънавийликни тарғиб-ташвиқ этишга тинимсиз ҳаракат қилди. Бу мақсадларга эришиш йўлида куч ва билимини асло аямади. Пайгамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) марҳамат қилганлар: “Буюк Аллоҳ, ўз ишини ҳассослик билан пухта бажаришга ҳаракат қилувчи бандасини яхши кўради” (Байҳақий).

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, устозимиз Шамсиiddинхон Бобохонов (Аллоҳ раҳмат қиласин) Аллоҳ таоло яхши кўрган бандалар қаторида бўлади, иншааллоҳ.

Шайх АБДУЛАЗИЗ МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раис ўринбосари.

XX асрда исломнинг йирик олимлари

Мехрибон ва Раҳмали Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, муфтий Бобохонвлар сингари буюк шахслар ҳаёти, таржимаи ҳоли бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиши керак. Чунки уларнинг ишлари, саъй-ҳаракатлари, насиҳатларида чинакам тақвадорлик, Муҳаммад пайгамбаримиз (с. а. в.) суннатларига





эргашишнинг энг яхши намунасини, савобли, ўрта ва мўътадил йўлни топа олиш ибратини кўрамиз. Улар мураккаб сиёсий-ижтимоий вазиятларда ҳам зиммаларидағи вазифаларини қатъият, жасорат ва катта масъулият билан адо этишди.

Муфтий Бобохоновларнинг Россияда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда фаолият олиб бораётган юзлаб шогирдлари, маслақдош ҳамкаслари даҳрийлик ҳукм сурган даврда Аллоҳнинг иродаси билан мусулмонларнинг диний, маънавий, маданий анъаналарини тиклаш, равнақ топтиришга буюк ҳисса қўшишди, Ислом ташкилотларининг келгусидаги ривожи учун замин тайёрлашди.

Тадқиқотчилар Бобохоновлар дунёқараши нақшбандия тариқати шайхлари таъсирида шаклланганини таъкидлашади. Бухоролик машҳур эшон Домла Икромча, байрутлик муҳаддис Сайид Али Зоҳирий Витрий Маданий Эшон Бобохоннинг устозлари бўлишган. Эшон Бобохоннинг отаси Абдулмажиқон ҳам нақшбандия тариқати силсиласига кирган шайхлардан бири бўлгани қайд этилади.

Биз Кавказ мусулмонлари Ўрта Осиё, айниқса, Бухоро ва Самарқанд шайхлари орқали суфийлик тариқатлари энг гўзал анъаналарини диёrimизга етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукроналар айтамиз. Бу улуг неъмат туфайли мусулмонларнинг қалблари тозаланди, илоҳий нур билан ёришди. Бугун Догистонда ҳам тариқат издошлиари кўп. Нақшбандия ва шозилия тариқатлари шайхи Сайид Афанди Чиркавий ва унинг шогирдлари Ўзбекистон заминида ётган азизларни кўп марта зиёрат қилишди. Догистонликлар Юсуф Ҳамадоний, Абдуахолиқ Ғиждувоний, Маҳмуд Анжир Фагнавий, Аҳмад Яссавий, Сайид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз авлиёларга, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк муҳаддисларга ҳурмати, муҳаббати туфайли Ўзбекистонни иккинчи ватанимиз деб эъзозлашади.

Мазкур китоб олимлар ва тадқиқотчиларни, дин хизматчиларини буюк боболаримиз меросини кенгрок,





чуқурроқ ўрганишга илҳомлантиради. Бу иш эса ёшларимизниң Исломни түгри англаб, ҳаётда түгри йўлни топишларига катта ёрдам беради. Мусулмонларни турли зўравонлик, миссионерлик каби, Исломнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатувчи бошқа оқимларнинг заарларидан муҳофаза қилишда жуда-жуда муҳимдир.

Китоб ҳаммага тушунарли, равон тилда ёзилган. У дин ходимлари, сиёsatчилар, жамиятшунослар, руҳиятшунос мутахассисларга, диний университетлар ва институтларнинг, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги барча ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабаларига фойдали китобдир.

Аҳмад Ҳожи АБДУЛЛАЕВ,

Догистон муфтийи,

Мақсуд СОДИҚОВ,

*Шимолий Кавказ ислом маърифати
университет марказининг ректори*

Ёшларга ибрат

Бу фоний дунёда Аллоҳ таоло шундай мунаvvар олим бандаларини яратган, бундай зотлар билан олам музайян ва файзлидир. Ана шундай зотларнинг бири, шубҳасиз, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларидир. Бу зотдаги илм, ҳилм, ниҳоятда дақиқ фаросат, имон-эътиқодга ҳарислик барча уламоларимиз, хусусан, ёшларимиз учун намунаидир. Мен ҳам у зоти бобаракотни болалик чоғларимданоқ танийман. Ўта салобатли, ўткир нигоҳли олим эдилар.

Хозиргиdek эсимда, етти ёшда эдим. Хонадонимизда эҳсон оши берилди. Маросимга муфтий ҳазратлари ташриф буюрдилар. Устоз ҳар галгидек ўта таъсирчан ваъз-насиҳатлар қилиб, керакли фатволарни баён қилиб бердилар. У давр шароитини билмайдиган ёшлар кўз олдига бугунгиdek маросимлар келиши табиий. Аммо ўша пайтда одамларни дину аиёнатга чақириш, ҳаётий ишларини Аллоҳ ва Унинг Расули



(с. а. в.) буюрганидек ўтказишга даъват этиш, бу борада йўл-йўриқлар кўрсатиш мавжуд дахрий тузум билан яккама-якка олишиш билан баравар эди. Бундай ишга ҳамма ҳам журъат этавермас, бунинг учун катта олим ва катта шахс бўлишнинг ўзи кифоя эмас эди. Бу чинакам қаҳрамонлик эди.

Диний идорамиз кутубхонаси энг нодир китобларга бойлиги билан бутун Ўрта Осиёга маълум. Бу жуда катта маънавий бойликнинг анчагина қисмини муфтий Зиёвуддинхон ҳазратлари шахсий пулларига ҳарид қилиб тўплаганларини кўплар билмаса керак.

Мустабид совет замонида диний илм олиш қанчалик қийин бўлса, диний билим берувчиларга бундан ҳам оғир бўлган. Бугун барча зарур шарт-шароитларга эга толиби илмлар бошлангич савод чиқариш учун қўлланмаларни, Куръони каримни нашр этиш нақадар мушкул иш бўлгани, бу йўлда кимлар жонбозлик қилганини билиб қўйсалар, зарар қилмайди.

Муфтий Зиёвуддинхондек беназир мураббий тўгрисида ҳар қанча гапирыскан ҳам оз. Ҳар гал янги бир хислат ва фазилатлари ярқираб кўринаверади. Муфтий ҳазратнинг ибрат мактабидан ҳали кўп авлодлар сабоқ олгусидир, иншааллоҳ.

Анвар ҳожи Турсунов,
Тошкент шаҳар бош шом-хатиби.

Ғамхўрлик ва саховат сабоқлари

1972 йили отамнинг Фаргона водийига сафарида ҳамроҳ бўлдим. Отам “Намангандан бошлаймиз, ўринбосарим Исмоил Маҳдум Саттиевнинг ўғли вафот этган экан, унга таъзия изҳор этамиз”, дедилар. Саттиевнинг маҳалласига уч чақиримлар қолганида, йўлнинг ҳар икки тарафида одамлар қатор туришганини кўрдик. “Нима гап?” деб сўрадилар отам. Мирзаабдулла ака: “Бу ерга келишингиз хабарини эшишиб, одамлар сизни кутиб олишгани чиқишибди”, деди. “Ундай бўлса, барча ойналарни туширинглар, тезликни пасайтиринг, секин



юрамиз, биз ҳам уларга таъзим изҳор қиласиз”, дедилар отам. Отам гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафга бош эгиб, салом берар, одамларга ҳурматини шундай ифода этардилар. Саттиев хонадонида таъзия изҳор этдик, Куръони карим оятларидан тиловат қидик, бир пиёладан чой ичдик. Отам намангандик ҳамкаслари ҳолаҳволини, саломатлигини сўради. Қорилардан бири анчадан бери касал эканини, бошқа бири эса қазо қилганини айтишди. Отам касални бориб кўриши, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдириш кераклигини айтди. Беморни бориб кўрдик. Отам унинг кўнгалини кўтарадиган яхши сўзлар айтди. Аллоҳдан шифо сўраб, дуо қиди. Кетар пайтимиз ёстиғининг тагига пул қўяр экан: “Буни дори-дармонга ишлатасиз”, деди. Бемор кўзига ёш олиб, миннатдорлик билдириди. Кейин марҳум хонадонига бордик. Куръон тиловат қилиб, таъзия изҳор этдик. Туришимиз олдидан отам яна пул чиқариб, марҳумнинг бевасига узатар экан: “Буни болаларнинг эҳтиёжларига ишлатасиз”, дедилар.

Борган еримизда отамга ҳадя этиб нима олиб келишса, ҳаммасини муҳтожларга тарқатиб берардилар. Бу ишлари билан бизга ибрат кўрсатардилар. У киши бизга: “Пайгамбаримизнинг (с. а. в.): “Бир-бирларингизга ҳадя улашиб турингиз, меҳр-муҳаббатларингиз зиёда бўлади”, – деб марҳамат қилганларини тез-тез эслатиб турадилар.

Саховатли инсон

1982 йили май ойида Москвада “Дин арбоблари она заминимизда ҳётни ядро ҳалокатидан қутқариш учун” мавзуидаги халқаро анжуманга бордик. Ўшанда отамнинг кўзлари оғриб қолган эди. Қилинган муолажалар, жарроҳлик амалиёти кутилаган натижани бермади. Москва сафарида отамга мен ва “Тилла Шайх” масжиди имом-хатиби Абдурашид қори aka ҳамроҳ бўлдик. Поездга чипта олдик. Бир купега отам, ёнидаги купега мен ва Абдурашид қори aka жойлашдик. Шу пайт отамнинг буюртмаси билан Кўқон ва Фарғонада





тайёрланган 40 қути ширилилкни келтиришди. Отам менга дарҳол 200 та халтacha келтиришни буюрдилар. Биз ёшлар кимга бунча кўп ширилилк олиб бораётганимизни билолмай, ҳайрон эдик. Москвада бизни диний бошқармамиз ходимлари Абдуллахон билан Шарофиддин кутиб олишди. “Украина” меҳмонхонасининг 17-қаватига жойлашдик. Отам анжуманга келган хорижлик меҳмонлар жойлашган хоналарнинг рўйхатини келтиришни буюрдилар.

Тошкентдан олиб келинган ҳамма шириликларни халтачаларга тақсимлаб, анжуман меҳмонларининг хоналарига тарқатиб чиқдик. Эртаси куни бомдод намозини ўқиб бўлганимиздан сўнг, эшигимиз олдида гала-ғовур эшитила бошлади. Чиқиб қараб, отамни зиёрат қилиш, саломлашиш учун келганлар тўпланиб туришган экан. Улар отам билан учрашишга рухсат сўрашди. Мен ичкари кириб, отамга айтдим. “Ҳа, баракалла, таклиф қил”, дедилар. Биринчи киши кириб салом берганиданоқ алик олган отам уни овозидан таниб, исмини айтдилар: “Абу Бакр Ҳамза!” У Франция мусулмонлари муфтийи экан. У ўзининг хонасида шириликлар пайдо бўлганини кўриб, муфтий Зиёвуддинхон ҳам шу ерда эканини англабди. Қисқагина суҳбатдан сўнг хайлрашди, чунки навбат кутиб турганлар кўп эди. Кейинги меҳмоннинг саломига алик олган отам уни овозидан танидилар: “Азизуллоҳ!” Ҳиндистон вакили. Меҳмон кўзида ёш билан отамдан ҳол-аҳвол сўради, саломатлигидан хавотир чекишини билдириди. Кейинги меҳмонни ҳам отам дарҳол овозидан таниди, исмини айтди. Отам билан саломлашмоқчи, дуосини олмоқчи бўлганлар кўп эди. Улар отамни чукур билими, ҳалоллиги, ҳалқлар, мамлакатлар ўртасида тинч-тотувлик учун курашда сабитқадамлиги боис ҳурмат қилишар, эъзозлашарди.

Эртаси куни анжуман иш бошлади. Отам ҳайъат аъзолари сафида ўтирадилар, эгниларида чиройли беқасам тўн, бошларига салла ўралган. Отам асосий нотиқлардан бири эдилар.





Аммо соғлиғи күттармагани сабаб нутқини Шамсиiddинхон акам ўқиб берди. Танаффус пайти ҳам отам билан сўрашадиганлар ёпирилиб келишди. Мен чарчаб қолмасинлар деб тирсакларидан тутиб, ёрдамлашиб турардим. Шу дақиқаларда мен Ер юзининг тури бурчакларидан келган ҳар хил миллат вакилларининг шунчалик хурмат-эъзозига сазовор бўлган, Ислом динимизга бегараз ва холис хизмат қилган улуғ Инсоннинг фарзанди эканимдан яна бир бор фахрланиб кетдим, Аллоҳга ҳамду санолар ва шукроналар айтдим...

Муҳаммад Ризоҳон,
муфтий Зиёвуддинхон ўғли.

Ибрат оладиган фазилатлар

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратнинг 1980 йилда илк марта кўриш шарафига мұяссар бўлган эдим. Шу йили Тошкентда ҳалқаро ислом Конференцияси бўлиб ўтган, унга дунёning кўп мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришган. Ҳазрати Имом маҳалласидаги Тилла Шайх масжидида меҳмонлар иштирокида жума намоз ўқилиши маълум бўлиб қолди. Жума номозига борсам, масжид хонақоси ҳамда ҳовлиси жамоат билан тўлиб-тошган экан, бир чеккадан жой топиб ўтиредим. Бундай катта издихомни ҳётимда биринчи марта кўришим эди. Муфтий ҳазрат меҳмонлар билан келдилар, номоз олдидан араб тилида сўнг ўзбек тилида мажлисни очиб, мажлис иштироқчиларни қутладилар. Ўша даврда ҳам Фаластин ва Исроил давлати ўргасида низолар давом этиб турган эди. Фаластиналик уламолардан бири араб тилида маъруза қилди, Зиёвуддинхон бобомиз унинг сўзини ўзбек тилига таржима қилиб турдилар. Шунда бу улуғ инсон-муфтий ҳазрат билан дийдор кўриштирган Аллоҳга шукурлар қилдим.

1981 йили ўрга мактабни тугатганимдан сўнг, Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида ўқиш ниятим бор эди. Мадрасани ўз кўзим билан кўриб, зиёрат қилиш ниятида Бухорога бордим. Муфтий Зиёвуддинхон ҳазрат талabalарни кўриш мақсадида



мадрасага борган эканлар. Ўша ерда бир нарсанинг гувоҳи бўлдим, қори ака шахсий маблагларидан муҳтоҷ талабаларга эҳсон қилиб совга-салом улашдилар. Афсус, ўша йили ўқишига кира олмадим.

Тақдирнинг тақозоси билан 1992–1994-йилларда Миср Араб Республикасидаги “Ал-Азҳар” жомеъсида таҳсил олаётган давримда у ердаги уламолар Зиёвуддинхон ҳазратнинг номларини хурмат билан тиља олиб ибрат этиб кўрсатгандарини гувоҳиман.

Ўзбек миллатининг фахри, динимизнинг зиёси бўлган Зиёвуддинхон иби Эшон Бобохон ҳазратнинг жуда кўп шогирдлари ҳозирги кунда номлари дунёга машҳур уламо бўлишган. Улар орасида Бокуда Шайх ул-Ислом Оллоҳшукур Пошибозода, Уфада Шайх ул-Ислом Талгат ҳазрат Тожутдин, Москвада муфтий Равиль ҳазрат Гайнутдин, Чеченистонда муфтий, кейинчалик Президент бўлган марҳум Аҳмад Қодировлар бўлган.

Кобилжон қори Одияжон ўғли,
“Камолиддин ориф ал-Бухорий” масжиди имом ноиби

Мустақиллик шарофати

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳалқимизга мустақиллик неъматини ато этгач, алҳамду лилаҳ, ҳаётимизнинг турли жабҳалари қатори диний соҳада ҳам қатор ижобий ўзгаришларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Мамлакатимиз маънавий ҳаётида аин ўзига хос ўрин эгаллаб, масжиidlар сони кўпайди, минглаб фуқароларимиз муборак ҳаж ва умра зиёратларига бориб келиш имкониятига эга бўлдилар. Лекин 1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати ташкил этилган бўлса ҳам советлар даврида бундай диний бағрикенглик ҳақида уч авлод муфтий Бобохоновлар фақат орзу қилишган эди. Биргина диний маросимларни ўтказиш борасидаги соҳани олиб қарасак, бунга яққол мисол бўла олади. Собиқ советлар тузуми авж олган ўтган асрнинг 70-йиларида Ўзбекистон ҳудудида диний маросимлар ўтказиш ўша даврнинг даҳрийлар



сиёсатига хилоф ишлардан саналарди. Ана шу даврда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати ҳалқимиз орасида ақиқа маросимини тиклаб, унга фатво асосида амал қилишни тавсия этган. Шундай қилиб бутунги кундаги тартибли, чиройли ўтаётган суннат амалларидан ҳисобланган ақиқа маросимини иккинчи ҳаётига асос солган муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳисобланадилар.

Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ташаббуслари билан 1971 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом маъҳади (институти) ташкил топган. Муфтий Бобохоновларнинг кўпгина шогирдлари ҳозирги кунда замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган институтнинг 2007 йилда янги қурилган биносида илмга чанқоқ ёш талабаларга илм бериб келмоқдалар.

Аллоҳ Ҳақ субҳанаҳу ва таоло уч авлод муфийлар ота-ўғил набира Бобохоновларни Ислом дини равнақи учун қилган хайрли амалларининг ажру савобини ўзи берсин ва раҳматига олсин, Омин.

Мұҳаммад Ақмалхон Шокиров,
Шайх Юсуфхон Шокиров ўғли.

9.4. Порлоқ хотиралар тажассуми

Тошкент маърифат ўчоги

Тарих – ҳар бир ҳалқ учун ўзлиги ва қадимий иадизларини кўрсатадиган, зарур сабоқ ва хуносалар берадиган маънавий хазина. Ҳар бир инсон ўз наслининг етти пушти тарихини билиши лозимdir. Президентимиз Ислом Каримов – “*Тарихга мурожаат қиласр эканмиз, бу ҳалқ хотираси эканини назарда тутишишимиз керак! Хотирасиз баркамол инсон бўлмагани сингари, ўз тарихини билмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди*”, деганлар.

Аждодлар васиқасига мувофиқ муфтийлар Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсиiddинхон Бобохоновлар милодий VIII–IX асрларда яшаб ўтган Ислом фотиҳлари сафида бўлган Ювошбоб






ҳазратларига бориб туташади. Илгари Исфижоб деб аталган, эндиликда Сайрам деб юритилаётган диёрда яшаб ўтган бу олис аждодларимиз илк Ислом фотиҳлари сафида бўлишган, улкан Туркистон мамлакатининг шимолий ҳудудларида муқаддас динимизни тарғиб ва ташвиқ этишган. XIX–XX асрда шафқатсиз даҳрийлик ва коммунистик мафкура хукм сурган даврида Ислом дини тикланиши ва ривож топишининг истиқболли йўналишини Ювошибоб ҳазратнинг авлодидан етишиб чиққан уч муфтийлар белгилашди ва ривожлантиришди.

Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон таваллудининг 150 йиллигига, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таваллудининг 100 йиллигига, муфтий Шамсиiddинхон Бобохонов таваллудининг 70 йиллигига, минтақа мусулмонлари биринчи қурултойининг 65 йиллигига багишлаб, Эшон Бобохон набиралари Муҳаммад Рашодхоннинг уйида 2008 йил 15 октябрда қариндошлар, ёру-биродарлар, олимлар ва шогирдлари иштирокида бир пиёла чой атрофида илмий учрашув ўtkазилди. Унда уч муфтийнинг ҳаёти, ижоди ва қолдирган маънавий мероси ҳақида учрашув қатнашчилари қизгин сұхбат қилиб, ўз маъruzалари ҳамда хотиралари билан фикр алмашдилар. Шу жумладан:

- Муфтийлар авлоди номидан Амирсаидхон Усмонхўжаев;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов;
- “Сайрам” музейи директори профессор Мираҳмад Мирхолдаров;
- Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Абдуқаҳдор Иброҳимов;
- Фаизхонов номидаги Нижний Новгород Ислом институти ректори доцент Дамир ҳазрат Мухитдинов;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ноibi Шайх Абдулазиз Мансур;
- Нижний Новгород шаҳри ва вилоят мусулмонлари Диний идора раиси муфтий Умар ҳазрат Идрисов;





– “Новза” жомеъ масжидининг имом-хатиби Омонулло қори Исмоилов;

– тақводор Ҳожи Сайд сўзга чиқдилар.


Тадбир давомида учрашув иштирокчиларига аудио ва фото хужжатлар намойиш этилди ҳамда ушбу учрашувга маҳсус тайёрланган фотобуклет ва китоблар, Русия мусулмонлари “Мадина” рўзномасининг октябрь ойида маҳсус тайёрланган сони тақдим этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёning ўткинчи эканини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдирисига ундан туради”.

* * *

Тошкент шаҳар, Шайхонтахур тумани, “Бўстон” маҳалла фаоллари ва “Эшон Бобохон” жомеъ масжиди аҳли ташаббуси ва авлод вакиллари Амирсаидхон Усмонхўжаев, Шоирахон ва Жамолиддинхон Бобохоновлар саъй-ҳаракатлари билан “Маънавият-маърифат” хонаси тайёрланди, уни тематик режаси Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Айвар қори Турсунов томонидан тасдиқланди. Бундай хонани ташкил этишдан мақсад аҳолини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини оширишга ва билимини ўстиришга кўмаклашиш, ёшларимизда соглом дунёқараш, юксак ватанпарварлик туйгуларини тарбиялашга, уларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилувчи тадбирлар ўтказишидир.

“...Эй Рabbim! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматларингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амалларни қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун авлод ва зурриётимни ҳам қобил ва солиҳ зурриётлардан қилгин” (“Аҳкоф” сураси 15-оят).





* * *

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таваллуд кунларини 95 йиллигига шогирдлари Абдулқаҳор Шоший томонидан ирод этилган:

Согиниб келдик кўнгулдан Сизни эй соҳиб карам,
Пурмунааввар масканингиз бўлди боз байтул ҳарам.
Тўпланишиди дўст-ёронлар руҳингиз шод этгали,
Лек аларнинг қалбида түгён урар дарду алам.
Чашми нур фарзандларингиз диллари армон тўла,
Ҳажр азобин бирма-бир сатр этарга ожиз қалам.
Мушк анбар сочишур ҳар ён "кулбан"гиз гулзоридан,
Турфа гуллар барқ урибди бўлмагай мангу адам.
Во дариго, оҳ чекар бўстон аро ҳар бир гиёҳ,
Нолаю ағғон қилас изларингиз босган қадам.
Нодири даврон эдингиз хуши сурат ширин қалом,
Сийратингиз хотирадир, зикр этармиз дамба-дам.
Одобу ахлоқда тенгисиз ҳам саҳоват бобида,
Нону қоту, об-ёвғонни дўст ила кўрдиз баҳам.
Сиз каби аҳли салоҳ Ер юзига ҳеч келмаган,
Ўҳшишингиз топмагайлар Жаннатул Маъвода ҳам.
Эътиқоду имонда Сиз пайғамбар асҳобидек,
Сажда қилмиси пойингизга бутхонада бут-санам.
Аҳли ширк давронида сабру каноатлар қилиб,
Дер эдингиз: "Ҳақ ўйлида бўлсин фидо жон-танам".
Шукр ушалди ниятингиз мустақил бўлди Ватан,
Юртбошимиз фазлидан ийӯқ эл-юртда зарра гам.
Биз аминмиз Ҳақ таоло изн берган роҳатласиз,
Хур-гилмонлар кутарлар кўзларида жиққа нам.
Эй илоҳий, Маҳшар куни раҳматинг тутмадариг,
Бир назар қил устоз ила биз факир Шошийга ҳам.





* * *

Фалсафа фанлари доктори, профессор Омонуалло Файзуллаевнинг (1920–2008) хотира дафтаридан:

Соғломлаштиришдаги ҳомийлик. 1933 йил. Очарчилик авжига чиққан давр эди. Нон “Забор” карточкасига берилади, киши бошига 400 грамм. Сифати паст, гоҳо еб ҳам бўлмайди, лекин уни ҳеч ким емасдан қўймасди...

Шу пайтда менинг отам бетоб бўлиб қолдилар. Шифокорлар асал ейишни буюрди. Қани асал? “Торгсин” деган дўкондан тилло буюмга алмаштириб олиш мумкин. Бу тилло буюмларга ун, гуруч, чой олиб улгурганимиз. Бошқа йўқ. Менинг отам Файзуллахўжа ва Зиёвуддин қори аканинг хотинлари Муҳайёхон холавачча эдилар. Зиёвуддин қори ака аҳволимиздан хабар олиб, бизникига қайнисингиллари Муфарраҳни юбориб асал олиб кетишимизни айтибидилар. Мен тушунар-тушунмас катта ковача олиб бордим. Корасаройдаги боғлари катта экан. Зиёвуддин қори ака асалчилик ва дәжончилик билан шугуланаётганларини ўз қўзим билан кўрдим. Холапошшамиз Муҳайёхон опа Зиёвуддин қори поччамизга мени таништирдилар. Хулас, катта идишга тўлдирилган асални олиб кетдим, отамга бу дори ва озуқа анча ёрдам берди. Ҳомийлик нималигини биринчи марта амалда кўрганим мана шу. Бу шифокорлик соҳасидаги ҳомийлик эди.

* * *

XX асрнинг 30-йилларида шарқ тилларида ёзилган китобларни ўқиш ҳам, уйида сақлаб туриш ҳам тақиқланган эди. Уйида сақланиб қолган қўлёзмаларни баъзан Чорсу бозорида ҳобби равишда арзимас пулга сотишар эди. Шундай ноёб қўлёзмаларни икки киши Тошкентда сақлаб қолган: менинг амаким Ҳабибулла Орифхўжаев ва поччам Зиёвуддин қори ака. Улар бозордаги ёймачилардан ноёб қўлёзмаларни қидириб, танишиб ва сотиб олишар эди-да, Ўзбекистон Xalq кутубхонаси (ҳозирги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) ва Ўрта Осиё Давлат университети кутубхонаси қўлёзмалар хазинасига олиб бориб





топширап эди. Назаримда иккала кутубхона қўлёзмалари фондини бойитишда Ҳабибулла Орифхўжаев ва Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг озми-кўпми хизматлари бор.

* * *

Мен 1937–1941-йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида ўқир эдим. Зиёвуддин қори ака университетда боғбон-лаборант бўлиб ишлаганлар. Ботаника илмини яхши билиб олганлар. Зиёвуддин қори ака ўз боғида ҳам, университет боғида ҳам боғдорчилик билан шугулланган эдилар. Шу тариқа бола-чақани боққан. Зиёвуддин қори ака шунга ҳам шукр қиласар, агар у кишининг диндорлигини ва номоз ўқишини билиб қолишса, бу оддий ишдан ҳам четлатилиши муқаррар эди.

* * *

Мирзо Улугбекнинг асосий илмий асари “Зиж”ни Зиёвуддин қори ака таржима қилган. 1939 йил февраль ойи. Ўрта Осиё Давлат университети талабаларининг биринчи конференциясига тайёргарлик кетяпти. Университетда бизга астрономиядан дарс берган Яков Платонович Цукерваник Тошкент астрономия обсерваториясининг директори эди. У конференцияда: “Улугбекнинг жаҳон астрономиясиغا қўшган ҳиссаси” деган мавзуда доклад қиласангиз дуруст бўлур эди, деб қолди. Мен бу таклифни жони-дилим билан қабул қилдим. Обсерватория ва университет кутубхонасидаги шу мавзуга тегишли барча китоб ва журналларни ўқиб чиқдим. Шуни ҳам айтиб қўйяй, ўзбек тилида биронта на китоб, на мақола йўқ экан. Улугбекка тегишли китобларни қидираётганимда университет кутубхонасида Зиёвуддин қори акам билан учрашиб қолдим. У кишини менга Худо етказди. Зиёвуддин қори акага айтдим: Улугбек ҳақида маъруза қилишни менга топширишди. Рус тилидаги нарсаларни қараб чиқдим, ўзбекча ҳеч нарса йўқ экан десам, у киши Улугбекнинг





бир китоби бор, унинг номи “Зижи Кўрагоний”, фақат у форс тилида. Бўлмаса бундай қиласиз. Эртадан бошлаб Узбекистон Давлат кутубхонасининг Қўлёзмалар хазинасига борамиз, мен сизга “Зиж”нинг керакли жойларини таржима қилиб бераман, дедилар.

Иккаламиз кутубхонага бордик. “Зиж” қўлёзмасини қидириб топишда кутубхона қўлёзмалар бўлимининг катта илмий ходими Султонхўжа Қосимхўжаев ёрдам бердилар. Бир ҳафта Зиёвуддин қори ака билан мен эрталабдан кечгача бирга ишладик. Шунисини ҳам эслатайки, ҳар куни пешинда бир чеккага чиқиб номоз ўқир эдилар. Иш жараёнида Зиёвуддин қори ака “Зиж”ни қўлга олиб, мана бу ерни доф қилиб қўйишибди, мана бу ерда хаттот хато қилган, дедилар. Менинг назаримда Зиёвуддин қори ака “Зиж”ни илгари ҳам кўрганлар, бу қўлёzmани кутубхонага топширган шу киши эканлар.

Мен талабалар конференциясида “Улугбекнинг жаҳон астрономиясига қўшган ҳиссаси” мавзусида маъруза қилдим. Конференцияда иштирок этган профессорлар В.И.Романовский ва Т.Н.Қори-Ниёзий, доцентлар Я.П.Цукерваник, И.С.Аржаних, Т.С.Саримсоқовлар ўз фикрини айтишибди. Айниқса, профессор В.И.Романовский араб ва форс тиллари қонун-қондаларига эътибор беришни тавсия этди. Зиёвуддин қори ака билан иккаламиз ёзган “Улуғ ўзбек астрономи (Улугбекнинг туғилганига 545 йил тўлиши муносабати билан)” номли мақола “Қизил Ўзбекистон” газетасида 1939 йил 4 апрелда чоп этилди.

* * *

Ижтимоий ва диний ғоялардан бири. Зиёвуддин қори аканинг хотинлари – холапошшам Муҳайёхон вафот этдилар. Масжида жаноза ўқиб бўлганидан кейин, Зиёвуддин қори ака тумонат жамоатга ҳаммангларнинг ишингиз кўп, вақтингиз йўқ, мозорга фақат яқин қариндошлар борсин, илтимос, – дедилар.



“Етти”, “Йигирма”, “Йил оши” ҳақида ҳамма вақт бу гаплар Куръонда йўқ. Ҳозир бу расм-русларни ихчамлаштиринглар, истрофгарчилик ҳалқимизга фойда бермайди, дердилар. Одамларга ўрнак бўлсин деб, хотинининг маъракасини ихчам ўтказдилар. Аммо бу маслаҳат – насиҳатларни ҳалқ қийинчлилик билан қабул қилмоқда. Бунинг сабаби, менимча кўпчилик ўша расм-русларга узоқ вақт ўрганиб қолиб, фикрлаш инерциясидан осонгина қутула олмаслигидадир.

Зиёвуддин қори ака замонида катта ақиқалар йўқ эди. Ҳозир савол туғилади:

1. Ақиқанинг катта бўлиши шартмиカン?
2. Бир ҳафталик чақалоқнинг “юбилейи” кимга фойда, кимга зарар келтиради?

10-БОБ. МУФТИЙЛАР БЕРГАН ФАТВОЛАРДАН НАМУНАЛАР

Маълумки, Ислом динимизнинг оммавий-маърифий ишларини юритиш борасида фатволар, яъни олий диний даражадаги шахс – муфтийнинг ўёки бу ҳаракат ёки ҳодисанинг муқаддас Куръони каримга ва шариатга тўғри келиш-келемаслиги ҳақида чиқарган ҳукми жуда муҳим аҳамиятта эга бўлган, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон даврида диний бошқарманинг ўттиста фатвоси чиқарилган эди. Булар: “Паранжи ёпинишнинг мажбурий эмаслиги ҳақида”, “Никоҳ ва хатна тўйларида йўл қўйиб бўлмайдиган исрофгарчилклар ҳақида” ва бошқа масалалар юзасидан чиқарилган фатволардир.

Муфтий Эшон Бобохон масжидларнинг имомларига ёзма мурожаатларида уларни майший турмушга, маросимларга доир масалаларни Куръони карим амрлари, суннат ва маҳаллий уламоларнинг фикҳий китоблари асосида ҳал этишга чақиради. Муфтий Зиёвуддинхон ҳам ўтмиш сарқитлари, жаҳолат, хурофот, ирим-сирим каби, мусулмонлар ҳамиша қоралаб келишган иллатларга қарши курашда фатво чиқариш усулидан унумли фойдаланади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон диний бошқармаси муфтийлари чиқарган фатволар бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган. Бу фатволар Ислом таълимоти соғлигини ҳар қандай бузиб кўрсатишаар ёки заррача бўлсин тойилишлардан қатъий туриб, шижаот билан ҳимоя қилишнинг ибратли намуналари сифатида жуда аҳамиятлидир.

10.1. Ўзига ўзи суиқасд қилишнинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

Аллоҳ таборака ва таоло ўзининг қаломи шарифи Куръони азимуш-шательнинг “Исро” сураси 70-оятида:



“Биз одамзодни азизу мукаррам қилиб яратдик, ҳамда уларни ҳам сувда, ҳам қуруқликда юра оладиган этиб кўйдик. Уларга пок нарсалардан ризқ ато этиб, бошқа ҳамма маҳлуқотдан афзал этдик”, деб марҳамат қилади.

Бу ояти каримадан маълум бўладурки, Аллоҳ таборака ва таоло инсонни энг улуғ ва мукаррам маҳлуқ қилиб яратди. “Уни ўз кудрат кўлим билан яратдим ва руҳимдан унинг жисмига дохил қилдим”, деб Куръони каримда таъкидлади. Аллоҳ таоло имонни илк бор яратганда фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар!” деб буюрди. Фаришталар Аллоҳ таоло амрига бўйсуниб, Одамга (алайҳиссалом) таъзим саждасини адо қилдилар. Сўнг Аллоҳ таборака ва таоло инсонга хитоб қилиб: “Бутун Ер ва осмонни инсоният учун яратдим”, деб марҳамат қилди. Шунинг учун Аллоҳ таоло инсонга ақлу идрок бердиким, токи ҳаётнинг ва ҳаёт неъматларининг қадрига етсин ҳамда дунёга факат бир маротаба келишини билсин, ҳаётда учрайдиган баъзи бир қийинчилик ва мусибатларни сабру матонат билан енгсин, деб ирода қилди.

Расули Акрам (алайҳиссалом) ўз хутбаларида мусулмонларга хитоб қилиб айтганларки: “Эй одамлар, хоҳ ўзингизнинг ва хоҳ бир-бирларингизнинг қонингизни тўкишингизни Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди. Шу билан бирга бир-бирларингизга тажовуз қилишни ҳам Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди. Ушбу ҳаж кунида одам ўлдириш ва бошқалар жонига сунқасд қилиш қанчалик ҳаром бўлса, мол ва жонларингизга тажовуз қилиш ҳам шунчалик ҳаромдир”.

Бу ҳадиси шарифларида Расули Акрам (с. а. в.) ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган хуқуқининг муқаддас эканини баён қилдилар. Шу билан бирга инсон ўз жонига ўзи қасд қилиши ҳаром ва қаттиқ гуноҳ эканини ҳам таъкидладилар. Аллоҳ таборака ва таоло Куръони каримда инсонни ўзининг яшаш хуқуқига тажовуз қилишидан ман этиб:

“Ўз қўлингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанглар” ва яна: “Ўзларингни ўзларинг ўлдирманглар, зеро Аллоҳ таоло



сизларни ўз раҳмати ва шафқати ила яшашингиз учун дунёга келтиргандир”, деб марҳамат қиласи.

“Саҳиҳи Бухорий” ва “Саҳиҳи Муслим” китобларида ривоят қилинурки, Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадиси шарифларида: “Ким тог тепасидан ташланиб, ўзини ўзи ўлдирса, ўлганидан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлур, Агар заҳар ичиб ўзини ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлур. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ул шахс темир парчаси қорнига суқилган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолур”, деган бўлсалар, бошқа бир ҳадисларида: “Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми юқорида зикр қилинганлар ҳукми билан баробардир”, деб марҳамат қилганлар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилиб, Расули Акрамнинг (алайҳиссалом) ушбу ҳадиси шарифларини келтирадилар: “Ким ўзини ўзи бўғиб ўлдирса, дўзахда ҳам шу хил азобда қолур ва ҳар ким ўзини олов билан ўлдирса, дўзах оловида ҳам худди шундай азобда қолади”.

Яна Имом Бухорий ривоят қилинларким, Ҳазрати Расули Акрам (алайҳиссалом) айтадилар: “Аллоҳу таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилурки: “Бандам ўзини ўзи ўлдирни, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”, дейди. Бу ҳадиси қудсий мазмунига кўра ўзини ўзи ўлдирган банда жаннатдан абадий маҳрум қилинар экан.

Шу муносабат билан афсус ила зикр қилиб ўтмоқ лозимки, баъзи минтақаларда ўзини ўзи осиш, отиш, ёқиши ёки бошқа турли йўллар билан ўлдириш воқеалари рўй бериб турибди. Айниқса, бу ҳодиса аёллар ва ёшлар ичida кўпроқ рўё бераётгани маълум бўлмоқда. Бу мудҳиши ҳолатлар нафақат шариати исломия, балки Аллоҳ таборака ва таолонинг қазою қадарига ҳам тутён қилишдан иборатдир. Ўзини ўзи ўлдириш Аллоҳу таоло ҳузурида энг оғир гуноҳлардан бўлиб, шу йўл





билин ўлганлар юқорида айтилганидек, охиратда оғир азобга қолурлар ҳамда хешу акраболарини ва ота-оналарини ҳам оғир күлфатта солиб қўюрлар. Шариати исломиямизда ўзини ўзи ўлдирувчилар ҳақида маҳсус фатволар чиқариаган.

Сайийд Собиқнинг “Фикхус сунна” номли китобларида жумладан бундай дейилади: “Расулулоҳ (с. а. в.) бу мудхиш ишдан задр қилмоқ, яъни умматларини қатъяян қайтармоқ учун ўзини ўлдирган шахсларга жаноза ўқимадилар”.

Аллоҳ таолога шукрким, бизнинг диёримизда инсон учун ҳамма ҳаёт шароитлари тўлиқ муҳайё қилинган. Бирор бироннинг ҳуқуқини камсита олмайди. Бинобарин, бизнинг Ватанимизда ўзини ўзи ўлдиришга ҳеч қандай асос йўқ.

Ҳар бир инсон хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, ушбу ҳақиқатни яхши тушуниб олмоғи керак ва Аллоҳ таолога шукрлар қилмоғи лозимки, ҳар қандай мушкул муаммоларни сабру қаноат ва хусни тадбир билан ҳал қиласа бўйур. Аммо бесабрлик илиа ношукрлик қилинса, оқибати хайрли бўймас.

Куръони карим ва аҳодиси набавийяга амал қилган ҳолда ва юқоридаги далиллар асосида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси барча мусулмонларга мурожаат қилади ва ўзини ўзи ўлдириш ҳолатларига қарши кескин тадбирий чоралар кўришни улардан умид қилади. Шундай ҳолатларга дуч келган тақдирда уларнинг олдини олишни барча имом-хатибларга топширади ва бу вазифани бажаришни сизларнинг ҳам диний, ҳам инсоний бурчларингиз деб ҳисоблайди.

Барча имом-хатиблар ўзини ўзи ўлдириш ва ўзини куйдириш катта гуноҳ эканини мусулмонларга оят ва ҳадислар билан исботлаб, бундай мудхиш ишлар Аллоҳ таолонинг бандаларига берган ҳаёт неъматига ношукрлик эканини батафсил тушунтириб боришлари шарт.

Шу билан бирга, ўзини ўзи ўлдирганларга имом-хатиблар жаноза намози ўқишдан бош тортишлари талаб




этилади. Лекин бу уларни жанозасиз кўмиш керак, дегани эмас. Балки уларга оддий намозхонлардан бири имом ўрнида жаноза ўқиши тавсия этилади. Зоро, Пайгамбаримиз (с. а. в.) шу каби марҳумларга ўзлари жаноза ўқимас эдилар. Лекин бошқа кимдир имом бўлиб ўқишга буюар эдилар. Бу билан мусулмонларни бу каби мудҳиш ҳодисаларни такрорламасликка унданган ва огоҳлантирган бўлар эдилар. Уламо ва имом-хатиблар ҳам шу суннати санияга амал қилиб, ўз қавм ва жамоатларига бу ҳақда тушунтириш ишларини олиб боришлирида Аллоҳдан мадад сўраймиз.

10.2. Сохта табиблар, фолбинлар, дуохон ва азайимхонлар тўғрисида

Бисмилоҳир Раҳмонир Раҳим

Ҳар бир инсон умр бўйи ўзини ҳар қанча эҳтиёт қилиб юрмасин, баъзи бир оғир-енгил дардларга чалиниб туриши табиий бир ҳолдир. Касалликнинг турлари эса жуда кўп бўлиб, уларнинг даволари, ҳар бир дардга яраша дори-дармонлари мавжуд эканлиги қадимдан исботланиб келинади. Бу ҳақда жаноб Пайгамбаримиз Мұҳаммад (с. а. в.) ҳадисларида марҳамат қиласидиларки: “Эй Аллоҳнинг бандалари! Ҳасталиклардан даволанинглар. Чунки Аллоҳ таоло кексаликдан бошқа барча касалликларга муносаб даволарни ҳам яратиб қўйгандир”. Яна бир ҳадиси шарифларида шундай хабар берадилар: “Ҳар бир касалликнинг ўзига яраша давоси ҳам бордир. Агар дори касалликка мослаб берилса, Аллоҳнинг изни билан бемор албатта шифо топур”.

Демак, юқоридаги ҳадиси шарифлар мазмунича, ҳар бир дарднинг давоси мавжуд. Лекин бу даволарни ўз ўрнида оқилона ишлата билиш шарт бўлади. Шунинг учун ҳам қадимдан ҳукамолар тиб илмига жуда катта эътибор ва аҳамият бериб келгандар. Ўрта Осиё диёрларидан табобат илми билан шугулланган, башарият саломатлиги йўлида катта





хизматлар кўрсатиб, шу соҳада қимматбаҳо асарлар қолдирган буюк уламо ва ҳукамолар чиққанлар. Жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Шоҳ Хўжа Тошкандий, ибн Шайх Хованд Тахурий, Муҳаммад Амин Ҳодим, Абул Гозихон Хоразмий, Жунайдуллоҳ ибн Шайхулислом Ҳозик, Мирзо Ҳайруллоҳ Носир Ҳўқандий, Маҳмуд Ҳаким Яйпоний ва бошқа кўплаб қаламкаш ҳакиму табибларнинг қимматбаҳо асарлари тиб соҳасида асрлар бўйи оламшумул аҳамиятга молик бўлиб келмоқда.

Жаноб Пайғамбаримиздан (с. а. в.) саҳобалар сўрадиларки: “Ё Расулаллоҳ, беморларга бериладиган дорилар таъсирида тақдир ҳам ўзгарадими?” Ҳазрат жавоб бериб: “Балки ўша дориларнинг шифо бўлиши ҳам тақдиди азалда ёзилган бўлади”, деган эканлар.

Табобатни касб этган кишиларнинг диндор шахслардан бўлиши шариати исломия таълимоти бўйича шарт этилмаган. Бунга далил сифатида ушбу ривоятни мисол тариқасида келтирса бўлади. Машҳур саҳобалардан Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.) касал бўлиб қолганларида Расулуллоҳ (с. а. в.) Ҳорис ибн Килда деган бир мушрик табиб ҳузурига даволаниш учун юборгандари ҳадисда нақл қилинади.

Ўтган асрлар мобайнида тиббиёт фани кўпдан-кўп янги кашфиётлар туфайли бойиди ва ривож топди. Айниқса, бизнинг замонамизда бу кашфиёт ва илм-фан ютуқлари асосида даволаниш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Бу ҳам бўлса, инсониятнинг баҳт-саодати ва Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига бўлган меҳрибончилигининг нишоналаридан биридир. Афсуски, тиббиёт ўқув юртларида ўқиб, маҳсус мутахассисликка эришган шифокорларга эмас, балки чаласавод, сохта табибларга қатновчи ва улардан шифо умид қилувчилар аҳоли ўртасида ҳамон учраб туради. Тушунмовчилик туфайли бу каби сохта табибларга қатнашни ёки даволанишни Ислом дини ақидаларидан





деб билувчилар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, шаръи шариф таълимоти бўйича, бу каби ихтисоссиз, сохта “даволовчилар” шаънига бир қатор қаттиқ вайдлар мавжуддир.


Мұҳадислардан Ибн Можа ривоятлари ила ушбу ҳадиси шарифда Расууллоҳ (с. а. в.) марҳамат қилурларки: “*Ким тиббиёт имидан бехабар, тажрибасиз бўлсаю, табиблиқ давоси ила бирор беморни даволаига кишиша ва бемор унинг дориси сабабли ўлса ёки бирор зарар топса, ундаи табиб Аллоҳ таоло наздида зомин ва гуноҳкор ҳисобланур*”.

Расууллоҳ (с. а. в.) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилурлар: “*Ким фолчига бориб, ундан бирор нарсани аниқлаш мақсадида савол сўраса, ундаи кишининг тавбаси қирқ кечакундуз ўтгунча қабул қилинмагай. Бордию фолчининг берган хабарларини тасдиқ қилса, диндан чиқиб куфрга доҳил бўлур*”.

Бизнинг диёrimиздаги барча шаҳар ва қишлоқларда даволаниш муассасалари, шифохоналар етарли даражада мавжуд. Улар тибнинг барча тармоқлари бўйича етук мутахассислар ила таъмин этилган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда улар ҳукумат томонидан маҳсус низомлар билан назорат қилиб турилади.

Лекин ҳалқимиз орасида шундай кишилар борки, шифокорлар буюрган дори-дармонларни писанд қилмайдилар ёки уларни истеъмол қиласалар-да, мунтазам, тавсия этилган миқдор ва тартибда эмас. Бир-икки марта берилган дорилардан ичиб, қолганини истеъмол этмай қўйиб, “дориси кор қилмади”, деб шикоятланиб юрадилар. Ваҳоланки, дори-дармонларни қай вақтларда, қандай ва қанча ичиш тавсия қилинган бўлса, албатта шу тартибда истеъмол қилиш зарур бўлади.

“Саҳиҳи Бухорий” китобидаги ушбу ҳадиси шариф юқоридаги гапимизнинг далили бўла олади: “Бир киши Расууллоҳ (с. а. в.) ҳузурларига келиб, биродарининг қорни қаттиқ оғриётгани ҳақида айтиб, дори сўради. Расууллоҳ



(с. а. в.): “Асал ичиргил!” деб буюрдилар. У одам бир оздан кейин яна қайтиб келиб, оғриқ тұхтамаётганини айтди. Расууллоҳ (с. а. в.) яна асални буюрдилар. У одам дам үтмай, шошилиб яна келаверди. Тұртинги марта келганида, Расууллоҳ (с. а. в.) айтдиларки: “Аллоҳ таоло Қуръони каримда асал инсонга шиғо эканидан хабар берган. Аллоҳнинг сүзи ҳақ экангига шак үйк! Биродарингнинг қорни албатта тузалиши керак. Бор, яна асал ичиргил!” деб маржамат қылдилар. Шундай қилиб, яна бир бор асални ичирганида, биродарингнинг қорни оғриқдан тұхтаб, шиғо топди”.

Инсонлар учун Аллоҳ таолонинг энг улуг неъматларидан саналмиш сиқат-саломатликни сақлаб, уни ҳифзу ҳимоятида бўлиб бориш ҳар бир кишига вожибdir. Соғлиқни сақлаш қоидаларига риоя қиласлик эса, куфрони неъмат ва ўзини ҳалокатга дучор этиш ҳисобланиб, Аллоҳнинг наздида катта гуноҳ саналур. Чунки барча солиҳ ишларни амалга оширмоқ ва икки дунё саодати йўлида ҳаракат қиласмоқ учун аввало инсонга соғлиқ керак бўлади.

Хуроса шулким, модомики замони саодатимизда барча фанлар қатори тиббиёт фани ҳам янгидан-янги кашфиётлар билан бойиётган, шифоркорларимиз турли хил оғир касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг энг замонавий воситалари билан қуролланган, Расули Акрам (алайҳиссалом) ҳам ўз ҳадиси шарифларида Аллоҳ таоло барча касалликларнинг давосини яратиб, даволашнинг энг замонавий воситалари билан қуролланганидан башорат берган эканлар, демак айрим содда ва нодон кишиларни ўз домларига илинтираётган ва беморларни ҳам мөддий, ҳам руҳий зааралантириб келаётган сохта табиблар, фолчи-ромчи, дуохону азайимхонларнинг ҳийлан-найрангларига минбаъд барҳам бермоқлик йўлида барча имкониятларимиздан фойдаланиб, жиадий тадбирлар



кўрмоқлик энг муҳим ва зарур вазифаларимиздан эканлиги маълум бўлди.

Имом-хатибларимизнинг вазифалари эса, ўз жамоат-қавмлари орасида тибиёт соҳаси бўйича аҳоли онгида ҳукм сурниб келаётган баъзи хурофий тушунчаларга қарши ушбу фатвода баён этилган Куръону ҳадис таълимотлари ва қўшимча илмий далиллар асосида жиiddий кураш олиб боришдан иборатdir.





11-БОБ. МУФТИЙЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТИДАН

11.1. Сулола давомчилари ҳақида

Эшон Бобохон саховатли, зийрак, эътиборли, шу билан бирга талабчан ота эди. Эшон Бобохонда етти ўғил, икки қиз, ўттиз бир невара, юздан ортиқ эвара ва чевара бор. Айниқса, невараларини жуда яхши кўрар, ишдан ёки сафардан қайтганида невараларини албатта меҳр билан эркалар, совга-салом улашиб, курсанд қиласи ҳади.

Унинг ва Тўхтахоннинг уч ўғиллари Муборакхон, Оқилюхон ва Сайдкамолхон айни чоқда Тошкент халқ қозиси бўлган Муҳиддин Ҳожининг неваралари ҳисобланишади.

Ўғли Муборакхон(1880–1947) Аъзамхон домла қизи Ойпошхаонга уйланган, улардан бир қиз Муяссархон дунёга келган.

Ўғли Оқилюхон(1883–1955) Абдумовланбай қизи Назирахонга уйланган, улардан Сабоҳатхон ва Сайдмуродхонлар дунёга келган.

Ўғли Сайдкамолхон(1886–1974) Садиллахўжабой қизи Манзирхонга уйланган, улардан Ҳабибаҳон, Жамолиддинхон ва Матлубаҳонлар дунёга келишган.

Ўғиллар оиласлари билан Тошкент яқинидаги Ялангоч кўргонида яшашган. Ҳар бирига ўз вақтида қирқ гектардан ер мерос қолиб, мевали боғлари ва узумзорлари бўлган. Ҳаммалари дехқончилик билан шугуланишган, маҳсулотларини Тошкент бозорларида сотишган, шу йўл билан рўзгор тебратишган. Октябрь тўнтаришидан сўнг, большавойлар келиб, колхозлаштириш бошлангач, Эшон Бобохон ўғилларининг ерларини ҳам мусодара қилишади. Яхшиям, шўроларнинг “раҳмлари келиб”, уч ўғилнинг ҳар бирига ва уларнинг оиласига 15 сўтиҳдан ер қолдиришади.





Эшон Бобохон ва Саломатхоннинг фарзандлари:

– **Ўғли Зайниддинхон қори**(1905–1938) 1937 йили Бурятияга сургун қилинган. 1938 йилда сургунда вафот этади. Унинг икки ўғли – Ҳусниддинхон ва Нуриддинхон боболари Эшон Бобохон хонадонида тарбияланади. Бобоси уларни ўқитиб, уй-жой билан таъминлайди, уйлантиради.

– **Ўғли Зиёвуддинхон қори**(1908–1982) боғбон Усмонхўжа ўғли Ҳайдархўжанинг катта қизи Муҳайёхонга уйланади. Зиёвуддинхон билан Муҳайёхон уч қиз (Нафисахон, Анисаҳон, Мухлисаҳон) ва тўрт ўғил (Шамсиддинхон, Фатҳиддинхон, Муҳаммад Раҳодхон, Муҳаммад Ризоҳон) кўришди. Фарзандларининг барчаси дунёвий таълим олишди. Катта қизлари Нафисахон ўрта тиббий маълумотга, ўртанча қизлари Анисаҳон олий тиббий маълумотга эга эди. Кенжак қиз Мухлисаҳон Тошкент Давлат Университетининг араб филологияси факультетини битирди, фан номзоди, доцент бўлди. Катта куёви Ҳамидуллахон Ибодов тиш шифокори эди, кейинчалик тиббиёт билим юрти директори бўлди, ҳозир нафақада. Ўртанча куёви Талъатхон Мирзаев (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) рентгеншунос, тиббиёт фанлари доктори, профессор эди. Кенжак куёви Олимхон Обидов биокимё олими, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Тўнгич ўғли Шамсиддинхон тўғрисида тўла ахборот берилган. Ўғли Фатҳиддинхон инглиз тили мутахассиси, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти ходими эди. Судан ва Афғонистонда ишлаб қайтди. Ҳиндистонда савдо вакили бўлди. Ўзбекистон ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимида хизмат қиёди. 2008 йили вафот этди (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин). Ўғли Муҳаммад Раҳодхон араб филологияси бўйича мутахассис, Ироқда ишлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Мовароуннаҳр” нашриётида ишлайди. Ўғли Муҳаммад Ризоҳон француз филологияси бўйича мутахассис, диний бошқармада халқаро бўлимда ишлаган. Ҳозир хусусий тадбиркорлик билан шугулланяпти.






Шайх Зиёвуддинхон жуда саховатли, зийрак, эътиборли, атрофидагиларга меҳрибон инсон эдилар. Ишлари кўплигидан доимо банд эдилар. Лекин қариндошлари, яқинлари билан учрашишга, уларни кўнгилларини олишга имкон топардилар, шу билан бирга кўп муҳтож одамларга ҳам моддий ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб юардилар.

– Ўэли Бадриддинхон(1916–1980), тақдирида бор экан, болалигиданоқ кўп ноҳақликларни бошидан кечиради. Дастваб уни диндор одамнинг фарзанди деган “айб” билан мактабдан ҳайдашди, кейин узоқ вақт ҳеч қаерга ишга олишмади. Ишга кириш учун фамилиясини ўзгартиришга мажбур бўлди. Исми шарифини ўзгартириб, қандай оиласдан эканини яшириб, “Ўзбексемлаш” заводига токар бўлиб ишга кирди. Тез орада уни ҳарбий хизматга чақиришди. Уруш бошланганида Белорусия билан Германия чегарасида жойлашган ҳарбий қисмда аскар эди. Урушнинг ilk кунларида Қизил армия аскарлари қатори асирга тушиб қолади. Уруш тугаганидан сўнг, энди уни асирга тушиб қолган аскарлар билан бирга Ватандаги қамоқقا жўнатишиди. Фақат 1948 йилга келиб озодликка чиқди ва тугилган уйига қайтди. Уни отаси, онаси, хотини, акалари, сингиллари сабрсизлик билан кутишаётган эди. У диний бошқарма ҳайдовчиси бўлиб ишлай бошлади. Муфтийнинг автоуловини унга беришди. Отасининг вафотидан сўнг таксомотор паркига ўтиб, умрининг охиригача ҳайдовчи бўлиб ишлади. 1980 йили 64 ёшида вафот этди (Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин). Ундан ва Сабиҳаойдан уч ўғил(Фазлиддинхон, Муҳаммад Порсоҳон, Муҳаммад Расоҳон) ва бир қиз Салтанатхон тугилган.

– Кизи Сафияхон (1921) тўгрисида маълумот кейинги бобда берилган.

– Ўэли Насриддинхон(1923–2003) ҳам қатагон йиллари мактабдан ҳайдалди ва акасининг маслаҳати билан фамилиясини ўзгартириди. Уруш йиллари у маҳалла қўмитаси котиби бўлиб ишлади. Кейин мактабни ҳам, кооператив институтни





ҳам битиришга улгурди. Бир умр матлубот кооперация соҳасида хизмат қилди. Соҳанинг моддий-техника асоси мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшди. Унга “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ҳодими” фахрий унвони берилган. Насридинхон Махмудхўжа қизлари Ҳонпошшаконга уйланган. Улар уч қиз(Дилоромхон, Маъмурахон, Озодахон) ва тўрт ўғил(Захиридинхон, Сирожиддинхон, Муҳаммад Диёрхон, Муҳаммад Зокирхон) кўришган. Насридинхон саҳий, меҳрибон, хушмуомала, назокатли, тартибли ва ғамхўр ота, камтарин, садоқатли қариндош ва дўст эди.

– *Қизи Саидахон*(1929–1948) 1948 йили касаллик туфайли 19 ёшида вафот этган (Аллоҳ раҳмат қиласин).

– *Қизи Хурихон*(1910–1986) 1915 йилда Эшон Бобохон ва Саломатхон ая Хурихон исмли беш яшар қизалоқни фарзандлари қаторига қабул қилишди. Хурихон ўн уч йил мобайнида бу оиласда тарбия топди, ўсиб улгайди. Эшон Бобохоннинг катта ўғилларига сингил бўлди. Бадридинхон, Сафияхон, Насридинхон, Саидахонларга меҳрибон опалик вазифасини бажарди, Саломатхон аяга катта қизидай ёрдамчи бўлди. Вақти келиб Хурихон Юнус Обод маҳалласида истиқомат қиласидан Охун хўжা ўғли Муҳаммадали хўжага турмушга чиқди. Улардан Муҳаммадамин, Мунирахон, Сойимахон, Сонияхон, Кофияхон, Кундузхон, Шоҳидахон ва Шоирахонлар дунёга келишди. Хурихон ва Муҳаммадали хўжанинг фарзандлари Эшон Бобохон ва Саломатхон аянинг неваралари қаторига қўшилишди. Муҳаммадали хўжа (1906–1965) Карл Маркс номли жамоа хўжалигида агроном вазифасида қирқ йил ишлади, Хурихон уй ишлари ва фарзандлар тарбияси билан шугуllandи.

* * *

Муфтий, доктор Шамсидинхон Бобохонов юксак ақландрокли ва маданиятли инсон эди. Ота-онасини кўп ҳурмат қиласар, эъзозлар, опа-сингиллари ва укаларига, қариндошлари





ва дўстларига ҳамиша меҳрибонлик кўрсатар эди. Муҳтож, қийналган одамларга моддий-маънавий ёрдам беришга доимо имкон ва вақт топарди. Саховати, яхши муомаласи, бошқалар гамига шерик бўла олиш фазилати уни таниган, сұхбатида бўлган, бирга ишлашган одамлар хотирасида муҳрланиб қолган. Шамсиiddинхон Шоирахон Тўлагановага уйланди ва кўп йиллар аҳил-иноқ, баҳтли яшашди, ибратли ҳаёт кечиришди. Уларнинг уч фарзанди жамиятимизнинг муносаби аъзолари бўлиб камолга етишди. Катта қизи Ситорахон тадбиркор, Шерзод ва Беҳзод исмли икки ўғианинг онаси; ўғли Жамолиддинхон иқтисод фанлари номзоди, Тошкент шаҳар кенгаши депутати бўлди, “Средацветметэнерго” бирлашмаси бош директори ўринбосари, тўрт фарзанд Жалолиддинхон, Зиёвуддинхон, Хонпошшахон ва Хонзодаҳонларнинг отаси. Унинг умр йўлдоши Нилюфархон “Доктор Нилюфар” хусусий фирма директори; қизи Рухсораҳон уч фарзанд – ўғил Юсуфбек, икки қиз Дилдораҳон ва Диёраҳонларни тарбиялаб, вояга етказяпти. Унинг умр йўлдоши Саломбек Ҳабибуллаев Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилигида Бош бошқарма бошлиги бўлиб хизмат қилади.

11.2. Сафияхон ҳожи ая Бобохоновлар сулоласининг нуроний онахони

Сафияхон ёшлигига диндор ва мударрис одамининг қизи дея “айб”ланиб, мактабдан ҳайдалди. Аммо у оиласда яхши тарбия кўрди. Донишманд бувиси Тўрахонпошша, ўқимишли онаси Саломатхон ая “мактаби”да сабоқ олиб вояга етди. Улар Сафияхонга арабча ўқишини, тажвидни, Куръони карим сураларини, намоз ўқишини, миллий урф-одатларни ўтказиш қоидалари, нозик жиҳатларини, қариндошлар, кўни-қўшиллар, яқинлар ўргасидаги муносабатларнинг ёзилмаган меъёрларини, уй хўжалигини тўғри юритишини ўргатишди. 1943 йили Эшон Бобохоннинг қизи Сафияхон акаси Зиёвуддинхоннинг умр






йўлдоши Муҳайёхоннинг укаси Абдуҳалим Усмонхўжаевга турмушга чиқади. У садоқатли хотин, яхши уй бекаси, меҳрибон она, эътиборли ва куюнчак қариндош ва саҳоватли буви бўлди. Эшон Бобохоннинг тўқиз фарзандидан 2010 йилга келиб тирик қолган ягона фарзанди, уч маротаба ҳаж амалини ўтаб қайтган Сафияхоним ая ҳозирги кунда сулоланинг ўқ илдизи, ҳурматли ва нуроний онахони, болалар, кўп сонали жиянлар, невара-чевараларнинг ҳамма ишларда доно маслаҳатгўйидир.

Унинг хайрҳоҳлиги, қалб саҳовати, одамлар дарди ва муаммоларини тушуниши, гамига шерик бўла олиши, тараққий парваралиги нафақат яқин қариндошлари, балки умрида бу онахон билан бир мартагина учрашган одамларни ҳам ўзига тортиб, меҳр иплари билан боғлайди.

Абдуҳалим ота билан Сафияхоним қарийб эллик йил бирга аҳил яшашди. Улар икки ўғил – Амирсаидхон, Муҳаммад Роғигхон ва уч қиз – Сирожияхон, Гулчехрахон, Элмирахон кўришган. Сафияхон бир умр фарзандлар тарбияси билан шугулланди, эрининг ижодий ишлари учун шароит яратди. Абдуҳалим ота илмий-ижодий фаолиятга берилган одам эди. У Тошкент тўқимачилик институтини битирган, аспирантурада ўқиган. Москвада машина ва механизмлар назарияси бўйича машҳур олим академик И.И. Артоболевский, Тошкентда эса академик Муҳаммаджон Ўразбоев унинг устозлари бўлишган.

Сафияхон ая эслайди – Абдуҳалим акамни аспирантурага киришларига Муҳаммаджон Ўразбоев сабабчи бўлган. Домла отамлар билан сұҳбат қуришни яхши кўрар эдилар. Домла шогирди Абдуҳалим акамни илмга интилишини кузатиб, унга Москвадаги машиносозлик институтининг аспирантурасига киришни таклиф этади. Таклиф учун миннатдорчилик билдириб Абдуҳалим ака уйда рўзгорни тебратиб турган якка ўзи, қарамогида уч фарзанди, хотини, қари ота ва онаси борлигини домлага тушунтиради.





Кунлардан бир куни домла Ўразбоев отам билан сұхбатида илм мавзусидан гап очади ва шогирдини ўқишга бора олмаслик сабабини қайнотасига айтади. Бу гапларни эшитган Эшон Бобохон пайғамбаримиз Мұҳаммад (с. а. в.) мусулмонларни илм олишга, илм чўққилариға интилишга қанчалик даъват этгандар тўғрисида ҳадислардан мисол келтириб, домлага мулла Маҳаммаджон, шогирдингиз истеъодига имонингиз комил бўлса, ўқишга боришини расмийлаштираверинг. Оиласига ва ота-онасига ўзим қараб тураман дейди. Шундай қилиб, Абдуҳалим ака 1951 йилда дунёга номи машҳур бўлган йирик олим академик Иван Иванович Артоболевскийга шогирда бўлиб ва уч йилга Москвага кетади. 1954 йилда аспирантурани тугатиб техника фанлари номзоди бўлиб Тошкентга қайтади. Артоболевский шогирдига учта муҳим масаланинг ечими устида иш олиб боришини топширади: биринчи – машина ва механизmlар назарияси бўйича ўзбек тилида дарслик яратишни; иккинчи – машина ва механизmlар назарияси бўйича илмий-текширув лаборатория очишини; учинчи – илмда изланишни давом эттириб чўққилариға интилишни. Шогирд бу масалаларни аъло даражада бажаради.

Абдуҳалим Усмонхўжаев эллик йилдан кўпроқ вақт мобайнида илмий-педагогик фаолият олиб борди. “Механизмлар ва машиналар назарияси” республика мактабига асос солди. Олий ўқув юрт талабалари учун ўзбек тилида “Механизмлар ва машиналар назарияси” дарслигини ёзи. Бу дарслик уч марта қайта нашр қилинган. Олим юздан ортиқ ихтиrolар гувоҳномасининг эгаси, беш монография, уч юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. У 8 нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзоди тарбиялаб уларни илм оламига йўллади. Ҳозир бу шогирдлар Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистонда илмий-тадқиқот ва педагогик институтларида устозлари бошлаган ишларни муваффақиятли давом эттиришяпти.






Абдухалим Усмонхўжаев техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА академигидир. 1980 йилда унга “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилган. У 1993 йил 10 апрель куни 74 ёшида ҳаётдан кўз юмди (Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин).

* * *

2007 йил май ойида россиялик таниқли маданиятшунос Жаннат Сергей Маркус Эшон Бобохоннинг қизи, ҳозир сулоланинг энг кекса ва нуроний онахони Сафияхоним Бобохонова билан сұхбатлашди, ушбу лавҳани тайёрлади:

“Аёлнинг олий мақсади қандай бўлади? Бу масала ҳамиша долзарб ва доимо одамларни тўлқинлантириб келади. Ҳар бир даврда одамлар аёллар оламидан нимадир янги нарса очишни истайди. Тошкентда муфтий Бобохоновлар сулоласининг энг кекса, нуроний онахони Сафияхоним яшайдиган қуёшли ичкари ҳовлига кирап экансиз, беихтиёр ана шулар ҳақида ўйлайсиз.

Насабномаси ҳижрий 150-йилдан бошланадиган бу аслозда мусулмон олимлар сулоласи жуда кўп воқеа-ҳодисаларни бошдан кечирди. Улар энг ноёб китобларни тўплашди, одамларни Қуръон ўқишига ўргатишиди. Улар орасида Қуръон ҳофизлари, масжид қурдирғанлар, мадрасага асос согланлар бор. Большевиклар ҳокимиятга келгач, ленинча-сталинча режага кўра, бундайларни сўраб-сuriштириб ҳам ўтирмасдан таг томири билан қуритиши мумкин эди. Мен уйига меҳмон бўлиб келган мана шу аёлнинг отасини ҳам икки марта қамоқقا тиқишиди, машъум 1937 йил, мамлакат учун фожиали 1941 йил. Лекин Аллоҳнинг иродасини қаранг, 1943 йили Иккинчи жаҳон уруши энг авжига чиқсан мамлакатда Ислом динини қайта тикилаш, аниқроқ айтсак, унинг расмий, жамиятда кўзга ташланувчи тузилмаларини ташкил этиш ишлари бошида айни мана шу оила аъзолари туришди.





Сафияхонимнинг отаси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг биринчи раиси, беш республика муфтийси бўлди. Кейинчалик унинг ишини Сафияхонимнинг акаси Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва жияни Шамсиддинхон Бобохоновлар давом эттиришди.

Сафияхоним ҳозир 87 ёшда. Ўшанда 1943 йили у ҳали ўш қиз эди. Табиийки, шунга яраша ҳаяжонли воқеаларнигина эслайди. Шу боис у билан бу шарафли сулола ҳақида эмас, балки унинг ўзи, ҳаётি ҳақида сұхбатлашгим келди. Бунинг устига соқолига оқ оралаган одам бўлсангиз ҳам, бунуроний онахон ҳузурида дарҳол кичкинагина неварага айланиб қоласан... Сафияхон буви – оналарнинг онаси сифатида бир қарашдаёқ ҳурматингизни, муҳаббатингизни қозонади. Ахир саккиз ўшли эвараси Анварнинг момо оёқлари остида, ён-атрофида гирдикапалак бўлаётгани бежиз эмас-да. Биз ҳам онахоннинг ёнларига ўтирамиз, у билан гаплаша бошлаймиз.

– Невара-чеваралардан қанча?

– Беш фарзандим, ўн беш неварам, йигирма бир эварам, икки чеварам бор.

– Отангиз, машҳур муфтий Эшон Бобохоннинг неча фарзанди бор эди?

– Етти ўғил, уч қиз бўлганмиз.

– Қандай ишлар билан шугуллангансиз?

– Фақат уй ишлари ва болалар тарбияси билан. Эрим академик, механизмлар ва машиналар, жумладан, пахта териш машиналари назарияси бўйича мутахассис. Бутунлай илмга берилган одам эди. У “Механизмлар, машиналар кинематика ва динамикаси” номли монография чоп эттирган. Бизнинг уйимиз жойлашган шу кўчага академик Абдуҳалим Усмонхўжаев номи берилган. Менинг вазифам ҳамиша бу уйни, бу оиласи авайлаб сақлаш, бир меъёрда ушлаб туриш бўлган.






– Исломий оиласа тарбиянинг моҳияти нимада? Бутун атрофда – мактабларда, институтларда, ишхоналарда даҳрийлар тазиик ҳукм сурган йиллари исломий тарбияни сақлаб қолиш мумкинмиди?

– Исломий оила ва тарбиянинг моҳияти жуда ойдин ва тушунарлидир. Турмуш тарзи шариат асосида қурилиши керак. Замонада ҳар қандай ўзгариш бўлмасин, отам буни қатъий талаб этар, оғишмай амал қилас эди. Мана шу ва сулоламизнинг бошқа анъаналари ҳақида “Бир юз эллик йил Ислом хизматида” ёзган мақолам “Хидоят” журналида 2007 йилда чоп этилган. Ўзбек тилида, албатта. Рус тилига таржима қилинса, қандай яхши бўларди! Шариатга мувофиқ яшаш, бунинг устига, ўша мураккаб йилларда-я... Қисқача қилиб айтсак, бунинг маъноси дегани ҳар куни жасоратлар кўрсатиш, дегани эди. Ахир, қандай замон бўлмасин, қандай ҳукмдор даврон сурмасин, Аллоҳ таоло бизга шундай яшашни амр этган. Ҳаёт моҳияти ҳамиша бир хил.

– Тўгри, аммо совет даври алоҳида бошқача замон эди. Худосизлик расмий ўлчов бўлган. Мактабга борасизми ёки ёзда сиҳатгоҳами, ишга жойлашасизми ҳамма жойда худосизлик мафкураси ҳукмрон. Ёки ундан қандайдир яшириниши мумкинмиди?

– Отам бизларни Исломнинг ҳанафий мазҳабига кўра яшашни ўргатган эди. Бу мазҳаб инсонни жамоатдан қочмасликка, сиз айтгандек, яшириниб олмасликка йўналтиради. Мусулмон умрини кимсасиз сахрова, ё масжиднинг бир кунжида, ё нафис гулдай сояда эмас, балки қандай бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ насиб этган жамиятда ва одамлар орасида ўтказиш керак. Бу биринчидан.

Иккинчидан, Бобохоновларни ҳамиша илм-фан ва давлат одами, фаол жамоатчи бўлишига ўргатишган. Шунинг учун ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам орамиздан диний ёки эримга ўхшаган дунёвий олимлар кўп чиқсан. Биз ҳамиша билимларимиз, тажрибаларимиз, китобларимиз, кўйингки, ўзимиз яхши кўрган қимматли нарсаларимизни Аллоҳ йўлида одамлар билан баҳам кўришга ҳаракат қиласиз.






Албатта, коммунистлар тўнтаришидан кейинги йиллар мусулмонлар учун энг оғир давр бўлди. Катта акам Зайнидинхонни ҳибсга олиб, сургун қилишди, кейин Кемерово вилоятида отиб ташлашди. Отамни ҳам икки марта қамоқца ташлашди. Аммо у бизга: “Замонавий одам бўлинглар, ўқиб илм олинглар, одамлар билан арадашиб яшанглар, қалбингиздан дину имон кўтарилемасин, у энг аввало қалбингизда бўлсин, жамият қонунларини бузмаган ҳолда шариатга риоя қилинглар”, – деб уқтирарадилар. Шу боисданми, И.В. Сталин мамлакатда динларни тикашга рухсат берганида, дарҳол отамга мурожаат қилишди. Иккинчи жаҳон уруши қизиган палла, 1943 йили Техрон конференциясида гарбдаги иттифоқчилар қамоқхоналардан дин етакчиларини озод этиш, уларга расмий диний ташкилотлар тузишга имкон бериш шарти билан “иккинчи фронт”ни очишга ваъда беришди.

Шундай қилиб, 1943 йили отам “бутуниттифоқ оқсоқоли” М.И. Калинин номига ёзган хатига ижобий жавоб олди. Биринчи қурутойни чақириш ҳамда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасини таъсис этишга рухсат тегди. Отам диний бошқарма раиси бўлди, ташкилот қароргоҳи учун Тошкентнинг “Ҳазрати Имом” маҳалласидаги ҳовлижойини, кўп минг сонли китоблари бўлган кутубхонасини диний назорат ихтиёрига берди. Давлат расман тан олган диний муассасанинг пайдо бўлиши, ундан сўнг масжиidlар, мадрасалар очилиши, Куръони карим ва бошқа китоблар чоп этилиши (Аллоҳга шукур!) чинакам улкан бир бурилиш, янги замоннинг бошланиши эди. Буларнинг ҳаммаси ўшаңда бизнинг уйимизда юз берар, қалбларимизга катта сурур, кувват бахш этар эди.

– Сиз ўша кунларни эслай оласизми?

– Жуда яхши эслайман. Ахир биз онам, опам ва бошқа аёллар билан Биринчи қурутой қатнашчилари учун нон ёпганимиз, сомсалар пиширганимиз! Менинг хотираларим, кўриб турибисиз, олим эркакнинг эмас, балки қўлида ёпилаётган нон билан олов қаршисида турган қизчанинг эсдаликлариdir.





– Агар сизлар қоринларини тўйдирмаганингизда, олим эркаклар ҳеч иш қилишолмас эди. Сиз ёпган иссиқ нонлар – юрагингиз қўшган ҳиссадир!


– Отам ҳукумат томонидан берилган имкониятлардан шунчалар севинардики, Курултойнинг ўзидаёқ янги очилажак масжидларга бўлгуси имомларни топиш, тайёрлашга киришиб кетди. Кейин масжидларни очиш учун сафарларга чиқди, фронтга ёрдам бўлсин деб иссиқ кийим, шунга ўхшаш нарсалар йигишга одамларни сафарбар этди. Эрлари, ўғиллари урушга кетган оналарни юпатиш, дардига шерик бўлишга интилди. Бизнинг ўша пайтдаги кайфиятимизни тасаввур қиласизми? Отам ва унинг кўп сафдошлари ҳам ўзлари яқиндагина қамоқлардан чиқишиган, бутун оламда даҳшатли уруш кетяпти, шундай бир пайтда Аллоҳ бизларга гўё вайроналар ичидан исломий ҳаётни қайта тиклаш ва қуриш имконини берди.

– Айтишларича, Ўзбекистонда аёлларни ҳам диний билимларга ўқитишиган экан. Будаҳрийлик қувғинлари шароитида имон анъаналарини сақлаш эҳтиёжидан келиб чиқсанми?

– Йўқ, бу иш ҳамиша қилиниши керак. Қуръони каримга кўра, эркак билан аёл Аллоҳ оладида тенг, умрни қандай ўтказганимиздан биз ҳам ҳисоб-китоб қилинамиш, шу боис олам шариат қоидалари ҳақида етарли билимга эга бўлишимиз зарур. Аёллар ҳам худди эркаклар каби ўқимишли, маънавияти юксалган инсонлар бўлиши керак. Алоҳида ўқитилган, тарбияланган, зиёли мусулмон аёллари – чинакам отинойилар шунинг учун керак. Уларни қаердадир “абстай”, қаердадир “отиной” дейишади. Бизнинг оила бу анъанани ҳамиша давом эттирган.

– Мусулмон аёли учун ҳаётда энг муҳим, асосий нарса нима? Бу саволни атай сиздан сўраяпман, чунки оилангиз катта, уакан ҳаётий тажрибангиз бор.





– Мен отам айтган гапларни қайтараман. Мусулмон аёлнинг энг биринчи, асосий иши яхши мусулмонларни етиширишдир. Яъни фарзандлар туғиши, уларни тўғри, чиройли тарбиялаш. Мен совет мактабида ўқидим. Отам замонавий бўлишимиз, ҳеч нарсада бошқалардан қолишмаслигимиз кераклигини айтарди, ибодатларни уйда қилишимиз, қалбимизда шариатга содик қолишимизни тайинларди. Иккинчиси – сабрли бўлиш. Ҳар бир одамнинг ҳаётида, у қанақа даврда яшамасин, топиш-тутиш қандай бўлмасин, синов-машаққатлар етарли бўлади. Барча қийинчиллик ва муаммоларни енгиб ўтиш учун сабр керак. Учинчиси – садоқатни бўлиш. Эрига, жамиятига, Ватанига. Мана шу уч хислатга эга бўлган аёл баҳтаидир.


– Биласизми, ҳозир гарбда чиқадиган кўпгина газеталар Исломда аёлга муносабат жуда ёмон, у камситилади, хорланади, ҳукуқларидан маҳрум деб ёзишяпти. Сиз бунга нима деб жавоб берардингиз?

– Ўзинг кечир, Аллоҳим. Мен бундай гапларга асло кўшилмайман. Эҳтимол, мусулмон бўлмаганлар ҳақида шундай гапиришар. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб бир нарсани айтишим мумкин: менинг ҳаётим буткул баҳт ва муҳаббатdir. Мусулмон оиласда аёлни ҳамма яхши кўриб, эъзозлайди, яъни эри, болалари ҳам, кейинчалик невара-чеваралар... Уйимизга қанча-қанча меҳмонлар келишган, келишяпти. Барчасининг қалбида, энг аввало, ҳурматдек юксак туйғу борлигини ҳис этамиз.

Мен онаман. Бутун оила аъзолари, кейин яна кенгроқ – жамият хотиржамлиги энг олдин оналарнинг хотиржамлигига боғлиқ. Аёлга ҳурмат, эъзоз, муҳаббатни айни Ислом динимиз юксак ўринга қўйган!

– Кечирасиз, яна бир-иккита ёқимсиз савол бор. Лекин улар бугунги кунда миллионлаб одамларни қизиқтирияпти. Бу эвтаназия ва бола олдиришлар муаммоси ҳақида. Мазкур масалаларда ҳали бир қарорга келолмаган одамларга сиз нима деган бўлардингиз?





– Тавба, дердим. Кўнгилга, тиля геладиган биринчи сўз шу! Қилган гуноҳларидан пушаймон бўлиш маъносини беради. Ҳа, ким эвтаназия ёки бола оддиришларга рози бўлса, у одам тавба қилиши керак. Ахир, инсон қўли билан бошқа инсон ҳаётини кесиш – у тузалмас хасталикка чалинган қария бўладими ёки ҳали туғилмаган, она қорнидаги чақалоқ бўладими, бу қотиаликдир. Жуда оғир, катта гуноҳдир...


Бундай зулмни оқлаш учун ҳар хил ёлғон, гўё инсонпарварлик ҳақидаги тушунтиришлар, баҳоналарни тўқийдиганлар ёвуз ниятли одамлардир. Бундай машъум чораларни қабул қилувчи, муҳокама этувчи, айниқса амалга оширувчи одамлар орасида мусулмонлар бўлиши мумкин эмас! Эртами-кечми, ҳаммамиз бу ҳаётдан кетамиз. Аммо бу иш бандасининг қўлида эмас. Ҳаёт ва ўлим қонуни Аллоҳдандир. Уни бузиш мумкин эмас. Аллоҳ ҳар қандай касалликка шифо бера олади. Ҳар бандага унинг тоқати этишига қараб синов-машаққат юборади.

Бола оддиришларга келсак... Мен буткул қаршиман. Ҳамма қизларимга, невараларимга, чевараларимга бундай қилиш катта гуноҳ, бундан бошқа гапга ўрин йўқлигини тушунтирганман. Ихлосли, чинакам мусулмон киши бундай масалаларни муҳокама қилиб ўтирмайди. Биз учун бу ўринда бошқача қарашлар кетмайди. Аллоҳ она қорнида чақалоққа ҳаёт бердими, у туғилиши, яшashi керак.

– Раҳмат. Яна битта савол, аросатда қолган, мувозанатини йўқотган одамлар ҳақида. Мана, коммунистик қоидалар қадриятлар билан бутун бир давр тутади, ўрнига қандай янги тузум келди кўпларга тушунарсиз. Ҳозир қандай яшаш керак? Айниқса, қаёққа қарасангиз ўзгариш ва талласалар: техникада, тижоратда, одамларнинг шаҳардан шаҳарга ёки мамлакатдан мамлакатга кўчиб юришлари... Бу оқимда ўзини йўқотиб қўйган замондошимизга нима деса бўлади?

– Фақат бир нарсани айтаман. Ҳаммасидан оддин Ягона Аллоҳга имон келтириш, Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с. а. в.) Аллоҳнинг ҳақ расули эканларига иқрор бўлиш керак.





Шундагина Аллоҳ тўғри йўлга бошлайди, чинакам дўстларни, яхши ишни, моддий фаровоныкни тўғри йўлда топасиз. Мен буни ўз ҳайтий тажрибамдан яхши биламан. Кўп мащаққатларни бошдан кечирдим, синовлардан ўтдим. Ҳозир 87 ёшдаман, Машъум 1937 йилни, урушни, 1966 йилги Тошкент зиязиласини кўрдим, яшадим. Лекин мен баҳтиман, Аллоҳ ҳузурига боришга тайёрман. Ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади.


Сафияхон Бобохонова 1921 йили Тошкентда туғилган. Ҳозир у машҳур уч муфтий етишиб чиқсан судоланинг энг кекса, нуроний онахони. У шафқатсиз сталинча қатағонлар даври йўқотишиларини, Иккинчи жаҳон уруши ҳалокатларини бошидан кечирган чинакамига ажойиб тақдирли аёл. Сафияхоним ҳожи ая ҳозир Тошкентда яшайди”.

* * *

Биринчи учрашув мевалари. Бор-йўғи бир йил ўтгач...

Ишониш қийин, аммо муфтий Бобохоновлар уйида Сафияхоним билан учрашув ажойиб самара берди. Ҳадиси шарифларда: “Жаннат оналар қадами остидадир”, деб бежиз айтилмаган. Оналар дуоси мустажоб экани ҳам кўп таъкидланади.

Демак, ҳаммасини бошидан, тартиб билан айтсам, узоқ муддатли танаффусдан сўнг россиялик мусулмонлар 2007 йилнинг 29 апрель – 4 май кунлари Ўзбекистонга келишди. Мехмонлар гуруҳига Нижегород вилояти мусулмонлари диний бошқармаси раиси Умар ҳазрат Иарисов раҳбарлик қилди. Маржоний жамғармаси (вакил – этнолог, сиёсатшунос Галина Хизриева) билан Имом Абу Ҳанифа номидаги жамғарма (вакил – Дамир Мухитдинов) сафар ташкилотчилари бўлишди. Сафардан мақсад Ўзбекистон Республикаси мусулмонлари билан кейинги ўн беш йил давомида узилиб қолган дўст-биродарлик алоқаларини тикаш, шунингдек, ўзбекистонлик татарлар ҳамда шарқшунос олимлар билан ҳамкорликни ривожлантириш эди. Сафар мухим сана – Нижегород мусулмонлари етакчиси





Умар ҳазрат Идрисов олдин Мир Араб мадрасасини, кейин Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Олий маъҳадини битирганига 20 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилди.

Ишчан руҳда ўтган ушбу сафар ва кўп сонли қизиқарли учрашувлар Анвармирзо Ҳусаинов шарофати билан, унинг фаол иштирокида амалга ошди. Аллоҳнинг иродаси билан у ҳам россиялик мусулмонлар ўтирган тайёрага чипта олган экан. Яна Аллоҳнинг иродаси билан улар Тошкент марказида учрашиб қолишиди, пировардида, уларга сафардош, Ўзбекистоннинг норасмий вакилидек бўлиб қолади. Ахир Анвармирзо нафақат Ўзбекистонда, балки Россияда ҳам таниқли тадбиркор, фан ва маданият арбоби. У халқ элчиси сифатида иккала мамлакат мусулмонлари, тадбиркорлари, фан ва маданият аҳдини бир-бири билан боғлаб туради. Мана, ўттиз йилдан бери Ўзбекистоннинг таниқли жамоат ва сиёsat арбоби, Россия Муфтийлар кенгаши раисининг маслаҳатчисидир. Шунингдек, у Россияга Ўзбекистондан кўчиб боргандарнинг ижтимоий ва маданий мослашувига кўмаклашувчи Москва таълим жамияти директорлар кенгашига ҳам етакчилик қилади.

Ишончим комил, бунча масъулиятли вазифаларни удалашда унга қадим мирзолар сулоласидан экани ёрдам беради. Анвармирзо Бобур авлодларидан, яна ҳам илгарироқдан олсак, темурийлардандир. Россиялик меҳмонларни у темурийлар тараққиёти тарихи музейи бўйлаб мазмунли ва мароқди айлантириди.

Мазкур музей 1996 йил Аллоҳ иродаси билан инсониятни мўгула босқинчиларининг салкам икки асрлик зуалидан озод қиласан буюк соҳибқирон Амир Темурга бағишлиб ташкил этилган. ЮНЕСКО ўша йилни “Амир Темур йили” деб эълон қиласан эди. Анвармирзо бошчилигида музейни томоша қиларканмиз, гўё буюк сулоланинг меросхўри ўз уйида бизлар – XXI аср одамларини ўзлари узоқ ўтмишда қолган бўлишса ҳам, ҳозир бизга яқин, жонажон бўлган аждодлари билан таништираётгандай туюлди...





Бобохоновлар хонадонида ҳам ҳолат – вақт ва масофа гўё мана шундай ўзига хос тарзда бир нуктада жамланганини ҳис қиласиз. Анвармирзо туфайли биз яна бу хонадоннинг меҳмони бўлдик. Сулоланинг энг кекса онахони маънавий гўзаллик ва донишмандлик тимсоли Сафияхоним ая билан суҳбатимиз, Анвармирзонинг таржимонаиги, ўзбек турмуши, маданияти ва оила одобларини нозик тушуниши боис қизиқарли ва самарали кечди. Замондошларнинг сиймосида ҳали тирик тарихни ўз кўзларинг билан кўришинг қандай қувончли! Ахир, Куръони карим оятлари ҳам бунга далолат қилади: “Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишиш учун сизларни (турли-туман) ҳалқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик...” (“Хужурат” сураси 13-оят).

Бундай ишларда Анвармизо каби билимдон, назокатли, фаросатли, чинакам “маданият кўприклари”, ҳалқ дипломатлари ўрни қанчалар муҳим ва хайраидир!

Мана ўша учрашувларнинг илк мевалари: “Минарет” журналининг Ўзбекистонга, Ўрта Осиёда суфийлик анъаналарига бағишлиланган маҳсус сони чиқди. Журнал эса мақомини ўзгартириди (Россияники эди, Евроосиё журнали бўлди). Умар ҳазрат Идрисов “Бухоро эсадиллари” китобини устозлари муфтий Бобохоновларга бағишлиади, Россия ва Ўзбекистон олимлари, талаба ёшлари ўртасида борди-келди сафарлари, уларнинг тарихни ўрганиш, кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Ҳа, Бобохоновлар мероси нафақат унтилмаган, балки у яна замонанинг жонли оқимиға қўшилди, бугун ҳам Ўзбекистон ва Россия мусулмонларини маънан бойитишга ҳисса қўшяпти.

Муаллифдан: Мени Сафияхон аядек ҳар томонлама комила бир аёлнинг фарзанди бўлганим учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Фақат Сафияхон ая ва улар сингари аёллар буюк





шоир Абдураҳмон Жомийнинг жаҳон шеърияти дурдонаси бўлмиш ушбу шеърида берилган таърифга муносибидирлар:

Ким бўлсангда, унумтма: сени ҳам мушфиқ она
Түкқандир, эмизгандир... Мехрига қона-қона
Улгайдинг, камол тондинг... Билдиримай оҳ-зорини
У доим болам деди, сенга берди борини...
Онангни асра энди! Шон-шуҳрат, обрў-эъзоз –
Барчасини айлагин йўларига пойандоз.
Йўларида тупроқ бўл, оғирини енгиллат,
Оналарнинг қадами остида эрур жаннат...

* * *



ХОТИМА ЎРНИДА

“Динимиз фидойилари” китобида VIII асрдан эътиборан ислом динининг кўхна Туркистон заминида кенг тарқалишида аждодларимиз ниҳоятда катта хизмат қилганлигига юксак баҳо берилган. Динимиз маърифатчилари авлодидан XIX–XX асрларда етишиб чиқсан уч атоқли дин арбоблари муфтийлар – Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсиiddинхон Бобохоновлар ҳаёти ва фаолиятига оид гоҳ аянчли, гоҳ ёрқин воқеалар халқимизнинг янги ва энг янги тарихининг ёргу ва ибратли курапи билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ҳукуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Сайдов китобга берган тақризида бундай ёзган эди: “Китобнинг маъно-мазмуни ва маънавий таъсири, ҳаёт ва кураш завқига тўла саҳифаларини мутолаа этиб, Бобохоновлар сулоласи парвозини ҳеч ким, ҳеч нарса билан тўхтатиб қолмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Биз Бобохоновлар сулоласи билан ҳақли равишда фахрлансак арзиди. Муфтий Бобохоновлар инсон сифатида, албатта, юксак маърифатли кишилар эди. Ўша давларда комилликда улардан юксак бўлган бирор кишини дин арбоблари орасида топиш қийин эди. Уларнинг бутун ҳаёти ва фаолиятида шахсий манфаат жуда арзимас бир ўрин эгаллаган. Улар бутун ҳаёти давомида Ватан ва халқ фойдасини кўзлаб яшаади. Агар “Бутун умр халқи учун яшади!” деган эски лотин иборасини кимгадир қўллаш мумкин бўлса, бундай баҳо айни Бобохоновларга жуда ҳам ярашиб тушади”.

Дарҳақиқат ушбу китобда ҳар биримиз ота-боболаримиз, хеш-акраболаримиз, юртош-миллатдошларимизнинг ўз дин-эътиқодларини турили хил тажовузлардан асраш йўлидаги узоқ йиллик мардона фаолиятлари таъриф-тавсифни кўрамиз. Бу китоб тарихий хотираси уйғоқ инсонлар қалбига йўл топади, деган умиддамиз.



Маълумингизким, собиқ шўролар салтанатида етмиш йилдан ортиқ давом этган коммунистик мафкура тазики, даҳрийлик ва худосизлик ғоялари ҳукмронлиги даврида динимизни соғомонликда имон-эътиқодимизни сақлаб қолиш учун ҳаёт-мамот муҳорабаси руҳи тирик бобо-бувиларимиз, ота-оналаримизни ҳаётлари мазмун-моҳиятини ташкил этган эди.

Муфтий Бобохоновлар сулоласи ҳалқимизнинг ўз дини ва маънавиятини, ору-номусини асраб қолиш йўлидаги узоқ давом этган миссализ интилишларнинг раҳнамолари эдилар. Уларнинг ақд-заковати, узоқни кўра билиши туфайли Ислом динининг ҳанафия мазҳаби ва нақшбандия тариқати мазмунан тикланди, кенг тарқалди. Улар дунёнинг 80га яқин давлатларда истиқомат этувчи мусулмонлар билан дўстона алоқа ўрнатиб келишган. Ушбу фикр-мулоҳазаларни, мумтоз тарихимиз сабоқларини ватанимизнинг хориждаги дўст-биродарлари, атоқли дин, давлат ва жамоат арбоблари ҳам ўз хотираларида эътироф этиб келмоқдалар.

Олис ўтмиш пучмоқларида бугунги дориломон мустақиллик замонига асраб-авайлаб олиб чиқилган энг катта маънавий-интеллектуал бойлигимиз ҳам ҳалқимизнинг ислом дини қадрияларига барқарорлиги эмасми?!

Шонли мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ислом динини ривожлантиришнинг “Ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Бу модел муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мусулмонларга кенг эркинликлар берилди: минглаб масжидлар очилди, ислом ўқув юртлари барпо этилди; тарихий ҳамда диний обидалар таъмирланди ва тикланди; юртимиздан етишиб чиқсан, дунё фани ва илмига, ислоннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимларнинг асараари қайтадан чоп этилди, номлари агадийлаштирилди; ўқув юртларда янги “диншунослик” фани киритилди; ҳар йили минглаб мусулмонлар Умра ва Ҳаж сафарини адо этиб келмоқдалар. Мазкур ишлардан ҳар қанча фахрланса арзийди. Муҳтарам юртбошимизнинг





динимиз ривожига яратиб берган имкониятлардан дин аҳли, мусулмонлар тўгри фойдаланиши лозим. Дин аҳли, имомлар мустақиллик даврида яратилган имкониятларни шўролар даври билан фарқини аҳолига тўгри тушунтириб боришлари лозим, улар ёшларнинг комиллик мақомига етишишида, унинг мазмун-моҳиятини ўргатишлари, ёшларда Ватанимизга содик фарзанд бўладиган қадриятларни тарбиялашлари, тўгри йўлдан бошлаплари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чуқур илмали, имонали, ихлос-эътиқодли инсонлардан шайтон қочади. Илми саёз, имон-эътиқодсиз кишиларни шайтон ўз йўриғига юргизиб, тўғри йўлдан адаштиради. Афсуски, кейинги йилларда адашиш исломга чин интилган, ислом таълимотига чанқоқ бўлган мусулмонлар ва ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларимиз орасида ҳам рўй берди, чунки улар “чала саводли диндорлар”нинг даъватларига ишониб умуман соф исломга зид йўлларга кириб қолишли.

Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг “Ҳаётингда тўғридан қингир чиқарма, аксинча қўлингдан келса қингирни тўғрилашга ҳаракат қилгин”, – деган доно ўйтлари, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг “Агар халқ сизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини, қилган хатти-ҳаракатларингиздан, фаолиятингиздан Аллоҳ рози бўлишини хоҳлассангиз, аввало ўзингизни ҳурмат қилинг, ўз қадр-қимматингизни сақлай билинг, художўй бўлинг, хайрли ишларни амалга оширинг, инсон деган буюк номга дод туширманг. Номаъкул ҳаракатлардан сақланинг. Ҳалимлик мусулмонни безайди”, – дея айтган беназир насиҳатлари йиллар ўтса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Муфтийлар ҳаётда қариндошлар, дўстлар, ҳамкаслар ва биродарлар билан бўлган муомала ва муносабатларида тўгри сўз ишлатишган, берган ваддатарини устидан чиқадиган инсон бўлишган. Ёлғон, риёға асло тоқат қилиша олмаган. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг “Ёлғон гапирмаслик” шеъри бу мавзуга мос тушади:



Башарнинг дардига бўлгай даво ёлгон гапирмаслик,
Азалдин бандага амри Худо – ёлгон гапирмаслик.
Саҳарлар одамийга не нажот деб сен фалакдин сўр,
Келур авжи фалакдин бир нидо ёлгон гапирмаслик.

Кишига аввалин ҳусну шараф не, тингласанг, айтай,
Анга ҳусну шарафдир аввало ёлгон гапирмаслик.
Эшик тубидами поинг, баланд минбардами жойинг,
Шиор эт, эй гадо, эй подшо, ёлгон гапирмаслик.

Ўқи, минг бир китоб ичра, илоҳий ҳар хитоб ичра,
Буюрмии анбиёю авлиё ёлгон гапирмаслик.
Ҳаётинг бўлса беравнақ, замона бўлса бешафқат,
Амалга чорадир, эй бенаво, ёлгон гапирмаслик.

Яшар осуда инсонлар, битар кўнгилда армонлар,
Муяссар бўлса гар олам аро ёлгон гапирмаслик.
Жамолга ризки рўзи айлагил ростлик, ҳалоликдин,
Насиб этгил анга, эй Раббано, ёлгон гапирмаслик...

(Ҳидоят журнали 6-сон 2009 йил)

Шу ўринда айтиш жоизки, ўқув юртлардаги “диншунослик” фанини ўқув дастурига Имом Аъзам (Абу Ханифа) мазҳаби ва мактабининг ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар киритилиши фойдадан холи эмасдир, деб ўйлаймиз.

Бобохоновлар сулоласининг порлоқ хотирасини агадийлаштиришдек эзгу ишларда, оқида йўлни давом эттиришда ушбу китоб ҳам муносиб улуш бўлиб ҳисса кўшишига умид билдирамиз.

Ҳар бир хонадонда қўлдан қўймай такрор-такрор ўқиладиган, оиласи таълим-тарбия дастури бўлишида хайриҳоҳлик кўрсатиб қоламиз.

Нўъмон Раҳимжонов,
филология фанлари доктори, профессор

СҮНГ СҮЗ ЎРНИДА


Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонни оддий фуқароси – авлодимиз нуронийси Сафияхон ҳожия онамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳттарам Ислом Каримов номига 2006 йил 7 октябрда мурожаат юборган эдилар. Унда оталари, акалари ва жиянларининг динимизга, ватанимизга хизмати ёритилиб, таваллуд кунларига багишлаб 2008 йилда октябрь ойида тадбир ўтказилиши ва музей очилишига рухсат сўралган эди.

Президент девонидан 2006 йил 25 октябрда онамиз номларига келган мактубда бобом, тогам ва акамнинг муқаддас динимиз ва Ўзбекистоннинг равнақига қиласан хизматларига юқори баҳо берилган эди. Бундай баҳо қалбимга ишонч нури жойлаштириди. Бу мактуб мени бобом, тогам ва акам ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатлар йигишга ундали ва илҳомлантириди. Мактубни ўқиган авлодимиз Юртбошимизга ўз миннатдорлигини изҳор этиб дуо қилишди.

Ушбу китобни ёзиш ва тасниф этишда менга ишонч ва қатъият берган Мехрибон ва Раҳмали Аллоҳ таолога ҳамду санолар, шукрлар бўласин.

Мени бобом Эшон Бобохонга, тогам Зиёвуддинхонга ва акам Шамсиддинхонга ҳурмат руҳида, коммунистларча мафкура ва даҳрийлик таргиботи ҳукм сурган мамлакатда Аллоҳнинг ҳақ дини Исломга хизмат қилишдек эзгу ишларига эҳтиром руҳида тарбиялаган отам Абдуҳалим Усмонхўжаевга Аллоҳнинг раҳматларини тилайман. Аллоҳдан уларнинг ҳақларига узоқ йиллар давомида яхши дуолар қилиб яшашга муваффақ этишини сўрайман.

Мехрибон Сафияхон онам – Эшон Бобохон қизига ҳам юксак эҳтиром ва миннатдорлигимни изҳор қиласман. Онамнинг муфтийлар ҳақидаги хотиралари ушбу китобга асос бўлди. Онам



солида қиз, аёл, она, буви, катта буви сифатидаги бурчларини намунали бажариб, болаларини, невара-чевараларини, қариндош-уруглари ва яқинларини ҳаётда муҳтарам муфтийлар йўлидан оғишмай боришга, ҳар қандай шароитда ҳам мусулмон бўлиб қолишга ўргатди. Ҳозир уч бор ҳаж ибодатини адо этган, Мадинаи мунавварани зиёрат қиласан онажоним билан фахрланаман. Онажоним Ислом динимиз равнақини, мустақил Ўзбекистонимиз гуллаб-яшинашини, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик мустаҳкамланишини, жамғарманинг хайраи ишларига муваффақият беришини тилаб қиласан дуоларини Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ таоло ижобат айласин. Эзгу меҳнатлари мевасини кўриб юриши учун Аллоҳ у кишига янада узоқ умр берсин.

Мазкур китоб ва кўргазма учун материаллар тўплашимда менга кўп йиллар сабр ва хайрхоҳлик билан ҳар томонлама кўмак берган севиклар турмуш ўртогим Ақидахонга, меҳрибон қизларим Саидахон билан Адibaхонга, набирам Аббосхонга ҳам чинакам меҳр-муҳаббат ва эҳтиром тўла қалб сўзларимни йўллайман. Аллоҳ таолодан уларга мустаҳкам соглиқ, баҳт, уларга ҳам, невараларимга ҳам орзу-умидлари ушалишида омад беришини сўраб, дуо қиласан.

Ушбу китоб учун материалларни тўплашда муаллифни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, самарали иштироки билан ёрдам берган муфтий Шамсиiddинхоннинг рафиқаси муҳтарама Шоирахоним Бобохоновага, ўғли Жамолиддинхонга; устозим, одил, олийжаноб, беғараз тарбиячи, ҳозирда фахрий оқсоқол Мадаминжон ҳожи Ҳасановга; иқтисод фанлари доктори, собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Тинчликни ҳимоя қилиш қўмиталари ишида муфтий Бобохоновларга сафдош бўлиб ишлаган Миргиёс Зоидовга; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, дипломат Ҳошим Раҳимовга; академик Иброҳимжон Искандаровга; фалсафа фанлари доктори, профессор Сайдмуҳтор Сайдқосимовга; ҳуқуқшунослик фанлари докторлари, профессорлар Акмал Сайдов ва






Қулмуҳаммад Мирзажоновга; тарих фанлари доктори, дипломат Самандар Қаландаровга; иқтисод фанлари доктори, профессор Марс Муракаевга; фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тўлагановга; тарих фанлари номзодлари Ўзбекхон Рустамов, Омон Ҳотамовга (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин); “Ҳазрати Имом” маҷалласида бобомнинг собиқ қўшниси, Ўзбекистон Республикаси “Нуроний” жамгармаси раиси Эркин Боқибоевга; сулола вакиллари Анисаҳон Мирзаевага, Мухлисаҳон Зиёвуддиновага ва унинг ўғли Нозимхонга, Сироҗиддинхон Бобоевга, Муҳаммад Рашодхон ва Муҳаммад Ризоҳон Бобохоновларга, Тилла Шайх бобонинг аваралари Абдулла Курбонович Нўймоновга, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”, техника фанлари доктори Жасур Қулмуҳамедовга ва Боту Фотиҳович Шайховга, тадқиқотчи Асқар ҳожи Обидовга, хаттот Ҳабибулло Солиҳга, қариндошларим тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдукарим Усмонхўжаевга, Фатҳиддин Зиёвуддиновга (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин), Шухрат Нусратовга, Хайруллахон Убайдуллаевга, Адибхон Умаровга, Дилшодхон Сайджалоловга, сингилларим Сироҗияхон, Гулчехрахон ва Эмирахонларга, укам Муҳаммад Роғигхонга, Шароғиддинхон ва Муҳаммад Сафоҳон Зайнуддиновларга, тадбиркор дўстим Сайфулла Азизовга (Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) ва катта сулоламизнинг кўплаб содик дўстлари ҳамда яқинларига менга бегараз дўстона маънавий-моддий ёрдам кўрсатгандарни учун миннатдорлик изҳор этаман ва Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳдан уларни мукофотлашини иатижо қиласман.

Ушбу китобни қайта-қайта кўздан кечириб, эътиборли фикр мулоҳазалар билдирган биродарларим фаҳих, шайх Абдулазиз Мансурга, филология фанлари доктори, профессор Нўймон Раҳимжоновга, тарих фанлари доктори, профессор Сайдакбар Аъзамхўжаевга, тарих фанлари доктори, профессор Жаводиллахон Ибодовга, Султонумурод Олимга самимий миннатдорлигимни билдираман.





Уч муфтийлар хотирасига эҳтиром кўрсатишгани ва уларга доир материаллар топиб бергани учун Бухоро вилояти Бош имом-хатиби Абдулғафур Рассоқ Бухорийга ҳамда бухоролик Адҳаммирзо Ҳусаиновга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳар томонлама оғаларча ёрдами ва хайрҳоҳлиги учун Қозогистон Бош муфтийи, академик Абдусаттор ҳожи Дербисалига, унинг ўринбосари, шайхулислом Мұҳаммад Ҳусайн ҳожи Алсабековга, “Сайрам” музейи директори, Қозогистон журналистлар уюшмаси аъзоси, профессор Мираҳмад Мирхолдоровга, Чимкент вилояти собиқ имом-хатиби Шукрулло ҳожига (Аллоҳ Ўз раҳматига олган бўлсин), Жанубий Қозогистон ўзбек маданияти маркази раиси, Қозогистон журналистлар уюшмаси аъзоси Икромжон Ҳошимхоновга, Қозогистон халқлари уюшмаси эксперти Сайд Турсунметовга самимий миннатдорлик саломимни йўллайман.

Тошкентлик адаб, публицист Абдуқаҳдор Иброҳимовга, россиялик журналист ва маданиятшунос Жаннат Сергей Маркусга ижодида, хайрли ишларида Аллоҳ таоло юксак илҳом ва ютуқлар ато этсин. Уларнинг Бобохоновлар сулоласи уч муфтийи ҳаёти ва фаолияти, муфтийлар анъаналарининг давомчилари олиб бораётган ишлар, уларнинг шогирдлари фаолиятига доир ёрқин сұхбат ва хужкатли лавҳалари ҳамма жойда табиий қизиқиш ва мунозараларга сабаб бўлди.

Аллоҳнинг иродаси билан тадқиқотчи, ҳар ерда, ҳар куни савоб йўлида яхшилик қилиш истагида бўлган Анвармирзо Ҳусаинов, Россиянинг таниқли дин арбоблари – Уламолар Кенгashi раиси Умар ҳазрат Идрисов, Ҳусайн Файзхонов номидаги Ислом тадқиқотлари институти директори Дамир Мухитдиновга собиқ Иттифоқда мусулмонлар диний ҳистийгуларини уйғотиш, Ислом динига ишонч-эътиқодни тиклаш ишига Бобохоновлар сулоласи уч муфтийи қўшган тарихий ҳисса саломогини англаб, муфтийлар хотирасини абадийлаштиришда, маънавий-ахлоқий, интеллектуал, маърифатчилик меросини ўрганишда, умумлаштиришда,





тарғиб этишда сулола вакиллари билан ҳамкорлик қилишганига самимий миннатдорлик билдираман.

Бобохоновлар сулоласи муфтийларининг диний-ахлоқий меросини қадрлагани, уларнинг сўзи ва амалий ишларини Ўзбекистон ва Қозогистонда кенг тарғиб этгани учун “Sharq ayoli” ҳалқаро хотин-қизлар жамоатчилик жамгармаси раисаси Саодат Гофуровна Турсунбоевага, “Шығыс айелдери” хотин-қизлар ҳалқаро жамгармаси президенти Соғила Жетпусовна Алдибергановага, вице-президенти Алима Махановна Содиқовага ҳам миннатдорлик изҳор қиласман.

Азиз китобхон! Бу китобни дикқат билан ўқисангиз, Худо хоҳласа, Евроосиё кенгликларида исломнинг энг янги тарихи, олим ва уламоларининг машаққатли ҳаёти, қаҳрамонларча саъӣ-ҳаракатлари, мустақил Ўзбекистонда муқаддас динимиз ривожи ва мусулмонларга берилган эркинликлар тӯғрисида кўп қизиқарли маълумотлар оласиз. Динимизни, мусулмонлар манбаатини даҳрий коммунистлар ҳукмронлиги даврида муносиб тарзда ҳимоя этган боболаримиз ва уларнинг сафдошлари ҳақига яхши дуолар қиласиз деган умиддаман.

Ушбу китобдаги суратлар шарҳи ва матнда айрим камчиликларга йўл қўйган бўлсам, аввалдан кечирим сўрайман.

Ушбу китобнинг шакли ва мазмуни бўйича фикр-мулоҳазаларингизни, таклиф-истакларингизни билдирангиз, беҳад хурсанд бўлардим. Агар ўзингизда, қавму қариндошларингизда, яқинларингизда, муфтийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги, қизиқарли маълумот бўлса, ушбу манзилга жўнатишишингизни илтимос қиласман:

100128, Тошкент, Марказ-13, 39-уй, 5-хонадон.
E-mail: 3373016a@mail.ru

Эҳтиром ила муаллиф

БИБЛИОГРАФИЯ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент, 1997.
2. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Тарих – маънавият-маърифат. (Тошкент, Ўзбекистон, 1998, 480 б.)
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
4. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда, Тошкент, 1999.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008, 160 б.
6. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига багишланган тантинали маросимдаги табрик сўзи. Халқ сўзи, №171, 1.09.2010 й.
8. Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳи лугати. Хўжанд, Раҳим Жалил номидаги нашриёт, 1997 й.
9. Абдулгафур Рассоқ Бухорий. Тариқатга йўлланма. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2003.
10. Адиан Октар. Чудо Корана. – Москва: ИД “Культура Паблишинг”, 2006. 394-406 б.
11. Арапов Д., Косач Г. Ислам и мусульмане по материалам Восточного отдела ОГПУ 1926 год. – Нижний Новгород: ИД “Медина”, 2007.
12. Америка мусулмонлари. АҚШ давлат департаменти/Халқаро ахборот дастурлари бюроси, 2009.
13. Ахмедов А. Ислам в современной идеально-политической борьбе, Москва, 1985.

14. Бобохонова С. Бир ярим аср дин хизматида. Ҳидоят журнали №10, 2006, 8 б.
15. Бобохонов Ш.З., Абдулазиз Мансур. *Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фикристи*. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 1993.
16. Бобохонов Ш.З. *Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон*, – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001.
17. Бобохонов Ш.З. *Мусулмонлик асослари*, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993.
18. Бобохонов Ш.З. *Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами*.
19. Бобохонов Ш.З. *Муфтий Зиёвуддинхан ибн Эшон Бобохон*, Тошкент, ЎзМЭ, 1999.
20. Ибодов Ж.Х. О математических рукописях из библиотеки САДУМ (математика на средневековом Востоке. Ташкент, Фан, 1978. 154-160 б..
21. Ибодов Ж.Х. *Марказий осиёлик шарқшунос олимлар*. Тошкент, 1996.
22. Ибодов Ж.Х., Матвиевская Г.П. *Аҳмад ал-Фарғонийнинг риёзиёт ва фалакиёт тарихидаги ўрни*. Тошкент, Истиқлол, 1998.
- 23.Ибодов Ж.Х. *Үйгониши даври. IX–XVI асрларда Марказий Осиё олимларининг фалсафий қарашлари ва аниқ фанлар соҳасидаги кашифийлари*. Тошкент, 2009.
24. Идрисов У.Ю. “20 лет служения имамом. Бухарские воспоминания”. ИД “Медина” Нижний Новгород, 2007.
25. Исмоил Маҳдум “Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи” (Тошкент, 1971й).
26. *Ислам на Нижегородчине, энциклопедический словарь*, ИД “Медина”, 2007.
27. Кулиев Э., Муртазин М. *Ислам*, Москва, ООО ИПЦ Маска, 2009.
28. Ликошин Н.С. “Қомусий лугат”, Тошкент, 1889.

29. Мансур Абдулазиз "Қуръони карим" маъноси араб тилидан ўзбек тилига таржима ва шарҳлар, Тошкент, ТИУ, 2004.
30. Михайлов Ю.А. Пора понимать Коран.
- 31 Мухетдинов Д. Ханафитский мазхаб-история и проблемы развития Евразийский журнал мусульманской мысли. Минарет №3-4, 2009, 79с.
32. Наврӯзова Г. Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби. "Бухоро мавжлари" журнали 3-сон, 2007 йил, 32 б.
33. Нақшбандия илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнал. нишона сони. Бухоро, 2008.
34. Обама Барак Ал-Азҳар университетидаги нутқи (Қоҳира, 4 июль 2009 й.)
35. Порохова В. Коран перевод смысла и комментарии, Центр Аль-Фуркан, Дамаск-Москва, 1995.
36. Рустамов Ў.А. Хотира дафтари мавжуда. Фан, Тошкент, 2008.
37. Содиқова Н. Усмоний Қуръонини Туркистан Республикасига қандай қайтарилганилиги ҳақида, Тошкент, 1978.
38. Силантьев Р.А. Ислам в современной России. Энциклопедия. – М. Алгоритм, 2008.
39. Файзуллаев О. XX аср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим. Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, Тошкент, 2008, 66 б.
40. Гоййназаров Ш. Ҳалқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Тошкент, Ўзбекистон, 2009.
41. Шайх Абдусалом ал-Муборакфурий Имом Ал-Бухорий. ТИУ. Тошкент, 2008.
42. Уватов У. Истиқлонинг буюк неъмати, Имом ал-Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий, Илмий-адабий журнал, 2/2009, 81–84 бетлар.



Халқаро конференциялардаги маъruzалар:

1. Усмонхўжаев А.Х. *Ислам об образовании*. Доклад на международной конференции “Роль общественных организаций в развитии образования”, организаторы: Международная ассоциация “Знание”, Международный женский общественный фонд “Шарк Аёли”, Ташкент, 11 сентября 2007 г.
2. Усмонхўжаев А.Х. *Род муфтиев Бабаевских и его роль в развитии ислама в советской Средней Азии*, доклад на международной исламоведческой научной конференции: “Мир Ислама: История, общество, культура” в РГГУ (Российский государственный гуманитарный университет) Москва, 11-13 декабря 2007 г.
3. Усмонхўжаев А.Х. Доклад на Международной научно-практической конференции “Цивилизационная интеграция: прошлое, настоящее, будущее” на тему “65-летие со дня основания Духовного управления мусульман Средней Азии и Казахстана”. Ноябрь, 2008 г. Нижний Новгород.
4. Усманходжаев А.Х. доклад “Духовная взаимосвязь и общность мусульман Средней Азии и Северного Кавказа: история и перспективы”, на Всероссийской научно-практической конференции посвящённой памяти крупного исламского учёного суфийского шейха Хасан-афанди аль-Кахиби. Махачкала. 21 октября 2010 г.




Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| Сўз боши | 4 |
| 1-боб. Мустақил Ўзбекистонда эътиқоднинг юксалишида Республика Президенти Ислом Каримов томонидан баракатли мұхитлар яратилиши | 7 |
| 1.1. Виждан эркиналиги ва диний ташкилотлар | 7 |
| 1.2. Маънавий мерос ва маданий бойликнинг қайта тикланиши | 11 |
| 1.3. “Ҳазрати Имом” маҳалласи – мусулмонларнинг диний-тарихий маркази | 14 |
| 2-боб. Исломнинг Ўрта Осиёда тарқалиши | 18 |
| 2.1. Ислом тарғиботчилари | 18 |
| 2.2. Абу Ҳанифа мазҳаби ва мактаби | 21 |
| 2.3. Нақшбандия тариқатининг моҳияти..... | 26 |
| 3-боб. Шажара. Эшон Бобохон Ибн Абдулмажидхон.... | 54 |
| 3.1. VIII–IX аср. Ҳазрати Ювошибоб билан Товусбегим | 54 |
| 3.2. Тошкент Эшонлари..... | 57 |
| 3.3. XIX–XX аср. Эшон Бобохон– ислом маърифатчи-ларининг зурриёти. Ҳаётий маслаги. Биринчи ҳаж сафари..... | 65 |
| 3.4. Тасаввуф билимдонлари..... | 69 |
| 4-боб. Шўролар даврида исломга бўлган муносабат | 73 |
| 4.1. Шўроларнинг динга нисбатан сиёсати | 73 |
| 4.2. Тошкентда Ўрта Осиё мусулмонлари диний марказини тузиш ҳаракати бошланиши “Ҳазрати Имом – Хурматли улуғ Имом даҳаси” | 81 |
| 4.3. Москвага сафар. Сталин билан учрашув. | 86 |
| 4.4. Туркистон мусулмонларининг биринчи қурултойи..... | 87 |
| 4.5. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати ташкил этилиши. Фронтга ёрдам уюштириш | 88 |

| | |
|---|------------|
| 4.6. Бухоро – Ислом динининг қувватидир. Ўрта Осиё, Россия ва Кавказ мусулмонлари пешволарининг аҳил-иноқ ва ҳамкор бўлишларининг буюк аҳамияти..... | 93 |
| 4.7. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси халқаро алоқаларининг бошланиши..... | 107 |
| 4.8. Бароқхон мадрасаси – минтақа мусулмонлари маркази. Тилла Шайх ва унинг зурриёти ҳақида. | 111 |
| 4.9. Саксон йиал дин хизматида..... | 117 |
| 4.10. Диний ишлар бўйича Иттифоқ Кенгаши..... | 120 |
| 5-боб. Шайх Зиёвуддинхон Ибн Эшон Бобохон | 130 |
| 5.1. Чуқур билимлар ҳаётда мустаҳкам таянчdir | 130 |
| 5.2. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон – Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг янги етакчиси | 141 |
| 5.3. Халқаро диналаро учрашувларининг ташкилотчиси ва иштирокчиси..... | 147 |
| 5.4. Имом Мұҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий..... | 171 |
| 5.5. Буюк Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги | 180 |
| 5.6. Ҳижрий XV асрнинг бошланиши – милодий 1980 йил | 189 |
| 5.7. Ислом Зиёси | 200 |
| 6-боб. Шамсиiddинхон Бобохонов | 207 |
| 6.1. Шамсиiddинхон Бобохонов – олим, илоҳиётчи, дипломат..... | 207 |
| 6.2. Бутун умр халқи учун яшади! | 220 |
| 6.3. Устоз ва шогирднинг ҳамкорликдаги фаолияти | 228 |
| 7-боб. Муқаддас Қуръони карим..... | 231 |
| 7.1. Мусҳафи Усмонийнинг Мовароуннаҳр ўлкасига олиб келиниши..... | 231 |
| 7.2. Шўролар даврида Қуръони каримнинг кўп минг нусхада нашр этилиши | 238 |

| | |
|--|------------|
| 7.3. Куръони карим тўгрисида жаҳондаги таниқди олимларнинг фикрлари | 240 |
| 7.4. Куръони каримни билиш – дунё халқлари иттифоқлигининг кафолатидир..... | 244 |
| 7.5. Эътиқод бизларни бирлаштириши керак. Дунё халқлари биргаликда тинчликда яшашлари мумкин. | 246 |
| 8-боб. Муфтий Бобохоновларнинг жаҳондаги давлат раҳбарлари, дин ва жамоат арбоблари билан учрашувлари..... | 270 |
| 9-боб. Хотиралар..... | 274 |
| 9.1. Дунё дин арбоблари муфтийлар ҳақида | 275 |
| 9.2. Давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, дипломатлар ва ватандошларнинг муфтийлар билан учрашуви тўгрисида | 280 |
| 9.3. Шогирдлар ўз Устозлари ҳақида..... | 303 |
| 9.4. Порлоқ хотиралар тажассуми..... | 317 |
| 10-боб. Муфтийлар берган фатволардан намуналар | 325 |
| 10.1. Ўзига ўзи сунқасд қилишнинг оғир гуноҳ эканалиги ҳақида | 325 |
| 10.2. Соҳта табиблар, фолбинлар, ауохон ва азайимхоналар тўгрисида..... | 329 |
| 11-боб. Муфтийларнинг оилавий ҳаётидан | 334 |
| 11.1. Сулола давомчилари ҳақида | 334 |
| 11.2. Сафияхон ҳожи ая Бобохоновлар сулоласининг нуроний онахони..... | 338 |
| Хотима ўрнида..... | 352 |
| Сўнг сўз ўрнида..... | 356 |
| Библиография | 361 |



АМИРСАИДХОН
УСМОНХЎЖАЕВ

ДИНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

Ношир: О. Раҳимов
Муҳаррир: Б. Эралиев
Техник муҳаррир: Б. Ашурров
Мусаддиқ: У. Иносонбоеva
Дизайнер-саҳифаловчи: И. Караджаев

Нашриёт лицензияси AI № 093, 2007 й. Босишга 2010 йил 12 октябрда
руҳсат этилди. Биҳими 84x108 ½. Офсет босма усулида босилди. Офсет
қозози. Шартлай б.т. 19,32 + 5,04 рангли вкл. Нашр т. 21,0 + 6,0 рангли вкл.
Адади 5000 дона. Буюртма № 6. Баҳоси шартнома асосида.

Китобнинг оригинал-макети “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмасида тайёрланиб, муқова, форзац
ва ичидаги рангли, оқ-қора расмлари чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

Китобнинг ичидаги оқ-қора матнлари Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигининг “O'qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилиб, муқоваланди. Буюртма № 10-11
Тошкент, Юнусобод дахаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

